

# ЖУМАНИЁЗ ЖАББОРОВ

---

САЙЛАНМА

ИККИ ЖИЛДЛИК  
ИККИНЧИ ЖИЛД

ШЕЪРЛАР  
ДОСТОНЛАР  
ПЪЕСАЛАР

Тошкент

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти  
1981

Уз  
Ж 13

Д  $\frac{70403 - 152}{M352(04) - 81}$  44-81 4702057020

# ЙИЛЛАР ДАФТАРИДАН

---





## ТУНҒИЧ

Кечагидай эсимда ҳали  
Сен туғилган ўша нурли кун.  
Боғлар жимжит бўлган маҳали,  
Атроф қуёш қўйнида бутун.

Туғруқхона менинг кўзимга  
Ҳар нарсадан кўринар азиз.  
Хурсандликдан йўқман ўзимда,  
Юрак тепар нотинч, сабрсиз.  
Юзларимда қувонч, табассум,  
У ён-бу ён юриб турибман.  
Қизми, ўғил? Ҳали номаълум.  
Лекин сени кўриб турибман.  
Беихтиёр қандайдир гурур  
Вужудимга бўлган ҳукмрон.  
Гўё ортмиш кўзларимда нур,  
Ҳузуримда янги бир жаҳон.  
Одамларга кулиб қарайман,  
Қутлагандек бўлади ҳамма.  
Билиб туриб, вақтни сўрайман,  
Яна юриб... худди шу дамда  
Кимдир ортдан чақирди бирдан:  
— Табриклайман ўғилча билан!  
Кулиб турар қувноқ ҳамшира,  
Сўз тополмай қолибман сира...

— Раҳмат,— дейман, ҳовриқар юрак,—  
Кулиб турар ҳамшира ҳамон.  
Шундай пайтда «Раҳмат»дан бўлак  
Сўз тополмай қолишинг ёмон.

*1952*

## ТҮРТЛАР ҚИССАСИ

*Океан галаёнини енгган тўрт совет солдагига*

Бу тўртлар журъати,  
Бу мардлар журъати  
Ақллар, қалбларни тамом этди лол.  
Беомон тўфонлар  
Даҳшати, суръати  
Уларнинг тизиди бўлди поймол.

Океан сарҳадсиз,  
Океан шафқатсиз,  
Қирқ тўққиз туну кун қилди имтиҳон.  
Тўрт йигит букмасдан  
Офатга асло тиз,  
Турдилар зич сафда далил. ёнма-ён.

Турдилар ҳайиқмай,  
Оддий бир қайиқда.  
Мисоли чўяндан қуйилган бир қоя.  
Бу тубсиз ўпқонда,  
Ҳудудсиз ёйиқда  
Улимни ўлдирмоқ — шу бўлди зўр гоё.

Бўронлар қутурди,  
Аждардай югурди,  
Комини кенг очиб ажал ташланди.  
Бир қадам тисланмай,  
Тўрт ботир тик турди,

Ё ҳаёт ё мамот жанги бошланди.  
Ҳам очлик, чанқоқлик,  
Ҳам довул чақмоқлик  
Чарх урди қийқириб уларнинг устида.  
Гарчи тан мажолсиз,  
Йиқилмоқ — қўрқоқлик,  
Мустаҳкам турдилар она-юрт постида.

Кўзларда жасорат,  
Дилларда садоқат,  
Бурда нон, қултум сув ўртада баҳам.  
Ватаним! Меҳрингдир,  
Бу мардлик, бу тоқат,  
Ўғиллар қизартмас юзингни ўлса ҳам!

*1960*



## ЭРК ОРОЛИ

Узоқ океанда кичик бир орол,  
Океан кўз бўлса у қорачиғи.  
Эрк учун туғилган бўлмайди қарол,  
Шундандир Кубанинг шаъни, доврўғи.  
Нечун мен бу қадар сезаман яқин  
Йироқ мавжлар оша тушган диёрни.  
У олис заминда борми бир ҳақим,  
Ё кўнгил узолмас қардошим борми?  
Нечун юрагимга туғён солар у,  
Ғазаби кўзимда чақнатар ғазаб.  
Шодлиги шодлигим бўлиб қолару  
Дарду ташвишига шерикдир асаб.  
Кўрмадим Гавана кўчаларини,  
Сьерра тоғига чиққаним ҳам йўқ,  
Аммоки жанубий кечаларини,  
Кундузларини ҳис этаман тўлиқ.  
Гулхандай оташин рақслари бор,  
Куйлари жилғадай майин, оҳангдор —  
Саҳнамда кўрганман ва тинглаганман,  
Шундан  
Кичик, аммо буюк бу диёр  
Халқини, қалбини хўп англаганман.  
Мулат биродарлар офтобда пишиб,  
Узлари қуйишар ўз саодатин.  
Елда тўлқинлаб шакарқамиши,  
Намоён қилади ер саховатин.

Баъзан учиб қолар бошида калхат,  
Дарғазабдир бахил, бадавлат қўшни.  
Бир жангчидек орол кўтараркан қад,  
Кўрасан миллионча қўлдан уюшган  
Зарбага тап-тайёр қудратли муштни.  
Куба ана шундай буюк диёрдир,  
Шу сабаб қалбида ловуллар офтоб,  
Агарчи жонингдан умидинг бордир,  
Кубага қўлингни кўтарма, жаноб!

*1962*

## БИРЛИК

Мумтоз бир тақдирдир ҳар битта киши,  
Ўз ҳаёт йўли бор, ўз тарихи бор.  
Мақсади, меҳнати, яхшилик иши  
Улкан қоялардай турар сервиқор.

Темир мурват эмас инсоннинг қалби,  
Бир қолипдан кўчган ғишт эмасдир ё.  
У чексиз, терандир океан каби,  
Кенглик, буюкликда худди бир дунё.

Ўз оҳанги бўлар, ўз ранги бўлар,  
Бордир ўз сўқмоғи ва равон йўли.  
У абадий бўлар, у мангу бўлар,  
Олис фазоларда кезади қўли.

Миллионча дилларнинг қудрати, нури  
Акс этиб ётади ҳар бир юракда.  
Миллионча инсоннинг фикри, шуури  
Тантана қилади яхши тилакда.

Гарчанд ҳар бир инсон ўзи бир тарих,  
Аммо бирликдадир қудрати, кучи.  
Мен шундай инсонни этаман таъриф,  
Умрим бағишлайман шу бирлик учун!

1963

# АЁЛ ҚАЛБИ ҲАҚИДА ШЕЪРЛАР

## I

Қалбимизда унган абадий кўклам  
Бизга доно аёл ёрлигидандир.  
Балки бу дунёнинг гўзаллиги ҳам  
Дунёда аёллар борлигидандир.

## 2

Онани қуёшга этаман қиёс,  
Аммо она меҳри ундан зиёддир.  
Офтоб-ку оламни яратгани рост,  
Она — бу одамни яратган зотдир.

## 3

Аёл қалби нозик гул япроғидан,  
Аёл қалби буюк Памир тоғидан,  
Севгиси дилларда яратар баҳор,  
Ғазаби ўтлидир кўк чақмоғидан.

## 4

Осон эмас аёл қалбига кириш,  
Қирдингми чинакам ишқига эриш.  
Муз — совуқ бир сўздан етмасин озор,  
Билки, тиклаш. мушкул, ўнғай емириш.

Зулмат фазоларда учганда инсон,  
Ер қаъридан конлар қазиганда ё,  
Диёр ва ёр меҳри қалбига ҳар он  
Тўлдириб туради мардлик ва зиё.

*1963*

## ВОДИЙЛАРДА КЕЗАДИ БАҲОР

Май — баҳорнинг бебаҳо қизи,  
Водийларда қадам ташлар шўх.  
Офтобдан юзи қирмизи,  
Лолалардан юрагида чўғ.

Кулгилари — тоғ шалоласи,  
Ёмғир сочиб қилади ҳазил.  
Нафасида тонг шаббодаси,  
Атир бўйин сочар муттасил.

Сой, ирмоқлар — томири бўлса,  
Баланд кўксин эслатади тоғ.  
Гоҳ шодликдан жаранглаб кулса,  
Гоҳ жаҳлидан чақнайди чақмоқ.

Бошга ўраб яшил рўмолин,  
Уфқларни яшиллантирар.  
Табиатнинг етук камолин  
Яна етук шакллантирар.

Ухшаб кетар одамга кўклам,  
Одам каби қалби кенг, гўзал.  
Гоҳ кўзида пайдо бўлса нам,  
Гоҳ тилидан учади ғазал.

Деҳқон каби меҳнаткашдир у.  
Уруғ тикиб, гул ўстиради.

Юрагида бир дунё орзу,  
Ёқтирмайди ланжу сусларни.

Ишчи каби мускул тўла куч,  
Инсон учун, бахт учун ишлар.  
Севги, севинч, кураш ҳамда бурч,  
Меҳнат билан элни олқишлар.

Тиним билмас у мисли олим,  
Олам кўркин кашф этиб толмас.  
Гўзалликка қалби лиммо-лим,  
Ярқиллайди фикрлар — олмос.

Шоир каби завқ билан юрар,  
Одам учун қилар яхшилик.  
Достонлари рангланиб турар  
Регистоннинг сўнмас нақшидек.

Кўнгилларга бахш этдинг жило,  
Ҳаёт қайнар шаҳру даламда.  
Баҳор, сенга дилдан тасанно,  
Бизга ёрсан ҳар бир қадамда.

Сен — ошиқлар қалбин туғёни,  
Ойдин тунинг — висолга маскан...  
Мангу баҳор қучгай дунёни,  
Шудир бизнинг энг асил мақсад!

1965

## ФАСЛАР

Ажаб қизиқ инсоннинг таъби,  
Тўрт фаслни тўрт хил қаршилар.  
Ҳаммасининг бордир сабаби,  
Сабабини айтган яхшилар.

Тўрт фасл — бу энг асил шеърнинг  
Тўрт сатридай чамбарчас боғлиқ.  
Тўрт фасл — бу тўрт ёни Ернинг,  
Жануб, Шимол, Ғарбу Шарқ янглиғ.

Соғинамиз қишда баҳорни,  
Қор уфуриб елганда аёз.  
Баҳорда-чи, бор ихтиёрни  
Қўлга олиб, имлаб турар ёз.

Деймиз, баҳор ёшлик, гул фасли  
Ёзни деймиз нурли офтоб.  
Бир-биридан ортиқ эмасми?!—  
Дея жўшқин қиламиз хитоб.

Ёзда хушлаб қоламиз кузни,  
Меваларнинг хумори тутиб...  
Куз товланиб олади кўзни,  
Оқ олтинлар мавжида кутиб.



Яна қишни қўзғар хотира,  
Биз қўмсаймиз қорнинг оқлигин.  
Айтинг, босиб бўлгайми сира  
Дилда ҳаёт, ишқ чанқоқлигин!

*1966*

Гердайиб югурар кичик ирмоқча,  
Ўзин шовқинидан ўзи бўлиб маст.  
Кўпириб кўксини урар қирғоққа,  
Ёндош, зўр дарёни назарга илмас.

Кўлу денгиз унга қарам, наздида,  
Баҳайбат уммонлар қилгудай таъзим.  
Юлдузу қуёш ҳам, ҳатто баъзида  
Унга тиз чўккандай инсони азим.

Гупирар: «Мен ҳаёт нажоти ёлғиз,  
Қатрайи замзамман, тириклик бахти.  
Менинг қудратимдир экинзор, анғиз,  
Мендан баҳра олар олам дарахти.

Кўринг: мендай шўхлик дарёда қайда,  
Лол бўлар қаршимда Аму билан Сир.  
Ростини айтганда, мен бўлган жойда  
Унча-мунча дарё бари бетаъсир.

Ранг менда, куй менда, борлигим қўшиқ,  
Табиат маҳлиё ҳар қадамимга.  
Мавжларим сержило, ҳар лаҳза жўшиб,  
Асал қўшилади асал таъмимга.

Менман табиатнинг биллур ойнаси,  
Бу ёруғ дунёнинг мен кўрар кўзи!..»

Ўттиз чақиримга бормай пойгаси,  
Қуриб қолганини сезмайди ўзи.

Дарё-чи, мақтанмай оқар йўлидан,  
Катта меҳнатини кўз-кўз қилмайди.  
Минг ирмоқ қудрати келар қўлидан,  
Бир айби: кеккайиш нима — билмайди.

1966

Ойдин,  
 Фароғатли, осуда бир тун  
 Боғ ухлар,  
 Булбуллар тонгни кутади.  
 Тераклар осмонга бўлгандай устун,  
 Ойга, юлдузларга елка тутуди.  
 Худди нозли шарпа  
 Ё ширин тушдай  
 Оқ ҳарир либосда келинчак кеча  
 Боғ ичра айланиб юрар оққушдай,  
 Сувлар живиллайди,  
 Уйқуда ғунча.  
 Шундай тун висолнинг навбати етиб,  
 Не ажаб, ошиқлар дилдан сирлашса,  
 Мангу йўлдошликка аҳд-паймон этиб,  
 Чўғ-чанқоқ лаблари бир дам бирлашса.  
 Уйқуни бадарға этиб, оламнинг  
 Пинҳон сирларига соламан қулоқ.  
 Сўнгра пичирлашин тинглаб қаламнинг.  
 Тонггача шеър билан қоламан уйғоқ.

1966

## ГУЗАЛЛИК ВА УҚ

Кенг ўтлоқда — бедазор ичра  
Ўтлар эди кўркам қирғовул.  
Шабнамларни мириқиб ичар,  
Ичар қишда барглар қировин.

Файз берарди далаларга у,  
Тўп-тўп қилиб очарди бола.  
Парларида етти хил ёғду,  
Гўё баҳор очилган лола.

Гоҳ париллаб учиб-қўнарди,  
Гоҳ чиқарди беда ғарамга.  
Уни кўрган кўз қувонарди,  
Дуч келгандай худди байрамга.

Даламизга у эди чирой,  
Юракларга завқ бағишларди.  
Шафақлардай эди рангга бой,  
Ором эди шўх балқишлари.

Бир кун тонгда янгради милтиқ,  
Қарсиллади беаёв бир ўқ.  
Кўкрагига қадалди-да тиғ,  
Зумда ўлди ўша тустовуқ.

Бошқа ишда юришмай авжи,  
Битта ошнам бўлганди овчи.  
Ўқни ўша янграган эди,  
Гўзалликни у отган эди.

*1967*

Дараларни кезди кун бўйи,  
Қалбин очди унга чўққилар.  
Ором берди шоввалар куйи,  
Саҳифадай барглар ўқилар.

Дов-дарахтнинг яшил гулхани  
Бўёғидан сўрар мангулик.  
Лолаларнинг майин кулгани  
Эшитилди шеър жарангидек.

Сурмаранг кўк, шафақ байроғи,  
Бургутларга манзилгоҳ қоя,  
Яғринли қир, дарё қирғоғи  
Пешвоз чиқиб, сўзлар ҳикоя.

Кўнглидагин айтиб чашмалар  
Минг кўз билан боқишар хурсанд.  
Тошлар — илиқ сўзга ташналар  
Хаёлларин тамом этар банд.

Туманларнинг ҳарир пардаси,  
Шамол айтган жўшқин нақллар,  
Булутдаги қуёш зарраси,  
Унгирдаги олтин чақинлар.

Бари зеҳн оинасида  
Бир лаҳзада бўлади-да, жам,

Етмиш рангнинг жозибасидан  
Барқ уради санъатда кўклам.

Гўзалликка ҳайкал ўрнатиб,  
Юрагини у тўкиб солар.  
Абадият сирий ўргатиб,  
Чўққиларга яна йўл олар.

*1967*



Булутлар тўп отар устма-уст, оғир,  
Тарновдан қуйгандай қуйилар ёмғир

Кўча тўлиб кетган кумуш пуфакка,  
Ўзин олганди эл пана-бурчакка.

Бузмай парвосини шунча айқин сув,  
Кўчадан ўтарди аммо бир сулув.

Тўзгиган сочларин бармоқ-ла тузаб,  
Юзи шабнам тўла гулбаргга ўхшаб,

Чиппа ёпишса-да, кўйлак баданга,  
Шошилмай борарди денгиз томонга.

Не жабр экан?— деб, эл бўлар ҳайрон,  
Шамоллаб қолмаса... ахир, иссиқ жон.

Бош чайқаб кексалар нотинч қарарди,  
Қиз эса қирғоққа дадил борарди.

Бемалол ечинди, йиғирди сочин,  
Сўнгра ёя кетди сувда қулочин.

Денгизни қамчилаб ёмғир ёғарди,  
Булутлар қарсиллаб чақмоқ чақарди,

Табиат қиларди беҳад бебошлик...  
Кимдир биров деди: «Ёшлик-да ёшлик».

**1967**

## ЗАФАР ҚЎШИҒИ

Эл муборакбод этар, юртим, бугун шонингни ҳам,  
Бу шараф-шонинг яратган ишчи-деҳқонингни ҳам.

Зарра-зарра зар йиғиб, Помирдан оширдинг бугун,  
Водийлар бағридан унган нурли хирмонингни  
ҳам.

Ўзбекистон дурлари порлаб, чароғон этдилар,  
Бу улуғ байрам наҳору еру осмонингни ҳам.

Неча тарих қайд этур ушбу зафарни зар билан,  
Бунчалар олижаноблик, бунча эҳсонингни ҳам.

Қизларингнинг доврўғидан ифтихор этгай дилим,  
Ҳамда табрик айлагайман қанча ўғлонингни ҳам.

Мен диёрим тупроғин кўзларга суртсам,  
бахтлиман,  
Тўтиё қилғум булоқдек қайнаган конингни ҳам.

Сен ижод уфқида парвоз айласанг, халқим, бугун,  
Биз муборакбод этурмиз бахтли давронингни ҳам.

Қаҳратон қаҳрин кесиб, тошқинга кўксинг тоғ  
этиб,  
Сен намоён айладинг куч бирла имконингни ҳам.

Серқуёш ўлкам, сени ушбу шеъримда куйладим,  
Ёзажакман вақт етиб, албатта, достонингни ҳам.

1968

Калькуттада,  
Тагор хонадонида  
Кўрдим Навойни — ўзбек китобин.  
Шеъримиз янграрди Ганг осмонида,  
Ёйиб қардошликнинг эзгу хитобин.  
Ўзбекнинг уйида Тагор каломи  
Жаранглаб туришин эсладим шу чоқ:  
Гўёки дўстликнинг қизгин саломи,  
Гўёки дўстларга очилган қучоқ.  
Босиб абадият масофаларин,  
Дилларга йўл топиб борар яхши сўз.  
Ундан инсон қалби мусаффолашиб,  
Тўнган булоқда ҳам ярқ очилар кўз.

1969

Қор бу қиш белдан ёғиб, оламни оппоқ айлади,  
Кўча, майдонларда хирмонлар уйиб, тоғ айлади.

Сирпаниб шох ташлагай ҳар кимки бўлмас эҳтиёт,  
Шўху шаддод кўп гўдаклар кайфини чоғ айлади.

Изгириндан ҳуд анордек қип-қизарди чеҳралар,  
Яъни хушрўйлар ёноғин лола байроқ айлади.

Дов-дарахтлар энгашиб, бурканди парқу  
Кийди-ю қордан этик ҳам қорни қалпоқ айлади. пўстинин,

Бунчалик мўл-кўл шакарни қайдин олди осмон?  
Ё табиат ун элай деб супра-ўқлоқ айлади.

Ях соқол бўлди бўғотлар, уй-бинолар боши оқ,  
Мўрилар тинмай чекиб, соғ ўпкасин доғ айлади.

Ё момиқлардан гилам тўқишми қишнинг санъати,  
Тола-тола қор эшиб ўриш-ла арқоқ айлади.

Ё ўрикнинг гуллари тутди жаҳоннинг уфқини,  
Пахтазор ё барқ уриб, борлиқни бодроқ айлади.

Е нишолда, ё қимиздир, иштаҳа қўзғар кўриб,  
Сут қозондай бўлди ер, офтобни сарёғ айлади. .

Қорни мадҳ этмоқ бўлиб, йўнди қалам  
шеърбозлар,  
Бир неча дафтар тўлиб, арузу бармоқ айлади.

1969

## И Л М

Бошимни эгаман  
илм қаршисида,  
Йигирманчи аср — илм замони.  
Уммон долғасидек ҳар қалқишида  
Шифтдай яқин қилар ҳатто самони.

Кўп нарсалар аниқ,  
кўп муаммо ҳал,  
Аттор сандиғидай очилди борлиқ.  
Дурбинлар учида Зухрою Зуҳал,  
Қанча мўъжизалар у билан боғлиқ.

Ернинг қалбин тинглар:  
олис юлдузнинг  
Феълу атворини билади зумда.  
Оташ қирраларин касб этиб музнинг,  
Олтин ундиради азалий қумда.

Ҳар нарсага қодир,  
шиддатли ақл  
Пишиқ кўтаради андозасини,  
Фикрлар ёришиб мисоли чақин  
Очар тилсимотлар дарвозасини.

Бу куч уюшмаси — тенгсиз бир ҳикмат,  
Оламни лаҳзада ўрайди гулга.  
Агар ёвузликка қилса у хизмат,  
Ерни айлантитар бир сиқим кулга.

*1970*



## ИШЧИ СЎЗИ

Мен ишчиман,  
Мен ғиштчиман,  
Бу ҳаётга туб асос.  
Касблараро биринчиман,  
Темирчиман, кемасоз.  
Мен Зевсдан юлқдим олов,  
Ғарчанд ҳолим бўлди танг.  
Кова бўлиб, тутдим ялов,  
Зулмат билан қилдим жанг.  
Мих ясадим,  
Сих ясадим,  
Ҳамиша боқдим олға.  
Қадимийдир касб, насабим,  
Қуролим сандон, болға,  
Асрларнинг чанги аро  
Кўринар илк аждодим.  
Билсанг, дўстим, ёруғ дунё  
Асли менинг ижодим.  
Қанча қилич, қалқон созлаб,  
Ўроқ, теша пешладим.  
Қанча сарой, уй пардозлаб,  
Минг йилларча ишладим.  
Ёнсин дедим мангу чироқ,  
Қурдим тўғон ва работ.  
Фарҳод бўлиб қазидим тоғ...  
Замон этди лек барбод.

Бинокорман,  
Моғорадан  
Кошоналар яратган,  
Билак кучин, маҳоратин  
Эзгуликка қаратган.  
Менга тизгин урди давр,  
Ясадим ўқ-қуроллар.  
Эвазига кўрдим жабр,  
Эзди шоҳлар, қироллар.  
Мен парвозга бўлганда шай,  
Қирқдилар қанотимни.  
Оздим, тўздим... лек бўйсунмай  
Бошладим ҳаётимни.  
Чунки менинг мускулимда  
Азамат куч бор эди,  
Шундай оғир мушкулимда  
Қасос ва ўч ёр эди.  
Елғиз эдим, синф бўлдим,  
Қатрадан бўлдим дарё.  
Минг тирилдим, минг бор ўлдим  
Ва яна бўлдим пайдо.  
Иродамга бўлганди жам  
Уммонлар ғалаёни.  
Тайёр эдим портлашга ҳам  
Ендириб ер — самони...  
Шунда буюк, чўнг бир инсон  
Дадил тутди қўлимни.  
Менга қудрат этди эҳсон  
Ва кўрсатди йўлимни.  
Унинг номи — Улуғ Ленин,  
У, қалбимни англади.  
У, англади ишчи феълин,  
Юрагим жаранглади.  
Мен уюшдим пўлат муштга,  
Дилимга тўлди ёғду.  
Эски, чиркин, зах турмушга

Қарши тик бошлади у.  
Мен ғазабим кўрасида  
Парчинлаб тожу тахтни,  
Мажруҳ, бу ер куррасида  
Барқарор этдим бахтни.

\* \* \*

Ёруғ замон, омон-омон,  
Буюк, беҳад бу Ватан,  
Билсанг, дўстим, ошпа-осон,  
Яралмади дафъатан.  
Минг-минг насл ардоқлади,  
Уни юрак қаърида.  
Шу сабабдан ярақлади  
Бугун замон бағрида.  
Бу парвозлар, нурхоналар,  
Бу тўкинлик, бу иқбол,  
Мармар сийна кошоналар,  
Озод нафас, эрк, иқбол —  
Бари кураш, ҳаяжонлар,  
Туғёнлардан туғилди.  
Миллион-миллион азиз жонлар.  
Кўз нуридан йўғрилди.  
Деҳқон менинг битта иним,  
Бир иним эса олим.  
Биз учовлон билмай тиним  
Яратдик юрт иқболин.  
Уфқларга шуъла сочиб,  
Гуркираган бу диёр.  
Истиқболга кўксин очиб,  
Қадам ташлар бахтиёр.  
Дунёдаги миллион-миллион  
Ҳамкасб борар изимдан.  
Мен биламан, мазлум жаҳон  
Чиқмас кураш измидан.

Мен ишчиман,  
Мен ғиштчиман,  
Бу ҳаётга туб асос.  
Мен — дунёнинг илинжиман,  
Ўз номимга хосу мос.  
Бизнинг Ватан — озод халқлар  
Уюшган қурч оила,  
Мангу балқар, мангу балқар  
Ленинча ёғду ила.

*1972*

Бепоен чўл бағрида  
Олиймақом бир шаҳар.  
Ана, унинг уфқида  
аста уйғониб саҳар,  
Чироқлари нуридан  
тун ҳам бекинаётир.  
Балки чекинаётир!  
Толимаржон дейдилар,  
Бу чўлга жон дейдилар,  
Бунда салкам мингтадир  
Ярқираган оқ бино,  
«Универмаг», «Кафе», «Кино»,  
Турар жой ва саройлар,  
Ораста, кўркам жойлар...  
Лекин шулардан бири,  
ху, ана, туғруқхона,  
Унда ҳозирнинг ўзи  
кўз ёрди битта она.  
Чақалоқ «инга»сидан  
уйғонди гўё атроф,  
Ҳаттоки унга пешвоз  
чиқиб келмоқда офтоб!  
Унга пешвоз очилди  
анов боғдаги ғумча,  
Гул ҳидлари сочилди  
қутлаб жажжж қадами.  
О, инсоннинг ташрифи  
оламга шараф шунча,  
Чўл муборак этмоқда  
энг кенжатоё одами!

1975

Жимжит сокин кечада,  
Кўп ҳодисот кечади.

Кўкда юлдуз кўчади,  
Усар ҳосил кўчати.

Кимдир борар кўчада,  
Хадрада ё Кўкчада.

Урдак сузар кўлчада,  
Хирмон чўғи кулчада.

Қайдадир ел изғийди,  
Қуш инида мизғийди.

Уйгоқдир укки кўзи,  
Мудроқ тамшанар қўзи.

Тинимсиз югурар сой,  
Йўлидан тўхтамас Ой.

Кўкдан шабнам, ингунча,  
Тугунин ечар ғунча.

Бунинг барчаси Ҳаёт,  
Ҳаётга тинч қолиш ёт.

**1975**

Исфайрам соҳилида,  
Учқўрғон ҳавзасида,  
Шаббодалар селида,  
Қуёшнинг найзасида  
Бир боғ барқ уриб ётар  
Ҳар томчиси бол бўлиб.  
Фарғонанинг ҳуснига  
Бамисоли хол бўлиб.  
Биз уч киши,  
Уч улфат  
Сакраб тошлардан тошга,  
Она-юрт иззатини  
Баланд тутардик бошда...  
Шунда ногоҳ бир гўзал  
Порлаб кетди қуёшда.  
У чақмоқдай ўтди-ю,  
Дилларни ёқиб кетди.  
Қайданам, у бепарво  
Бир қиё боқиб кетди.  
Сой қолди сойлиғича,  
Боғ қолди боғлиғича.  
Уч паришон улфатлар  
Кўкраги доғлиғича...  
Мен ўшал дақиқани  
Унутмасман умрбод.  
Бир лаҳза ҳақиқати  
Мангуликка бўлди ёд.

1976

## УЌИЛМАГАН КИТОБ

Уқилмаган китобдир  
Билки, ҳар битта одам.  
У саволдир, хитобдир,  
Муаммо тўла олам.  
Унинг юрак қатида  
Порлар асил туйғулар.  
Тафаккур сарҳадида  
Зўр ғоялар туғилар.  
У — хазина. Дунё сир,  
Вужудида мужассам.  
Гоҳо севгига асир,  
Гоҳо севинчдан ўктам.  
Уммон каби мавжи бор,  
Тўфон янглиғ ғазаб.  
Ғовларни янчгай девкор,  
Олмос тигдир асаби.  
Лекин оддий ва содда  
Меҳнаткаш, яна камтар.  
У — буюк фавқулодда,  
Ер ўғли, инсонпарвар.  
Унинг қалб оламига  
Кирмоқ истаган шоир,  
Қалбини қаламига  
Пайванд этолсин моҳир.

**1977**



## НАВБАҲОР

*Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Аҳмаджон Одиловга*

Одамдан из қолсин,  
Фикру ҳис қолсин  
Тошларга, мрамарга сайқал бўлароқ,  
Яхши ўғил қолсин,  
Яхши қиз қолсин  
Барваста, меҳнаткаш, оқил, иттифоқ.

Шу ниятлар билан  
У йўлга чиқди,  
Минглар қудратини йўғириб якбор.  
Йўлга деганимки,  
У чўлга чиқди  
Ва унди шўрхоқда шаҳри Навбаҳор.

Улуғ шаҳарларнинг  
Кенжа жияни  
Кўкрак кериб турар аччиқ довулга.  
Шаҳарлар ўргансин  
Ундан жилвани,  
Ўхшамас савлатда қишлоқ, овулга.

Мактабга югурар  
Навраста авлод,  
Шу чўлда улғайди барра чинорлар.  
Қанот ёзиб борар  
Етук бир ҳаёт,

Давралар инсонни бағрига чорлар.  
Ичинг бир пиёла  
Яхна кўк чойдан,  
Босган изингиздан унди барака.  
Навбаҳор кўксида  
Балққан чиройдан,  
Кўриниб турибсиз, Аҳмадjon ака!

*1977*

## ЎЛАНДАН СЎР

(Фузулий ғазалига мухаммас)

Бу ҳижрон шиддати заҳмини дил абгор ўландан  
сўр,  
Кутардин тоқати тоқ, суврати девор ўландан сўр,  
Висол уммиди қалбинда ва лекин бор ўландан  
сўр,  
Шифои васли қадрин ҳажр ила бемор ўландан  
сўр,  
Зилоли завқ-шавқин ташнаи дийдор ўландан сўр.

Тирикман то хаёлинг бирла, биздан энди йўл  
бурма,  
Кириб ағёр базмига, ниҳоят бизни ўлдурма,  
Ғубори мақдаминг бўлсин бизим бу кўзлара  
сурма,  
Лабинг сиррин келиб гуфтора мандин ўзгадан  
сўрма,  
Бу пинҳон нуқтани бир воқифи асрор ўландан  
сўр.

Муҳаббат қайдаю қайда ўшал лоф ургувчи  
жоҳил,  
Алар бир лаҳза бўлгайму муҳаббат қасрига  
доҳил,  
Бу дашт ичра кезиб гирёна, истармиз бирор  
соҳил,

Кўзи ёшлуларинг ҳолин на билсун мардуми  
Ғофил,  
Кавокиб сайрини шаб то саҳар бедор ўландан  
сўр.

Кўнгиллар бўлди садпора бу дашт ичра  
тиканлардан,  
Жафо тийғи ўтибдир аччиқ-аччиқ жону  
танлардан,  
Тағофил бўлма фурқат тоғи ичра кўҳканлардан,  
Хабарсиз ўлма фаттон кўзларинг жаврин  
чеканлардан,  
Хабарсиз мастлар бедодини ҳушёр ўландан сўр.

Хазон япроғидек ҳажрингда сўлди чеҳраи олим,  
Бошимга турфа андуҳларни солди гардуни золим,  
Етишмоқ орзуси тақдир китобидан эрур фолим,  
Ғамингда шамдек ёндим, сабодан сўрма аҳволим,  
Бу аҳволи шаби ҳижрон манимла ёр ўландан сўр.

Висол шайдолари бир кун бўлур ёр васлига восил,  
Машаққат чекмайин кимдир қилибдур муддао  
ҳосил,  
Ниёзий иштиёқингда риёзат бандасидир, бил,  
Муҳаббат лаззатидан беҳабардир зоҳиди ғофил,  
Фузулий ишқ завқин завқи ишқи вор ўландан  
сўр.

## ҚУРУЛТОЙ ТУЙҒУСИ

Бугун Ер баҳорни ҳис этиб,  
Бағрида беркитиб  
Бир дунё бойлик,  
Деҳқоннинг кўзига кўринаётир  
Янада улуғвор,  
Яна чиройлик!

Водийлару воҳалар кезиб,  
Сезиб кўклам ҳаяжонини,  
Бир кафтча тупроқни меҳр-ла эзиб,  
Унга пайванд сезиб  
Буткул жонини,  
Деҳқон олисларга ташлайди назар,  
Кўз ўнгида далалар сўлим:  
Миллион гектарларда чайқалади зар,  
Пахтазорим — оқ, нафис гулим!

Унинг ёғдусидан чеҳралар гулгун,  
Бунтлар силсиласи мисли нуқра тоғ.  
Бу ҳосил Ер ичра ҳозирча... бугун...  
Эрта бодраб чиқар кундай ярқироқ.

Қирларда шовиллар,  
Дурдай ловиллар  
Бошоқлар денгизи мавж уриб шўхчан.

Деҳқон кўзларида бу ёрқин лавҳа  
Жило берар худди тенгсиз бир гулшан.

Бу дондир,  
Бу нондир —  
Ёқут хирмондир,  
Минглаб тандирларнинг ёрқин қуёша  
Димоққа урилар унинг хуш бўйи,  
Қулоққа чалинар зўр ҳосил куйи,  
Бахтиёр диёрнинг тўкинлик тўйи,  
Халқим хазинаси, ҳаёт қувончи.

Деҳқоннинг юзига қалқар табассум,  
Яна уфқларга учар хаёли.  
Беҳад яшилликлар лол этар бир зум,  
Кўз ўнгида Ернинг жамоли,  
Элнинг камоли!

О, азиз тупроғим,  
Полизим, боғим,  
Ғарам-ғарам карамлар,  
Тарам-тарам олмалар,  
Зилол каналларим, равон ирмоғим,  
Мунаввар қуёшим, пешона терим,  
Сен менинг суянган тоғимсан, Ерим,  
Қўшиғим, шеърим!

Бу — райҳон ҳиди,  
Бу — узум шираси,  
Бу — марварид шоли, бу — тоғлар боли.  
Деҳқонга азиздир кўки, зираси,  
Бу ризқу рўзимиз ва ойдин толе.

Бугун она-Ерим баҳодирлари,  
Қаҳрамонлар, бободеҳқонлар  
Мўл ҳосилнинг асл пирлари.

Марди майдонлар,  
Чевар жононлар  
Янги чўққиларни кўзлайди дадил.  
Режалари мўлдир, чексиз, бой.  
Уларнинг ҳар сўзи зафарга кафил,  
Сўзла минбар узра туриб тик, адл,  
Зафар анжумани, ўртоқ Қурултой!

1977

# ТОМЧИНИНГ САРГУЗАШТИ

## I

Битта томчи миллиард-миллиард  
Томчиларга қўшилиб,  
Ҳосил қилди қудратли, мард  
Обиҳаёт қўшинин.  
Арғамчига қил қувват-да,  
Чирмалди зўр оқимга.  
Катта сув ҳам мурувват-ла,  
Олди уни тақимга.  
Шу улуғвор оқим аро  
Ҳақиқий қадрин топди.  
Бўстон бўлсин дея сахро,  
Қарши чўлига чопди.  
У сапчиди терак бўйи,  
Ўтди қанча қувурдан.  
Гоҳ баландда, гоҳи қуйи  
Югургани-югурган.  
Ўтди қанча қақроқ, тақир...  
Ўтди яйдоқ саҳродан.  
Яхши ният билан, ахир,  
Чиққан-да, у дарёдан.  
Унинг қанча ўртоқлари  
Қолишди йўл-йўлакай.  
Очиб пахта чаноқларин,  
Боғлар бўлиб гуллагай.  
Бизнинг Томчи борар ҳамон  
Канал ичра тебраниб.



Чўл ўрганур! Қандоқ ёмон!  
Олов тутган теграни.  
У — ўт-ўлан танасига  
Роҳат бўлиб кирай, дер.  
Қолмай ҳаёт таънасига,  
Қарғамасин она-Ер!

## 2

Шу каналнинг соҳилида  
Бир бола яшар — Аҳрор.  
Орзулари мўл дилида —  
Обод бўлсин деб саҳро.  
Зилол сувни қувонч билан  
Қилар экан томоша,  
Ўйнаб-ўйнаб қуёш билан,  
Мавж ичра шоша-тоша  
Ўтар эди бизнинг Томчи  
Улкан оқим ёлида.  
Аҳрор кўзин катта очиб,  
Уни кўриб қолди-да,  
Олди аста кафти билан,  
Қаранг, титрар ҳовучда.  
Гўё бутун забти билан  
Ўйнар жажжи ҳовузда.  
Аҳрор уни гапга солди  
Кўк соҳилда, эрталаб.  
Томчи бир оз ўйга толди,  
Сўнг сўзлади эркалаб.  
— Қўйиб юбор, мени, Аҳрор,  
Оқиб борай чўл томон.  
Ҳали анча ишларим бор,  
Тўхтаб қолсам кўп ёмон.  
— Айт-чи, Томчи, сен аввало,  
Пайдо бўлдинг қай жойда.  
- Масканингдир Ерми, Ҳаво.

Ундинг қайси бир сойда?  
Борми сенда наслу насаб,  
Авлоду аждадинг ким?  
Қанча йўлни келдинг босиб  
Ва эшитур додинг ким?  
— Биз беҳадду бепоёнмиз.  
Яшаймиз Еру Кўкда.  
Уруғ-аймоқ минг бир сонмиз,  
Санаб бўлмайди, кўп-да!  
Дарё, Булоқ, Кўл ва Денгиз  
Бизга қариндош-жондош.  
Қор билан Дўл икки эгиз,  
Она томондан ёндош.  
Қудуқ — бизга холавачча,  
Океан — бош момомиз.  
Булутлардир бизга ача,  
Бағридан биз томамиз.  
Тўфону Сел — баттол тоға,  
Жаладир катга амак.  
Гоҳ биз Яхмиз баланд тоғда,  
Гоҳ бўғотда Сумалак.  
Шаршарамиз, Шоввалармиз,  
Шабнам, Қиров, Булдуруқ.  
Бизлар юзлаб шоввозлармиз,  
Барчада бор йўл-йўриқ.  
Сўрайверсанг, вақтинг олиб,  
Қийнайман сени, Аҳрор.  
Биз бу чўлга йўлни солиб,  
Аталдик энди Анҳор.  
Бизлар ҳозир чўққилардан —  
Музли тоғдан келурмиз.  
Туриб асрий уйқулардан,  
Томчи бўлиб елурмиз.  
Йўлимизни қилган равон  
Сизлар-ку, Аҳрор, асли.  
Енгиб қанча тўсиқ-довон,

Баҳодир совет насли  
Бизга қадр бағишлади,  
Бўлсин деб бизни олтин.  
Чўллар сизни олқишлади,  
Мен ҳам табриклай олдин.  
Мақсадим кўп — меҳр билан  
Синггай мева мағзига.  
Чаноқларда тола бўлиб,  
Бўстон тўла лола бўлиб,  
Шундай ажиб сеҳр билан  
Тушай шеърлар вазнига.  
Боғинг ичра сайрон этиб,  
Узганда олма, узум.  
Сени лолу ҳайрон этиб,  
Пайдо бўлурман ўзим.

### 3

Сайр қилиб юрар эди  
Бир кун Аҳрор боғида.  
Уша томчи турар эди  
Атиргул япроғида.  
Улар жуда кўп эдилар,  
Бу элнинг даласида.  
Минг дона, минг тўп эдилар,  
Саратон палласида.  
Бедазору полизларга  
Ёйилган эди улар.  
Тарқаб яқин-олисларга  
Унди меваю гуллар.  
Қўриқ ерда — яйдоқ чўлда  
Ҳаёт очилган эди.  
Чунки Томчи жуда мўл-да,  
Роса сочилган эди.  
Куз фаслида шарбат бўлиб  
Бизни эттилар шодмон.

Унди бойлик, давлат бўлиб  
Пахтаю дон — минг хирмон,  
Қайга боқма, юрма қайда,  
Баҳри дилинг очилар.  
Ҳамма ерда, ҳамма жойда,  
Ишлар эди томчилар,  
Офтобимиз ва еримиз,  
Сув ва меҳнат қўшилиб,  
Техника, манглай теримиз,  
Яшнатди чўл тўшини.

Ўйлаб шунча сир ҳақида  
Аҳроп юрар боғида.  
Анов томчи шу дақиқа  
Ўйнар гул япроғида.

*1977*

Одамнинг одам бўлиб  
Қамол топмоғи учун,  
Юзлаб одамлар унга  
Сингдирар меҳр кучин.  
Кимдир боғча қурару  
Кимдир тиклайди мактаб.  
Кимдир буғдой ўрару  
Нон ёпар сенга атаб.  
Қўйлакдаги тугмангдан  
То эгнингдаги пальто,  
Юрган трамвайингу  
Тиш чўтканг, пайпоқ... ҳатто  
Учган самолётгача...  
Сен учун меҳнат қилиб,  
Ишлади сенга барча,  
Сен бунинг эвазига  
Не қайтаролдинг бугун?  
Ё ўтдими бир кунинг  
Бўлиб армонли тугун?

*1978*

## ЭСКИ АҚИДА

Амал — гўё сатранж ўйини,  
Ундан олиб бунга қўярлар.  
Гоҳи баланд, гоҳи қўйини  
Манзил этиб, бахтинг йўярлар.  
Гоҳ ҳужумкор борурсан олдда,  
Гоҳ бурчакда қотажаксан мот.  
Гоҳ пиёда, гоҳида отда,  
Гоҳи сўлда, гоҳи ўнг қанот,  
Гоҳи шоҳсан, гоҳида фарзин,  
Гоҳ филликда кучинг зиёда.  
Зарра — зарра бу ҳаёт дарсин  
Англагайсан пасту қиёда.  
Булар бари бурч ҳисси жонда,  
Буларсиз бахт бўлмас мукаммал.  
Инсон учун — барча замонда —  
Инсонийлик — энг буюк амал.

*1978, февраль*

## БУГУН УЙИМИЗДА ИККИТА МЕҲМОН

Бугун уйимизда иккита меҳмон —  
Халил Ризо билан Абдулла Ориф.  
Гўё Озарбайжон ва Ўзбекистон  
Шеър айтадилар қимиз сипқориб.

Ўртада ноз-неъмат, мевалар сархил,  
Лекин биз қофия мавжларидан маст...  
Очиб юракларнинг қатма-қат тархин,  
Мисралар чирмалиб оқар чамбарчас.

Халил-ку шеърнинг олтин сандиғи,  
Абдулла ёдида юзлаб жонли шеър.  
Низомий шеърининг оташ яллиғин  
Гўё ҳис этмоқда кичик Алишер.

Шеърлар акс этар асрлар баҳсин,  
Тарихнинг тун билан тонги намоён.  
Бир-бирга армону муяссар бахтин  
Сўзлар Ўзбекистон ва Озарбайжон.

Авлодлар тизмаси минг бўғин-бўғин,  
Ҳар айём яратур янги-янги ном.  
Гўё меҳмон эди уйимда Вурғун,  
Гўё шеър ўқирди Ғафур ал Ғулом.

Муғон чўлларининг юлдузли туни  
Ва Ҳазар мавжларин олиб келган дўст,

Ўзбек диёрининг бўлиб мафтунги,  
Тошкентим шаънига айтар ўтли сўз.

Даврада Пушкину Байрон ҳам ҳозир,  
Файласуф Гётею фожейи Данте...  
О, олтин мисралар жаҳонга арзир,  
Ҳаётдай абадий, ҳаётдай танги!

Қанийди боболар, замон ўгрилиб,  
Кўрсалар бу ёрқин, тиниқ базмни.  
Қутлуғ замонамдан минг бор ўргилиб,  
Муборакбод этса янги назмни.

Майли беллашувдир, айтишувдир, бу,  
Майли мушоира аталсин оти.  
Буюк меросларга вориссан мангу  
Эзгулик куйчиси, эй шоир зоти!

Бу базмга нуқта қўйилмас ҳали,  
Бу шеър гулханида сўнмагай шуъла.  
Бошла янгисини, қардошим Халил,  
Янги шеърларингдан ўқи, Абдулла!

1979



## БОЛАЛИККА ҚАЙТИШ

Болаликка қайтдим мен тунов кеча,  
Йиллар пардасини бир-бир очароқ,  
Сал кам қирқ йиллик йўл —  
Мен неча-неча  
Дарёю тоғлару чўллар ошароқ,  
Хотирот аталмиш йўллар ошароқ,  
Хаёлнинг тизгинсиз, учқур отида  
Сенга етиб келдим олис болалик.  
Ана, сен!  
Қабул эт мени бир нафас,  
Саломимга ол лаҳза алиқ.  
Раҳмат!  
Яна ўйинқароқ йилларим такрор,  
Яна чиллак завқи, олишув, пойга.  
Яна тупроқ кўча, чорбоғ, сарбозор  
Ва хаёл ичида тикилмоқ Ойга.  
Ўттизинчи йиллар...  
Илк синф, илк сабоқ.  
Соқит кечаларнинг юлдузистони.  
Елиб ялангбошу ва ялангоёқ  
Топдим нақ ўшал ер, ўшал самони.  
Ризқ эди адирда тактак бошоғи,  
Ризқ эди янтоққа тушган шакар ҳам...  
Сени, болалигим, қалбим ардоғи,  
Наҳот бир умрга йўқотган бўлсам?  
Олис-олисларда қолмиш у вақтим,  
Ўртада масофа чексиз ва беҳад.

Асло йўқотмадим! Бугунги бахтим  
Ушал замин узра кўтаргандир қад.  
Бир тунда гўё бир умр яшадим,  
Лаҳзада жам эди буткул бир олам.  
Ўт ўрдим, қўй боқдим, сомон ташидим,  
Дарс қилдим — теграмда қоғозу қалам.  
Заъфар адирларга кетдим югуриб,  
Буғдойзор олтини ёндирди кўзим.  
Қайси ҳам бир боғга кирдим, улгуриб,  
Уғринча илинжим — бир бош бол узум.  
Овга ҳам чиқолдим елкада милтиқ,  
Бесамак титкилаб шоҳу шудғорни.  
Кутдим жажжи қизни, йўлида интиқ,  
Хатга жамлаб фўра ишқий изғорни.  
О, уруш йилларин даҳшати ёмон,  
Оналар зорию нон қадри, ҳайҳот!  
Бошпана исташиб келар биз томон  
Ғарбдан тенгдошларим — есир бир авлод.  
Аламлар ўртада, қайғу ўртада,  
Хушбахт истиқболга нигоҳни тикиб,  
Ётиб бир хонада, битта партада  
Ғалаба тонгини кутдик энтикиб.  
Уйқусиз кечалар, ўт эҳтирослар  
Яна жонландилар асли-аслида.  
Елкада олача «алвон» либослар,  
Қизғалдоқ ҳам тердик баҳор фаслида...  
Бир тунда айланиб чиқибман, қаранг,  
Болалик аталмиш диёрни буткул.  
Унда пайваст эди оқу қора ранг,  
Тикан бир ёнида, бир ёнида гул.  
Кечди кўз ўнгимдан шодлик, малолим,  
Ҳеч ўрин қолмади мубҳам тугунга.  
Раҳмат, болалигим! Раҳмат, хаёлим!  
Гўё яшариброқ қайтдим бугунга.

1979

## АФҒОН ҚЎШИҚЧИ ҚИЗЛАРИГА

Икки афғон қизин кўрдим Кобулда,  
Бири Рухшонадир, Афсона бири.

Икки булбулдирки, сайрарди гулда,  
Бири хуш илҳону мастона бири.

Ёнар куй мавжида бул икки кўнгил,  
Бирин гулхан десам, гулхона бири.

Бетакрор иккида ҳусну малоҳат,  
Бирин шам дейилса, парвона бири.

Карашма бунча шўх, ноз бунча кўркам,  
Бирин жоним десам, жонона бири.

Қўшиқда ўтмишу иқбол мужассам:  
Бири вайронадир, кошона бири.

Гўзалсан бунчалик, о эрк садоси,  
Бир авжинг тарона, дурдона бири.

Тутса қўшиқ билан бири олтин жом,  
Тутар нозлар тўла паймона бири.

Бири илҳом билан куйлар диёрин,  
Ҳаёт ишқин солар Афғона бири.

1979

Ҳовлида ҳалиям қор уюмлари,  
Ҳалиям қиш ўзи бўртиб турибди.  
Унинг кўз илғамас аччиқ қуюнлари  
Кўчаю боғларда йўртиб юрибди.  
Осон жон бермоқчи эмасдир ҳали,  
Ҳатто қуёшни ҳам совутмоқчидай.  
Муз қалбли бир қизким, жафодир фани,  
Шу билан ўзин ҳам овутмоқчидай.  
Ва лекин ўз ишин қилур ҳарорат,  
Тош қотган музни ҳам бир кун эритгай.  
Бир кун бу жафолар топгайдир ғорат,  
Баҳор жилолари кўзин элитгай.

1979

Қай миллат, қай элга бўлмасин мансуб,  
Сўзлашмасин қайси бир тилда,  
Мардлар барчамизга бир хилда маҳбуб  
Ва азиздир бари бир хилда.

Ҳамза, Мусо Жалил, Лорка, Неруда,  
Гастеллодир ё Нозим Ҳикмат,  
Улар яшамади умрин беҳуда,  
Чақмоғидан ёришди зулмат.

Сен яшаш бахтининг ширин фаслида  
Умринг қадрин этганда баҳо,  
Шу буюк ўлчовни ўйла, аслида,  
Шу номларда қудрат ва баҳо.

1979

## МИНГ ЕШ

Чиқиб келаётир кўҳна тарихнинг  
Бағридан минг ёшлик улуг бир сиймо.  
Йўлига гул сепинг буюк табибнинг,  
— Марҳабо!— валломат жаддимиз Сино.

Афшона қишлоқлик оддий Ҳусайн,  
Зарафшон сувини ичган бир фарзанд,  
Замон ўтган сайин, аср ўтган сайин  
Бунча қадр топмиш, бунча аржиманд!

Не бахтдир (ер дардга бўлмоқлик малҳам,  
Биров мушк тинга бахш этмоқ ҳожат?  
Дунёвий фарларни ўзда этиб жам,  
Қомусий бир ақл сочди ҳарорат.

Она тупроғимиз, қадим-қадимдан  
Инжу тафаккурга қутлуғ ошиён,  
Чексиз идрокингдан, буюк қалбингдан  
«Аш-шифо», «Ал-қонун» эмасми нишон?

Зулмат оғушида бор эди ёғду,  
Ўқинчли сасингда ёлқинли бир ҳис.  
Сино номи билан додруғ солди-ку  
Бухоро фарзанди ул Шайхурраис.

Унга таъзим қилди Микеланжелло,  
Данте ҳурмат билан солди китобга,

Қалбига сен бериб табаррук жило,  
Шарафин кўтардинг бугун офтобга.

Бешигин тебратиб, алла айтган дам,  
Ситора исмли маъсума аёл,  
Бағрида қандайин ёрқин бир олам  
Тамшаниб ётганин этганми хаёл?

Қатрада — осмону, заррада дунё —  
Ким бу ҳақиқатга бермоқ бўлса тан,  
Сино сабоғидан дарс олсин, зеро  
Унда мужассамдир бор инсоний фан.

Кўп ҳикматлар кўрмиш бу кўҳна замин,  
Ўтмиш кўп жаҳонгир, зобит қиличбоз.  
Тарих суриб кетди улар қадамин,  
Инсоний камолда бўлолмай мумтоз.

Биз, эзгу ишларга ворис бир авлод,  
Бугунги юксакдан боқароқ мамнун,  
Замондош Синони дилдан этиб ёд,  
Шонларга буркаймиз барҳаёт номин.

1979

## БИР ДАФТАР УЗАТДИМ

Абдулла Ориповга

Мен сенга бир дафтар узатдим, тоза,  
Унда саҳифалар, билмам, неча юз.  
Сен ёниқ қалбингдан олиб андоза,  
Унда шеъриятнинг гулистонин туз.

Унда гул товлансин, еллар куйласин,  
Унда нур балқисин, акс этсин осмон.  
Ҳар шеъринг бир эзгу дарддан сўйласин,  
Бағридан юксалсин қудратли Инсон.

Майли, кўз ёш бўлсин ва кулгу бўлсин,  
Майли, баҳс этсинлар ўлим ва ҳаёт.  
Улар китобхонга бир кўзгу бўлсин,  
Висолми, ҳижронми, қўшиқми, баёт.

Унга ошиқ бахти, мардлик, эҳтирос,  
Юртинг гўзаллиги сингсин қатма-қат.  
Қалбинг не буюрса, барчасини ёз,  
Бўм-бўш бир саҳифа қолдирма фақат.

Шеър — олий туйғулар, фикрий баландлик,  
Унга жон бағишлар истеъдод керак.  
Ёмғирдан тозариб чиққан чамандек,  
Шаффофланиб чиқсин шеърингдан юрак.

1979, декабрь



## ТҮРТЛИКЛАР

Ҳиндийми, арабий, румийми, русий,  
Арманий, озарий, ўзбекийдир ё,  
Гўзаллар ҳуснининг тиниқ ёғдуси —  
Ила нурафшондир қадим бу дунё.

\* \* \*

Ҳар улуғ шоирнинг эзгу шеърида  
Унинг ўз диёри куйланди баланд.  
У аввал улғайиб ўзин ерида,  
Сўнг жаҳон элига бўлди аржиманд.

\* \* \*

Чанг бўлмаса, минг йил яшарди инсон,  
Занг бўлмаса, минг йил яшарди маъдан.  
Жанг бўлмаса, олам рангин гулистон,  
Ранг бўлмаса, олам ўлик бир бадан.

• • •

Бир тика дарахтдан нақ миллион дона  
Гугурт чўпларини ясар эмишлар.  
Лекин битта гугурт миллион дарахтни  
Ёқиб юборишга етар, демишлар.

1979

Мана, етиб келди шонли Саксон ҳам,  
 Қаранг-а, қанчалик баланд бир довон.  
 Бошинг гир айланиб кетгайдир бир дам,  
 Босилган йўлларни ҳис этган ҳамон.

Улар беҳисобдир, гўё минг ирмоқ  
 Қўшилиб, чўнг дарё яратган мисол,  
 Олис-олислардан оқиб келар, боқ,  
 Ҳар бири бир тарих, бир нурли тимсол.

Юрилди солдатдек кўп талотўпда,  
 Тирмашиб, неча бир қоя ошароқ,  
 Баъзан тик манзилда, баъзан окопда,  
 Пешонада юлдуз, қўлда ол байроқ.

Олис-олисларда ётар йўл боши,  
 Жанглар гурросини тингларман яққол.  
 Бугуннинг бор мазмун ва тамал тоши  
 Ушанда қўйилган — оти Истиқбол!

Упқонлар, тўфонлар йўлда кутарди,  
 Минг йиллар орзусин дилда тутиб ёд,  
 Бизни бу довонга дадил кўтарди  
 Уша инқилобий, фидоий аждод.

Бу йўлнинг бошида Ленин имони  
 Чек қўйди минг йиллик оғир бардошга.

Унғай бўлмаганди ғариб дунёни  
Рутубатдан олиб чиқмоқ қуёшга.

Мана, Саксонинчи азамат чўққи,  
Қаранг-а, нечоғлиқ қудратли довон!  
Бундан Коммунистик кенгликлар уфқи  
Кўзга ташланмоқда ёрқин ва равон.

Талай беш йилликлар силсиласида  
Курашлар, меҳнатлар бўлиб мужассам,  
Барпо эта олдик Ер сийнасида  
Бахту эрк нуридан абадий кўклам.

Юртнинг ҳам, шахснинг ҳам бор ўз довони,  
Юксалиб эллик ёш аталмиш қирга,  
Кўраман умримнинг яна давомин,  
Узни пайваст сезиб янги асрга.

*1979, декабрь*

Икки бойлик бор инсонда  
Энг бебаҳо, қуёшлик.  
Бири кўркам соғлиқ эса,  
Бири — навқирон ёшлик.

Бу иккиси инсон учун  
Икки қайрилмас қанот.  
Мужассамдир ич-ичида  
Етук, мукаммал ҳаёт.

Бизда улар бор маҳали  
Турли кўйга соламиз.  
Йўқотгандан кейингина  
Қадрин билиб қоламиз.

*1980*

## ҚИРҚ ИДИШДА ҚИРҚ ДОРУ

Қирқ идишда қирқ хил дору  
Яратиб ибн Сино,  
Ўлим чоғи шогирдин у  
Чорлаб, этибди нидо:

— Бу дорулар умрим бўйи  
Тайёрланган буюк сир,  
Мен кўзимни юмгандан сўнг  
Ичиурсан бирма-бир.

Тартиб билан, навбат билан  
Верки, ақлинг шошмасин.  
На бир қатра кам бўлсину  
На бир томчи ошмасин...

Худди устод ўргатгандай  
Иш бошлади шогирд ҳам,  
Бир чеккадан тома бошлар  
Қирқ идишдан қирқ малҳам.

Шогирд ҳайрон, во ажабо!  
Рўй бермоқда қандай ҳол?  
Қаён кетди қат-қат ажин,  
Қорайди-ку соч-соқол.

Рангга кирди мурда бадан,  
Томирларда чопди қон.

Гўё уйқу ичра ётар  
Ёш бир йигит — навқирон.

Вужудида барқ ургандай  
Худди ҳаёт нафаси,  
Энди унга бегонадир  
Тобутнинг тор қафаси.

Ераб! Қандоқ мўъжиза бу,  
Бу қандайин илму фан?  
Ҳаяжондан титрар шогирд,  
Даҳшат босиб дафъатан.

Ва ниҳоят сўнгги илож,  
Сўнгги дору, сўнг ташвиш...  
Титраб кетди шогирд қўли,  
Қўлидан учди идиш.

Чил-чил синди... Минг йилларнинг  
Орзуси синди наҳот?  
Табиатнинг қонунига  
Зид бордими ё устод?

Сўнгги идиш синди... Инсон  
Етмай эзгу ниятга.  
Балки шундай бўлганлиги  
Бахтдир инсониятга.

1980

## ОРЗУ

Бағримизда ўсган фарзанд,  
Ўт солиб жисму жонга,  
Келин бўлиб кетаётир  
Бошқа бир хонадонга.

Кетаётир ҳувиллатиб  
Ота-она уйини,  
Киприкда ёш, лабда кулгу  
Биз ўтказдик тўйини.

Қалбимиздан бир парчаси  
Узилгандек дафъатан,  
Тилаб минг хил яхши ният,  
Узатдик остонадан.

Турмуш ўзи шундай дунё,  
Азалдан шу қоида:  
Қиз бола бир жойда ўсиб,  
Бахт топар бўлак жойда.

Бўлак ерни маскан этар,  
Ўз уйи, ўз бахти бор.  
Уша ерда илдиз отсин,  
Яйрасин мисли чинор.

Илдиз отсин, япроқ ёйсин,  
Тўй-томоша, тахт кўрсин.

Қўшгани-ла қўша қариб,  
Минг йил гурсиллаб юрсин.

Обод қилсин борган жойин,  
Бўлсин ува-жувалик.  
Биздан хизмат: невараларга  
Бувилик ҳам бувалик.

Битта илинж, ота-она  
Уйин қилмайин канда,  
Ҳафта эмас, келиб турсин  
Энг ками ой деганда.

*1980*



Умрини гафлатда ўтказди биров,  
Салқин саҳарларни кутмади бир рав.

Зилол чашмалардан баҳра олмади,  
Юлдузлар жамолин дилга солмади.

Қалбин титратмади севгидек туйғу,  
Унга ҳаёт бўлди маишат, уйқу.

Бировнинг тўйида кулмади лаҳза,  
Биров азасидан тортмади ларза.

Шундай келиб — кетди беному нишон,  
Бору йўқлигини сезмади жаҳон.

**1980**

Тўриқ отда, саман отда,  
Жийронда елиб илдам,  
Бамисоли самолётда  
Сенга етурман, эркам.

Сен-чи, ҳамон елган кўйи  
Кетмоқдасан жонсарак.  
Иккаламиз умр бўйи  
Қувлашиб ўтсак керак.

1980 .

Бордир ҳар бир касбнинг ўз иштиёқи,  
Ўз завқи, ўз гашти, ёниқ чироғи.

Дейлик, бирор уйга ўт кетди ногоҳ,  
Ёнгин ўчирувчи шу лаҳза огоҳ.

Ҳамма уйдан қочар алғов-далғовда,  
Ўтбоз ўзин урар тандир оловга.

Кўмир қатламлари шахтёр учун хуш,  
Фазогир самони кўрар доим туш.

Қилни қирққа ёриб, ўйлайди олим,  
Мироб хаёлида канал лиммо-лим.

Қурувчи фикрида янги иморат,  
Олам кўрки унга шундан иборат.

Боғбон боғни эса, деҳқон пахтани —  
Ўйлар, шунга боғлаб орзу — бахтини.

Агар шу хислатдан кимки маҳрумдир,  
Тирик — ўликликка мангу маҳқумдир.

1980

## БЕСАРАНЖОМ БУ ЖАҶОН ИЧРА

Бесаранжом бу жаҳон ичра  
Қанча эллар ҳаяжон ичра.  
Қайнаб ётар минг хил можаро,  
Нифоқлар кўп диёрлар аро.  
Қил устида турар тақдирлар,  
Изланади йўллар, тадбирлар.  
Дунё гўё безовта юрак,  
Қатларида чақмоқ, гулдирак.  
Қонталашдир уфқларда тонг,  
Дунё гўё яллиғланган онг.

Кел, харита ёнидан бир боқ,  
Ер саҳнида қанчалар титроқ!  
Уммонларда оташ кемалар,  
Тўп — тўпхона... алла нималар.  
Самоларда қузғунлар базми,  
Қанотида ажал эмасми?  
Гоҳ Кампучи, Вьетнамда гоҳ,  
Гоҳ Чилида қуриб қароргоҳ —  
Отилади фитна вулқони,  
Сувдай оқар эрксизлар қони.

Ким Эронга чўзган мурдор қўл  
Ва Афғонни этиб қонли кўл,  
Қуритмоқчи Нилни, Ефратни,  
Топтамоқчи номус, ифбатни?

Нефть ҳидидан қутирган маст ким,  
Она-Ерга қилмоқчи қасд ким?  
Бўхтон тўжиб юртим шаънига,  
Кўз олайтириб Бахт гулшанига  
Ким ёғдирар маломат тошин,  
Ким тўсмоқчи Иқбол қуёшин?

Шундай чоғда, эй Ер фарзанди,  
Сен қандайин ҳисларга банди?  
Наҳот, олам қип-қизил гулдир,  
Наҳот, олам сайроқ булбулдир?  
Уйинг тинчи, ўз фароғатинг,  
Наҳот бўлса шу саодатинг?

Йўқ! Ҳушёрлик керак сарҳадга,  
Урин йўқдир зарра ғафлатга!  
Сен оламни сақлаб қола бил,  
Эй, қудратли Виждон ва Ақл.  
Сен кўз юмсанг агар бир лаҳза  
Ажал солур оламга ларза!

*26. I. 1980*

«Минг китоб сўзлар керак бир дилни қондирмоқ  
Етгуси бир сўз вале минг дилни ёндирмоқ учун».<sup>1</sup>

Ғазнаи дилдан нечоғлиқ ахтарай қудратли сўз,  
Сендайин донони ишқимга инонтирмоқ учун.

Сўз — улуғ қудрат, бу — руҳнинг жилваланган  
Қайси куч етгайки, сўздин мардни тондирмоқ учун.

Ноўрин бир сўз кўнгилнинг гулшанин этгай хазон,  
Яхши сўз қилгай кифоят қайта ундирмоқ учун.

Битта сўз ювгай кўнгилда бўлса минг зангу ғубор,  
Битта сўз етгай умид шаъмини сўндирмоқ учун.

Юксалай, балким, фазоларга буюрсанг, эй гўзал,  
Севги номли бахт қушин бошингга қўндирмоқ учун.

Сўзларим қалб гавҳаримдур, айни виждону имон,  
Ишлатилмас сохта ҳисларни овунтирмоқ учун.

1980

---

<sup>1</sup> Б. Ваҳобзодадан.

Кўзингдан, кўзларингсиз бу жаҳон кўзларга тор  
ўлгай.  
Табассум бирла бир боқсанг, кўнгиллар лозазор  
ўлгай.

Ажаб, қандоқ сеҳрлар жо бўлибдир ҳар нигоҳингга,  
Тўниб, шўх-шўх қарашлардан баҳор ўлгай, баҳор  
ўлгай.  
Бу дунё кўркини кўрмак мужассам истасанг, эй  
дил,  
Ҳаётга талпиниб боққан ўшал чашм ичра бор  
ўлгай.

Мен истарман, чарақлаб боқсалар оламга ул  
кўзлар,  
Оловли эҳтирос ичра саҳар, майли, хумор ўлгай.

Бу кўзлар бир қарашда ундирур саҳрода бўстонни,  
Магар ёндирмоқ истар, неча диллар тор-мор ўлгай.

Бу кўзлар мадҳида сурсам қаламни субҳу шом  
арзир,  
Билиб қўй, субҳу шом кўзим кўзингга нитизор  
ўлгай.

1980

Чулдираб сайрайди ҳар тонг чоғи бир ўрмон қуши,  
Савтидан ўйнар типирлаб, танга сиғмай жон қуши.

Бунча ёндинг, бунча тошдинг, сув бўлиб оқдинг  
нечун?  
Сўзла, эй зумрад чаманнинг беқиёс, бийрон қуши.

Оқ бадан оппоқ қайинларму сенинг шайдоларинг,  
Сарвлар, шамшодларнинг сенму ё ҳайрон қуши?

Бир гуруҳ гулчеҳра қизлар гул терар ўрмон аро,  
Жўр бўлиб шўх кулгуларга, яйра, эй осмон қуши.

Эрк будир, оҳанг будир, дилбар садолар мавж-  
бамавж,  
Лол қотиб тинглар сени оламини минг-миллион  
қуши.

Мен бу ўрмон оғушинда дам олардим неча кун,  
Бир ажиб сирларга ошно айладинг, даврон қуши.

1980



# ДОСТОНЛАР





## ИЎЛДАГИ УЙЛАР

Хизмат сафарини қилиб ихтиёр,  
Олис манзил сари бир кун йўл олдим,  
Купеда тўртовлон: оддий пахтакор,  
Мену рассом йигит, мўйсафид олим.

Сафар қизиқ нарса:  
Бир-бирин асло  
Қўрмаган кишилар учрашар, ахир.  
Касбу кор, феъл-атвор, ёшдан мустасно  
Бир уй, бир хонада яшарлар аҳил.

Аввал салом-алик,  
Ҳар хил лутфлар:  
— Сиз пастга жойлашинг.  
— Менга тепа соз.  
Ечилиб боради дилдаги қулфлар,  
Гаплар ҳам қовушиб боради оз-оз.

Ғилдирак мавжигга тебранган йўсин  
Гап исми-шарифга бориб тақалар.  
— Қаердан ўзлари, йўллари бўлсин?..  
— Ҳовли-жой омонми... бола-чақалар...

Ўзаро «оқ йўл!»га майдир баҳона,  
Ҳар бири егандир узоқ йўл ғамин.  
Қазию помидор — базми шоҳона,  
Дераза ортида чарх урар замин.

Бекатлар, адирлар ўтар кўз сузиб,  
Сойлар юзасида қайнар кўпиклар.  
Боғлар яшилланар жилва кўргузиб,  
Гулдираб қолади темир кўприклар.

Навбат ҳам етади кулги, ҳазилга,  
Аския дарахти оҳиста гуллар.  
Ҳали анча олис борар манзилга,  
Аммо апоқ-чапоқ бўлишган булар.

Навоий байтию Хайём ҳикмати  
Уланиб кетади ҳар хил нақлга.  
Қадаҳда жимиллар узум неъмاتي,  
Парвоз бериб ҳисга, қалбу ақлга.

Назму мусиқадан... донги эл тутган  
Гўзаллар мадҳида давом этар гап.  
(Бунга ҳозиргина йўлакдан ўтган  
Жононнинг бир қиё боқиши сабаб).

Ҳар ким ўз қараши, фалсафасини,  
Таъби нозиклигин солар синовга.  
Инсон тинчимайди дил сафосини  
Айтиб бермагунча токи бировга.

Кўнгил асрорлари очилар бир-бир,  
Баъзан латифага етади сайқал.  
Ҳаёт мазмунида бордир неки сир,  
Бари тилга кўчар тўлиқ, галма-гал.

Биз ҳам амал қилиб ушбу русумга,  
Баланд авжда тутиб улфати чорни,  
Гап оҳангин буриб турли хусусга,  
Тарқатиб борардик йўлда хуморни.

Бу олам саҳнида не ҳодиса бор:  
Саҳролар сеҳрию уммонлар иши.

Осмон тубларида учган фазокор,  
Бошқа юрак билан яшаган киши.

Ногоҳ босиб кирган оби офатдан,  
Ерга ларза солган зилзилагача ;  
Кутмаганда келган бахту омаддан,  
Тупка оролдаги ғалат одатдан  
Пахтадан уйилган хазинагача ;

Жангдан, ғалабадан... нотинч оламнинг  
Ҳануз чекаётган ғурбатигача ;  
Мўъжиза яратган ўлмас қаламнинг  
Дунёни лол этган қудратигача ;

Севгидан, севинчдан, рашкдан, висолдан  
Сувайш мавжидаги можарогача ;  
Хоразмий яратган буюк ҳисобдан  
Курчатов қўлланган ихтирогача —

Не-не тақдирларга берилиб изоҳ,  
Не-не тарихларнинг очилар тахи.  
Бундай мулоқатга бўлгансиз гувоҳ,  
Беором келади йўловчи халқи.

Шуйтиб, кундуз сўниб, қуйилди оқшом,  
Лип-лип ёнақолди вагон чироғи.  
Деразадан кўзин узмасди рассом,  
Хаёлини тортмиш шафақ байроғи.

Байроқки, ловиллаб ёнарди уфқ,  
Қуйилиб қайнарди қирмизи бўёқ.  
Булутлар лабини қизартиб ўпиб,  
Қуёш қанот ёймиш у ёқдан-бу ёқ.

— Қаранг, — дерди рассом, — қандай мўъжиза,  
Санъат кўргазмасин очгандай сарҳад!

Олтмиш хил жило бор бир ранг ўзида :  
Шингарфу аргувон, зангору зарҳал...

Олим кўзойнагин олиб чўнтакдан,  
Пахтакор сўз топмай дил изҳорига,  
Оламга энди кўз очган гўдакдай  
Чанқоқ боқишардик ғарб гулзорига.

— Беҳад гўзал! — дердим маҳлиёю лол, —  
Бугунги сайилни тугатди қуёш.  
Томошадан қайтган келинчак мисол  
Парқу ётоғига қўяётир бош.

— Томоша қаёқда? — дер рассом куйиб, —  
Кун бўйи ишлади, чарчади, толди.  
Ортида юлдузлар хирмонин уйиб,  
Тунги меҳнат сари яна йўл олди.

Мен дердим: — Зўр гулхан ёқибди офтоб,  
Рассом дер: — Атласнинг нақ ўзгинаси!  
Мен дердим: — Жон тўла лоларанг шароб,  
Рассом дер: Келиннинг зар сўзанаси!

Олим кўзларида малол ва койиш,  
Ўзича чақарди бу ҳол мағзини.  
Олам хаёлида бўлиб намойиш,  
Ўзгача ўлчарди борлиқ вазини.

— Ҳайронман, — дер эди, — аҳли санъатга,  
Мдинг йилки, ўзгармас тасвири, ранги.  
Бир тимсолни солиб юз синоатга,  
Янги деб аташар чиққанча чанги.

Минг йилки, ой дерлар ёрнинг юзини,  
Қошни ёй, қоматни сарв, дейдилар.  
Ўафаққа тақашиб алвон сўзини,  
Гулни ол, чеҳрани сариқ, дейдилар.

Бу гаплар-ку тўғри, аммо такрорни  
Қандай ҳазм этаркан, билмам, шеъринят.  
Сигирдай соғишиб битта баҳорни,  
Эғизак шеърларни қалашар қат-қат.

Ҳамон ўша тасвир, ўша фикру ҳис,  
Андак бошқачароқ фақат таърифни.  
Билганни билишми — муддао ёлғиз,  
Борни қайд этишми санъат тарихи?

Ҳазаллар суруви ичида кезиб,  
Биридан-бирини фарқ этиш мушкул.  
Ҳаммаси бир гапни уқдирар эзиб:  
«Гулга изҳори ишқ этмоқда булбул».

Тоғнинг буюклигин қиладилар пеш,  
Шеърга кўчиришар денгиз, чашмани.  
Буларнинг ҳаммаси менга маълум иш,  
Сув билан босгандай ёзда ташнани.

Ахир, атом асри, кимё замони,  
Билмам, бу гапларга зарурат қанча.  
Бу-ку масаланинг битта томони,  
Айтилмагани ҳам анчадан анча...

Пахтакор жилмайиб борарди ўйчан,  
Олим сўзларида истеҳзо тўлиқ.  
Ўзимни босишга уринмай ҳарчанд,  
Қалбимни куйдирар аламли бир чўғ.

Рассомнинг ҳам таъби тортганди хира,  
Саратон авжида тургандай аёз,  
Тушуна олмасдан антиқа сирга,  
Асабий чайқалиб қўярди бехос.

Даврага дарз кетди. Нохуш бир сукут  
Самимият узра босгандай муҳр.  
Йўлинг қувончлари бўлди-да унут,  
Вагон говурига жой берди ҳузур.

— Узр,— дедим,— узр, ҳукмингиз галат,  
Бурга деб кўрпани куйдириш-ку бу.  
Наҳот, завқ бермаса сизга табиат,  
Наҳот, ётдир сизга ҳиссиёт, туйғу?

Юлдуз кулгусидан, сув қўшигидан,  
Булбул фиғонидан бебаҳра киши  
Оламни сув босса, келмай тўпигдан —  
Мумкин, лоқайдгина сезмай туриши.

— Лоқайдгина эмиш... қайдам, бу гапнинг  
Мазмуни сизгами ё менгами хос?  
Сал-пал жиловланг-да ўжар асабни,  
Масала тубига шўнгинг-чи бир оз.

Дейлик, сиз айтдингиз баҳор яшил деб,  
Шафақ гулгунлигин қилдингиз қўшиқ.  
Хўш, бундан дунёга нима бўлиб зеб,  
Зебига нимани ололди қўшиб?

Ҳеч нарса, шундайми? Севги ё бахтни  
Мақтадингиз дейлик. Шуми муддао?  
Шу билан инсонни, дарё, дарахтни  
Бошқачароқ қилиб қўйдингизми ё?

— Ҳа, худди шу ишни бажарди ижод,  
Олам нафосатин кашф этиб минг йил.  
Гўзаллик барқ урган жумла мавжудот  
Ушбу ҳақиқатга ҳар лаҳза далил.



Одамда бор экан тавшиш ё қувонч,  
Орзу ёхуд армон дилга экан ёр,  
Толеида бўлса булут ё қуёш  
Санъатга кўнглини этади изҳор.

— Қувончу табассум, ташвишу қайғу  
Шеърсиз ҳам бу гаплар мен учун ойдин.  
Буларни мисрада изҳор этмоғу

Китоб қилганликдан мен нима олдим?  
Ҳеч нарса, шундайми?

— Шундаймас, ҳеч-да!  
Исбот қилмоқчисиз қора деб оқни.  
Бу агар, билсангиз зим-зиё кечда  
Ўчириб қўймоқдай ёниқ чироқни.

— Чироқ денг...— маъноли жилмайди олим,—  
Балки, шеъроятсиз ҳаёт йўқ дерсиз.  
Оҳ, бечора қуёш, одаму олам.  
Ҳолингиз не эди қўшиқсиз, шеърсиз...

— Ҳоли хароб эди,—ёрилди рассом,—  
Одамни тасаввур этмам санъатсиз.  
Балки ўзингизни ёлғиз сиз осон —  
Бу камол нуқтага етган санарсиз?

Мутлақо! Шеърят, санъатсиз, ахир,  
Одам деганлари ҳечга баробар!  
— Яъни, бусиз дунё бўлади охир,  
Шундоқ демоқчисиз, азиз биродар?

— Шундоқми, бошқами — бу табиий ҳол,  
Агар бу хислатдан қалб бўлса маҳрум,

Махлуқот олами ичра, эҳтимол,  
Урин топмоқликка бўлардик маҳжум.

— Хўш, касб-чи, ҳунар-чи, меҳнат-чи, фан-чи,  
Бунда йўқ эканми инсоний даҳо?  
Қайбири инсоннинг кўпроқ таянчи,  
Қайбири улугроқ ва қимматбаҳо?

Дейлик, деҳқон сизга улашмаса дон,  
Ишчи сизга қурол этмаса инъом,  
Қаердан келарди санъату дoston,  
Инсонлик мазмуни, идрок ва илҳом?

Қисиб кўзларини ўқ каби қадаб,  
Гўё михлаганди мени бурчакка.  
Қаердан бу инкор? Бунга не сабаб?  
Тиғдай ботар сўзи юракка.

Гарчанд яраланди иззату нафсим,  
Ҳужум чизигида турар эдим шай.  
Ҳаяжон тобидан ёниб нафасим,  
Мен ҳам сўз найзасин иргитдим шундай:

— Хўш, фараз қилинг-да, ўзингизни сиз  
Санъатдан холи деб тушунинг ҳозир.  
Саҳройи самумда турибсиз ёлғиз,  
Сизга ошно эмас санъат деган сир.

Беҳзоду Навоий, дейлик, тамом ёт,  
На Пушкин этгандир сизни баҳраманд.  
На қалбингиз ёққан «Ушшоғу», «Баёт»,  
На кўзингиз элтган нақши Самарқанд,

На гўзал Эрмитаж, на Релжн ранги  
На дутор тилидан эшилган нола,  
На қушлар дунёсин мағфур жаранги  
Қалбингизга севинч этган ҳавола.

Олам санъатгоҳи ёпиқ тақа-тақ,  
На нақшу, на рақсу, на шеъру на соз  
Сизга таниш дейлик, яъни муаллақ  
Бир тирик жон бўлиб турибсиз, холос.

Мени кечиринг-ку, бу дақиқада  
Даъво қилиб бўлмас инсоний унвон.  
Тан берсангиз керак бу ҳақиқатга,  
Товуққа ҳам суву ҳам керакдир дон.

— Оҳо, бу ажойиб фалсафа жуда!  
Тошни тешадиган далилу исбот.  
Қуёшнинг ўзимас, булоқ мавжида  
Акси улуғроқдир деяпсиз, ҳайҳот!

Хўроз ҳам айтармиш: мен қичқирмасдан  
На қуёш чиқар деб, на отар деб тонг.  
Баланд бир нуқтага чиқиб, билмасдан  
Олиб қўйибсиз-да, нарвонни, аттанг.

Йўқ, йўқ, азизларим, юза сузаяпсиз,  
Қилич кўтараяпсиз шамолга қарши.  
Сиз айтган буюклар, Гомер ва Ҳофиз,  
Толстой, Рафаэль, Бобир, Бомарше —

Менга бегонамас. Менинг ҳам мулким,  
Аммо бўлакчадир гапнинг андоми.  
Токай сизга қалқон бўлиши мумкин  
Ушбу улуғларнинг муқаддас номи?

Мураккаб бу фикрий оламда ҳануз  
Ибтидой ҳислар сизларга эрмак.  
Баҳор, бўса, шафақ, шабнам ва ялпиз —  
Сийқаланиб кетган беш-ўнта эртак.

Меъдага тегди-ку, турғун бу мақом,  
Қани шеъриятнинг Прометей ўти?

Наҳот, «Восток» билан тўрғай ёнма-ён  
Қофия, вазили сўзлар ўгити?..

Эгардан тушмасди сира рақибим,  
Гилдиракдай сўнгсиз айланарди гап,  
Учқун сачратарди баҳсининг чақини,  
Бермоқчи эмасман мен ўтига чап.

— Ибтидоий ҳислар... Балки шеър, ижод  
Машинага берсин деярсиз измин.  
Темирга бурканиб нафис ҳиссиёт,  
Юрак кийса дерсиз қалқону тизгин.

Карра жадвалидай бўлсинми севги.  
Атиргул унсинми ойна тагида?  
Булбулга куй бериб автомат сеҳри,  
Кимё кўкарсинми дарахт баргида?

Кулгини радио бошқарсинми ё,  
Кўз ёши ўрнини боссинми симоб?  
Чўян оқимидай тўлганиб дарё,  
Домнадай чўғланиб турсинми офтоб?

Йўқ, инсон нечоғлик этмасин парвоз,  
Табий ҳиссиёт яшар азалий.  
Бошоқ унганидай қирда фасли ёз,  
Майса кўкаргандай баҳор маҳали.

Сой бўйида севги этилур изҳор,  
Чақалоқ кулгиси бахш этар ҳузур.  
Қайғуда куюниб йиғлаймиз зор-зор.  
Бахтдан кўксимизга тўлиб кетар нур.

Каптар чарх уради кўк гумбазида  
Ҳижрону висолдан дилда туну тонг.

Ҳаёт қалби урар шеърнинг вазнида.  
Кўзни эркалайди шабнам, шафақ, ранг.

Сийрак оқ сочларин бармоқ-ла силаб,  
Олим илиб кетди сўз жиловини:  
— Яъни бир оҳангни такрор, юз йиллаб,  
Чалавериш мумкин олиб жонини...

Шундай демоқчисиз... Қисман бу қайдда  
Ҳақиқат борлигин ҳар ким олур тан.  
«Ироқ» ёхуд «Ажам» бўзлаган пайтда  
Олис аждодимдек мен ҳам ёнурман.

Бироқ бергайми бу руҳий бир ҳуқуқ  
Ўзим ўз ёғимга қоврилишимга?  
Тайёр ип-арқоқдан гиламча тўқиб,  
Тайёр ранглар аро қоврилишимга?

Хирмондан бир кафтча донни кўтариб,  
Биридан бирини қилиб бўлмас фарқ.  
Шеър ҳам шу аҳволга келди-ку, қарийб,  
Такрорий лойқалар ичра бўлиб ғарқ.

Беҳабар эмасман. Кузатдим кўпдан,  
Бахш этиб кундузим, кечаларимни.  
Уларни ажратиб бўлмайди тўпдан,  
Эслатар фабрика жўжаларини.

Севгининг «ўлдим куйдим» ларидан  
Севгининг ўзи ҳам, балжи, шарманда.  
Баҳорий шеърларнинг уюмларидан  
Помирдай тоғ тиклаш мумкин, чамамда.

Қани буюк инсон? Олий тафаккур?  
Қани, шеърятнинг жозиба кучи?

Данко юрагидай шеър сочмаса нур,  
Олга ундамаса, унда не учун?

Мана, пахтакорни ўйланг-чи, ўртоқ,  
Қайси бир дардини этдингиз изҳор?  
Дала — ҳамон денгиз, хирмон — ҳамон тоғ,  
Машинаси — кема, ўзи бахтиёр!

Хайр, бу гаплар-ку, аслида тўғри,  
Бироқ пахтакорнинг олами қани?  
Кул босиб, сўндириб қўймасми чўғни,  
Қани, шеъриятнинг оташ гулхани?

Иккингиз ҳам жимсиз. Оғир муаммо.  
Бу гапнинг тагида гап бор салмоқли.  
Қанча важ-корсонни пеш қилманг, аммо  
Ҳеч маҳал қора деб бўлмагай оқни...

Шу ерда узилди баҳсинг тори,  
Дилтанг асабийлик даврада ҳоким.  
Кўнгилда шиддатли суҳбат губори,  
Жим-жим ўз ўрнида қолганди ҳар ким.

Мен йўлакка чиқдим. Фақат чекишдан  
Олмоқчи бўлардим ҳамма аламини.  
Алҳазар, олисман мен тиз чўкишдан,  
Бежиз тутмаганман, ахир, қаламини.

Бир кунмас, бир ҳафта тортишмоқ мумкин,  
Мумкин ё бепарво кулиб қўйишим.  
Жим қолмоққа виждон йўл бермас, лекин  
Ҳозирча ўринсиз бўлар бу ишим.

Рассом тажанг эди. Вагон кўзидан  
Қоронғига боқар уйқудан кечиб...  
Ярим тун. Ўринга ҳамма чўзилган,  
Барча купеларнинг чироғи ўчиб.

Қайсар җамроҳимнинг бу баҳс қуюни  
Аччиқ ҳақиқатга этиб рўбару,  
Остин-устин қилиб фикрим уйини,  
Қалбу ўйларимга солганди ғулу.

Гувлаб ғилдираклар интилар олға,  
Ойнани беаёв савалар шамол.  
Юрагимда қўзғаб тизгинсиз долға,  
Уйқу йўлатмасди нотинч бир хаёл...

Кўзим илнинбди... Қайноқ дашт эмиш,  
Ҳароратдан нафас олиш бир даҳшат.  
Яланг оёқ юриб, кўнглим ғаш эмиш,  
Тиканак заҳрини тортиб бешафқат.

Гоҳ қум ёндираммиш, гоҳо гармсел  
Кўзим очирмасмиш қуюнга ўраб.  
«Сув!» дейман, бир томчи бўлмайти ҳосил,  
Гоҳ чақмоқ чақармиш, ҳаво гуриллаб.

Нортуя устида борармишман гоҳ,  
Лўкиллаб, додимга солмасмиш қулоқ.  
Гоҳ йўлимдан чиқиб тубсиз, теран чоҳ,  
Қичқирсам, овозим чиқмасмиш бироқ...

Шунда бир оломон бўлибди пайдо,  
Оламга сиғмасмиш одамзод деган.  
Суриштириб билсам, бу олов саҳро  
Жаннату дўзахга чорраҳа экан.

Соқоли белида, чўқморли, чўтир,  
Кўзи чўғ, девдай бир барзанги одам,  
Яхшию ёмонни ажратиб бир-бир,  
Ҳайқириб, пишқириб турармиш бу дам.

Таниш олимимга ўхшармиш афти,  
Аммо баҳайбату хунук ва дароз.

Кўп ичида бирдан мени пайқабди,  
Қаҳқаҳа кўтариб, солмиш гулдурос.

Ўзин тўхтатолмай заҳар кулгидан:  
«Қўлга тушдинг, дермиш, ғазалхон тўти!  
Жавоб бер-чи, дермиш, тўғри кўнгилдан,  
Қани, шеъриятнинг Прометей ўти!»

Қутилиб бўлмасмиш ҳеч таъқибидан,  
Қўлида чўяндан гурзи-гарони.  
«Омон қочолмайсан мен рақибингдан,  
Юзингга суртаман, дермиш, қарони!»

Баланд ҳаволатиб чўқмор — гурзини,  
Тушириб қолди-ку, юзу бошимга...  
Алаҳсираб бирдан очдим кўзимни,  
Поезд силкишидан келиб ҳушимга.

— Қўрқдингиз шекилли, — деди пахтакор,  
Офтоб ҳам чиқай деб қоляпти, ана.  
Қани, тезроқ тушинг, нонушта тайёр,  
Уйқу бўлса қочмас, ухларсиз яна.

\* \* \*

Поезд гувиллар. Ер айланар оғир,  
Қамти ўтирибмиз яна тўғовлон.  
Бошим қўрғошинга тўлгандай оғрир,  
Зимдан кузатарди бизларни деҳқон.

Гаплар қовушмайди, совуқ жиддият  
Кўзларда акс этар, сўзлар ўлчоғлиқ.  
Кечаги ҳаяжон, баҳсу зиддият  
Тинган, ёмғир босган чанг-тўзон янглиғ.

Кўк чой айланади. Аммо диллар ғаш.  
Бу ҳолдан пахтакор андак бўлиб танг,



Томоғини қириб, ҳазил аралаш  
Сокин давра мавжин қўзғайди аранг.

— Нима бало, жимиб қолдинглар бугун,  
Кечаги ўт-олов, ҳарбу зарб қани?  
Бу хил сўз жангини кўрмовдим бурун,  
Товба!— деб ҳайратдан тутдим ёқани.

Мен ҳам уруш кўрган аскарман ахир,  
Улоқда ҳеч кимдан тортмаганман тап.  
Пахтакор иши-ку, енгилмас, оғир,  
Аммо оғир экан тўқнашганда гап.

Санъатдан сўз кетди,  
Қўшиғу газал  
Бизга ҳам бегона эмас, азизлар,  
Бол ари гуллардан йиғгандай асал,  
Китоб ҳам минг меҳнат билан ёзилар.

«Бир гап тирилтирар, бир гап ўлдирад»  
Раҳматлик бобомнинг панди эсимда  
Бобом бахши эди, кўзим мўлдирад,  
Достон тинглар эдим бола кезимда.

Шунданми  
Окопда, жангдаликда ҳам  
Хатни битар эдим қофия қилиб.  
Бу ёғи, юракни янгангизга ҳам  
Шеър билан айтганмиз билмай ё билиб.

Ким ҳақу ким ноҳақ? Айтмоғим қийин.  
Лекин талай маъно англаганим рост.  
Энди, аччиқ-чучук гаплардан кейин  
Жиндай кўнгил хушлик бўлармиди соз...

Биз-ку деҳқон одам: уруғни қадаб,  
Сувни тараб юрган ёзу аёзда.

Гапни қўзғаганда қайнар экан гап,  
Мисоли кон экан дейман қиёсда.

— Конликка конку-я,— сўзланди олим,—  
Беҳад бир хазина, гўзал ва нозик.  
Сўзнинг гавҳарлари унда лиммо-лим,  
Кўнглини яйратар тонгдаги создек.

Бироқ ишлатишда ношудмиз ҳануз,  
Эҳтиётсиз қўлдан у чекар озор.  
Мени ваҳм босар... қурбон бўлиб сўз,  
Ҳиссиз назмларда топганда мозор.

Дод дегим келади... Қаерда инсоф?  
Шаҳри бедарвоза эмас сўз мулки.  
Нечун уни бундоғ этишар исроф,  
Токай уволига қолмоқлик мумкин?

Мен-ку, геологман, касбим кончилик  
Темир зарраси ҳам менга олмосдай.  
Деҳқон, айтинг, ерда ётса бир чигит  
Босиб ўтасизми, қўлга олмасдан?

Яна гап қўзғалди. Баҳс тахтасида  
Олим аспни суриб, эълон қилди «кишт»,  
Мен ҳам қарши ҳужум қилмоқ қасдида  
Айланма юришни этгандим хоҳиш.

— Гапингиз рост,— дедим,— худди шу хаёл  
Мени ҳам ўртайди, олиб тинчимни.  
Арзон-гаровликдан чекиб кўп малол,  
Ғашлик кемиради баъзан ичимни.

Лекин бу ташвишнинг чин шеъриятга  
Алоқаси қанча? Ҳақиқий санъат

Ўлмаслик бахш этиб олий ниятга,  
Асрлар бағрида ярқираб абад.

— Қани шу ярқираш? Баҳсининг туб мағзи  
Худди шу масала устига ҳозир,  
Алоқаси йўқ деб — туроқли ваъзни  
Урчитишдан инсоф емасми озор?

Инкори мутлақдан йироқман, йироқ,  
Кўзимга сураман шеър юлдузларин.  
Фанний мўъжизалар даврида, бироқ,  
Истайман юракнинг атом сўзларин.

Ахир, ўйлаб кўринг. Ҳозир шундай давр:  
Уммонлар — коса сув инсон қўлида.  
Оддий бир заррадан қуёшга дову  
Камарбаста бўлмиш унинг йўлида.

Чақмоқлар гугуртдай, Ернинг қат-қати  
Кафтдагидай аниқ; нурли Қаҳқашон,  
Самонинг бепоён сир-маҳобати,  
Қатрада акс этган коинот — жаҳон —

Еутун борлигини очиб қўймиш кенг,  
Тарози палласин босмиш тилсимот.  
Иккинчи паллани босиб теппа-тенг,  
Шайинни баробар тутгайми ижод?

— Гапингиз рост, — дедим, — аммо баридан  
Одамнинг олами минг бор мураккаб,  
Юрак — мураккаброқ бу Ер шаридан,  
Ўнгай кириб бўлмас оддий юракка.

Қайғудан энтижиб, севгидан яшнаб,  
Бахтдан товланаркан шу бир парча гўшт,

Бу ҳеч вақт бўлгайми осонгина гап  
Ё бунинг нимаси оддий экан, хўш?

Кулги ҳам, кўз ёш ҳам, нафрат ва қувонч  
Унга қатлам-қатлам бўлган экан жо:  
Ҳар бир заррасида айланиб қуёш,  
Ҳар бир томчисида яшаркан дунё—

Ахир, шу эмасми қўл етмас чўққи,  
Теранлик терани — муқаддас борлиқ.  
Одамда шундай бир куч — қудрат йўқки,  
Бўлмаса шу юрак измига боғлиқ:

Табиатнинг буюк мард ҳуқумдори  
Шафақдан, шабнамдан оларкан баҳра,  
Шеърдан барқ уради илҳом баҳори —  
Инсон туйғусига олам — кенг саҳна.

Пахтакор жим эди, ўйчанди рассом,  
Олим тайёрлар яна ҳамлага.  
Ҳали-бери бўлмас қамалимга ром,  
Бу сир маълум эди энди ҳаммага.

\* \* \*

Шу асно секинлаб тўхтади поезд,  
Гавжум перрон бўйлаб юриб ёнма-ён,  
Муздаккина пиво излар эдик биз,  
Мана, қаршимизда қидирган дўкон.

Этни жимирлатиб кўпирар коса,  
Сотувчи қиздан ҳам ололмасдик кўз.  
Бир чимдим соф ҳаво нақадар соз-а,  
Жиндай шошмасин-да яна тепловоз.

Қизнинг қарашлари, кулгиси, нози,  
Мужгон ўқин отган қоши ёси ҳам,  
Йўлнинг ҳордигини бир лаҳза ёзиб,  
Роҳат бахш этарди шўх имоси ҳам.

Олим хурсанд эди: — ғоятда гўзал! —  
Дер эди пивонинг таъмини туйиб, —  
Мана бу, азизим, чинакам газал,  
Сиз бўлса гап сотиб юрибсиз куйиб,

Қаранг-а бу қизни, қайси шеърингиз.  
Уни ўзичалик этибди тасвир.  
Қани, бу лавҳани чизиб берингиз  
Шоирлик шавқига бўлсангиз асир?

Бир лаҳза ичида бунча ўзгариш,  
Гўзаллик олдида қалбнинг эриши —  
Бирдан баҳор келиб йўқолгандай қиш, —  
Мени лол этганди тақдирнинг иши.

Аммо жим турардим одам тўпида,  
Ғолиб келганимни ундан яширмай...  
Қўнғироқ чалинди, яна купеда  
Қамти ўриндиқда ўтирардик шай.

— Хўш, энди қалайсиз? — дедим жилмайиб, —  
Бир нигоҳ қошида бўйин эгдингиз.  
Ҳали-ку, санъатни кўзга илмайин,  
Нафосатдан қўлни ювган эдингиз?

— Йўқ, йўқ, — дерди олим бўш келмай  
ҳамон, —

Иккимиз — икки қутб бу тушунчада.  
Гапимнинг мазмуни бўлакча тамом,  
Билмадим, изҳори дил ҳам шунча-да...

Яна йўл юрилди, соат айланди,  
 Бориб келар эди сўзнинг коптоғи.  
 Гоҳ унинг домига мен бўлиб банди,  
 Таслим бўлар эди менга у гоҳи.

Гоҳо асабийлик устун келару,  
 Фикр шамширлари тўқнашар кескин.  
 Баҳор булутидай тошиб гоҳи у,  
 Гоҳ мантиқ мавжида оқарди секин.

Гоҳо жиззакилик илгида асир  
 Шеърый далилларни тизардим қатор.  
 Гоҳ олам сирини очиб бирма-бир,  
 Авж нуқтада мени этар у тор-мор.

Шубҳаю ишончнинг беаёв жанги  
 Туғён солар эди тану жонимга.  
 Дилни тийра этса гоҳ шубҳа занги,  
 Гоҳ ишонч кирарди бирдан ёнимга.

Шу зайлу оқимда ўтди яна тун,  
 Йўлдаи узун эди баҳсинг ҳам йўли.  
 Ҳар ким ўз фикрида собиту устун,  
 Ҳар кимнинг ўзича баланддир қўли...

Манзил яқин эди. Йўлкага чиқиб,  
 Роҳат сипқорардик шафақ баҳридан.  
 Уфққа лоларанг байрогин тикиб,  
 Қуёш уйғонарди ўрмон бағридан.

Яшиллик яшнарди, майса хуш бўйи,  
 Булбуллар қўшиғи дилни этиб маст.  
 Она табиатнинг гўзаллик тўйи  
 Кўзларни эркалаб, қўзғарди ҳавас.

Уфқлар сузарди ҳарир пардада,  
Қирларда қизғалдоқ ёнарди лов-лов.  
Олам нафосати ҳар бир заррада,  
Ун саккиз ёшлидай табиат асов.

Тиззадан шабнамли ўтти оралаб,  
Соё лабига хурсанд келаётган қиз,  
Гуллар узаяпсан сара-саралаб,  
Қалбинг ғам булутин кўрмасин ҳаргиз!

Рассом қувноқ эди, олим ҳам масъуд,  
Пахтакор шод эди бу манзарадан.  
Недир кўнгилларнинг заҳрини босиб,  
Ғуборни олгандай бизнинг орадан.

Ўйлар эдим: олам нақадар рангин,  
Нақадар мураккаб инсон — олий зот.  
О, унинг мукаммал ҳислар жарангин  
Ифода этгайми бирорта ижод?

У қия очилган эшикдир ҳали,  
Унинг қат-қатида кўп жумбоқлар жам.  
Бўсагадан нари ўтмоқнинг гали —  
Ҳали олдимизда, терандир одам!

Олимнинг ўзи-чи? Яхлит бир қоя,  
Бағрида не ҳикмат, сирлар яширин.  
Унинг қалб тўрига пояма-поя —  
Тушиб, очмоқ учун мўъжиза сирин.

Қанча қудрат лозим, қанча ҳаяжон,  
Сўзнинг нурланиши, ёниши керак.  
Олам зиддиятин идрок этган жон,  
Симобдай чайқалиб турувчи юрак.

Йўлдош олимимнинг сафар сабоғи  
Оламни кенг очди гўё кўзимга.

Ялт этиб ҳақиқат ўткир чақмоғи  
Аён кўрингандим ўзим ўзимга.

\* \* \*

Шоезд ҳам тўхтади. Улкан шаҳарнинг  
Оғуши очилди шодлик-ла бизга.  
Шу ерда тўхтатиб қизғин сафарни,  
Таралиб кетамиз иш-ишимизга.

Бир-бир хайрлашдик, эсонлик тилаб,  
Яна учрашурмиз бўлсак соғ-омон!  
Маъюс қўл беришиб, эҳтиром қилиб,  
Тўртимиз йўл олдик шунда тўрт томон.

Олим жўнар экан, бутун вужудим  
Алланечук бўм-бўш туюлди бирдан.  
Энг азиз нарсдан ажралгандай, жим  
Бир лаҳза кўз узмай қолгандим ердан.

1968



## ҶИШЛОҚДАГИ ҲАЙКАЛ

### I

Сутдай ойдин кеча.  
Дарё бўйида  
Ястаниб ётади сўлим қишлоғим.  
Чироқлар маржони порлар бўйнида,  
Адир тўшидаги менинг чироғим!

Полизлар атрини сипқарган ҳаво  
Димоқни эркалар келин сочидай.  
Булбул бедазорга чорлар: «Марҳабо!»  
Бир дам қулоқ берсанг, баҳринг очилгай.

Олис сафарлардан қайтганман бугун  
Бу дилбар гўшани жондан соғиниб,  
Елкадан қўйдим-да, манзиллар юкин,  
Энтикиб чиқардим йўл чарчоғини.

Болаликнинг сирли сўқмоқларидан  
Секин тушиб бордим салқин гузарга,  
Бўса олиб гулзор япроқларидан  
Самода олтин ой сокин сузарди.

Дўстлар даврасига хуморман жуда,  
Ҳовримни олгуси бир пиёла чой.  
Шинам сўриларда суҳбат авжида,  
Ариқ шилдирайди, гурунг ёқимтой...

О, соғинч ҳиссининг ширин дамлари!  
Томоғимга қалқиб келар ҳаяжон.  
Қишлоғимнинг азиз, мард одамлари,  
Сиз сари талпинди сафарларда жон.

Суҳбат завқли эди,  
Ҳикоятлар кўп,  
Вақтнинг ўтганини билмасдик лекин.  
Гулзорда чироқлар ёнади тўп-тўп,  
Нур аро улуғвор туради Ленин.

## II

Ярим тун.  
Уй-уйга тарқалса ҳам эл,  
Мен гузар бошида турибман ёлғиз,  
Райҳон бўйларини шопиради ел,  
Дарё соҳилида фақат уйғоқ ГЭС.

Гулзор ўртасида Ленин турар тик,  
Олис уфқларни кўрсатиб қўли.  
Мармар қоя узра оддий ва тетик,  
Нурли сарҳадлардан ўтади йўли.

Бу жимжит кечада, доҳий олдида  
Босган йўлларимга ташлайман назар.  
Йиллар жилваланиб ақлу қалбимда,  
Умрим лаеҳаларин тизар сарбасар.

Гўдак гайтим эди,  
Бобом етаклаб  
Илк бsr ҳайкал томон олиб келган чоқ.  
Оппоқ сёқолларин хаёлчан силаб,  
Соатлаб бу ерда ўтирганди чол.

— Бобо, бу тош одам ким? — деб сўрадим, —  
Нега ёнингизга тушмайдилар ҳеч.  
Бобом мийиғида кула туриб жим,  
Менга сўзлардилар кўзларда севинч:

— Уғлим, бу кишининг номлари Ленин,  
Москва шаҳрида ўтган улуғ зот.

— Ундай бўлса, бизнинг қишлоқнинг йўлини  
Қандай билиб келган, юрганми узоқ?

— Ҳа, узоқ юрганлар. Одамзод насли  
Азобу кулфатдан халос бўлсин деб.

— Азоб-кулфат деган жинлар эмасми,  
Ёки бувим айтган аждар билан дев?

Бобом кулардилар, пирпираб кўзим  
Унга тикилардим, ҳайратда боқиб.

— Улғайгач, барини биларсан, кўзим, —  
Дерди суюб бобом, елкамга қоқиб.

Кечалар ўйлардим. Қору аёзда  
Совуқ қотмасми деб, ошиб гумоним.  
Тандирдай қизиган саратон — ёзда  
Офтоб олмасми деб, ачирди жоним.

Гўдак тасаввурим этолмасди ҳал  
Тошга айланишини ўлган одамнинг.  
Бир тилсимот эди мен учун ҳайкал,  
Тинчнинг бермасдим сўраб дадамнинг.

Йиллар ўтди... Иқалам, алифбо тутиб,  
Кирдим мактаб деган сирли бинога,  
Муаллим сўзларини чанқоқ-ла ютиб,  
Туғилгандай бўлдим қайта дунёга.

Бунда Ленин номин бўғин-бўғинлаб  
Уқидим, қоғозга эта олдим нақш.  
Ҳарфларни меҳр-ла ёзиб, тўғрилаб,  
Кеча-кундузларни этдим шунга бахш.

### III

Ҳар сабоқ, ҳар варақ, ҳар бир харита  
Зеҳнимда уфқлар этиб намоён,  
Билдим, қишлоғимдан нари-нарида  
Борлигин сир тўла кенг, катта жаҳон,

Шу жаҳон уфқида турарди Ленин,  
Ер шарин барала тутгандай кафтда.  
Бу гап мазмунини англамоқ-чун мен  
Пионер бўлдим турдим зич сафда.

Билдим, галстугим байроқ нишони,  
Бўйнимда елпинди қизил шуъладай,  
Қизил галстукни Ленин ишониб,  
Менга юборгандай туюлди атай.

Гулхан атрофида қувнашиб, ўйнаб,  
Юракка кўчирдим оташ рангини.  
Инқилоб учқуни дедилар... ўйлаб,  
Элас илғай олдим ҳурлик жангини.

Тарихлар сўзлади талай нақллар,  
Фанлар борлиғимни этдилар изоҳ.  
Буюк қаҳрамонлар, доно ақллар  
Замонлар қаъридан ташлашди нигоҳ.

Уйқу бермас эди ваҳм эртақлар,  
Одам босиб ўтган машаққатли йўл.  
Қадим Спарталар ва Спартаклар,  
Сўғду Бобул — барж қулдор билан қул.

Қул? Қуллик нимаси? Одамни одам  
Янчиб ишлатарди, шилиб пўстини,  
Бир поя юксакка қўйганда қадам  
Одамнинг кўзини зулмат тўсдимми?

Одам ажралганди икки қутбга,  
Душманга айланиб икки биродар.  
Бирининг рўзгори тўлсин деб қутга,  
Бири тупроқ билан бўлгай баробар.

Миср эҳромининг ҳар битта тоши  
Суяклар устида тиклар экан қад,  
Тутилгандай бўлди ақл қуёши,  
Худоми, фиръавн-бунча бешафқат!

Хитой деворию Румо черкови,  
Будда қалъалари, Афросиёблар...  
Заҳмат аҳли ёнган дўзах олови —  
Азоблар, азоблар, чексиз азоблар.

Ўзига буюрмас не яратса қул,  
Пашшадай қирилиб пошна остида.  
Ҳақсизликка қарши кўтарилган қўл  
Қирқилар... шу ёзиқ пешанасида.

Ўн минг йил, беш минг йил... шу хил фожиа,  
Зулмат давронлари — ададсиз занжир.  
Тахтлар ривожидан, шоҳлар тожидан  
Бурқсийди фуқаро дунёсин ранжи.

Тарих олис эди, қонли ва чигал,  
Темуру Чингизлар изғир даштида,  
Муҳаммад этолмас жумбоқларни ҳал,  
Сукроти Сиолагарддек қошида.

Замонлар кимнидир кутар мунтазир,  
Тугунлар счилса фикру ўйида.  
Бир фадзанд туғилди мактабдор-нозир —  
Ульянов ўйида, Волга бўйида.

#### IV

Фикрим чуваларди  
Ўқиган сайин,  
Миямни пармалаб минг бир хил савол.  
Шунда қайтаролмай болалик раъйин,  
Далага чопардим бамисли шамол.

Бедазор шовиллар,  
Яшнардн борлиқ.  
Баҳор селларида чўмилиб, яйраб.  
Бир томон — баҳмал-чим,  
Бир томон — боғлиқ.  
Қушлар қўшиғида жилвагар байрам.

Беқасам тўнини елкага илиб,  
Оёгим тагидап сачрар тустовуқ.  
Сурувлар ўтлайди қирда ёйилиб,  
Уфқ гардишида офтоб — олтин чўғ.

Ўроғим ялтиллаб шу чўғ тиғида  
Шабнамли ўтлардан ўраман боғлаб,  
Қизғалдоқ гулхани қизғинлиғида  
Қишлоғим бағрига босар ардоқлаб.

Гоҳ чиллак,  
Гоҳ копток,  
Гоҳи ов, пойга...  
Ўйнар, далаларга сигмай болалик.  
Кечалар хаёлчан боқардик Ойга,  
Чилдирма чертмоққа ошиқ боладек.

Мовий бўшлиқларга тикилиб ўйчан,  
Англардим, оламнинг сўнгсиз эканин,  
Варрак эмас эди осмонда учган,  
Балки ҳисларимнинг жўшқин елкани.

Озод, обод элга фарзандлигимни  
Жажжи ақлим ила қилардим фаҳм.  
Улкан орзуларга пайвандлигимни  
Юракдан тушуниб, этардим фахр.

Билардим бепоён юртим борлигин  
Осмон қуча олмас масофаларда.  
Ватаним мазмуни қуршаб борлигим,  
Чинни ажратгандим афсоналардан.

Чкалов, Папанин — мардлик чўққиси,  
Гўрўғлидан кўра Чапай яқинроқ.  
Бузилиб табиат асрий уйқуси,  
Порлар Днепро ГЭС кундан ёрқинроқ.

Беш йилликлар чулғар юртни баҳорга,  
Уйғотиб янги ҳис, янги туйғулар.  
Ҳусну камол бериб улуг диёрга,  
Ҳар лаҳза, ҳар дамда мардлик туғилар...

«Ўн учлар» ташнаком кезаркан қумда,  
Ғолиб чиқса дердик бизнинг қизиллар.  
Бирор жангчимизга ўқ теккан зумда  
Оғриғи бизларда ортиқ сезилар.

Мактаб ҳовлисига тутилиб экран,  
Намоён этаркан Октябрь йилин,  
Кутардик, хўш, ҳозир Ленин не деркан,  
Яна қачон чиқиб келаркин Ленин?

Булар на афсона, на бахт эртаги...  
Аниқ кўрар эдим Лениннинг ўзин,  
Шу ҳайкал ёнига келиб эртаси  
Узоқ ўтирардим, такрорлаб сўзин.

## V

Яна кўз олдимга келарди тарих,  
Асрлар чуввоси — фарёд ила ғам.  
Унинг дардларига даво ахтариб,  
Неча донишмандлар сўнар мисли шам.

Пугачёв армонда,  
Армонда Разин,  
Декабристлар ҳам қилинар қатл,  
Ҳеч ким эшитмайди йўқсиллар арзин,  
Арзу дод деганда йўқ зарра қадр.

Бир маром айланар гардуннинг чархи,  
«Инсон, ожизсан!» — деб нидо этароқ.  
Абадий тузилган дунёнинг тархи,  
Исёнинг бошингни ейди эртароқ.

Тақдирга таъзим қил, йўқдир ўзга йўл,  
Бой бойга боқади, сой сойга оқар.  
Ким бу ақидага кўтараркан қўл,  
Худонинг нақ ўзи дўзахда ёқар.

Тарихнинг бу аччиқ, қаҳрли тилин  
Обдон тушчиноққа бўлсам-да ожиз,  
Билардим, мададга келганин Ленин,  
Парчинлаб минг йиллик султонлар тожин.

Бедор ўтирибман доҳий қошида,  
Унсиз бир суҳбатнинг завқи билан банд.



Йиллар чарх уради яна бошимда,  
Кўзгуда акс этган тилсимлар монанд.

Эсимда байрамлар: Октябрь ё Май,  
Алвон байроқларнинг қизгин тўлқини,  
Тонггача қўшиқлар ёдлашиб, тинмай,  
Бадарға қилардик кўздан уйқуни.

Шу гузар, шу майдон худди лозазор,  
Ясан-тусанлардан қамашгудай кўз.  
Сафлар ўтишарди қатор ва қатор:  
Мактаб ва МТС, сельпо ва колхоз.

Бу — чин сайил эди,  
Қишлоқ сайили,  
Бундан зўр тантана йўқдай наздимда.  
Шодлик қучоғида бор қишлоқ эли  
Ўтарди Ленинга ҳурмат — таъзимда.

Англардим,  
Бу шодлик қайдан келганин,  
Инсоният уни кутганин маҳтал.  
Унинг йўлларида босқич бўлганин  
Париж Коммунаси ва Интернационал.

Неча минг йилларнинг дил ташаккурин  
Ленинга етказмоқ насиб этган эл,  
Қутлаб байроқларнинг арғувон нурин,  
Устоз ҳузуридан ўтар мисли сел.

Ленин боқар эди баланддан мамнун,  
Бўй-бабини чулғаб офтоб зарин.  
Кўксимга тўларди сирли бир мазмун,  
Кўзимга тушгандай доҳий назари.

Гўё улғайгандай яна бир ёшга.  
Тобланар мендаги фикр ва туйғу.  
Энди бобом билан суҳбат ҳам бошқа,  
Энди кўп нарсани менадан сўрар у.

## VI

Ногаҳон ташвишдан сесканди Ватан,  
Уруш тўлқинлари етгач элимга.  
Эл ғазабга келиб чуқур қайғудан,  
Маслаҳат қилмоқ-чун келди Ленинга.

Доҳий ўйчан эди, шиддатли, дадил,  
Қарашида ёнар нафрат ва қасос.  
Ғалабага ўзи бўлгандай кафил,  
Оловли жабҳага боқарди устоз.

Оломон ичида турардим мен ҳам  
Лениндан кўз узмай, нафасим ютиб.  
Шу ерда бўлганди бутун қишлоқ жам,  
Гўёки Лениннинг мададин кутиб.

У олға ундарди.  
Саф-саф йигитлар  
Жангга отландилар ҳайкал ёнида.  
Кўзларда изтироб тўла умидлар,  
Денгиз қалқиши бор эл тугёнида.

Мўйсафидлар ўйчан,  
Оналар ёшли,  
Ҳижрон ғурбатини сезар келинлар,  
Бу эл бунча ғазаб, бунча бардошни  
Олгандай бўлганди ҳозир Лениндан.

Шу ердан жўнади фронтга акам,  
Менинг ҳам ўчимни қалбига солиб.

Билардим, жанггоҳдан қайтади ўктам,  
Фашистни емириб мардона, ғолиб.

Йиллар оғир эди,  
Мен-чи, ёш эдим.  
Бир шубҳа, бир гумон келса дилимга,  
Ҳамиша Лениннинг ёнига келдим,  
Юрагимни очиб улуғ Ленинга.

## VII

Ҳозир ҳам турибман доҳий қошида,  
Кўриб неча йиллик умр сабоғин.  
Йиллар чарх уради яна бошимда,  
Мужассам этарак йўллар салмоғин.

Йўллар жуда олис,  
Йиллар қатма-қат,  
Уйлар ва меҳнатлар безар уларни...  
Шу камтар манзилга сақлаб садоқат,  
Бугун босиб келдим талай йўлларни.

Йўлларки буралиб ётар олисда,  
Чўққига югурган сўқмоқларсимон.  
Гоҳо тикка ўрлаб, гоҳо оҳиста  
Бошлайди ҳамиша синовлар томон.

Довонлар,  
Диёрлар ортда қолди-да,  
Бўйлаб кезиб чиқдим Гангу Дунайни.  
Ильич!  
Сиз очдингиз кўзим олдида  
Мураккаб, чигал ва кўркам дунёни.

Лейпцигда —  
«Искра» уйида туриб,

Асримиз бошини этдим тасаввур.  
Учқунда яширин аланга қўри,  
Зулматни тилганин кўрдим ғолиб нур.

Димитров Герингни бўғиб ҳалқумдан,  
Шунда фашизмни этар экан фош,  
Қалбида бор эди, ўша ёлқиндан,  
Елқинки, абадий порлаган қуёш.

Вена ишчисининг тингладим сўзин,  
Дил ёрди ҳинд косиб, араб фаллоҳи.  
Бу нур  
Равшан этиб қитъалар юзин,  
Эрку ҳақиқатнинг бўлди оллоҳи.

Бу нур — доҳий нури  
Қитъалар узра  
Қирмизи байроғин ёйди мисли тонг.  
Сўнгсиз курашларни жам этиб ўзда  
«Аврора» саси-ла ураётир бонг.

Занжирлар шарақлаб, банди-бандидан —  
Узилиб, бузилиб, хароба дунё,  
Олам яшармоқда тамом янгидан,  
Кулдан бош кўтарган Қақнус<sup>1</sup>дек гўё,

Бироқ бу йўлларда жанг кўпдир ҳали,  
Ҳали доvonлар бор оғир, серхатар.  
Аммо порлаётир Ленин машъали  
Жаҳоний зафардан келтириб хабар.

Бу нур ГОЭЛРОнинг чироғи бўлиб  
Мудроқ гўшаларда яратди жаннат.  
Водийларим кумуш чиройга тўлиб,  
Тантана қилмоқда Инсон ва Меҳнат.

---

<sup>1</sup> Афсонавий қуш номи.

Бу нурнинг кичик бир ёғдусисимон  
Дорилфунун порлар доҳий номида.  
Бу ерда ўқидим замин ва замон  
Илмини Лениннинг ўлмас томида...

Мана, кўз олдимда турибди устоз,  
Чулғаниб кечанинг ёғду-зарига.  
Оғир меҳнатдан сўнг ҳордиқ-чун бир оз,  
Чиқиб келган каби дала сайрига.

Сайр этса арзийди,  
Чиндан ҳориган...  
Минглаб довуллардан дадил ўтди у.  
Аммо бу дунёда зулм бор экан.  
Унга бегонадир ором ва уйқу.

Олис уфқларни кўрсатиб қўли,  
У борар кўп маҳтал ўлкалар томон.  
Инсонлар қалбидан ўтади йўли,  
Энг эзгу иш билан машғулдир ҳамон!

**1970**

# ТОЛЛИМАРЖОН ДОСТОНИ

## 1

Ҷар кимнинг қалбига энг яқин жой бор,  
Қишлоқдир, шаҳардир, маҳалладир ё.  
Ўз севган боғи бор, тоғи бор, сой бор,  
Ўзининг қалбига энг туташ дарё.  
Ҳаётда бўлмайлик миллионча нафар,  
Ватан бойликларин кўрганда баҳам,  
Она-юрт ўзаги, дея ҳар сафар  
Аниқ бир манзилни кўрсатар одам.  
Унда киндик қони тўкилган балки,  
Балки илк севгиси отгандир чечак.  
У ўшал чинорнинг ажралмас барги,  
Иккиси бир тану бир жондир бешак.  
Дўстлар даврасида борганида гап,  
Хоҳишлар товланган чоғида рангин,  
О, даштим, мен сени ўйлайман, ажаб,  
Тинглаб парвозингнинг юксак жарангин.  
Бугун мен соғиниб тонглари елин,  
Учдим оғушингга бир қушдек яна.  
Эмиб офтобнинг баҳорий селин,  
Қаршимда сеп ёйиб мисоли келин,  
Самолёт қаноти остида, қаранг,  
Ошқора этарак кенг бағру феълин,  
Даштим жилоланиб қурмиш тантана!

Бу ер — Қарши чўли. Чўли Малик бу,  
Бир миллион гектарлик кафтдек текис ер.

Учиб кўзларидан ғафлатий уйқу,  
Баайни занжирдан бўшатишган шер,  
Аму соҳилида янграб наъравор,  
Олтин сандиқларин очмоқда бир-бир.  
Унинг ҳар мисқоли жонга баробар,  
У менга бахт, ахир, қўшиқ ва тақдир.  
Биз — Ер фарзандимиз. Дунёда ер кўп,  
Ҳаво кўп, осмон кўп бизлар кўрмаган.  
Ҳар кимга азиздир ўз юртида чўп,  
Гуруч ҳам ажратмас ҳатто курмагин.  
Салом, чим ҳидига тўйинган борлиқ,  
Чорвадор, пахтакор ва қурувчи эл.  
Қалбимнинг ҳар тори сен билан боғлиқ,  
Дарёни чўл томон юрдирувчи эл.  
О, таниш чехралар, жону жигарлар,  
Акамсиз, укамсиз тоға-жиянлар,  
Даврангиз қўмсадим... ҳу, қир тўшида  
Томоша этарак юлдузистонни,  
Бир суҳбат қурайлик тун оғушида,  
Меҳр улғайтирар, ахир, инсонни.

Даврада дўстлар жам.

Яна кимдир кам?

Қайда Тоҳир Сафо номли анов зот?  
Ёшлиқдан дўст эдик бизлар чинакам,  
Қўй боқиб, сайхонда сурардик-ку от?  
Қайда Ботир ҳозир, қаерда Хушбахт,  
Наҳот, топишмаса зигирча бўш вақт?  
— Улар Жайхун лабин этишган маскан,  
Дарёни кўтариб зинама-зина,  
Уйқуни, оромни писанд этмасдан,  
Саҳрода очмоқда улкан хазина.  
Дарё келин бўлса, куёвдир саҳро,  
Бир-бирга асрлар эди мунтазир.  
Холис совчи бўлиб икки ёр аро  
Тоҳир қирғоқ бўйлаб юрибди ҳозир.

Бу — Муроднинг сўзи. Қорача, лўнда,  
Тарихни сув қилиб ичган муаллим.  
Яйраб сўзлар эди юлдузли тунда,  
Ешликда бир оғир эди, бир ҳалим...  
Энди-чи, ҳазилга лиқ тўла қути,  
Аския қилганда ақлинг адашур:  
— Бунинг одам эмас, сайроқи тўти! —  
Дейди жаҳлланиб почтачи Ашур.  
Оламда ранг-баранг туйғулар кўпдир,  
Турфа ҳиссиётга тўладир одам,  
Лекин барчасидан менга махбубдир  
Дўстлар жамолидан баҳра олган дам.  
Бунда турли тақдир, турли феъл-атвор,  
Турлича ҳис-хаёл, майл ва одат  
Қайғуга оламнинг уйин қилиб тор,  
Даврага бахш этмиш шукуҳ, саодат.

Вазмин бир сукунат атрофда ҳоким,  
Улуғвор тун аро хилват бир гўша.  
Тикиб зар ип билан самонинг чокин  
Юлдуз учиб қолар... Бу — ўша-ўша  
Болалик йилларнинг таниш лавҳаси.  
Яна қайтгандайин ўсмирлик чоққа,  
Кўксимни тўлдириб яйлов нафаси,  
Хушбўй сут ҳидлари урар димоққа.

Ястаниб ётибмиз адир тўшида,  
Кулгими, ҳазилми — ҳаммасидан бор,  
Майин бир шаробдан этиб нўшида,  
Дўстларни тинглайман муштоқ ва хумор.  
— Бу йил чорва йили бўлди бағоят.  
— Бу йил пахтамик ҳам қайнайди дегин.  
— Кечаги ёмғирдан куч олиб, шояд  
Яна яйраб кетса баҳорий экин..  
Суҳбатга мавзудир дунё ишлари,  
Рўзғор ташвишлари, ширин орзулар.



Нақадар қамровли чўл кишилари,  
Самимий ҳислардан кўнглинг ёзилар.  
Мурод — Қарши чўлин жонли қомуси,  
Билар минг ривоят, минг бир тарихни:  
Не учун ранг-баранг ўтларнинг туси,  
Нимага ишлатган яхши тариқни?  
Қачон бу чўллардан ўтган Муқанна,  
Нимадан Қўнғиртоғ заминин шўри?  
Ўқиган яхши-ку, лекин уққанга  
Илинар ҳаётда омаднинг зўри.  
Қачон Иртиш боқур Оролга қиё  
Ва унинг иқлимга таъсири нечук?  
Бу сойдан у сойнинг фарқи борми ё,  
Бирида сув тахир, бирида чучук?  
Суҳбат марказида — олтин мавзу чўл.  
Унинг иқболдан сўз берган маҳал,  
Ёришиб кетгандай бўлур ўнгу сўл,  
Ногаҳон ўртага қўнгандай Зуҳал,  
Дарёю саҳронинг асрий тақдири,  
Бугунги бунёдлар касб этган кўлам,  
Буюк партиянинг доно гадбири,  
Тақдир китобига замон таҳрири  
Ва чўлда уйғонган абадий кўклам  
Бирдан қамраб олур фикру туйғуни,  
Кўздан йироқ қилиб бевақт уйқуни.

Олисида, қайдадир артезиан отар,  
Уфқда чироқлар жимир-жимири.  
Пастда «Жигули»лар турибди қатор,  
Мусаффо кечани тўйиб симириб,  
Чўлнинг ўғлонлари бунда олур дам,  
Йўқдек бу кечанинг сўнги, охири...  
Лекин даврамизда бир оғайни кам,  
У бизнинг фахримиз, Қарши Тоҳири.  
Асжида, уни деб келганман атай,  
Яна қуёш билан тушурман йўлга.

Унинг ишларидан бир қисса айтай,  
У сувни етаклаб чиққан-ку чўлга.

## 2

Сахро — гўё саҳна,  
Офтоб — машъала,  
Ўйналмоқда бунда буюк театр.  
Секин куя бошлар жизғанақ дала,  
Ана, Тоҳирнинг ҳам ўзи келаётир!  
Юзларин қорайтган адир еллари,  
Жингалак сочларин ўйнаб қизгин ел,  
У чўлнинг бағридан юриб келарди,  
Чекингандай бўлиб ҳатто гармсел.  
Оддий, миқти гавда, ҳазилкаш, қувноқ,  
Бағрига босганда синар қовурғанг.  
Бир кулиб, бир сўзлар — овоз қўнғироқ,  
Баҳс чоғи лаҳзада ҳолинг қилур танг.  
Аввал салом-алик, сўнг меҳру иззат,  
Сўнгра бола-чақа, оила, хизмат,  
Соғлиқ, омонликдан гап борди бир оз,  
Сўзларда гоҳ тасдиқ, гоҳо эътироз...  
Сўнг чўл мавзуига кўчамаан дарров.  
— Тўхта,— дер,— олгани келдингми

олов.—

Аввал бир ўпкани ростлаб ол, ахир,  
Кейин кўр ишларнинг баланд-пастини.  
— Бу гапинг рост,— дейман,— оғайни  
Тоҳир,  
Ўлсанг ҳам айтасан гапинг ростини.

Бунда ҳукмрондир улуғвор ижод,  
Неча терак бўйи сапчиган Аму,  
Анҳор-анҳор мавжни кўтариб кушод,  
Чўлга ёйилмоқда ариқ-ариқ сув.  
Бетон иншоотлар ҳавозасида

Кавшарлар чақини, мотор гурроси.  
Анов Толлимаржон! Кўл ҳавзасида  
Во ажаб, ўрдакми, оққуш парвози?!  
Бунда етти қаср, етти қурч қалъа  
Ерга илдиз отиб, юксалиб баланд,  
Улкан қувурлардан сув пуркаб, қара,  
Пишқирар... етти чўнг мўъжиза монанд.  
Бир дунё нур оқар пўлат симларда,  
Ҳар бир заррасида инсон амри жам.  
Бунча қувват қайда ул тилсимларда,  
Бу — ўзбек ерида қулоч ёйган БАМ!

Шу хил ўйлар билан канал ёқалаб,  
Дарё ўзанига борардим яёв,  
Барча тандирига гарчи ўт қалаб,  
Тепадан офтоб сочса-да олов,  
Бир лаҳза сукунат билмас эди чўл,  
Йўлда машиналар карвони сўнгсиз...  
Ногоҳ қияликка чиқиб сўқмоқ йўл,  
Дуч келди қаршимдан оташрухсор қиз.

Жомакор ичида ёнар бир гўзал,  
Гарчанд кигрикларда бу саҳро гарди.  
Жайҳундан чиқдимиди сочлари зарҳал,  
Бу сув парисини, айт, ким еткарди?  
Олтинсоч, кулча юз, ёнда ўртоғи,  
Иккиси бир-бирин этмоқчидай мот,  
Дарёда чўмилиб келяпти чоғи,  
Бўлиқ кўкракларда барқ уриб ҳаёт.  
О, даштим, қойилман оқ гулларингга,  
Оҳанрабосиман, қайдан чорладинг?  
Ажиб гулу солиб тинч кўнгилларга,  
Қаршимда икки гул бўлиб порладинг.  
Бунчалик нафосат, ёқимтой имо,  
Бунчалик жозиба, ҳусн ва шўхлик!—  
Ёнимдан қўш чақмоқ «лип» ўтдимиди ё,

Юракка бир нима сачради чўғлик.  
Не-не гўзалларни кўрдим ҳаётда,  
Олам шаҳарларин кўчасин кезиб.  
Лекин лол қотмишдим ушбу заҳотда  
Ўзимни мағлублик илгида сезиб.  
Ана, улар чиқди иккита «МАЗ»га,  
Силкитиб шамолда шоҳи рўмолин.  
Гоҳ ўрлаб тепага, гоҳ шўнғиб пастга,  
Кетдилар... ўғирлаб шоир хаёлин.

Тепада тупроқни сураб бир «полвон»,  
Рулда қорамағиз, қотма мўйловдор.  
Билмадим, ишлари бормасми равон,  
Моторни ўчириб, мени кўрган он,  
Сакраб кабинадан, келди ёнимга.  
Билдим, бекоргамас, зарур гапи бор.

— Ака, сигаретдан олинг, илтимос,  
Жиндай диққат бўлиб турибман ҳозир.  
Мана, шунча ишни бажардим паққос  
Ва неча ойдирки, кутдим мунтазир...  
Эти Шавқи экан, дилда дарди кўп,  
Бульдозер ёнида туриб икковлон,  
Кўнгил сирларидан суҳбатлашдик хўп,  
Қалбини ланг очиб ташлади полвон.  
— Мен-ку, моянамни ошир, демасман,  
Ҳаммаси етарли — обрў, маош ҳам.  
Ман-ман деган марддан кам ҳам эмасман,  
Бир жойга тақалди, борингки, ёш ҳам.  
Ҳозир ўтиб кетди Галина, оқ қиз,  
Сибирдан... кўнгилни шу олган, ака.  
Лекин бар тутқазмас ўйинқароқ қиз,  
Жонга тегиб кетди, яккаман, якка.  
Ўзи-ку, рози-я, уй-жой ҳам тайёр,  
Кампир ҳам «худо» деб ётибди, ахир.

Аммо ўртамизда битта тўсиқ бор,  
Ўша говнинг номи Сафоев Тоҳир.

Тутун қайтарардик икков сўқмоқда,  
Мен «Тоҳир» номидан қотган эдим лол.  
У бор тафсилотни англаган чоқда,  
Мен яна ирғитдим бир-икки савол.  
Масала равшандир, о, «жигарларим,  
Тўйнинг муддатини чўзармиш бошлиқ.  
Тўйнинг кузда, дермиш, ҳозир иш ярим,  
Бу қандай бедодлик ва бағритошлик.  
Билдики, меҳмонман, Тоҳирнинг дўсти,  
Кўндирмоқ хизматин менга қилиб тан,  
Энди сал жиддийроқ йўлимни тўсди,  
Мушкул бир вазифа юклаб дафъатан.  
Йигит соддалиги кўнглим этиб ром,  
Кула-кула йўлда этардим давом.

Канал бўйлаб ўйчан борурман ҳамон,  
Инжу қатралардан узмай кўзимни,  
Саҳр» томирига оққан зилол қон  
Ипак қўллар билан силар юзимни.  
Дунёда мўъжиза шаршаралар бор,  
Бири Ниагара — қудрат оқими.  
Улар пастга ўрлар баланддан девкор,  
Шовқинга тўлдириб само тоқини.  
Улар — кўзга ором, асабга кўмак,  
Яна не хизмати бор эзуликка?  
Лек бизнинг оқимнинг одати бўлак,  
У пастдан баландга отилиб тикка,  
Чаманзор этмоқда азим бу чўлни,  
Дашт узра ундириб садаф денгизин.  
Меҳнат бунёд этди бу мовий йўлни,  
Тубдан ўзгартириб саҳро негизин.  
Коммунист! Ироданг қошида бугун  
Таҳсинлар айтмоқда бу қадим дунё.

Тақирда қулф уриб баҳорий гулгун,  
Чекинди минг йиллик заъфарон рӯё.

Қайда сардобаю даҳмалар ваҳми,  
Карвон қўнғирогин мунги қаёнда?  
На яздон шафқати, на тақдир раҳми —  
Бўстон яралгани сариқ ёбонда.

Бефарқ боқолмасман айқин каналга,  
Мавжига қалбимнинг мавжини қўшиб,  
Барча ҳисларимни олиб қаламга,  
Кўксимдан отилар нурли бир қўшиқ:

Лйра, эй ялангтўш, офтоб макон чўл.  
Сарин шаббодалар шўх елаётир.  
Ортмоқлаб елкада жавоҳир мўл-кўл,  
Ташна оғушинга сув келаётир,  
Орзу келаётир!

Бу — наҳр-ул ҳаётим, фарҳодлар туши,  
Ширинлар орзуси — энг саркаш хаёл.  
Аму хазинасин жонли кумуши  
Сенга интилмоқда, қучоғинга ол,  
Инжу келаётир!

Ҳарир рўмолини силкитиб бошда,  
Моей тўлқин ила кўкси қабариб,  
Порлаб, жилоланиб олтин қуёшда,  
Самумлар ваҳшатин мангу қантариб,  
Сеп ёйиб, зеб ёйиб — гўзал келинчак,  
Чўлга ҳадя этиб сўлим келажак,  
Марварид қатралар карвони билан,  
Қадамида униб лолаю чечак,  
Кувноқ табассум-ла сув келаётир,  
Ёғду келаётир!

Еллар, бу пайғомни ёйинг жаҳонга,  
Қитъалар, иқлимлар билсин сарбасар:  
То Бўкадан Бокуга қадар,  
То Қувадан Кубага қадар,  
То Гаградан Аграга қадар,  
То Тошкентдан Тайшетга қадар,  
Бухородан Бухарестгача,  
Москвадан Хасковзгача,  
Етиб Ўрсин бу шонли хабар,  
Чўл бағрига ссчиб шуъла-зар,  
Кўзгу келаётир!

Ҳовучин тўлдириб биллур томчига,  
Кўзига сураркан кекса отахон,  
Ё кумуш қатралар сачраб сочига,  
Сувга роз айтаркан ой юзли жонон,  
Болалар қийқириб сувга тўш уриб,  
Бошга кўтараркан ҳатто самони,  
Ложувард соҳилда маҳлиё туриб,  
Сени улуғлайман, Совет замони!  
Не-не аждодларнинг орзу-ўйини  
Амалга оширган устодим, дея,  
Янгратиб дўстликнинг буюк куйини,  
Сени шарафлайман, улуғ партия!

Бу — сенинг ироданг, қудратли оқим,  
Қардошлик яратган мўъжизадор бу.  
Бу — сенсан, ҳам ишчи, ҳам деҳқон  
халқим,

Ижодкор ақоват, бунёдкор туйғу.  
Ажаб, даштимизга сув келаётир!  
Сув эмас, бу боғдир, шарбат булоқдир,  
Пахтадан уюлган қудратли тоғдир,  
Сахий гулистондир, зилол қирғоқдир,  
Неча шаҳарлардир, неча қишлоқдир,

Шундай баракали сув келаётир,  
Мангу келаётир.

Нимдош чакмоқингни елкадан ташлаб,  
Баҳорий либосинг кийиб чиқ, даштим.  
Зумрад соҳил узра хушнуд ёнбошлаб,  
Сур бугун мусаффо тўлқинлар гаштин.  
Асрий чарчоқликка ва чанқоқликка  
Чек қўйиб, мавжланиб, ўйноқлаб тикка,  
Қарши воҳасига сув келаётир,  
Аму келаётир!

\* \* \*

Болалар чўмилур, ана, соҳилда,  
Чағалай тўпидай шовқинли гуруҳ.  
«Дўстлик» шаҳарчаси бордир бу элда,  
Шу чўл сийнасига истиқбол ва руҳ.  
Болалар — шу шаҳар навниҳоллари,  
Кулги, қийқириқлар шу қадарли шўх,  
Қорайтмиш танларин чўл шамоллари,  
Жажжи қалбларига қуёш солмиш чўғ.  
Улар сув ўйнашар, сачратишар сув,  
Гўёким каналда жонли фаввора.  
Ташнаком чўлимнинг яйрашидир бу,  
Замон тадбиридан туғилган чора.

Кун бўйи кезиндим. Гоҳ чангга ботдим,  
Гоҳ салқин мавжларда ювдим юзимни.  
Гоҳо равон юрдим, гоҳ йўл йўқотдим,  
Турфа манзаралар элтиб кўзимни.  
Қурилиш ичрадир бунда манзиллар,  
Кўнгилни ром этар бинолар сафи.  
Бунда юзлаб «Краз» ва юзлаб «ЗИЛ»лар.  
Техника — саҳронинг ҳар тўрт тарафи.  
Давраларга тушдим, бўлдим гурунгда,



Тўлди дафтаримга рақамлар, номлар.  
Бу ерни ўзингиз бир бор кўринг-да,  
Билурсиз нелигин завқу илҳомлар.

Қуёш ғарб уфқини этди лола ранг,  
Сўнг юлдуз кўринди мовий самода.  
Анов қир учига энди бир қаранг,  
Сайргоҳ ярқирар, номи «Шаббода».  
Чўлнинг гултожими сўлим бу маскан,  
Чироқдан гул тизган қайси бир моҳир?  
У ерга бормоғим керак-ку, ростдан;  
Унда кутмоқчи-ку, ўртоғим Тоҳир.

### 3

Бунда Тоҳир билан биз қолдик олис,  
Гўё кема ичра чўл денгизида.  
Чўл шундай суҳбатдош эдики, холис.  
Мавж уриб оққандай кема тизида.

Қирлар ўркач-ўркач тўлқиндир гўё,  
Насослар гурроси — нақ уммонга хос.  
Бу на мўъжизадир, на сирли рўё!  
Сўзла ишларингдан, Тоҳир, илтимос.

У хаёлга толди, жим қолди бир дам,  
Сўнгра сўз бошлади, очилиб бирдан:

— Гарчи ҳаётимда камдир айтар иш  
Ва лекин тақдирдан розиман минг бор.  
Агар лозим бўлса яна қайтариш,  
Яна шу тақдирин истардим такрор.  
Йўқ, сен баландпарвоз, дема бу сўзни.  
Мақтов ё кибрга йўйма мутлақо.

Дўст-дўстга очмаса суҳбатда ўзни,  
Билмадим, бу ишга не бўлгай баҳо?  
Мен на паҳлавонман, на ўта оқил,  
Минглар қаторида ўрним бор бироқ,  
Мана шу Бош канал — мўъжиза оқим,  
Дашт тунин ёритган минг-минглаб чироқ —  
Менинг ҳам ҳиссамдир — қалбим зарраси,  
Мен шу она юртга пайваста бир жон.  
Шунда — иқболимининг олтин марраси,  
Кўзимга шу ердан ёрқиндир жаҳон.  
Ўйла, ким эдигу ким бўла олдиқ  
Тупроқ кўчаларни тўзғитган авлод?!  
Бугун дарёларни биз кўтариб тик,  
Чўлда қошоналар этурмиз бунёд...

У жўшиб сўзларди... шундайки инсон,  
Бир имо очгайдир баъзан қалб кўзин.  
Бир кичик учқундан ёлқинланиб жон,  
Мунаввар кўрсатгай лаҳзада ўзин.  
У жўшиб сўзларди... Кўзим олдида  
Йиллар ва йўллардан уюшган ҳаёт.  
Шу суҳбат парвози — хаёл отида  
Олис уфқларга ёзгандим қанот.  
Қайтиб ўттиз йилдан ҳам мўлроқ ортга.  
Эркин берган эдим мен хотиротга.  
Бизнинг болаликнинг машаққати кўп,  
Уруш йилларнинг заҳрин тортдик хўп,  
Ҳа, қўш ҳам ҳайдадик, бошоқ ҳам тердик,  
Хўп янчдик, янтоқ ҳам чопдик эрта-кеч.  
Қорин тўймай арпа нонини ердик,  
У огир кунларни унутмасмиз ҳеч!  
Билардик Сталинград дўзах жангини,  
Билардик қайдадир ўт ичрадир Керчь.  
Умид-ла кутардик зафар тонгини,  
У мушкул дамларни унутмасмиз ҳеч!  
Шу жойдан икки тош нари бир ерда

Худди ҳозиргидек ўтириб ёндош,  
Қишлоқ ёнидаги яйдоқ адирда  
Суҳбатлар қурганмиз биз иккала ёш.  
Унда Тоҳир ва мен — ҳали ўспирин,  
Келажак ишқи-ла юраклар ёниқ.  
Олис уфқларга ташлаб кўз қирин,  
У чўл истиқболин кўрарди аниқ.  
Билардик келмоғин энг яхши кунлар,  
Янтоқлар ўрнида унмоғин олтин.  
Даштга жило бериб мовий тўлқинлар,  
Қоронғи кечалар бўлмоғи ойдин.  
Қарангким, тақдирнинг тақозосини,  
Улғайиш йўллари мардона босиб,  
Бу юртнинг ер-суви ва фазосини  
Измига сўндириш, дўстим, муносиб.

Суҳбат давом этар... «Шаббода» узра  
Само юлдузлари шайдо эгилмиш.  
Ернинг чироқлари — минг-минглаб Зухра  
Гўё Қаҳқашонга пайванд этилмиш.  
Қандоқ сўлим кеча! Биллур томчилар  
Чулдираб сочилур ҳавзи мрамарга.  
Суҳбатда кўнгилнинг қулфи очилар,  
Гўёким чиққандек сирли сафарга..  
...Тун ярим. Биз Аму бўйига тушиб  
Тоҳир-ла ёнма-ён кезурмиз ҳамон.  
Дарё оқиб ётар лопиллаб, жўшиб,  
Интилиб абадий манзили томон,  
Дарё оқиб ётар... жануб гўзалин  
Зулфидай тим қора тунга бериб ранг.  
Дарёмас, мўъжиза кўрар кўзларинг,  
Қинидан суғрилган қиличдай яланг.  
Бунда табиатнинг буткул сеҳри жам,  
Жамдир табиатнинг бор зиддияти.  
Бундадир сероблик ва ташналик ҳам,

Аёзлар захрию қуюн шиддати.  
Бу гўё мангулик бир аҳвол эди,  
То шундай қолгулик абадул-абад.  
Дарёнинг бўйида саҳро лол эди,  
Ташналик, ташналик билмас эди ҳад.

Сипқориб юлдузли хушбўй кечани  
Ўйчан турмоқдаман дарё бўйида.  
Аму оқиб ётар чўлдан қуйида,  
Эслатиб самовий Сомон кўчани.  
Хаёлга шўнгийман. У — инсонга зеб.  
Болалик... оламини билмоқ истардим.  
— Нега ёмғир ёғар, сирийнинг,— деб,  
Бечора момомни роса қистардим.  
Бу минглаб саволдан биттаси, холос,  
Бу гапдан бувим ҳам андак бўлиб лол,  
Ўйланиб, сўнг менинг саволимга мос  
Жавоб айтардилар, ривоятми, фол,  
Буни идрок этмоқ мароқли жуда,  
Бу менга борлиқнинг ўзидай эди.  
Мурғак тасаввурнинг баланд авжида  
Олам — нақ бувимнинг сўзидай эди.  
Эмишки, булутлар тоғ-тоғ бўлишиб,  
Сувсираб келармиш Ҳамин дарёга,  
Одам йўқ хилватда қониб, тўлишиб,  
Яна чиқар эмиш баланд ҳавога  
Ва боғлар, қишлоқлар, ўтлар устига  
Сўнг минглаб челақдан қуярмишлар сув.  
Яшиллик югуриб олам ҳуснига,  
Япроқда томчилар ўйнармиш дув-дув.  
Лек четлаб кетармиш бу даштни булут,  
Фақат зўр мерганлар соҳилда пойлаб,  
Бамисли жайронни кўзлаган бургут  
Қолиб кетар эмиш у ерда ойлаб.  
Гоҳ омад юришиб, нишонга отиб,

Бир парча кўчириб ўшал булутдан,  
Ташналарга бўлиб берган ушатиб,  
Совға, деб Жайхундек дарёли юртдан.

Бу бир афсонадир. Бизнинг замона  
Чўлга олиб чиқди буткул Жайхунни.  
Мана, суҳбатдошим Тоҳир баҳона  
Сайрон этмоқдаман мавж урган тунни.

Тоҳирим! Қалбида ўт чақнаган мард,  
Нечун ўйчан қолдинг хаёл ичра жим?  
Ёрқин ҳисларингга ё қўндими гард,  
Фикрингга сукунат солган ўзи ким?  
Ҳа, кўзинг ўнгидан ўтса ажабмас  
Боболар умидин сўндирган айём.  
Йўқ, умид сўнмагай, бўлмагай абас,  
Умид авлодларда этгайдир давом.  
Сенсан фарҳодларнинг битта вориси,  
Ошиқ Тоҳирларнинг тимсоли ўзинг.  
Қўлингга чўлларнинг шифо — дориси,  
Қалбингга ёниқдир эзгу юлдузинг.  
Ошиқ Тоҳир оққан дарё бўйида,  
Ёнма-ён турибмиз хаёлга толиб.  
Дарё ларзон-ларзон оқар қуйида,  
Бағри қон шайдони минг куйга солиб.  
Тўлқинлар кифтида бир сандиқ ўтар,  
Ичида қон ютар ошуфта йигит.  
Қайдадир Зухрони ғам-алам ўртар,  
Севгига бакормас қаноат, ўгит...  
Энди Тоҳир билан — Қарши Тоҳири,  
Замон Тоҳири-ла туриб елкадош,  
Амуга боқамиз: боши-охири  
Кўринмай оқади дарёи бебош.  
Дарё ошиқнимас... ошиқ дарёни  
Чўлга оқизмоқда юрти ишқида.  
Чархпалак дейдилар, дўстим, дунёни,  
Таҳрирлар бўлади унинг машқида.

Салом, Толлимаржон, маржон чироқлар,  
 Чўлнинг бўйнидаги асл дурдона.  
 Нуригдан товланиб яқин-йироқлар  
 Қаршимда мавж урдинг шўх ёна-ёна.  
 Ақлни лол этур гап кўп дунёда.  
 Эшитиб, ҳайратдан қалқир танда жон.  
 Шундоқ гап сўралса мендан мабодо,  
 Тўхталмай айтгумдир: — Бу —

Толлимаржон!

Атрофда бепоён, кенг чўли Бузрук,  
 Ўртада ёш шаҳар — равшан, сўлим, бўз.  
 Агар бу саҳрони дейилса узук,  
 Бу шаҳар бамисли шу узукка кўз.  
 Агар Қарши чўли бўлса зар сандиқ,  
 Шу сандиқ ичида забаржаддир бу.  
 Бир кўриб, ошуфта бўлмоғинг аниқ,  
 Сахро иқболени акс этган кўзгу.  
 Саҳарда, мен салқин хиёбон бўйлаб,  
 Атир гулларининг хуш бўйидан маст,  
 Кезурман энг нафис ўйларни ўйлаб,  
 Бўлиб бўй-бастига пайванду пайваст.  
 Ҳар ойна ортида баҳорий ёшлик,  
 Севгию жўшқинлик тузган оила.  
 Режалар, туйғулар, йўллар қуёшлик,  
 Аҳдлар чамбарчасдир чин вафо ила.  
 Яшар юртдошларим елкадош, тотув,  
 Улуғ мамлакатнинг қурч ҳужайраси.  
 Ўртада — катта бахт, ер, осмон ва сув,  
 Баҳамдир меҳнату қувонч — ҳаммаси.  
 Чақалоқ «инга»си тутди ҳавони,  
 Демак, тонгни уйгоқ кутди бир она.  
 Салом, эй чўлимнинг мурғак жавони,  
 Сеники бу шаҳру қасру замона.  
 Фақат ўз-ўзини ўйласа одам,

Билки, худбинликдан бўлмагай халос.  
Сеники — меҳнатдан барпо бу олам,  
Бу чексиз гўзаллик сенга ҳам мерос.  
Шавқига тегишдир қайси бир ойна,  
Қайси бир ойнада Галинам ҳозир?  
Ўтказиб мунтазир бир-икки ойни,  
Бўлгум тўйингизда ҳозир у нозир.  
Рақс этиб, май ютиб, гул тутиб сизга,  
Бироз шўхлик қилсак тўйда ярашгай.  
Бахт тилаб мард йигит ва доно қизга  
Уйингиз пойида турибман атай.  
Сенга ҳам омадлар ёр бўлсин, Тоҳир,  
Сизга ҳам бахт кулсин чўлқувар авлод.  
Бу кураш бу қўшиқ бўлмагай охир,  
Интилиш, яратиш завқидан биз шод...

Атроф чўл уфқдан-уфққа қадар,  
Аму мавжларини ичар ташнаком.  
Бунда йилдан-йилга оқ олтин қайнар,  
Мирзачўл доврўгин етказиб давом.  
Нишону Муборак, Мадрид, Чандир бу  
Мовий каналларнинг меридианида.  
Кондир бу, дондир бу, сернон тандир бу  
Амунинг нарию бери ёнида.  
Пўлати, Бешкентда ипак толалар,  
Кўкдала, Пистали боғларидир бу.  
Гулзорда чўғланган алвон лолалар,  
Пахтанинг силсила тоғларидир бу!

Бу замин тубида не-не маъдан жам,  
Нефту газ чашмасин чўнгдир салмоғи.  
Тасвирин чизганда яйрайди қалам,  
Шундай чўнг хазина бу олтин далам,  
Меҳнату меҳрнинг жонли сабоғи!

...Қуёш чиқаётир зар қанот ёйиб,  
Маржон денгизда тарай деб кокил.  
Толлимаржон суви!.. Қандай ажойиб!  
Буни амал топган афсона деб бил.  
Буни ҳадыя этди Ленин, Октябрь,  
Буни халқ қудрати, дўстлик яратди.  
Шу машғал ҳақиқат, энг одил тадбир  
Олам эътиборин бизга қаратди.



# САШКА

Ахлоқий поэмадан парча

(М. Ю. Лермонтовдан)

## 1

Аянч ва кулгили бизнинг замона,  
Унга қатлу занжир, қувғинлардан ёз,  
Диллар қора мавжин чизган ҳамона  
Фақат эшитасан мунг, дардли овоз.  
Ким уйқу — оромга бўлса бегона,  
Хаёл, хотиротга банда бўлса ким,  
Бу гап ўшаларга маъқулдир балким.  
Мен ҳам бу балога бўлгандим дучор,  
Фақат кўзларимга етказдим озор.  
Энди мен бўлакман. Куйлайман беғам,  
Куламан.— Қувноқдир қаҳрамоним ҳам.

## 2

У билан дўст эдик. Ғамдан ҳоли дил,  
Туйғулар ва пуллар ўртада баҳам,  
Бир ойга қарз олиб, чўзарди бир йил,  
Жаҳлим чиқмас эди бунга зарра ҳам.  
Навбат етгач, мен ҳам қилардим шу хил;  
Дарди бўлса менга айтарди дарҳол,  
Кўзга кўринмасди бўлганда хушҳол.  
Зерикканда менга бор орзуларин  
Яширмай, сенсираб сўзларди барин.  
Мақтар, кўпга манзур хислатимни  
Кадрилда келардик доим рўбарў.

### 3

У билан дўст эдик. Ундай дўст қайда...  
Тинч ухла ўрнингда, Саша азизим!  
Қалбинг ёт далада, бегона жойда  
Хотирам қабрида ётган сокин, жим  
Дўстлигимиз каби бўлсин авайда.  
Сен ўлдинг кўплардай бешовқин-сурон,  
Бироқ қатъий эдинг. Сирли бир армон  
Ҳатто кўзларингни юмган маҳали  
Сенинг манглайингда кезарди ҳали;  
Ўлар чоғингдаги айтган сўзингни  
Ҳечким тушунмасдан, юмдинг кўзингни.

### 4

Балки она-юртга топширдинг салом,  
Ё бирор дўстингнинг номи қилдинг ёд,  
Ёхуд ёш умрингдан ўкинч бир калом,  
Ёки жон узилиш олдидаги дод? —  
Қандай англаш керак? Ташвишда мудом  
Ўтган ёш юракни бундай соатда  
Нечук ҳислар чулғар экан одатда?  
Буни ёлғиз дўстинг тушунар эди,  
Қўлига қаламни оларкан энди,  
Ёзар саргузаштинг, орзу-ишингни,  
Ибратлаб дунёга бор қилмишингни.

### 5

Азиз китобхоним, бардош қил, бардош,  
Одам, Ҳавво насли бўлсанг ҳам ахир.  
Балки бамаънисан, балки бир бебош,  
Сабр қил, барчасин сўзлайин бир-бир!

Эски ўлчовлардан мен тортмайман бош —  
Чунки кексаларга ҳурматим улуг,  
Ҳозир қаён боқма, қарига тўлиқ...  
Кимки ўн саккизда бўлмабдики чол,  
Дунёни кўрмапти, дейвер бемалол;  
Лаззат ҳақида у эшитган фақат,  
Фақат бино бўлиб кўрган машаққат.

## 6

Дўстим москвалик, шу важданми  
Еқмас менга Нева, Нева тумани.  
(Гувоҳ бўла олур сўзимга дунё)  
Унда вақтичоғлиқ — ҳамён душмани,  
Меҳнат — рус ақлининг эгови гўё.  
Худди фин кўрфазин қирғоғи мисол  
Унда ҳаёт нопок, бўм-бўш, хафақол.  
Москва бошқача. То борича жон,  
Унга содиқман деб ичажакман онт.  
Орзу ва саодат кунлари илк бор  
Мен унда севгидан бўлдим бемадор.

## 7

Москва, Москва!.. Содиқ бир фарзанд,  
Бир русдай севаман ўтли, мустаҳкам.  
Улуғвор бастинга дил мангу пайванд,  
Севдим кунгурадор Кремлингни ҳам.  
У маккор ҳукмдор сендан еди панд,  
Беллашиб кўҳна рус полвони билан.  
Беҳуда ҳийла-ю, ёлғони билан  
Сени йиқмоқ бўлди, кучанди бекор,  
Силкинишинг билан жон берди ғаддор!  
Олам ҳайрон қолди... Шарафга тўлиқ  
Барҳаёт турибсан абадий, улуг.

## 8

Барҳаётсан!.. Борсан, ҳар тошинг ҳатто  
Авлод-авлодларга бебаҳо мерос.  
Миноранг остида, сояда гоҳо  
Мафтун кузатардим, дил тўла ихлос:  
Зах кавакда мохни ўйнар нурзиё,  
Тепадан, инидан чиқиб қалдирғоч  
Пасту баланд учиб, чарх уриб қийғоч,  
Бош узра чуғурлаб парвона эди,  
Одамларга тамом бегона эди.  
У эркин қушларга боқиб ҳавасда,  
Эҳтиросга тўлиб турардим пастда.

## 9

Файласуф эмасман — сақласин эгам! —  
На бир хаёлкашман. Қуш учса кўриб,  
Болалик чоғидай, қўлтиқда ўпкам,  
Ортидан чопмайман елиб-югуриб.  
Эй, илҳом париси, одимла илдам,  
Бўялган саҳфалар қолсин йўлингда!  
Тўғри чоп, бурилмай ўнгу сўлингга...  
Энди Кремлдан жўнаймиз қаён?  
Дарвозаси кўпдир, олам бепоён!  
Қайга? «Пресняга отингни бургил!» —  
«Кампир, қоч!.. Югурдак, четроқдан  
юргил!»

## 10

Қишки булутларда кезиб юрар ой —  
Варяг қалқони ё голланд пишлоғи.  
Гашбеҳим дадилдир, чунки, ҳойнаҳой,  
Зодагон наслиман, ахир, бир ёғи.

Тун посбони ногоҳ чўчиб, пойма-пой,  
Уйғониб, будкадан солади ғулу:  
«Кимдир у?» — «Бу муза!» — «Қандай  
шайтон у?»

Жавоб йўқ. Ҳовуз ҳам кўринди шу чоғ.  
Кўприк ҳам оқарди, икки ёнда боғ  
Қалин қиров босиб, ухларди ҳорғин;  
Темир панжарада ой нури ёрқин.

## 11

Фриз шинелида, улуғвор тусда  
Енгилтак сайрчи, ширакайф ўғлон,  
Телба-терс босганча борар оҳиста,  
Панжара темирин ушлаган ҳамон.  
Панжара тугади. Оёқ остида  
Гирчиллаб қолади изи тушган қор,  
Гул ўйилган мраммар янглиғ нақшинкор.  
Кулбалар занжири чўзилар йироқ,  
Узоқдан лип этди у таниш чироқ.  
«Қани, қордан кетдик, музам, ҳушёр бўл.  
Этакни баландроқ тутганинг мақбул».

## 12

Дарвоза гижирлар. Ҳовли зим-зиё,  
Тахтадан юрмоқлик жуда ноқулай.  
Мана зина, даҳлиз; кўп жойни, аммо,  
Қор босган. Оёқни шарт тойдиргудай  
Шалақ зиналарки омонатнамо.  
Ичкари киришар. Кўзга урар нур,  
Йўгон оқсоч хотин, чимирилиб, қурғур,  
Меҳмонлар йўлини тўсиб бемалол,  
«Сизга ким керак?» — деб беради савол.  
Муносиб жавобни эшитган ҳамон,  
Эшикни қарс ёпар... сўкиниб ёмон.

### 13

Биз шунга қарамай кирдик ичкари,  
Музаю шоирга очиқ барча йўл.  
Шайтон ҳамма уйга кирган сингари  
На таъқиқ, на сеҳр бунда келар қўл.  
Столнинг ёнида мисоли пари  
Куйманиб ўлтирар қўш соҳибжамол,  
Соҳибжамолларки, кўзни этар лол!  
Бизнинг аёллардан бир нарсани сиз  
Билиб олмоқликни унутманг ҳаргиз:  
Қишлоқ ва пойтахтда қай бири афзал —  
Қиз бўлган тузукми ё бўлмоқ гўзал?

### 14

Стол атрофида соҳибжамоллар  
Ўлтириб картада очишарди фол,  
Келажак ҳақида эзгу хаёллар.  
Бир умид уларга кўринар яққол  
(Бизга ҳам кўринган бу хил иқболлар).  
Титраб ёнар эди стол узра шам,  
Баъзан ёлқинланиб кетарди бир дам  
Шифту деворларни мунаввар қилиб,  
Бурчакда бутларни олтин-зар қилиб.  
Бут узра эгилган тол япроқлари  
Олтин рангга кириб бир ярақларди.

### 15

У икки гўзалдан бирин, айтайин,  
Тенгсиз деб бўлмасди, аммо унис...  
О, тушда кўрганмиз фақат бундаин  
Бизни забт этганда жаннат уйқуси!

Деворга бошини сал эгиб, майин,  
Столга тикилиб кўзлари — жоду,  
Бир қадар бемалол ўтирарди у.  
Қарталар орзудан берса башорат,  
Диққат-эътиборин бўлмай, шу ҳолат  
Дугонасин айтган ҳар бир гапига  
Аранг жавоб берар ё «йўқ», ёки «ҳа».

## 16

Ажиб бир дилором эди у санам,  
Поляк паннасининг баайни ўзи;  
Муносиб тушарди унга жуда ҳам  
Мағрур бир ифода акс этган юзи.  
Сусанна мисоли, ноодил ҳакам  
Қаршисига дадил борғудай, совуқ,  
Бепарво бир ҳисга нигоҳи тўлиқ;  
Бундай омукталиқ саналмас қусур,  
Чунки, ишонингки, отаси қурғур —  
Жуҳуд эди. Онаси Прага ёқдан,  
Польшалик. Бу гаплар ҳоли чатоқдан.

## 17

Прагани Суворов этганда қамал,  
Жосус бўлган унинг отаси бизда.  
Польша муқдирида билдирмай, бир гал  
Истеҳкомлар бўйлаб сайр этган кезда,  
Бевақт дайди ўқдан етибди ажал.  
Кўплар дейишганди ўшанда: «Афсус,  
Қалтақдан ўлмади у бадбахт жосус!»  
Беш ойдан сўнг унинг бева хотини  
Бир қизча туғдию қизнинг отини  
Тирза деб атади. Бу ажойиб ном  
Бир корнетдан бўлмиш уларга инъом.

## 18

Жулдур кийимларда ўсди бечора,  
Жаҳолат қўйнида улғайди, эсиз,  
Кўримсиз бир ўтдай, дили юз пора,  
Яхши-ёмон нима, билмай ўсди қиз.  
Аммоки ишқ фасли етиб, шу ора  
Қайси бир бандаси икки сўз қотди,  
Қиз унинг бағрига ўзини отди;  
Орадан олти кун ўтди-ю, ҳайҳот,  
Жонига тегди у кароматли зот;  
Хато қилмайин деб, ўшандан буён  
Барчага табассум этар армуғон.

## 19

Тумандай тарқалиб ишқ орзулари,  
Ҳар нарсадан унга эрк бўлди азиз.  
Алдоқларга алдоқ бўлди ҳунари,  
(Шундай эшитганмиз буни сизу биз).  
Кескин ифодали юз белгилари  
Жанубга хос эди; ҳамда барқарор  
Бир ўт ёнар кўзда; ёрқин, беғубор  
Бир шабнам қоплаган, паришон нигоҳ.  
Худди юлдуз шундай кўк юзида гоҳ  
Сайр этар,— бу сирли, оғир ва пинҳон  
Юрак дардларидан эди бир нишон.

## 20

Бу мубҳам қайғулар ўрнини ногоҳ  
Эгаллаб оларди қувонч, эҳтирос.  
(Бу хил дардни бермас ҳар кимга оллоҳ)  
Кўкраклар мавжланиб, ўт жанубга хос



Бир оташ рухсорин яшнатар; оппоқ  
Инжу тиш ҳалқаси тез-тез очилар,  
Бошларин кўтарар, муаттар сочлар  
Навжувон чехрани босар паришон,  
Майин, қора тўлқин бағишларди жон.  
Дёқчаси ўйнаб нотинч, беибо  
Тизгача очилиб қоларди гоҳо.

## 21

Кулиб, юз поз билан, қувнаб, ишвакор  
Ўринга чалқанча ташларкан ўзин,  
Юрагин англамоқ эмасди душвор,  
Аммо ўзидан у хабарсиз бутун.  
Боладай ўйноқи қалбга гул рухсор  
Буйруқ беролмасди. То келиб биров  
Журъат, меҳр билан бу дилга олов  
Солмагунча огир... Шундай қаҳрамон  
Келдими ёки йўқ, бу гап даргумон,  
Балки кутилмоқда, билиб қоламиз,  
Вақти билан барин билиб оламиз.

## 22

Дугонасига ҳам ўтайлик, ахир,  
Манзара мукамал бўлмоғи учун.  
Уларни яқинда дуч этди тақдир,  
Лекин дарддош чиқди диллари бутун,  
Неки ўйласалар, ўйлари ҳам бир.  
О, агар билсангиз, қанчалар аъло,  
Пок ҳис бўлар бу хил қалбларда! Аммо  
Диққатлар ялтироқ мода билан банд,  
Оҳ уриб, изидан чопсак-да ҳарчанд,  
Афсус, дўстлар, сўраб сўнг биламиз-ку,  
Мода дўконида қарз... гўзаллик бу!

## 23

У ҳам нафис, лўппи ва қордай оппоқ,  
Шодмон кўлганида, юрганида ё  
Бўйни, кўкраклари ва ўтли ёноқ  
Ёқимли титрарди; ифбат ва ҳаё  
Бу тантиқ ҳуснга қурбондир. Бироқ  
Бешармона башанг, кенг-мўл юбкаси,  
Қабариқ кўксию очиқ елкаси  
Кўрганнинг дилини ёндираар эди,  
Ёндириб, кўзини тиндираар эди.  
Бутун санъатини қилиб намоёнш,  
Тўйғуларга бермас зарра сойиш.

## 24

Исми Варюшадир. Мен бўлсам, ҳайҳот,  
Унга бошқа бир ном истардим аниқ;  
Дўстларим, бу номни эшитган заҳот  
Оёқ ости бўлган бир илон янглиғ  
Дилимда вишиллар машъум хотирот;  
Ва ўша шум илон — харобасимон  
Юрагим ичида ўрмалар ёмон.  
Шунда сукут ичра ёнаман ғамгин,  
Ё ер тепинаман сўкиб уй ичин.  
Бу балодан қочиб, энди атай биз  
Варяни Параша дея атаймиз.

## 25

О, кечмиш йилларнинг телба уйқусин  
Кулиб такрорлашга созим ожиз, лол!  
Қадимий мурдахўр рўдапо тусин  
Қайғу сувин сепиб тирилган мисол  
Даҳшат-ла хотирот кўрсатди юзин

Ҳамда қамраб олди фикримни... Наҳот  
Утган шунча йиллар, серғусса ҳаёт  
Сурмабди кўксимдан унинг ёдини,  
Шаҳло кўзларини, барно қаддини?  
(Кейинчалик, дўстлар, бўлайки иқрор:  
Ундан афзалларин кўрганман бисёр.)

## 26

Жуда кўп йиллардан азоб-изтироб  
Ҳукмини юргазди менга то шу дам;  
Аммо илк ҳаяжон садо берган тоб  
Кўксингни тарк этмас,— ташвиш ва алам —  
Булутлари босиб, бўлганда бетоб,  
Гўё тунлар кўкда булут кўчганда,  
Қалдироқлар ваҳм солиб учганда,  
Уларнинг дўқидан қўрқмай, бемалол  
Кўкдан шуъла сепган бир юлдуз мисол,  
Ожиз ақлим дарддан абгор кезлари,  
Шафқат-ла боқади менга кўзлари.

## 27

Уй суриб ўлтирар иккита жонон  
Ёниб бўлаёзган шамнинг олдида.  
Уларни чўчитиб қўярди бўрон  
Ёқимсиз чийиллаб тишда — ҳовлида,  
Сиздай зерикканди улар ҳам обдон...  
Шу пайт ташқарида бирдан ит ҳурди,  
Қопқанинг зулфини кимдир туширди.  
Товуш эшитилар... оёқ шарпаси...  
Зинадан бировнинг келар нафаси...  
Параша қўзғалди ва эснаб олди,  
Стулдан қулашга салгина қолди.

Тирза ташқарига югурди шу зум,  
 Эшик очилдию усти боши қор  
 Меҳмон кириб келди... Кулгили таъзим...  
 Чопганми, ҳаяжон қилганданми қор  
 Стулга гурс тушди... Ошиқона разм,  
 Меҳрибон қўл билан Параша бирдан  
 Меҳмоннинг плашчин ечдию, бир дам  
 Ипак сочларининг қорини қоқди,  
 Меҳмон Парашага, чамамда, ёқди...  
 Ёшлигу гўзаллик хушдир ва фойда,  
 Манфаати тегиб қолар ҳар жойда.

Сочлари таралган силлиқ ва башанг,  
 Эпчил-ди, дид билан кийинганди у.  
 Галстук балдағидай тортилган таранг,  
 Бармоқда узуклар сочарди ёғду.  
 Йигирма ёшга ҳам етмаган; қаранг,  
 Нозик ёноқлари ва пешонаси  
 Заъфарон — бу балки дард нишонаси,  
 Шундай из қолдирган балки қайғу-ғам,  
 Бу тус таниш эди кўпдан менга ҳам.  
 Лабларида илон заҳридан ортиқ —  
 Бир киноя мудом титрарди аччиқ.

Кўриниб турарди, кичик ёшлиқдан  
 Бадавлат муҳитда униб-ўсгани.  
 Бир қисм тунлари шум бебошлиқдан  
 Паркет топташ билан ҳайфга ўтгани,

Холимас қолгани ҳам ўйнашлиқдан.  
Тез англаш мумкиндир: ғамгин ва ошкор  
Қарашида нафрат, кибру ҳаво бор;  
Бирор бефаҳм турк ё бой лорд янглиф  
Мағрур эмаслиги бўлса-да аниқ,  
Ҳар ҳолда, қўшоёқ зотлилар аро  
Ўзини кўплардан тутарди доно.

### 31

Ғурур туғдиради курашмоқ. Аммо  
Осон енгилмайди инсоний билъат...  
Йўлбарсу айиқни йиқмоқ муаммо —  
Эмасдир қошида. Берганда нисбат:  
Ўнғайдир душманни маҳв этмоқлик ё...  
Онтлар ичаманки, зўр даҳо керак  
Бидъатни отмоқ-чун мисоли кўйлак.  
Худо амри билан бамисли шимол  
Жануб бўлса мен устим ечганим мисол.  
Ҳозир аксинча бир хавф юзланмоқда:  
Нева эримай, Неаполь музламоқда.

### 32

Ким бўлди бу меҳмон? Pardon, сабр этинг!  
Фаромушлик... таниб олурсиз ҳозир:  
Дўстим, қаҳрамоним — Сашка!.. Афсус, денг.  
Шундай вазиятда, шу лаҳза тақдир  
Сизни учраштирди... Ишонинг, минг-минг  
Унга мен таъкидлаб келганман мудом  
Бундай «сайр»ларнинг этишин бадном.  
Сўзлардим, тингларди бериб эътибор,  
Лекин оқшом чўкса — шу ерда тайёр!..  
Насрий насиҳатдан кўра, назмда  
Уни улуғламоқ мақбул, наздимда.

Қахрамоним Сашка галстугини  
 Оҳиста ечади... «Сашка» — эски ном!  
 У «Сашка» кўрмаган нашр юзини,  
 Етилмай қувғинда сўнганди тамом.  
 Сашкамиз бу номда билар ўзини,  
 Дўстлар аро бошқа йўқ бу хил исм:  
 Яхшими-ёмонми бу, дўстлар билсин.  
 Галстугин ечиб, манглайин силар,  
 Чимрилиб, фаромуш бир ҳолда сўрар:  
 «Қани Тирза?» — «Уйда».—

«Кўринмайди-ку?» —  
 «Ухлапти» — «Оббо, уятсизлик бу!»

Шошиб оромгоҳга киради йигит,  
 Бунда Тирза билан ишқ ўйинида  
 Бедор тунлар ўтган... Ҳаммаёқ жим-жит,  
 Сирли, оҳанрабо кеча қўйнида.  
 Олтин ой ойнадан боқиб бир тахлит,  
 Нури кўзга урар, ойнага қўнар,  
 Муз нақшида заррин учқунлар ўйнар.  
 Мовий ёғду билан безаниб девор  
 Хаёлни тортади кўркам, шуъладор.  
 Менинг Сашкам секин қулоқ солади,  
 Кимдир тўшакда тин — нафас олади.

Қўлин ҳаяжонда узатар, — лекин  
 Деворга тегиб, чўзар бу қўлини ҳам, —  
 Панжалари учин пийпаслар секин.  
 Сўнг болдирин тутди: о, юмшоқ, кўркам

Нозик пойга озор етмадимикин? —  
Деб Сашам бир нафас ўйланиб қолар,  
Ўзин беихтиёр койиб ҳам олар.  
Аммо ўрмалар қўл қурғур юқори,  
Мана тизгачаси ... ва ундан нари...  
Мана — куляпсиз етмай турибоқ,  
Қўлингизга тегди қўш чўққили тоғ...

### 36

Бебаҳо дақиқа! Ўтдир нафаси,  
Александр эгилар қизнинг бошига.  
Мухрдир кўксига оташ бўсаси,  
Белидан қучоқлаб, тортар тўшига.  
Ўзини унутиб, ёниб мултасил  
Йигит ўйлар эди: «Тирза қадрдон!  
Ҳаёт, туйғу билан ўйнашиб хандон  
Бўлдим одамлардан сен каби йироқ,  
Сендай ёлғиз қолиб эрк билан ҳар чоқ,  
На бирор дўстим бор, на душманним бор,  
Сендай яшаш аҳдим, англагил, дилдор!»

### 37

«Кеча тақдир бизни қўшди дафъатан  
Эртага дафъатан ажратур мангу, —  
Бир йилми, бир кунми, бир дамми... зотан  
Сен-ла бирга бўлмоқ энг буюк орзу...»  
Қора кўзларини ҳеч узолмасдан  
Энтикиб боқарди... у тенгсиз барно  
Ёлғондан уйқуга чўмганди гўё.  
Гўёки уйғониб қолар-да ногоҳ,  
Саросима ичра тўлганар... эвоҳ...  
(Чўчиш ва таажжуб бундай соатда  
Хотинлар жонига оро, албатта.)

Апил-тапил кўзин қўл билан артиб,  
 У сўради: «Кимсиз?» — «Мен, сенинг  
 Сашанг!» —  
 «Саша бўлса нима?! Оббо бетартиб!  
 Жўна, кўпдан кутиб ётар Парашанг.  
 Тўхта, мен уйғонай, қасдим олай», деб,  
 Йигитнинг қўлидан ушлаб олди у  
 Ҳамда жаҳл билан тишлаб олди у,  
 Эй, палид танқидчи, қайрама тишни,  
 Тишлашдан фарқ қилгин олдин ўпишни.  
 Шундай оғизлар ҳам борки, дунёда,  
 Тишлаши асалдан бўлар зиёда!..

## 39

Тирзани кўрганда агар Сулаймон  
 У билан безарди балки тахтини.  
 Оёғи остига ташлаб бегумон  
 Қонуну салтанат, шону бахтини...  
 Демасман бу сўзим қатъийдир, ишон!  
 Ҳукмдорлик эмас менинг насибам,  
 Улар саховатин қайдан билдим ҳам?  
 Аммо шарқнинг қадим афсонасини  
 Эслатган дилбари — жононасининг  
 Ёноғин, кулгисин, қошу кўзларин  
 Дунёга алишмас эди Сашкам, чин.

## 40

«Қайдан пайдо бўлдинг» — «Сўрама, жонон  
 Балда эдим!» — «Балда! Балинг нимаси?» —  
 «Эй, нодон! Бал — шовқин, ғовур-тўполон.  
 Ақлсиз шаҳарли мастлар тўдаси,—



Сирти ялтираган, алдамчи макон;  
Кўз-кўзлаб айланар қизлар либосин,  
Бозорга солишар кўзу овозин.  
Бири-бирини, бири — мингларни асир —  
Қилишар... Уларга бермаганман сир.  
Қанчалик севмайин вақтичоғлиқни,  
Ой гувоҳ, юрагим сенга боғлиқдир».

#### 41

Қалб тушиб янги бир ҳисга, тўлқинга  
Тинглар яҳудий қиз унинг ҳар сўзин.  
Аввал кулгилидай туюлар унга  
Шаҳар гўзаллари... сўнг тутиб ўзин,  
Шундай бир фикрни олар тугунга:  
У ҳам рақсга солиб бор малоҳатин,  
Титратса бўлар-ку эркаклар зотин.  
Баланд ойналарда кўриб жамолин,  
Беғараз ҳасад-ла гўзаллар ҳолин —  
Танг этса бўлар-ку ва олам аро  
Довруғ солса бўлар, мағрур ва барно.

#### 42

Йигит-ла жипслашар. Шу тахлит япроқ  
Бутоққа ёпишар бўронни кутиб.  
Ним очиқ лаблари олов сочароқ,  
(Қалб болғадай уриб, ўзни унутиб)  
Нелардир шивирлар. Бошдан то оёқ  
Ловуллаб ёнарди. Таранг, ёш кўкрак  
Олмадай қалқарди, тебраниб кўйлак,  
Кўкракда Сашканинг қўли кезарди,  
Майин ва беозор уни эзарди...  
Найлайн, ҳаёнинг илгин тутаман,  
Бир соатлик гапни ташлаб ўтаман.

Уй ичи жимжитдир. Оқ булут қат-қат  
 Тўлин ойни пардага ўраб келарди.  
 Тунги чигиртканинг овози фақат  
 Аҳёнда нолишдай эшитиларди;  
 Қайси бир бурчакда сичқон бетоқат  
 Қитирлатар эди обой қоғозни.  
 Менинг қўшоқларим ишқ-эҳтиросни  
 Уринлатиб ётар айш қўйнида маст,  
 Тонг отиб қолишин ўйлаб ҳам кўрмас...  
 О, бундай тунлардан ўнтасини сиз  
 Умрда кўргансиз, ё кўрмагансиз...

Сукунатни Тирза бузади шу дам,  
 Дер: «Тингла, азизим, ҳазилларни қўй!  
 Бўлар-бўлмас гапга берайлик барҳам,  
 Хаёлимга келди ғалати бир ўй:  
 (Бағрига босади йигитни маҳкам),  
 Не бўлар, бебаҳом, жон қадрдоним,  
 Ором олсин десанг менинг ҳам жоним  
 Театрга элтсанг эртами — индин,  
 Ёлғиз илтимосим шў эди сендан.  
 Биладан, сен учун мушкул эмас бу,  
 Сўзимни қолдирма, бир армоним шу».

«Майли!» — дея Саша беради жавоб,  
 Тирза сўзин чала эшитди гарчанд.  
 Қамиш пояни қуш эггандай, шу тоб  
 Уйқу оғушида бўлган эди банд.

Ҳавасим келади унга! Мен хуноб.—  
Бедор ўтказаман кўп кечаларни,  
Гўдакликдан топдим бу оғир дардни.  
Қалбда шу хотирот... қайноқ болишим,  
Ўт бўлиб ёнади манглайим, бошим.  
Ўйларим бемаъно изғир, довдирар,  
Рус қашшоғи янглиғ дайди, жовдирар.

#### 46

Бир пайтлар Саулни қийнаган бало —  
Очкўз қурт қалбимни кемирар ёмон.  
Арфа торларидан юксалган садо  
Сирли парвоз этган бир малаксимон  
Саул жонига сал кирган-ку, аро,  
Қўзғатган кўз ёшу ишонч ва орзу,  
Ўт ёнган қабоғини юма олган у.  
Куй билан ўйлари топганда шукуҳ,  
Унга йўлолмади ҳатто ёвуз руҳ.  
Энди оламда йўқ ундайин садо,  
Сеҳрли арфа ҳам йўқдир мутлақо.

#### 47

Барчаси йўқолар. Ишончим комил,  
Бизнинг нурсиз дунё — бошқа бир йироқ  
Олам қабристонни, холос... минглаб йил  
Асрлар жангида соғ қолган тупроқ,  
Сўнг олам уфқига бўлгандир восил  
Оташ либос кийган кўп сайёралар,  
Еримизга оға-ини саналар.  
Уларнинг ҳаётбахш таъсирини биз  
Сезиб турамиз, шу қардошлик боис...  
Тўқнаш келсаларми, дейман, мабода  
Бир сиқим кул қолгай бизнинг дунёдан.

То ўша дамгача порлашсин, майли,  
 Тунги фаришталар чироғисимон.  
 Бешак, тугаб бир кун ҳавоий сайли,  
 Уларнинг жумбоғи ечилар ёмон.  
 Ер жимжит, осмон соф бўлган маҳали  
 Қўнғироқхона ё бирор чўққидан  
 Боқардим уларга кечиб уйқудан,  
 Ўтли занжирларин севиб тобора,  
 Ўйлардим, ер билан юлдузлар ора  
 Бор шоир қалбига томон нурли йўл,  
 Сочар шўълаларин бошидан мўл-кўл.

## 49

Шуйтиб, қаҳрамоним пинакка инди,  
 Ором ол, тинч ухла; сиз-чи ўқувчим,  
 Лутф этиб, тинглайсиз давомин энди  
 Йўқса мажбур қилгум ишлатиб кучим...  
 Олға, эй дostonим! Қайга илинди,  
 Олдинга чопмасми? Қайтамиз ортга,  
 Қаҳрамон уйқуда ётган соатда  
 Сўзлаб берай унинг асли-наслини,  
 Дунёга кўз очиб келган фаслини,  
 Бу нопок гўшага қўйганин қадам,  
 Устоди, қароли ким бўлганин ҳам.

## 50

Отаси симбирсклик зодагон эди,  
 Иван Ильич N N — ов, барваста киши.  
 Бадавлат отага у ўғлон эди.  
 Ўзи ҳам бой эди: ақлли, ҳушли,

Муҳими — мансабдор бир аён эди,  
Ўн тўрт ёшдан ишлаб, беқусур, ахир  
Истеъфога чиқди, бўлиб бригадир.  
У яхши замонлар «бригадир» одам  
Бўларди ақлли, ҳушли бир одам.  
Иван Ильич Симбирск доирасида  
Машҳур эди яхши феъл борасида

## 51

Китоб ва шоирни душманам дерди,  
Адлиядан анча маълумоти бор.  
Кўп ухлар, тўрт одам овқатин ерди,  
Ҳеч кимга ҳеч қанча қилмас эътибор.  
Жон ҳузури — ёлғиз ташвиши эрди.  
Ўзидан бадавлат, зўрни кўрганда,  
Қаддини ҳам қилиб, бўларди банда.  
Чунки бу асрнинг фармон — қонун  
Талаб қилар эди ҳамиша шуни;  
Таъзим зарур эди. Қонун ва амал —  
Иккиси ҳам бир гап эди у маҳал.

## 52

Ўзидан каттани ҳурматлар ҳар дам,  
Ҳурмат хуш келарди унинг ўзига.  
Хонимларга рашкли хуштор бўлса ҳам,  
Адашиб уйланган, ўзин сўзича.  
Нимага адашган буниси мубҳам,  
Очиқ айтмам, аммо биладан шуни,  
(Рост бўлса), никоҳнинг иккинчи куни  
Ғам билан чулғаниб, юрган беқарор.  
Эрлар бу хил ғамга кўп бўлар дучор.  
Бундай эрлар мутлақ худбин, менимча,  
Хотинни айблар, гўё ўзи мусича.

Менга таҳсин ўқи, о аёл зоти!  
 Демосфенингман мен: ҳурлигинг учун  
 Жар солиб дейманки, қалбим нафрати,  
 Ҳайвонтарз махлуққа ёғилсин бутун!  
 Нечун ҳоким улар?.. Исён соати —  
 Етди, қўзғалингиз! Чек қўйинг! Шошинг,  
 Марья Николаевнага дадил эргашинг!  
 Билама, сиз мени англайсиз осон,  
 Танингизда оққан сут эмасдир, қон.  
 Эркаклар кўзи-ю, таънасидан гоҳ  
 Қизариб кетмоққа мойилсиз ногоҳ.

Иван Ильич қадим одатга содиқ,  
 Хотинин авайлар ҳамиша, ҳарчанд.  
 Унинг бу феъли чин ҳурматга лойиқ,  
 Номусни қадрлар эди у баланд.  
 Қув қайлиғи бўлса (айтаман очиқ),  
 Қоронғи шийпонда тонггача қолиб,  
 Жирканч романлардан кўзлари толиб,  
 Ўқир... Тўлин ойдан кўзин узмас ё,  
 Эзгу иш чиқмас ой, романдан асло.  
 Чунки қўзғар улар турли ҳис-хаёл,  
 Йўлдан озмоқликка қолади хиёл.

Еб қўйгудай латиф, дилдор у гўзал  
 Гулгула солганди қанча кўнгилга.  
 На илож: ари ҳам тошга ҳеч маҳал —  
 Қўнмайди, ошиқар ҳамиша гулга.

Туйғуга фармон йўқ. У санам ҳар гал  
Иссиқ тўшагида эрига ёқиб,  
Мўмингина бўлиб ётарди балқиб.  
Дерлар, бу сўз балки ёлғон ва бенаф,  
Хотинлар вафоси — ошиқча бир гап.  
Бундай аёлларда (очиғин айтсам)  
Номига бўлади эр дегани ҳам.

## 56

Симбирскда, баланд бир ерда, собор —  
Қаршисида Иван Ильичнинг уйи.  
Биз кўрган пайтларда ётарди бекор,  
Қаровсиз, ташландиқ хароба кўйи,  
Гўё жангдан чиққан оғир ярадор,  
Бир пайт гўзал маскан бўлгани аён.  
Кўрмак устунлари турибди ҳамон.  
Нафис панжаралар билан ўралиб,  
Қафасдай болхона турар мўралаб.  
Ойна, эшикларда пардалар асил,  
Тартиб-ла осиглиқ турар муттасил.

## 57

Уй ичи серҳашам; қатор столда  
Рангдор дастурхонлар соз товланарди.  
Гўё юлдузлар акс этгандай кўлда,  
Ойнада қандиллар оловланарди.  
Вакиллаб, бир-бирин қолдириб йўлда  
Лайчалар қаршилар келган одамни,  
Меҳмон ичкарига қўйгач қадамин,  
Кўктўти қичқирар: «Ким келди?.. Тентак!»  
Меҳмон ўйлаб қолар жилмайиб андак.  
Аммо уй бекаси шод қаршиларкан.  
Тўти-ла сал ўтмай ярашиларкан.

Деразадан аён гўзал манзара:  
 Чап қўлда, гарб ёқда ярқирар қатор —  
 Томлар ва мўрилар. Бу лавҳа ора  
 Черковнинг думалоқ гумбази ҳам бор.  
 Кундузги оромгоҳ, салқин ва сара —  
 Рябина, малина ўсган жажжи боғ  
 Шийпонли, гулзорли, — худди қўғирчоқ.  
 Бир боғки, хонимлар ичида танҳо —  
 Қолган деҳқон қиздай ёноғи хумро.  
 Бир боғки, ҳашамдан ҳайиқиброқ сал.  
 Ибо билан турган қиз каби гўзал.

## 59

Шу тупроқ қўрғон ва адирдан пастроқ,  
 Кулбалар қалашган манов ўнг ёқда  
 Кенг бир ҳошиядай ёйилиб оппоқ  
 Сокин ва улуғвор Волга оқмоқда.  
 Кемалар бекати томонга бир боқ,  
 Подадай тиқиндир баржа ҳамда сол,  
 Мачталар паррагин гувлатар шамол,  
 Арқонлар гижиллар; тун бўлар дохил,  
 Узоқдан оқариб кўринар соҳил.  
 Қум босган қирғоқлар кўзга ташланар  
 Тунги шовқин-сурон чоғи бошланар.

## 60

Қўпол ва бетартиб саслар говури,  
 Кемалар аро гоҳ эсиб қоларди;  
 Сувчиларнинг кулги, қўшиқ, ур-сури  
 Қудратли наърадай гоҳ юксаларди.



Бўлмас диққатин шом шафагин нури,  
Кўзига кўринмас дарғазаб шамол,  
Елкада иссиқроқ либос ё рўмол,  
Французча китоб қўлда, аксари,  
Ойнада ўлтириб мовий мавж сари.  
Боқар... Тўлқинларнинг шаддод, беором  
Заррин ёлларида кўз олмай мудом.

## 61

Эр-хотин икки йил турди шу зайл,  
Ҳамон хотинига нимча келмас тор.  
Ёрнинг ихчам тани шунгами мойил,  
Улуғ ёшли эрда ё бир бало бор?..  
Оилавий ишга бўлмасман дохил!  
Иван Ильич ўғилни қиларди орзу,  
Гарчи бойваччалик орқасида у  
Бола ҳам кўрганди бир вақт бир талай,  
Қонунсиз болалар; уларни атай  
Тарқатиб юборган у ён-бу ёнга,  
Таънага қолмайин деган гумонда.

## 62

Хаёлан: мен ота!— дейиш қандай соз  
Ва бу ўйда яна сирли кўп дард бор —  
Бир из қолдирсангу дунёда, бехос  
Ўзинг ҳам даф бўлсанг! Қанчалик беор,  
Золим бўлмоқ керак бунга рўйирост.  
Ҳаёт — зил тиканли бир гултожсимон,  
Ҳар ҳолда шундай дер эътиқод, имон.  
Бизни қаён, қайга элтади ҳаёт,  
Фаҳм этишдан ожиз ақлимиз, ҳайҳот,  
Болалик ва уч-тўрт кундан бўлаги  
Ҳаёт деган бевурд мерос бўлади.

Шундай шум ўйлардан кўнгил ғаш бўлиб,  
 Бир пайт кўзларим кўп ёш тўккан эди.  
 Қоғозни ёққан бу ёш оташ бўлиб,  
 Болаликнинг у телба уйқуси энди  
 Дашт устидан ўтган зим-зиё булут  
 Каби кўпдан кечмиш; ўтли руҳ аммо  
 Бир лаҳза сўнмади, саҳрода пайдо  
 Бўлган бўрон янглиғ эсиб, тинди тез.  
 У бўрон, кўз ёшлар ўрнида аччиқ,  
 Дардли кулги қолди акс-садо янглиғ...  
 Баҳор тошқинлари югурган жойда,  
 Жонсиз тошлар ётар гўё бефойда.

Яхшийди бу ҳақда жим қолсам, рости,  
 Аммо тўғри келмас менга жим туриш,  
 Мақтовга мен муҳтож эмасман асти,  
 Шоир дегани ҳам мисоли бир қуш,  
 Гулларни севади, бўлиб гул масти.  
 Муаттар япроқлар узра куйларкан,  
 Бу ажиб сас нечук сирлар сўйларкан? —  
 Булбулдан буни бир сўранг-чи, шу тоб  
 Сизга у куй билан беради жавоб.  
 Мен ҳам дилда борин қиламан баён,  
 Шул сабаб шеърим ҳам оқади равон.

Икки йил ўтди-ю учинчи йили  
 Ноумид эр-хотин бўлдилар кўп шод.  
 Бир ўғил кўрдилар, ишқнинг ҳосили —  
 Ширин ташвишларнинг боиси зурёд

Кўз очди. Уй ичи байрамдай мисли  
Уч кун хурсандликдан ичдилар пайваст,  
Извошчи, энага — ҳамма-ҳамма маст.  
Бироқ остонани қуршаган кўйи  
Итлар улиб чиқди бутун тун бўйи.  
Ҳаммадан даҳшатли, чақалоқ тани,  
Эслатарди сертук айиқ болани.

## 66

Кампирлар айтдилар: бахтдан нишон бу,  
Иқбол белгиси, деб йўйдилар шу он.  
Менга ҳам қилинган бир пайт шу орзу,  
Қанчалик рост чиқди — худога аён!  
Аксинча, дейдилар, ит тортса улу  
Ёки том устида нақ ўша соат  
Қўрқинч шовқин қўпса — бу шум аломат;  
Лекин мен пайғамбар эмасман, бу рост,  
Бу гапга бош ирғаб қўяман холос.  
Гамлет ҳам айтганки: «Ушбу дунёда  
Донолар учун ҳам сирлар зиёда».  
Сирлару Гамлетга, айтинг-чи, шоир  
Ишонмаслиги ҳеч мумкинми ахир?..

## 67

Кундан-кун улғайиб борарди гўдак,  
Кўзлари милдирар, қўллари оппоқ.  
Сочлари шу қадар майин, жингалак,  
Таниш-билишларни лол эгар мутлақ,  
Кўйлакка алмашди ўрнини йўрғак,  
Илк шўхлик дамлари бошланиб бутун

Тўтию итларга бермас эди кун.  
Йил ўтиб, беш ёшга қўйганда қадам  
Яхшидан ёмонни ажратолди ҳам.  
Лек, туғма бир ҳисга мойил эди у,  
Бузарди... бузишга қойил эди у.

## 68

У ўсар... Отаси жеркирди мудом,  
Ёшликда кўп дакки еган-да ўзи,  
Худога шукурки, бўлди заб одам,  
Бинойи, беқусур, бамаъни сўзли.  
Паст эди у замон тушунчалар ҳам...  
Саша мағрур қалб-ла туғилди аммо ,  
Ғазаб, заҳар тўла бу мағрур сиймо  
Тақдиру иғволар аччиқ зарбига —  
Бўйин эгмас сира, тушмас забтига.  
Ким озор етказса, эслаб юрарди,  
Шу важдан отасин ёмон кўрарди.

## 69

Буюк гуноҳдир бу!.. Аммо дилда чўғ  
Қанчалик зўр бўлса, унда шу қадар,  
Жануб ерида тез унгандай уруғ  
Улғаяр муҳаббат, ғурур ва қадар.  
Меҳрибон отага дуч келаркан, шўх.  
Ўйинқароқ Сашам чимиб қошини,  
Бирдан титраб кетар, ичу тошини  
Алам ўртар, балки кулгилидир бу,—  
Ва лекин на чора!— севишга мажбур,  
Овқату калтагу сарқит сабаби  
Эгасини севган лайчалар каби.

У жуда ёш эди ёғоч тобутга  
 Онасин куй айтиб қўйишган маҳал.  
 Эсида, қора поп қўлида тутган  
 Қалин бир китоб ҳам, бор расму амал.  
 Рўмол билан тўсиб юзин, сукутда  
 Ота бир чеккада турган шу фурсат,  
 Онасин сўнгги бор ўпмоққа рухсат  
 Беришган чоғида бақириб, ҳўнграб  
 Йиглаб юборгани ва ундан сўнгра  
 Гаплари қовушмай, ота жаҳлдан  
 Беаёв ургани... ўтади дилдан.

Акаю опадан йўқ эди асар,  
 Сирли азобларин бўлишмас ҳеч ким.  
 Ўйин-кулгилардан кечиб сар-басар,  
 Сўнгсиз шубҳаларга берилганча жим,  
 Болалик завқидан қилганди ҳазар.  
 Хаёлда яратиб бир ажиб дунё,  
 Шу дунё бағрига сингиб кетар гоҳ.  
 Уммон ичра шудир оролнинг ҳоли,  
 Гўзалу танҳолик бўлар заволи.  
 Қайиқлар меҳмонга бормас у томон,  
 Гуллари иссиқдан куяр тамоман.

Туғилди бир машъум юлдуз остида,  
 Абадият янглиғ орзуси чексиз.  
 Орзулар қалби-ла кураш қасдида  
 Бекойиш кунларин заҳр этмиш, эсиз,

Улар чарх уришар нақ тепасида  
Худди шоҳ тожидай. Аммоки тож ҳам  
Ғарибга ортиқча юк каби мубҳам.  
Ҳислари гўеки илоҳий бир ўт  
Меҳробин ёндириб, этганди нобуд.  
Оламга ишонч-ла қилдию хитоб,  
Қалбин нидосига топмади жавоб.

### 73

Оҳ, қани, вужудсиз бир руҳ мисоли  
Оқшомлар булутга қоришиб кетса,  
Қайноқ тўлқинларин эшитса холи,  
Тўлқинлар шивирлаб ҳузур бахш этса,  
Бағрида тўлғаниб ёрдай иболи.  
Буткул табиат-ла бир нафас олиб,  
Кимсасиз саҳрода озод ва ғолиб  
Яшаса... Чақмоқни этсаю либос,  
Зарб ила оламини кул этса бехос.  
(Аммо, бахтимизга, азиз китобхон,  
Бўлмади бу қудрат унга армуғон.)

### 74

Бир руҳшунос каби мен бошдан-оёқ  
Саша феъл-атворин, бор буду шудин  
Очиқ-ошкор қилиб қўймайман, бироқ  
Талаб этгум унинг энг қатъий судин,  
У чиндан қаттиқроқ ҳукмга муштоқ!  
Ҳар нарсадан воқиф журналист, майли  
Бундаги йиғи ва кулги туфайли  
Нима деса десин, Сашани шайтон  
Тийиб турар деса десин, юз чандон  
Розиман, бебошлик, шумликда гарчанд  
Дўстим шайтонга ҳам берар эди панд.

Асил зот француз устози эди,  
 Marginis de Tess номли кўнгли тор киши.  
 Бурни узун, аммо чаккимас диди,  
 Пулни ҳам шу сабаб ўмарар яхши.  
 Хонимчалар эди орзу-умиди,  
 Сонетлар ёзарди, соатлаб гарчанд  
 Бир қофия узра бўлса ҳамки банд;  
 Қочириқ сўзларга бой луғати бор,  
 Уни ёндан қўймас мисоли тумор.  
 Хонимлар шафқатин ўйлаб маст эди,  
 Аммо баланд-пастни ўйламас эди.

Де Тесснинг отаси — бадавлат маркиз  
 Исён маҳалида бўлганди қурбон:  
 Фонарда осилиб ўлибди, бир кез  
 Безак ўрни шу мода эди у замон.  
 Парижли дўстимиз бизнинг Адонис  
 Ота хокин тақдирга қолдирган кўйи,  
 Улим чалғисига эгмасди бўйин,  
 Мағрур, жим нафратлаб халқу ҳурликни,  
 Оч-наҳор йўл тушди, барча хўрликни,  
 Азобларни енгиб, у бардош этди,  
 Фан ривожин кўзлаб Россияга етди.

Саша тинглар уни, бериб эътибор:  
 Оламон қайнайди, ур-сур галаён.  
 Эҳтирослар жанги... Жафокаш тождор  
 Кечирган сўнг дамлар... Барчаси аён —

Бўлиб, тасавури неча-неча бор  
Париж оломони узра кезарди:  
Бошлар кесилишин якқол сезарди.  
Миллионча исёнкор қашшоқ ҳайқираар,  
Нон ва пули йўғу, кулар, бақираар,  
Тинмай нидо этиб: «Яшасин қонун!»  
Талаб қилишарди Маратнинг қонин.

## 78

Ҳамон кўз ўнгида дор ости, кунда...  
Зиналарни босиб бир гўзал аёл  
Минбарга чиққанди даҳшатли кунда...  
Ташвиш, сирли азоб тўла бир хаёл  
Юзида акс этар... Халқ-чи, тўлқинда  
Уни олқишларди... Олтин сочлари  
Навқирон эгилди гулчамбарли бош,  
Кундага бўйнини қўйди у ёввош...  
Ё рабби! Ёвузлар, сабр этинг бир оз!  
Бир дамда калласиз қолди сарвиноз...

## 79

Шундан бери дарё қон оқиб ётди,  
Тинмади ойболта хунхўр овози.  
Сен ҳам, шоир, мағрур, мардона зотни  
Сақлаб қололмадинг! Илҳоминг сози  
Беҳуда тўлдирди бор коинотни,  
Қалбингнинг бойлиги — ишонч ва орзу,  
Сўз ва қайғуларинг ҳаммасини у  
Беҳудага сочди. Ололмай қасос,  
Қонли йўллар босдинг. Шоир қалбга хос  
На совуқ бир кулги, на аччиқ сатр  
Сенга меҳмон бўлди — ўлдинг беқадр...



Сен билан изма-из Франция ҳам  
 Йиқилди золимлар оёгин қучиб.  
 Топилмади бирор исёнкор одам.  
 Қалбаки гаплардан мардона кечиб,  
 Қалбин пок сақлаган, бардошли, бардам  
 Кишилар йўқ эди. Аммоки, пинҳон  
 Тожу тахт йўлини топди Наполеон...  
 Бундай сатрларни кўп ёзиш мумкин,  
 Ҳақиқат модани ёқтирмас лекин.  
 Газеталар ёзди бу ҳақда юз бор,  
 Яхшимас — бор гапни айламоқ такрор.

Сергап насиҳатгўй эмасман асло,  
 Қидириб юрмайман яхши-ёмонни.  
 Жаллодга кўрмайман мақтовни раво,  
 Аммо камситмайман ҳеч қаҳрамонни  
 Иғво-пигво билан. Аччиқ истеҳзо  
 Ва ҳайрат мурдага этмагай таъсир,  
 Подшоми, авомми энди барибир  
 Мақбаралар учун марҳумлар, аммо,  
 Биздан бўлмагайлар миннатдор асло.  
 Мақтов, қасидага фақат эснашар,  
 Эснаб ўтмиш тахтни фақат эслашар.

Шундай буюраман, умрим сўнгида  
 Мурдамни кўмсинлар саҳрога элтиб.  
 Баланд тепа уйиб, қабрим дўнгида —  
 Бузилмас севгининг нишони этиб —

Бир бут ўрнатсинлар: булут чангига  
Ботса осмон, туман ёприлса ёки,  
Бу водий бағрида адашмай токи,  
Қашшоқ бир йўловчи шу даргоҳ томон  
Етиб олар, мўлжал қилиб, соғ-омон.  
Ҳассага суяниб сўнгра ҳорғин, лол,  
Ўтмиш, келажакдан суриб у хаёл—

### 83

Лаънатлар муқаддас бутга энгашиб  
Само ва табиат, эл ва замонин.  
Момақалдиуроқнинг аччиқ инграшин  
Ҳам ўтли фикрнинг ожиз тугёнин...  
Йўқ, йўқ, мен нетгайман инсон кўз ёшин?  
Керакмас қора бут, гўр, даҳма, нола.  
Мени табиатга этинг ҳавола!  
Шамолу ҳайвону еру, қуш, оташ  
Розиман қилса ҳам мени хомталаш.  
Қалбим айлансину шаффоф ҳавога,  
Майли сингиб кетай юксак самога!..

### 84

Майли, ғаму андуҳ, жами кори ҳол,  
Таассуфлар билан тўла бу қалбим  
Заҳар-заққум тўла бир идиш мисол  
Беизлар йўқолсин... мен осуда, жим  
Томчи-томчи этдим заҳрим истеъмол;  
Юзу кўзларимга боққан халқ аммо  
На даҳшат кўрдилар, на дарду бало.  
Дедилар: шу рангга ўргангандир у.  
Шундан буён тилим касб этиб оғу  
Авомга қарши ўч ҳиссига тўлиб,  
Уни камситаман мақтаган бўлиб.

Бу нохуш лавҳани этайлик адоғ,  
 Қаҳрамонимга ҳам қайтайлик энди.  
 Ҳаёт ташвишидан фориғу йироқ,  
 Ҳйин-қулги қувиб кун кўрар эди,  
 Ширин эҳтирослар ила дўст-иноқ.  
 Дафтар, китоб аро ўтар узун йил  
 Тарих, жуғрофия, назария, тил,  
 Жаҳон фалсафаси — эди унга фан.  
 Бешта системани маркиз олар тан.  
 Сабабин сўрсангиз, мағрур дерди ул:  
 «Monsieur, c'est mon affaire»<sup>1</sup> — менга шу  
 мақбул!

Саша диққат бермас унинг сўзига,  
 Қўллари беқарор ва паришон ҳол  
 Бир гўзал суратин қоғоз юзига  
 Чекарди. Нигоҳи қўш юлдуз мисол,  
 Бир олов яширин эди кўзига.  
 Сўнгра узоқ боқар ҳаяжон-ҳисда  
 Ширин бир уф тортиб, уни оҳиста  
 Сирли жавоҳирдай, тенгсиз инъомдай  
 Дафтар қати ичра солар инонмай.  
 Япроқ ё мактубни, тўғноғични ё  
 Шундай авайлашар баъзилар гоҳо.

Ким бўлди у гўзал? Усмирнинг ёшин  
 Гангитишдан қандай наф экан унга?  
 Юрак-бағрин ўртаб мисоли яшин,

<sup>1</sup> Жаноб, бу менинг ишим (франц.).

Нечун ҳисларини солмиш тўлқинга?  
Қадимий Фоблаздай гоят оташин  
Севмоқ учун, ахир, жуда ёш-ку у,  
Нечун ёш юракка бу қадар ғулу?  
Кавказ қор чўққиси янглиғ беғубор  
Ва жануб кўкидай муҳаббати бор —  
Ким у қиз? Жуда ҳам эмас зўр танноз,  
Буфетчининг қизи Маврушка, холос.

## 88

Ун тўртга тўлганди Саша у маҳал,  
(Айтақолай муҳим сир йўқ-ку асли)  
Оқсоч қизлар аро у галу бегал  
Ивирсишни севар. Аксар ёз фасли  
Ой нафис нур ила ёғдираркан ҳал,  
Қалин акац ўсган осуда боғда  
Бу уй санамлари сайр этган чоғда,  
Хиёбондан келса сирли, майин сас,  
Саша қувлаб етар эди шу нафас;  
Гоҳ масъум, содда дил устидан қизлар  
Қаттиқ ҳазиллашар. (Тушунасизлар.)

## 89

Шулар ичра бири ажиб дилором:  
Кўрганда юраклар этарди жиз-жиз.  
Мафтуни бўларди хаёлу ором,  
Бироқ истамайман, эй дўстларим, сиз,  
Тинчингиз йўқотиб қўймангиз тамом.  
Суратин чизмайман. Юракни ёққан,  
Томирларда ўтдай мавж уриб оққан  
Бир ишқ билан Сашам севарди, бироқ  
Дилида журашар шарму иштиёқ.  
Уйлар, ишқин нечук изҳор этмоқни,  
Бир қатъий фикрда қарор этмоқни.

Шу ҳам таажжубми? Мен ҳам ўн тўртда  
 Аёллар аҳлидан қанча панд едим,  
 Хотин зоти борки, бари бир гўр-да,—  
 Деб жаҳон элига уқдирар эдим.  
 Нафис, оппоқ тўшлар шўх мавжланур-да,  
 Оташ пуркаганда қирмизи лаблар,  
 Танда қўзғаларди ажиб талаблар.  
 Силлиқ елкаларга сал тегса қўлим  
 Титраб кетар эдим... Либоссиз, сўлим  
 Танларни хаёлда кўрардим, холос.  
 Бу гаплар янгилик эмаслиги рост.

Уйқу, иштаҳани йўқотганди у,  
 Кундуз жим... кечаси алаҳсирарди.  
 Йўлакда фаромуш кезар эди-ю,  
 Қизлар одимини эшитмоқ дарди.  
 Пойлар ўт нигоҳни... Дуч келса гулрў  
 Совуқ бир табассум касб этиб шу тоб,  
 Қизгин боқишларга берарди жавоб...  
 Муҳаббат қисматдай муқаррар бир гап,  
 Қалб-ла олишмоқдан чиқмаган ҳеч наф!  
 Тақдирга тан бериб Саша ҳам охир,  
 Дардин Маврушага айтмоқчи бир-бир.

Ёз ойлари эди, кун ёнар қизгин,  
 Йўлларда бурқирар чанг бениҳоя.  
 Томлар узра солиб йўл-йўл чизиғин,  
 Баланд трубалар ташлаган соя.

Тошлардан буғ чиқар. Симбирск элим  
Уйғу ва танбаллик забт этган; хатте  
Волга ҳам оқарди секин, бепарво.  
Боғда, нам-қоронғи овлоқда шу кез  
Нимяланғоч ётар қахрамонимиз.  
Ширин висол онин қилади орзу,  
Хаёл сурмоқ учун арзирлик гап бу.

### 93

Ногоҳ ўнг қўл ёқдан сирень бутаси  
Остидан либослар садоси келди.  
Тўлқинли кўкракнинг ўтли нафаси,  
Қизгин бир бўсаннинг овози келди.  
Саша нима қилсин? Кўкрак қафасин  
Тешгудай қалб тепар... Уйланмай узоқ  
Буталар оралаб соядай шу чоқ —  
Югурди топмоқ-чун хилват гўшани.  
Ҳайҳот! Тўшга босиб ёш Маврушани  
Иван Ильич ётар гилос остида,  
(Тангри тутсин уни ҳимоясида!)

### 94

Қалин ўт устида, ҳайҳот, айш суриб,  
Малъун чол уятни итқитиб бу дам  
Момиқдай жононни ётарди сўриб,  
Аямасди оппоқ болдирларни ҳам,  
Ҳам юмшоқ тиззани ҳар ёнга буриб.  
Жуда кўп уринди, аммо беҳуда!  
Кучдан ва оташдан маҳрум эди-да.  
Турди-ю уф чекди (бошқа илож йўқ),  
Шимини кўтариб, икки кўзи лўқ,  
Чол жўнади. Қизча қолган эди лол,  
Ғазабга учраган Ариадна мисол.

Сабаби, шубҳасиз, маълумдир — шу он  
 Саша не қилди денг? Қатъий, тик боқиб,  
 Совуқ ва лол қотиб оқ мармарсимон,  
 Қўрқув ва ҳирс этиб дилини таъқиб,  
 Дўзах, беҳишт аро ҳайрон-саргардон  
 Бир лаҳза жим қолар нимадир ўйлаб,  
 Манглайда япроқлар сояси ўйнаб,  
 Турару... ноғиҳон портлаб эҳтирос,  
 Қалбига ғалаён солар-да, бехос  
 Гўёки осмондан тушган инсу, жин,  
 Қизга ташланди-ку шўрлик ўспирин!

Ташланди! (Ё раббий!) Худдики илон  
 Маврушани чулғаб бағрига олди.  
 Гоҳ муз бўлиб, гоҳо оташ саратон  
 Жўшқин бир ҳирс билан оғушда толди,  
 Эси оғиб қолди... ер билан осмон  
 Тумандай... Мавруша ширин инграрди,  
 Ҳамда жилмаярди, тўлқин сингари  
 Кўкси тез-тез қалқиб, мастона кўзлар  
 Худди нури ўчган сўник юлдузлар —  
 Каби лол, маъносиз сузилар, эвоҳ,  
 Қўрқув, ҳаяжонга тўла бир нигоҳ...





# ПЪЕСАЛАР

---





# ЖУМНИЁЗ ЖАББОРОВ

## УЖАРЛАР

Икки парда, беш кўринишли музикали комедия

### Қ А Т Н А Ш А Д И Л А Р

О з о д а. Айтганини қиладиган, бурро тилли қиз, 18—20 ёшларда.

Қ а л а н д а р. Оғир-вазмин йигит, 22 ёшларда.

Т о ж и в о й. Қувноқ, шўх, топагон йигит, 22 ёшларда.

Ф а х р и д д и н. Ҳамиша шод-хурсанд, гапга чечан йигит, мақсади — консерваторияда ўқиш, 20 ёшларда.

Қ у в о н д и қ. Ўжарлардан бири, лекин дали-ғули, 20 ёшларда.

К е л д и ё р. Бир оз ўйчан, бошқалардан кўра камгапроқ, камтарин йигит, 22 ёшларда.

С а м а н д а р о в. Қурилиш прораби, 55 ёшларда.

Г у л ш о д а. Секретарь қиз, 20 ёшларда.

Воқеа шу кунларда, ёш бинокорлар даврасида содир бўлади.

## БИРИНЧИ ПАРДА

### БИРИНЧИ КЎРИНИШ

Янги иморат қурляпти. Ҳавозада тўрт йигит. Улар ўз ишлари билан банд: То ж и в о й билан К е л д и ё р шахмат суришяпти. Ф а х р и д д и н транзисторни варанглатиш билан овора. Қ у в о н д и қ ёнбошлаганча сигарета тутатади. Саҳна юзасида ҳар хил қақир-қуқурлар. Ҳамма тепала.

То ж и в о й (*Келдиёрга*). Мотсан, жигарим мот! Иложинг қанча? Буни бўғма ўйин дейдилар. Бу йўлни бир мену бир Ботвинник биламиз.. Жаҳон айвонида.

К е л д и ё р. Мунча ҳовлиқмасанг, ҳалигина қолган ким эди? Даминг ичингга тушиб кетган эди-ку, шалвираб.

То ж и в о й. Мен... Мен сендан қолар эмишманми? Ана холос, сендан қолсам — қулоғимни шартта кесиб ташлайман, жигар.

К е л д и ё р. Қулоғингни ким бошига уради, ўзингга буюрсин ўжар!

Транзистор товуши авж билан ванғиллаб туради.

Қ у в о н д и қ. Уф-ф-ф, қулоқ-мия қолмади-ку, Фахриддин, «ча-ча-ча»ни ё паст қил, ё бас қил.

Ф а х р и д д и н. Мунча нозикойим бўлиб кетмасанг. Қаранглар йигитлар, Қувондиқнинг қулоқ пардаларига мусиқа озор етказаяётган эмиш. Ха-ха-ха! Яна бинокор эмиш бу киши! (*Транзистор овозини баландроқ кўтаради.*)

Қ у в о н д и қ. Ужар! Ужарнинг жазоси шу: консерваторияга кираман деб келиб, қурувчи бўлиб юрибди.

Ф а х р и д д и н. Имтиҳондан учиб кетдим, жўра, таниш-билиш топилмади. Аммо-лекин бу ерда ҳаёт

музикасини ўрганияпман. Келаси йили албатта кираман.

Қ у в о н д и қ. Консерватория дегандай, консерва жуда жонга тегиб кетди. Қип-қизил чўғдай, қўлбола битта ош бўлса зап кетарди-да. Қорин қулдираяпти.

К е л д и ё р. Оҳ-оҳ-оҳ! Айни муддао. Ошдан олдин биллуриин қадаҳда арғувоний шароб бўлса-ю, гўзал бир нозанин истиғно билан узатиб турса. Бунинг савобига ким етсин.

Қ у в о н д и қ. Туш кўряпсан шекилли.

К е л д и ё р. Нега туш бўлсин. Туш бўлганда ҳам нимаси ёмон. *(Куйлаб.)* «Тушда кўрдим бир парини, эй сабо, уйғотмагил».

Келдиёр сигарета тутатади, Фахриддин ўрнидан туриб, керишиб, транзисторга ҳамоҳанг бадантарбия қила бошлайди.

К е л д и ё р. Ҳозир, шу топда бадантарбияга бало борми, совуқ қилиқ. Бемаҳалда қичқирган хўрозга ўхшайсан.

### Ф а х р и д д и н

Физ-куль-тура,  
Ура, ура,  
Жонингга роҳат, жўра.  
Баданингни яйратар,  
Ашулангни янгратар,  
Пишарсан — бўлсанг ғўра.  
Бир-икки-уч,  
Бир-икки-уч,  
Қайнар мускулингда куч.  
Танангни чиниқтирсанг,  
Миянгни тиниқтирсанг,  
Касал сенга бўлмас дуч!

Ҳамма Фахриддинга қўшилиб, ҳавоза кўприги устида бадантарбия қила бошлайди.

## Ф а х р и д д и ш

Кўкда порлар камалак,  
Гулда ўйнар капалак.  
Физкультура қилмасанг,  
Босиб кетар пўпанак,  
Босиб кетар пўпанак!

## Х а м м а

Бир-икки-уч,  
Бир-икки-уч,  
Қайнар мускулингда куч.  
Танангни чиниқтирсанг,  
Миянгни тиниқтирсанг,  
Касал сенга бўлмас дуч!

Т о ж и в о й (*машқдан тўхтаб*). Пўпанак дедингми, жигар, жуда тўғри айтдинг. Пўпанак, яъни ўргимчак ини. Мана шу ҳавозага қарасам, ўргимчак инига ўхшаб кўринади. Тўрига илиниб ётган пашшаларга ўхшаймиз.

Қ у в о н д и қ. Ўҳ, жуда хор қилиб юбординг-ку. Кўнглим ағдарилиб кетди.

Т о ж и в о й. Сенда кўнгил бор эканми? Турган-битганинг ўпка, жигар.

Қ а л а н д а р (*киради*). Инсофларинг борми, йигитлар, ишласаларинг-чи бир оз. Тушликка вақт бор-ку ҳали.

## Т о ж и в о й

О, бригадир, бригадир,  
Бизлар билан бригадир.  
Ҳар бир сўзи қулоққа  
Худди олтин сиргадир.

Ҳиммат камарин боғлаб,  
Ялқовлик бағрин доғлаб,  
Ишла, дейди, беармон,  
Бизни доим тергайдир.  
О, бригадир, бригадир!

Яна ҳар хил ўйин ва шўхлик авжига чиқади. Саҳнага башанг чиройли қиз кириб йигитларнинг сўнгги сўзларини эшитиб ҳайрон бўлиб туради. Йигитлар ҳам ногаҳон пайқаб қоладилар, бир-бирини сирли туртишади.

### Қиз

Нега ҳайкалдай қотиб қолдинглар,  
Нега хаёлга ботиб қолдинглар?  
Тушинглар пастга, тушинглар пастга,  
Фақат бир минут,  
Ё бир нафасга!

### Йигитлар

Ўзингиз чиқинг, чиқинг, оппоқ қиз.  
Баланддан пастга тушолмаймиз биз.  
Чунки нарвонни олиб қўйганмиз,  
Чиқиб-тушишдан роса тўйганмиз.

### Қиз

Бунчаям анқов бўлмасанглар-чи,  
Бунчаям ялқов бўлмасанглар-чи,  
Тушинглар, ахир, гапим бор эди,  
Емғирсиз тарнов бўлмасанглар-чи.

### Йигитлар

Қанча гап бўлса қабул қиламиз,  
Сиз айтаверинг, фиштдай иламыз.

Яхши гап бўлса — жонимиз фидо,  
Емон гап бўлса... кейин биламиз.

### Қ и з

Бунча ўжарлик не учун керак?  
Кесиб ташланар тик ўсган терак.  
Мен ҳазил-ҳузул қилмаяпман-ку,  
Борми сизларда заррача юрак?!

К е л д и ё р. Тили бурро-ку?

Қ у в о н д и қ. Ҳусниям чакки эмас. Тушинг ўнги-  
дан келдими дейман, оғзига пайғамбар тупурган!

К е л д и ё р. Оғизни ҳаром қилдинг-ку, жин ургур.  
Қара, жуда нозанин-ку.

Қ у в о н д и қ. Арғувоний шароб...

Қ и з. Тушинглар, танишамиз.

Т о ж и в о й. Танишамиз, деяпти, йигитлар, эшитяп-  
сизларми, сизлардаям юрак борми, деяпти. Бераман  
деса қулига, чиқариб қўяр йўлига!

Бирин-кетин, узун-қисқа бўлиб тушиб кела бошлайдилар.  
Қиз уларга рўпара — саҳна ўртасига боради. Фахриддин гита-  
расини чалиб, қизнинг атрофида парвона бўлиб айланади.

### Ф а х р и д д и н

Ой деса ойдаккина,  
Мой деса мойдаккина,  
Қайнаб-қайнаб туриши  
Чойдишда чойдаккина.  
Қизлар билан суҳбатда  
Очилади баҳри дил.  
Танишсак танишайлик —  
Менинг отим — Фахриддин!



## Йигитлар

### Бунинг оти Фах-рид-дин!

Қиз (*ҳаммаси билан бир-бир кўришаркан*). Раҳмат Фахриддин, менинг отим Озода... Озода... Озода...

Йигитлар ҳам отларини бир-бир айтишади. Фақат Тоживой қўлини бермай, муаллақ тутиб туради.

Тоживой. Қўрқяпман, жигар, кўришардиму, нозиккина қўлингизни қавартириб қўймай дейман. Устига-устак, лойлигини қаранг, билчиллайди.

Озода. Ҳечқиси йўқ, ҳечқиси йўқ.

Тоживой (*кўришаётиб сакраб тушади*). Вой, мунча мулойим. Худди мушукни силагандай бўлдим.

Озода бир чеккада ўйланиброқ турган Қаландарга яқинроқ боради, қўл узатади.

Озода. Озода... Сизнинг отингиз?

Қаландар. Қаландарман, салом.

Озода. Қаландарман? Қанақа Қаландар... Ҳазиллашяпсизми?

Тоживой. Қаландар-да. Исми шунақа. Илгариги жанда кийган қаландарлардан деманг. Бригадиримиз-а, бу киши. Вақтинча бригадирмиз.

Кулишади.

Қаландар. Қадамларига ҳасанот. Хўш, хизмат? (*Тавозе билан эгилади.*) Бизнинг ишимиз кўп эди, яхши қиз. Қўлимиз қўлимизга тегмай турибди шу кунларда.

Болалар кулиб юборишади.

О з о д а (тушунолмай). Раҳмат, мен ҳам ишга келдим. Бригадангизга келдим. Ўқишни битириб келдим.

Қ у в о н д и қ. Ўқишни битириб? Биз билан ишлайсизми?

О з о д а. Ҳа, сизлар билан... бирга ишлаймиз.

Қ а л а н д а р (ўзича қувониб). Хайрият-эй, пешонамизга қиз бола ҳам битар экан-е...

Т о ж и в о й. Онангиз уришмайдими: «Балога йўлиққур, қайларга бординг?» — деб.

О з о д а. Сизлар бало эмас, яхши одамлар бўлсангиз керак.

Қ у в о н д и қ (қўш ўрим сочига ишора қилиб). «Сочи бирла бўйини тенг яратди». Сочингизни турмаклаб олинг, яхши қиз, мих-пихга илиниб қолса, мендан кўрмайсиз.

О з о д а (кулиб). Бунинг ташвишини ўзимга қўяверасиз, яхши йигит.

К е л д и ё р. Қўрқмайсизми?

О з о д а. Нимадан? Сизларданми? Бўримидиларингки, еб қўйсанглар.

Қ а л а н д а р. Ҳужжатингиз?

Т о ж и в о й. Ҳужжат сўраб нима қиласан, туриштурмушининг ўзи ҳужжат-ку.

Ф а х р и д д и н. Биз билан кинога ҳам тушаверасизми?

О з о д а. Тушавераман, нима бўпти?

Т о ж и в о й. Танцагаям?

О з о д а. Тушавераман, нима бўпти?

К е л д и ё р. Кечирасиз, ҳунарингиз?

О з о д а. Ҳунарим — комплекс: сувоқчи ҳам, бўёқчи ҳам, гишт ҳам тераман, цемент ҳам қораман...

Ф а х р и д д и н (киноя билан). Ўтин ҳам ёраман.

О з о д а. Ёриш бўлса, ёравераман. Ишнинг ёмони йўқ, яхши йигит.

Ф а х р и д д и н. Бало-ку, а?!

Т о ж и в о й. Балоям гапми, балонинг ўқи.

Қ а л а н д а р. Кечирасиз, булар бир оз дағаллашиб қолишган. Буларни таништирай: манови новчаси — Тоживой, сиртқида ўқийди. Ёмон йигит эмас. Самолётдай гулдирайди-ю, фақат учолмайди.

Т о ж и в о й. Расво қилдинг-ку, жигар.

Қ а л а н д а р. Бу — Фахриддин. Музикага муккасидан кетган одам. Тараша ёраётганда ҳам «ча-ча-ча» чалиниши керак дейди. Фақат консерватория тан олмай турибди.

Ф а х р и д д и н. Тан олади. Олмаганига қўймаймиз!

Қ а л а н д а р. Бу хаёлпараст — Келдиёр, бу сергапи — Қувондиқ. Иккаласи — ширин ош ва арғувоний шароб шайдолари.

О з о д а. Яхши. Раҳмат. Ўзингиз эса Қаландарсиз.

Қ а л а н д а р. Ҳа, Қаландарман. Агар жоиз топилса, қаландарингизман.

Т о ж и в о й. О, қурғур-эй, дарров тузоқ қуряпти.

Қ у в о н д и қ. Кўрамиз...

О з о д а. (*ён-атрофини кўздан кечириб*). Шу ерда, шу бинода ишлаймизми?

Қ а л а н д а р. Ҳа, шу ерда, шу бинода ишлаймиз.

Ф а х р и д д и н. Шу ерда ишлаймиз. Шу ерда қишлаймиз. Шу ерда ризқимизни тишлаймиз.

О з о д а. Вой-бў, гапга чечан экансиз-ку.

Ф а х р и д д и н. Фақатгина гапга эмас...

Қ а л а н д а р. Ҳай, йигитлар, овқат пайти бўлди. Дастурхон тузатсаларинг-чи, довдирамай.

Ҳамма ҳар томон — биров чой, биров нон, биров консерва деб югуриб қолади. Яшиқ-қутилардан ясалган стол устида қатиқ, колбаса ва ҳоказолар муҳайё қилинади.

Қ а л а н д а р (*барча курсилардан баланд қилиб, алоҳида эгтибор билан ясалган курсига таклиф этади*). Марҳамат, Озодахон!

Фахриддин. Марҳамат, марҳамат, Озодахоним, тахти Ҷамшид сизга мунтазир!

Тожибой. Фармонингизга тайёрмиз, олий ҳимматли маликам.

Озода. Раҳмат, мунча энди... Баланд бўлиб кетаман-ку.

Қувондиқ. Ўзингиз ҳам «баланд» экансиз-а.

Озода. Қайдан дарров била қолдингиз?

Қувондиқ. Дидим шунақа. Бир қарашда олтинни олтинга, мисни мисга ажратаман.

Озода. Бу дидингиз билан тоғларда, конларда ишласангиз бўлар экан.

Қувондиқ. Ишласам ишлайвераман. Куч бор (*Билакларини кўрсатиб*). Ақл жойида. (*Бошини ушлаб*.) Фикр ёрқин, қадди-қомат ҳам ёмон эмас.

Озода. Кўриб турибман.

Қувондиқ (*бўёқ, цемент, чанг ўтирган иш кийимини кўрсатиб*). Ҳозир сиз манави «жанда»ларда кўриб турибсиз, яхши костюмларимизни кийсакчи, яшнаб кетамиз... Яшнаб!

Озода (*самимий кулиб*). Ишонаман.

Тожибой (*Қаландарга ишора қилиб*). Жанда дема, жигар, жандани қаландарлар кийишган.

Қаландар (*пайровни тушуниб*). Бувим раҳматлик қанақадир ирим билан бу отни қўйган эканлар. Фикрлари эскичароқ бўлган. Озодахон, сиз буларнинг гапига қулоқ солманг. (*Мамнунлик билан*.) Мартабаси улуғ йигитларданмиз.

Озода. Тушунаман. Қаландар, хафа бўлманг. Яхши исм.

Тожибой. Тарихий исм!

Қаландар (*Қувондиққа*). Бунча сергап бўлманг.

Тожибой (*Озодага*). Озодахон, мана бу қатиқ тўла стаканни сизнинг соғлигингиз учун оппоқ кўта-

ришга рухсат бергайсиз!.. Сиз келдингизу даврамизга ёрқин бир юлдуз сузиб киргандай бўлди.

Келди ёр. Рост гап. Ҳаммаёқ равшан бўлиб кетди! Рап-равшан!

Қувондиқ. Беш оғайни юлдузни ром этмоқ учун тонг юлдузи — Зухраҳон балқиб келди!

Келди ёр. Тўхта! Янглиш гапиряпсанлар, Зухро дейлик, Муштарий дейлик — барибир камлик қилади. Ўша юлдузлар чиройли жимиллайди, нур сочади... Тўғри, аммо юракларга ҳарорат, ўт бағишлай олмайди, ҳарорат!

Тожибой. Юрагимизда сўнай-сўнай деб турган чўғ қайта аланга олгандай бўлди!

Озода. Вой-бў! Бир тўда шоирлар даврасига тушиб қолдим шекилли!

Қувондиқ. Гапингиз галат эмас, ўртамизда шеър ёзадиган азамат ҳам топилади! Фахриддин!

Фахриддин гитарасини чалиб, ўртага тушиб, Озода атрофида парвона бўлиб куйлайди.

Қушлар учар ҳавода,  
Балиқ сузар дарёда,  
Тушдингизми осмондан,  
Озода қиз, Озода!

Даврага туш, Келдиёр,  
Билиб қўйгин: келди ёр!  
Ким қалбини забт этса,  
Уни севар эл, диёр.

Уйлама кўп, Қаландар,  
Танангда жон бўлса гар,  
Ҳунарингни, тур, кўрсат,  
Бахтинг бўлгай муяссар.

Озодахон, Озода,  
Сўзлари ширин бода,  
Сездингизми мабодо —  
Бизлар сизга афтода.

Фахриддин. Қалай, ёмон эмасми, Озодахон?  
Озода. Нега ёмон бўлсин, аксинча, яхши. Бинойдек овозингиз ҳам бор экан. Ўзингиз тўқидингизми сўзларни?

Фахриддин (*камтарона ишшайиб*). Ҳа, ўзим. Сизга бағишлаб ичимдан чиқариб тўқидим.

Қувондиқ. Рухсат этилса, мен ҳам битта шеър ўқиб ташласам.

Озода. Эшитамиз.

Келди ёр. Айт, армонинг қолмасин.

### Қувондиқ

«Менинг қалбим байрам дастурхонидир,  
Ҳамма нарсадан бор — ҳеч каму кўстсиз.  
Таклиф қилдим дўстни, у бўлди ҳозир,  
Сен ҳам кириб келдинг ногоҳ таклифсиз.  
Биз турдик қаршингда, дилбар, қаламқош,  
Бутун эътиборни ўзинга олдинг.  
Бўлдинг уй эгаси ва базмга бош,  
Такаллуфсиз меҳмон мен бўлиб қолдим».

«Қойил!» ,«Тасанно» деган маъқуллашлар.

Озода (*ўйланиб*). Топдим. Расул Гамзатов!

Йигитлар ҳайрон, Қувондиқ ўнғайсизланади.

Қувондиқ. Тўғри. Бора-бора ўзимиз ҳам тўқийдиган бўлиб кетамиз.

Озода. Сизлар ашулага қалайсизлар, йигитлар?

Т о ж и в о й. Йигит кишига етмиш ҳунар оз, деган экан донишмандлар. Бир қамчидан йўрғамиз йўқ эмас, жигар.

Қ у в о н д и қ (йзича). Оббо, ҳаммаёқ жигарга чиқиб кетди-ку.

О з о д а (кулиб). Унда бир кичикроқ ансамбль тузсак ҳам бўлаверар экан-да.

Т о ж и в о й. Бўлаверади, жигар.

Ф а х р и д д и н. Кечирасиз, мабодо бадиий раҳбар бўлиб келганингиз йўқми?

К е л д и ё р. Балки дирижёрлик таёқчангиз ҳам бордир, ҳаммамизни ҳар мақомда ўйнатадиган?

О з о д а. Керак бўлса топилади.

Ф а х р и д д и н. Бало-ку, а?!

Т о ж и в о й. Балоям гапми, тўппончанинг ўқи, жигар.

Қ у в о н д и қ (Тоживойга). Шунақасидан хотин тушиб қолса борми... Жигарингни кабоб қилади-қўяди.

К е л д и ё р. Қонингни шароб... Арғувоний шароб.

О з о д а. Мана, етмиш ҳунар оз деяпсизлар. Жуда маъқул гап. Агар шу ҳунар катта бир мақсадга асқатмаса, бу ҳунарсизликдан ёмонроқ.

К е л д и ё р. «Ҳунарни асрабон неткумдир охир, Олиб тупроққами кеткумдир охир».

О з о д а. Ажойиб гап. Лекин гап билан иш чамбарчас боғлиқ бўлиши керак.

Т о ж и в о й. Бизда боғлиқ эмас эканми?

О з о д а. Мен бундай деятганим йўқ. Гапнинг келишини айтяпман, холос.

Қ а л а н д а р. Коса тагида нимкоса бўляпти, йигитлар.

Қ у в о н д и қ. Бутун ҳунаримизни манови иморатга майда-майда чаплаб ётибмиз-ку, яна нима қилишимиз керак?

О з о д а. Чаплаб ётибмиз? Зарур қурилиш-ку, бу.

То ж и в о й. Зарур бўлса бўлар, шунгайм ота гўри — қозихонами? Янги самолёт ихтиро қилаётувдикки, номимиз чиқади деб, жонимизни жабборга берсак. Шаҳарда нима кўп — иморат кўп.

К е л д и ё р. Баъзан шундай ишлар қилгинг келадикки... (Кафтларини ишқаб.) Қани энди имкони бўлса-ю...

О з о д а. Масалан?

К е л д и ё р. Масалан, табиатнинг ич-ичидан сир бўлиб бекиниб ётган бирор тилсимни очсангу, «Ол, Ватан! Ол, инсоният!» деб одамларга тортиқ қилсанг. О, бунинг савобига ким етсин. Ё бўлмаса дейлик...

О з о д а. Хўш, хўш?

К е л д и ё р. Ё бўлмаса дейлик... Арктика музларини эритиб, саҳройи кабирларни яшнатиб юборсанг, ойда деҳқончилик қилсанг, океан хазиналарини юзага олиб чиқсанг — мана буни иш қиляпман деса бўлади.

Қ у в о н д и қ. Вой хаёлпараст-эй, битта севган қизингнинг қалбига йўл тополмадингу, табиат сирини очмоқчи бўлганинга ўлайми?

К е л д и ё р (файласуфона). Одамнинг қалби табиатнинг сирларидан минг чандон мураккаброқ. Буни тушуниш керак. Сен эса ҳамиша юзада юрасан.

Қ у в о н д и қ. Бу ўжарнинг топиб олган гапи шу: Қалб! Табиат! Мураккаб! Ҳамиша баландда юради. Хаёлпараст!

О з о д а. Орзуга айб йўқ. Хаёлпараст бўлсалар ҳам ёмон эмас. У қиз ҳам шу атрофдами, Келдиёр?

Т о ж и в о й. Кетиб қолган. Турмушга чиқиб кетган. Сувоқчини бошимга ураманми дебди.

К е л д и ё р. Нозик томонларига ўтилмасин, То-живой. Кўнглини бошқа муҳаббат ром этган экан, мен ҳам оёқ тираб, «майли» деб туриб олдим.

Т о ж и в о й. «Майли» дейиш учун оёқ тираш керак эканми, ўжар! Шу ердаям бўш келмайман, дейсан-а, оғзидагини олдирган.



Келди ёр. Нима десанг, деявер. Бўлгани шу.  
(Файласуфона.) Ҳаёт мураккаб...

Қаландар. Шунақа. Омади келмай қолди  
дўстимизнинг.

Озода. Чакки бўпти. Шундай яхши йигитнинг  
қадрига етмаган бўлса, ўзидан кўрсин. Хўш, сизлар-  
нинг қизларингиз қаерда? Сизларнинг омадларингиз  
келганми, ишқилиб?

Шу пайт ташқаридан кимгадир қаттиқ-қаттиқ гапириб, нима-  
ларнидир уқтириб келаётган одамнинг шовқини эшитилади.

Фахриддин. Ошга пашша тушди, биродарла-  
рим.

Ташқаридаги товуш. Шу гапларни ўша-  
ларга шахсан етказиб қўясиз, бобой. Ўртоқ Самандар-  
ов хафа бўляптилар, денг.

Қўлида катта портфель, бошида шляпа, семиз, лекин ҳара-  
катлари чаққон Самандаров гапириб кириб келади.

Самандаров. Салом, йигитлар. (Дастурхонга  
қараб.) О, базми Жамшид маъносида! Қатиқ масала-  
и! Жуда яхши, жуда яхши, Луқмони Ҳакимдан тор-  
тиб, ҳозирги докторларгача — ҳаммаси овқатнинг  
аҳамиятини тан оладилар. Хусусан, қатиқнинг моҳи-  
яти жуда чуқур. Отам айтардилар: ўғлим, қатиқ  
ичинг, қатиқ ичинг, қатиқ ичинг... Тузланган бод-  
рингни ҳолвайтарга булаб есангиз ҳам, қатиқ ҳазм  
қилдириб юборади, дердилар, раҳматлик. Отамга эса  
оталари айтган эканлар. Лекин гўшт еганга нима ет-  
син, мияни бутун қилади.

Йигитлар илтифот юзасидан қўзғалишиб, дастурхонга таклиф  
қиладилар ва яна жойларига бепарво ўтирадилар. Фақат Озода  
ҳамон тикка турибди. Самандаров уни пайқамайди.

Иш тигизлик қилиб, бир ҳафтадан бери келолмадим, болакайлар, тушимга ҳам шу қурилиш кириб чиқади, лаънати. Яқинда туш кўрсам, хоҳа бозорида юрган эмишман. Жуда қурилишбон экан деб, «бор-барак» савдо қиляпман. Янгангиз уйғотиб юборди. Афсуски, тушим экан... (*Озодани кўриб қолиб.*) И-и-и, бу қизалоқ ким бўлди?

О з о д а. Салом, Озода Холматоваман.

Қ а л а н д а р. Ишга келдилар.

Ф а х р и д д и н. Бригадамизга янги одам қўшилди.

С а м а н д а р о в. Яхши, яхши, яхши. Ўтир, ўтир. Шахсан жуда хурсандман. Аёл кишининг бу ерда бўлиши, айтиш мумкинки, умумий ишимизга файз киргизади. Тўғрими, йигитлар?.. Яхши... Яхши... Ўзиям кўзга яқинроқ нарса экан.

Т о ж и в о й. Тўғри, Раббим Рамазонович.

С а м а н д а р о в (*Фахриддинга*). Хўш, шоир, сен нима дейсан? Шеър тўқияпти, транзистор варанглаяпти? Гитара чалиняпти?

Ф а х р и д д и н (*бепарво*). Тўқияпти, варанглаяпти.

С а м а н д а р о в (*маъноли қилиб*). Ҳа, ҳунарнинг кўпи яхши, албатта. Катта бир олимнинг ошпазликдан китоб ёзганини биламан. Самоварда ошини ҳам еганман. (*Тоживойга*.) Сен шахмат суряпсан? Да, шахмат яхши нарса, лекин оч қоринга ўйнаб бўлмайди. (*Бинони кўздан кечириб.*) Хўш, Қаландар, бугун ишлар қалай бўлди? Нима қилдиларинг ўзи? Бояги-боягидай турибди-ку бетидан чанг ёғиб...

Қ у в о н д и қ. Чанг ёғиб тураверади, Раббим Рамазонович. Анча ўрганиб қолдик.

С а м а н д а р о в. Яхши.

Қ а л а н д а р. На раствордан, на оҳакдан дарак бор. Ҳеч кимнинг иши бўлмай қолди биз билан.

С а м а н д а р о в. Яхши.

То ж и в о й. Ҳаво айниб қолса, иш яна сургалиб кетади.

С а м а н д а р о в. Яхши.

Қ а л а н д а р (*асабийлашиб*). Нимаси яхши, ўртоқ Самандаров!

С а м а н д а р о в (*бўш келмай*). Нимаси яхши, мен сендан сўраяпман, ўртоқ Самандаров... кечирасан... Қаландаров (*Баланд келиб*) ...Айтиш мумкинки, ишни чўктириб юборяпсан... Масаланинг моҳиятини туншунмаяпсан... Сансалорлик қиляпсан, вассалом. Яна буларнинг кўкрагида комсомоллик ўти бор эмиш! Биз комсомоллигимизда Фарҳод ГЭСини қуриб ташлаганмиз.

Қ у в о н д и қ (*Самандаровнинг ҳоврини босиб*). Ердам берсангиз, кўз-қулоқ бўлиб турсангиз, иш яна юришиб кетади, Раббим Рамазонович.

К е л д и ё р (*кинояомуз*). Оталарча ғамхўрлигингиз керак, Раббим Рамазонович!

Озода бу можарони ҳайрон кузатиб туради.

С а м а н д а р о в. Бу — бошқа гап, йигитлар, айбни бир-бирова ағдармасликка ўрганиш керак. Маош чиқиб турибдими, чиқиб турибди. Кечагидан қолган иш йўқ. Ҳаммамиз ягона мақсад-истиқбол биносини тезроқ қуриш мақсади билан нафас олаётган кишилармиз. Менинг ҳам бир бошимда юзта ғалва. Қанчадан-қанча чала ётган объектларни ҳаракатга келтиришим керак... Ҳай, майли, бир оз қизишиб олдик. Иш юзасидан аччиқ-чучук гап бўлади, албатта. Сизлар овқатни давом эттиринглар, мен бошқа объектга ўтишим керак. (*Шитоб билан чиқади. Кимгадир гапираётгани эшитилади.*) «Хотиржам бўлинг, бобой, бажарамиз, дедик, бажарамиз».

Т о ж и в о й (*Самандаровга тақлидан*). «Бажарамиз, дедик, бажарамиз!» Ул, бажармай.

О з о д а. Ким бу киши?

Қ а л а н д а р. Прорабимиз, ишбошимиз.

Т о ж и в о й. Булутдай гулдираб келиб, ёғмай ўтиб кетди.

Қ у в о н д и қ. Бақироқ туянинг бори яхши.

Ф а х р и д д и н. Шахсан келиб, шахсан кетди.

О з о д а. Ғалати одам экан-ку, нима деганига тушунмадим.

Қ а л а н д а р. Ҳеч ким ҳеч қачон ҳеч нарса тушунган эмас, тушунмайди ҳам.

Қ у в о н д и қ. Озодахон, хафа бўлманг, бу ҳали бошланиши. Қани, дўстлар, овқатни ва суҳбатни давом эттирамиз.

О з о д а. Ишни-чи, иш қачон бўлади?

Т о ж и в о й. Иш бўлади-да, мунча шошилмасангиз. Шу бўйича яна бир ҳафта кетди.

О з о д а. Нега гапни қатъий қилиб қўймадинглар?

Қ а л а н д а р. Фойдаси йўқ. Таги маҳкам одам ўзи билганини қилади.

Қ у в о н д и қ. Ҳар ҳафтада бир марта худди шундай учрашиб турмасак, ўтмаслашиб қолаётганга ўхшаймиз.

О з о д а. Ўткир бўлган пайтларингиз ҳам бўлганми ўзи?

Қ у в о н д и қ. Бўлмасам-чи? Товонимизнинг тагидан ўт чақнаган пайтлар бўлган. Ҳамон чақнаб турди бот-бот. Ва келажакда ҳам чақнаyajак!

Т о ж и в о й. Ҳа, Озодахон, нега ҳайрон бўлиб қолдингиз, кўзойнакли эчки кўргандай? Маош чиқиб турибдими? Чиқиб турибди! Кечагидан қолган иш йўқ! Гўшт мияни бутун қилади!..

К е л д и ё р. Биз бўлсак бунга ўрганиб қолганмиз, Озодахон. У киши аравани у ёққа тортадилар, биз — бу ёққа. Юк эса бир жойда тураверади.

Қ а л а н д а р. Шунақа гаплар.

Қу в он ди қ. Қани кетдик. Бұлмаса, эртагаям  
иш қолсин!

Йигитлар шўх куйлаб ҳавоза зиналаридан кўтарила бошлай-  
дилар.

### Йигитлар (қўшиқ)

Тўлқин-тўлқин сув келади,  
сув келади сойлардан,  
Тўпландик биз яқин-йироқ,  
яқин-йироқ жойлардан.  
Беш оғайни, беш баҳодир,  
беш баҳодир, беш юлдуз  
Ўйнаб-кулиб яйраймиз,  
яйраймиз кеча-кундуз.

Бизга аёз, оташ ёз парво эмас заррача,  
Ёшлик завқи, севги шавқи билан яшнар  
кўнгиллар.

Қуёш ботиб, ой чиқади,  
ой чиқади осмонга,  
Биз чиқамиз сайр этгани,  
сайр этгани бўстонга.  
Булоқ-булоқ қайнаб-тошар,  
қайнаб-тошар қалбимиз,  
Айтинг яна қандай роҳат,  
роҳат керак инсонга.

Бизга аёз, оташ ёз парво эмас заррача,  
Ёшлик завқи, севги шавқи билан яшнар  
кўнгиллар.

Йигитлар чиқиб кетишади. Озода ҳайрон кузатади.

Озода. Ҳой, йигитлар, иш қачон бўлади? Иш!  
(Орқаларидан югуради.)

Парда

## ИККИНЧИ КЎРИНИШ

Йигитларнинг ётоқхонаси. Хона ичи ниҳоятда пала-партиш: гитара, кастрюль, ранда, челак, бош кийим, супурги — ҳамма нарса аралаш-қуралаш; шим, кўйлак, сочиқ каравот шохларига тартибсиз ташланган. Эрталаб соат 8 га яқин пайт. Булар ҳали ўринда ётишибди. Хуррак ҳам эшитилади. Фақат Қувондиқ ётган жойида музыкага мослаб оёқ-қўлини қимирлатиб қўяди. Фахриддин ашула бошлайди. Бошқалари жўр бўлишади.

### Фахриддин

Қиш бўлмаса, ёз бўлса,  
Булбул нағма соз бўлса,  
Гуллар поёндоз бўлса —  
Сайру саёҳат яхши.

### Ҳаммаси

Яхши, яхши,  
Яхшиё, яхши!

### Фахриддин

Ёнингда ёринг бўлса,  
Қўлингда торинг бўлса,  
Доим баҳоринг бўлса —  
Жонингга роҳат яхши.

### Ҳаммаси

Яхши, яхши, яхшиё, яхши!

### Фахриддин

Юрсанг отда, пиёда,  
Денгиз, саҳро, қиёда,

Умринг бўлса зиёда —  
Бундай саодат яхши.

### Ҳ а м м а с и

Яхши, яхши, яхшиё, яхши!

Т о ж и в о й. Улай агар, уйқуга тўймадим, яна бир соат гингшимай турсаларинг, келажакда ҳаммангга ҳайкал қўйдиртираман... жаҳон айвонида... барака топкурлар...

Қ у в о н д и қ. Бир мамлакатда битта хасис бой ўтган экан. Улаётганида юз минглаб пули бор экан. Улим тўшагида ётиб, ўғил-қизи, қариндош-уруғини чақиртириб, васият қилибди; аё авлодим, мен ўляпман. Овора бўлиб харажат қилиб, қабримнинг тепасига ҳайкалимни қўйдирманглар. Киндигимгача кўмиб, бу ёғимни ер юзасида қолдирсанглар — туппа-тузук ҳайкал бўлади, деган экан.

К е л д и ё р. Вой, қурумсоқ-эй, сопини ўзидан чиқармоқчи бўпти-да, а?!

Қ а л а н д а р. Бу энди афсона бўлиши керак.

Қ у в о н д и қ. Улай агар, рост гап. Менга дунё кўрган битта одам гапириб берган.

Қ а л а н д а р. Ол-ла!

Ф а х р и д д и н. Ашула давом этади! Бошладик!

Қиш бўлмаса, ёз бўлса,  
Булбул нағма соз бўлса,  
Гуллар поёндоз бўлса —  
Сайру саёҳат яхши.

### Ҳ а м м а с и

Яхши, яхши, яхшиё, яхши!..

Т о ж и в о й. Ашулангни йиғиштирсанг-чи, болалар, мен кечагини ўйлаб ётибман.

Қ а л а н д а р. Қайси кечагини?

Т о ж и в о й. Кечаги-чи... анови қиз... Кечаси билан тушимга кириб чиқди. *(Кулади.)*

Ф а х р и д д и н. Лабингга учуқ тошириб юборгандир.

Т о ж и в о й. Нимасини айтасан, жўра. Мен гапирмай, сен эшитма... *(Ўзича қотиб-қотиб кулади.)*

Ф а х р и д д и н. Оббо, хумпар-эй, юрагингни бўшатиб олмайсанми, қурбақадай сайрагандан кўра.

Қ у в о н д и қ. Гапир энди, қиз боламидинг уялиб.

Т о ж и в о й. Уйланаётган эмишман тушимда. Тўй бўлаётган эмиш.

3 Игитлар сергакланиб эшита бошлайдилар.

Ховли тўла одам. Каравотда созандалару хонандалар. Қўлида ликопча тутган Самандаров ўртада гоз туриб, «Тўйлар муборак»ни варанглатяпти... Гоҳ ашулани таққа тўхтатиб, эчки бўлиб маъраб ҳам қўярмиш...

Қ а л а н д а р. Ол-ла, одамини топибсан.

Т о ж и в о й. Шошилма, бу ёғини эшит... Шу тўйда сенларни ҳам кўргандай бўлдим, янгилишмасам. Биринг — чой қайнатяпсан, биринг — қозонга парванасан, биринг — меҳмон кутяпсан. Раҳмат, яхшиликларингга қайтарай, оғайнилар... Мен чўғдай гиламлар тагида, обдастадай чироқлар шуъласида уялиброқ ўтирган эмишман. Ёнимда ҳарир пардалар ичида келин бола эмиш... Ҳаё билан бош эгиб, ял-ял ёнармиш. Ўзимда йўқ хурсанд эмишман. Кимдир шу пайт «Упилсин!» деб қолибди. Қарасам, ҳамма шундай деяпти.



Қу вонди қ. Роҳат қилибсан-да, йўмасам...

То ж и в о й. Тўхта, бу ёғини эшит.

Қ а л а н д а р. Қани, қани...

То ж и в о й. Уринларидан қўзғатиб, елкаларидан секингина ушлаб, лабларига лабимни энди қўндирсам... келин бола ким экан денглар?.. Озодахон экан!

Йигитларнинг гаши келиб, уни ёстиқ бўрон қиладилар.

То ж и в о й. Тўхта, йигитлар, айтмасам ёрилиб ўладиганга ўхшайман. Ёр-ёрлар садосидан масту мустағриқ бўлиб, бошимизни бошимизга қўйиб, дунё ишларидан гапиришиб ўтирган эмишман... Озодахон билан... ўпишдан кейин.

Ф а х р и д д и н. Вой, бечора-эй, Озодахон сени севар эмишми, одам қуригандай.

Қу вонди қ. Озодахон сени велосипедига эгар ҳам қилмаса керак.

Ҳаммалари кулишади.

То ж и в о й. Эшитсаларинг-чи, ахир. Сенлар ҳақингда ҳам бир талай гаплар бўлди.

Ҳ а м м а с и. Нималар деди?

Т о ж и в о й

Билмадим, билолмадим,  
Кўп гап бўлди чаманда.  
Ҳаммангизни баҳолаб  
Қўйибдиёв, чамамда.

Ф а х р и д д и н. Не деди мен ҳақимда?

Т о ж и в о й

Агарда музикага  
Бўлмаса иштиёқи,

Қуп-қуруқ йигит экан,  
Деди, ўша қишлоқи!

Ф а х р и д д и н

Тўқи, азамат, тўқи,  
Сендадир қулоғимиз.  
Сен — ёлғонни сув қилиб  
Оқизган булоғимиз.  
Шалдирайсан эрта-кеч,  
Ёпингансан кўпикка!  
Бўйсунмайман дейсан ҳеч  
На соҳил, на кўприкка!

К е л д и ё р. Не деди мен ҳақимда?

Т о ж и в о й

Айтди, сенинг кимлигинг,  
Фақат шайтон билармиш,  
Гапирсанг — гапларингдан  
Латта ҳиди келармиш.

К е л д и ё р. Ёрилганинг яхшироқ!

Т о ж и в о й

Ўлай, гапим ёлғонмас,  
Ҳаммангни лақма, деди.  
Сувга тушган бўлкадай  
Лақмаю лаққа, деди.  
Қувондиқни ичи бўш,  
Ҳувиллаган хум деди.  
Гоҳи тумшуқ, гоҳи пат,  
Гоҳи қуйруқ, дум, деди.

## Қ у в о н д и қ

Демак, битта фаришта  
Сен ўзингсан ҳар ишда.  
Қаландарни не деди?

Тоживойнинг гапларидан нафратланиб четдаги каравотда  
ётган Қаландарга ҳамма ўгирилади.

## Т о ж и в о й

Қаландарнинг тилини  
Чўқиган, деди, қарға.  
Отин айтишим билан  
Депсинди қарғаб-қарғаб.  
Пахса девор устига  
Чиққан каби қурбақа,  
Даврамизга кўрк эмиш,  
Шундай деди... шунақа.

Қ у в о н д и қ. Соқов эканми Қаландар?

К е л д и ё р. Нима, соқов эканми Қаландар?

Т о ж и в о й. Соқовни-ку тушунса бўлади... Ичим-  
дагини топ деб турганини ёқтирмайман дейди.

Қ а л а н д а р. Йиғиштир сафсатагни. Афсона  
эшитишга тоқатимиз йўқ.

Т о ж и в о й. Қўйсаларинг-чи, сенларга тўғри гап-  
ни ҳам айтиб бўлмайди.

Ф а х р и д д и н. Йигитлар, гап гап билану, аммо-  
лекин ўзи зўр нараса экан.

Қ у в о н д и қ. Нимаси зўр?

Т о ж и в о й. Нимаси бўларди, галварс. Қиз бола  
қаршингда гулхандай ловиллаб турса-ю, шуниям сез-  
масанг.

Қ а л а н д а р. Гапираётганда киприклари пирпи-  
раб турар экан.

Т о ж и в о й. Лаблариям очилай-очилай деб турган гунчадаккина.

Қ у в о н д и қ. Тили заҳарроқми, дейман.

Қ а л а н д а р. Ўзига ярашади...

### Ф а х р и д д и н

Ёнингда ёринг бўлса,  
Қўлингда торинг бўлса,  
Озода ёринг бўлса,  
Жонингга роҳат яхши.

### Ҳ а м м а с и

Яхши, яхши, яхшиё, яхши!

Эшик билинар-билинамас тақиллайди. Йигитлар эшитишмайди, кўрпага бурканишганча ашулани давом эттирадилар. Эшик яна тақиллайди.

Ф а х р и д д и н. Кимсан, киравермайсанми?

Озода кириб, бир лаҳза лол қотиб туради, чиқиб кетишини ҳам билмайди. Булар уни пайқамайдилар. Озода ҳаммаёқни аланглаб, ҳайрат ичида кўздан кечиради.

Т о ж и в о й (*бошини кўтармай*). Ким у сичқонга ўхшаб киртиллатиб юрган?

О з о д а (*секингина*). Мен.

Қ у в о н д и қ. Менинг ким, овозинг борми?

О з о д а. Мен, Озода.

Қ а л а н д а р. Озода!

Ҳамма апил-тапил ўрнидан қўзғалиб чойшабга ўраниб, саросимада қолади.

Т о ж и в о й. Вой, ўлмасам!

К е л д и ё р. Шарманда бўлдик! Номахрамнинг кўзи тушди.

Қ а л а н д а р. Жон, Озодахон, тескари қараб туринг... Этикларимизни кийиб олайлик.

Қ у в о н д и қ (*Озодага эшиттирмай*). Бемаҳалда нима қилиб юрибди бу зумраша.

Озода тескари ўгирилади. Булар яшин тезлигида кийиниб олмоқчи бўладилар. Нарсаларини тополмай, бирининг пайпоғини, бирининг майкасини, бирининг шапкасини кийиб, хона айланиб куйлайдилар.

- Қайда менинг пайпоғим?
- Пайпоғинг қўлингда-ку!
- Қайда менинг қалпоғим?
- Қалпоғинг сўлингда-ку!
- Қайда менинг пахмоғим?
- Пахмоғинг ўнг ёғингда!
- Қайда менинг бошмоғим?
- Бошмоғинг оёғингда!
- Бер менга пайпоғимни!
- Бер менга пахмоғимни!
- Бер менга қалпоғимни!
- Бер менга бошмоғимни!
- Супургини четга от.
- Кастрюлни тез йўқот.
- Челак, ранда не керак,
- Қуриб кетсин шу бисот.

Қ а л а н д а р. Озодахон, кечирасиз...

О з о д а. Йўқ, сизлар кечирасизлар, мен ўйламай-нетмай кириб келаверибман. Қурилишга борсам йўқ-сизлар, идорага борсам йўқсизлар, хабар олай-чи, деб ўйлаган эдим, сизлар бўлса ётибсизлар.

Қ у в о н д и қ. Гўшт мияни бутун қилади, уйқу — саломатлик посбони! Бизга шундай ўргатилган.

О з о д а (уЙ ичига ишора қилиб). Доим шундай турасизларми?

К е л д и ё р. Мундан ҳам кечроқ турамыз, сиз ҳаммамизни вақтлик уйғотиб юбордингиз-да.

О з о д а. Йўқ, мен вақтни эмас, уй ичини айтяпман. (Бармоғи билан этажеркадаги чангни сидириб кўради.) Вой-бў!

Ф а х р и д д и н (ўзларини оқлашга уриниб). Кечаси бўрон бўлувди, ўшаники.

О з о д а (самимий, ишониб). Унда димоғларингиз ҳам чангга тўлиб кетгандир?

Ф а х р и д д и н. Ҳа, чангимиз чиқиб ётибди.

Қ а л а н д а р. Озодахон, ўтиринг, чой қиламыз...

Қ у в о н д и қ. Қант, ёғ-мой қиламыз.

Т о ж и в о й. Кейин... Лой қиламыз.

О з о д а. Мен уйқуларингни бузибман-да унда...

К е л д и ё р. Нега, нега? Битта уйқу эмас, мингта уйқу сиздан айланиб кетсин.

О з о д а. Бўлмаса мен қурилишга бориб турай, йиғиштириниб чиқарсизлар.

Қ а л а н д а р. Йўқ, йўқ, йўқ, бўлмайди.

О з о д а. Ахир, ишлашимиз керак-ку!

Қ у в о н д и қ. Оббо, мунча энди ишга ёпишиб олмасангиз.

Т о ж и в о й. Бугун дам олиш, жигар.

О з о д а. Дам олиш куни эмас-ку, ахир.

Қ у в о н д и қ (пичинг билан). Битта қоқ миядан оладиган ишбоши етмай турувди.

Ф а х р и д д и н. Бугун кўлга борамиз...

Қ у в о н д и қ. Чўмиламиз...

Т о ж и в о й. Балиқ тутамиз... роҳатланамиз. Сузишни биласизми?

О з о д а. Биладан.

Т о ж и в о й. Ўзингиз ҳам балиққа ўхшаб кетсангиз керак.

О з о д а. Балиқ бўлсам тутармидингиз?

Келди ёр. Балиқ «шилт» этиб қўлдан чиқиб кетади.

То ж и в о й. Қўлдан чиқариб юборадиган сенсан, жигар. Менинг қўлимдан кит ҳам қутулмайди.

Ф а х р и д д и н. Гапни йиғиштиринглар, мингта «шап-шап» дан битта шафтоли яхши. Бугун музика ва танца куни!

Транзисторни қўйиб юборади. Музика садолари остида раскладушка ва тўшақларини ичкари олиб кириб, бир хил мақомда шўх, замонавий ўйин кўрсатадилар.

О з о д а (*тушунолмай*). Бугун иш куни-ку, ахир.

Қ а л а н д а р. Бари бир бугун ҳам материал йўқ. Бўлмагандан кейин, бинонинг башарасига уша билан лаб бўёқ сурамизми?

О з о д а. Қўл қовуштириб ўтирсак ҳам бўлмас? Трестга борайлик. Самандаровни кўрайлик, тўполон кўтарайлик. Мен ахир ҳунар, иш ўрганаман деб келганман бу ерга. Мактабимга, комсомол ташкилотимга яхши ишлашга ваъда берганман. Тушунсанглар-чи, ахир.

Қ у в о н д и қ. Яна кимга ваъда бергансиз, яхши қиз?

О з о д а. Бу менинг ишим, яхши йигит.

Қ у в о н д и қ. Жаҳлингиз бурнингизнинг учида экан-ку.

То ж и в о й. Ўрганиб кетасиз, жигар, ўрганиб кетасиз. Ич-бағрингизни кенг қилинг. Дастлаб келганимизда бизлар ҳам сизга ўхшар эдик. Коптоқдай сакрар эдик... Бетга сачрар эдик. (*Ҳавас билан боқиб.*) Мунча чиройлисиз-а?

О з о д а. Чиройли бўлсам нима бўпти? Сизга оғирим тушяптими?

То ж и в о й. Қанийди оғирингиз тушса. Неча кило келасиз шу туришда?

О з о д а. Ҳар ҳолда сиздан кўра оғирроқ бўлсам керак.

Т о ж и в о й. О-о, биз енгилтак бўлибмизми? (*Киноя билан.*) Гулдаккина нарса тўзонга ботиб, раствор қоради, инсоф борми, ёронлар! Дод деворгим келяпти.

О з о д а. Дод дейишдан олдин, курткангизни ўнгидан кийиб олинг.

Т о ж и в о й (*сир бермай*). Сизни кулдириш учун атайин шундай кийиб олган эдим.

О з о д а. Мен кулмоқчи бўлсам маймунхонага боришим мумкин.

Т о ж и в о й. Вой, тирмизак...

Қ у в о н д и қ. Чап ёнингиз билан турганингиз йўқми? Биз сизни ётоқхонамизга чақирмаган эдик шекилли. Куппа-кундуз куни бостириб кириб, зўравонлик қиласиз.

Т о ж и в о й (*ясама ноз билан*). Ота-онамиз билиб қолса нима бўлади?

Қ у в о н д и қ. Бировларнинг арзанда боласини ишга ҳайдаб чиқишдан уялмайсизми?

К е л д и ё р. Сизга нима ёмонлик қилувдикки, золимлик қиласиз. Арзимизни эшитадиган борми? Қаердасиз, Самандаров тоға? (*Озода гапларнинг ҳазил-чинлигини билмай аланглаб қолади.*)

О з о д а. Мен сизлардан тўғри гап сўрасам, нега тескари жавоб қиласизлар?

Ф а х р и д д и н. Тўғри гапми... Ҳозир... Ҳозир... Тоживой, ҳалиги тушингни гапириб бер!

Ҳаммалари кулишади, Озода тушунмайди.

Т о ж и в о й. Қўйсаларинг-чи...

Қ у в о н д и қ. Гапир.

Ф а х р и д д и н. Гапирсанг-чи, сўтак, таъбирини сўраймиз.



О з о д а. Мен туш йўядиган фолбин эмасман.

Қ у в о н д и қ. Эртак айтсак, эшитасизми? Бир бор экан, бир йўқ экан...

О з о д а (жаҳл билан). Бешта ландовур бўлган экан!

К е л д и ё р. Ҳали ландовур ҳам бўлиб қолдикми?!

О з о д а. Бўлмаса, нимасизлар? Нималиклари-нгизни билмаяпман.

Ф а х р и д д и н. Нега энди билишингиз керак?

О з о д а. Мен тўғри гапни сўраяпман.

Т о ж и в о й. Биз бўлсак сиз билан «савол-жавоб кечаси» ўтказишни истамаяпмиз. Ўз ҳолимизга қўйинг деяпмиз. «Нимага?», «Қачон?», «Қандай?» деган сўроқлардан чиқиб кетганмиз.

К е л д и ё р. Уни-буни қўйинглар. Кроссворд ечишга қалайсиз, Озодахон, дунёдаги энг сайроқи қуш нима? Атлантик океандаги ороллардан тарқалган бўлиши керак. Тўққиз ҳарфдан иборат, кечаси билан ўйлаб бошим қотди.

Қ у в о н д и қ. Сўфитўрғай.

Т о ж и в о й. Қизилиштон.

Қ а л а н д а р. Олашақшақ, олашақшақ!

О з о д а. Канарейка.

К е л д и ё р. Тўғри. Канарейка, энигаям, бўйи-гаям тўғри келади.

Ф а х р и д д и н. Жуда сайрайди-да, жонивор.

Т о ж и в о й. Лекин ўшанинг сайраши ҳам ёқмайди менга ҳозир. Уйимизда биттаси бўларди. Мушук еб кетган боплаб.

Ф а х р и д д и н. Вой, уволи тутсин. Жонли музикани ўлдирибсан-ку.

Т о ж и в о й. Лекин ётоқхонамизга битта тўтиқуш керак эди жуда.

О з о д а. Калхат бор жойда тўтиқуш бўлмайди.

Т о ж и в о й. Шунақа денг?..

О з о д а. Шунақа.

Қ а л а н д а р. Нима қилайлик, ҳозир, Озодахон, маслаҳат беринг.

О з о д а. Кеча Самандаров келганда нега масалани кўндаланг қилиб қўймадинглар?

Қ у в о н д и қ. Оппоқ қиз, масалани кўндаланг ҳам қўйиб кўрдик, ёни билан ҳам қўйдик, олди билан, орқаси билан ҳам қўйиб кўрдик — ҳеч вақо чиқмади.

Т о ж и в о й. Энди сиз масаланинг кўзига сурма, қошига ўсма қўйиб, лўнда қилиб қўясиз-да.

Ф а х р и д д и н (қўшиқ оҳангида). О, «қошига ўсма қўйиб».

О з о д а. Мумкин эмас, сира мумкин эмас... Шунча шаҳар қурилиб ётсину битта иморат отни қашқасидай ажралиб қолсин. Мумкин эмас.

Қ у в о н д и қ. Жуда мумкин-да, ойим қиз. Яна бир ҳафта туринг. Ўзингизни ҳам ишга калтаклаб олиб чиқиб бўлмайди. Бузоқнинг югургани сомонхонагача.

О з о д а. Худо хайрларингни берсин, нима гап ўзи, курортга келгандай юраверайми? Тўғри гапиришни биласизларми, йўқми?

Қ а л а н д а р. Тўғри гап шундаки, Озодахон...

Қ у в о н д и қ. Тўхта, Қаландар. Ҳаммамиз банд одамлармиз, Озодахон. Учрашувга боришимиз керак. Қизларимиз ташлаб кетишади бўлмаса...

О з о д а. Борсанглар бораверинглар, вой, менга нима? Мен иш юзасидан гапиряпман.

Қ у в о н д и қ. Иш юзасидан эртадан кейин гап-лашамиз.

О з о д а. Унгача мен нима қилишим керак сизнингча?

Қ у в о н д и қ. Нима қилардингиз, кир-чирларингизни ювиб, йиртиқ-ямоқларингизни тикиб, кам-кўстларингизни жойинга келтириб ўтиринг-да, қиз деган.

О з о д а. Йўқ, мен ҳам учрашувга бораман.

Т о ж и в о й. Учрашувга?!

О з о д а. Ҳа, учрашувга. Ўша Самандаров билан ёки ундан каттаси билан учрашувга. Лекин ёлғиз бормайман, ҳаммамиз борамиз.

Қ у в о н д и қ. Фойдаси йўқ. Бизга ҳеч ким қарамай қўйган...

О з о д а. Шундай ёш йигитлар... Битта Самандаровни йўлга солиб бўлмайдими, нега ҳаммаларинг оғизларингга толқон солгандай жим бўлиб қолдинглар. Тили қисқич жойларинг бўлса керак-да. Тагин, беш оғайни юлдузлармиз, деб мақтанасизлар.

Т о ж и в о й. Мақтансак арзиматими...

О з о д а. Нимаси арзийди? Умрларинг ўтиб кетяпти-ку, ахир.

Қ у в о н д и қ. Ҳа, умр ўтиб кетяпти, бўйдоқликда.

О з о д а. Мен бўйдоқлигингизни сўраётганим йўқ.

Қ у в о н д и қ. Мен ҳам сизга айтаётганим йўқ, яхши қиз. Шундай... Ўзимча...

Қ а л а н д а р. Эзмалик қилма... Озодахон, материал бўлмагандан кейин ёлғиз ғайратнинг ўзи кифоя қилмас экан.

Т о ж и в о й. «Қурилиш ҳақида қайғуришни менга қўясанлар, ақл ўргатишни ёқтирмайман», деган Самандаров.

О з о д а. Сизлар кўниб ўтирибсизларми? Наҳотки битта бюрократ бошлиқни енгиб ўтолмасак.

Т о ж и в о й. Яхши қиз, катта кетманг. Сиз у кишига рўпара бўлсангиз қояга урилган шишадай синиб кетасиз.

О з о д а. Нега, ахир, биз шахсий ишимиз учун нарсасўрамаяпмиз-ку. Бу — давлат иши-ку.

Қ у в о н д и қ. Китобдан ёдлаган гапларини айтяпти. Тўтиқуш!

О з о д а (*жаҳл билан*). Йигитлар эмиш яна, чанг босганлар. (*Йиғлаб, югуриб ташқари чиқиб кетади.*)

Қ а л а н д а р. Нима қилиб қўйдиларинг, қандай ўжарсан ҳамманг!

Т о ж и в о й. Ўжар деб ановини айтса бўлади. Тинч ўтирувдик, ҳаммаёқни чалқитиб, лойқалатиб кетди.

Қ а л а н д а р. Югуринглар, қайтаринглар!

Уч-тўрттаси чошиб чиқади. Қаландар асабий равишда хона айланиб, нима қиларини билмайди.

Ўжарлар, ялқовлар, дағаллар. Битта қизни кафтимизда авайлаб туголмасак, нима деган одам бўла-миз.

Й и г и т л а р шовқин билан Озодани қўлда кўтариб кирадилар.

Т о ж и в о й. Тутиб олдик, Қаландар, тутиб олдик. Бизнинг қўлимиздан ҳеч қандай балиқ қутулиб кетолмаган ва кетолмайди ҳам.

О з о д а (*ҳамон йиғлаб*). Бир камим балиқ бўлишми энди сизларга!

Т о ж и в о й (*маъноли қилиб*). Маймун ва балиқ!

Озода яна йигитлар ўртасида қолади. Фахриддин парвона бўлиб куйлайди. Йигитлар рақс билан жўр бўладилар.

## Ф а х р и д д и н

Йиғлама қиз, йиғлама,  
аллаё-алла.

Юрагимни тиглама,  
аллаё-алла.

Қайнотангми уришди,  
Қайнонангми буришди,  
Мушукка олдирдингми  
Ёки хамиртурушни?

Аллаё-алла.

Лабинг мисоли гунча,  
Жаҳлинг тез экан мунча,  
Эрта-мертан йиғларсан,  
Кулиб тургин бугунча.

Аллаё-алла.

Ариқ бўйида ялпиз,  
Ялпизнинг ўзи ёлғиз,  
Ҳафталаб қарғасанг ҳам,  
Энди очмаймиз оғиз.

Озода беихтиёр кулиб юборади.

Т о ж и в о й. Ёқмай ўлсин!

К е л д и ё р. Нима қилсак тинчиймиз, Озодахон.  
Айтдим-ку, Самандаров маҳмадоналикни ёқтирмайди  
деб. Уни эгиш осон эмас. Жуда ўжар одам!

О з о д а. Ужарга ўжар бўлиш керак. Биз унга ҳа-  
қиқатни тушунтиришимиз керак. Сизлар бўлса кўр-  
кўрона кўниб ўтирибсизлар. Бир йўлини ўйлаб топиш  
зарур.

К е л д и ё р. Айтяпмиз-ку, ахир, кўнмаганимиз-  
дан фойда чиқмади деб, майли, яна ўйлайдиган бўл-  
сак — ўйлайлик.

Қ а л а н д а р. Мунча энди фиғону фарёд қила-  
сиз, дунёни ташвиши сизга тушиб қолдими?

Қ у в о н д и қ. Ном чиқараман деб келганлар-да.

К е л д и ё р. ...Машҳур қурувчи. Социалистик  
Меҳнат Қаҳрамони Озодахон Холматова, деб газета-  
ларда ёзилсаю расмда ишшайиб кулиб турсалар...

Т о ж и в о й. Бир қўлларида гишт, бир қўлларида  
лой...

Ф а х р и д д и н  
(куйлаб)

Бир қўлда ғишт, бир қўлда лой,  
Ишлар жасур Озодаой,  
Мунча ғайрат, мунча чирой  
Муборако, муборақ!

О з о д а

Бунча ҳазил нечун керак,  
Борми сизда зарра юрак?

Қ а л а н д а р

Не қилайлик иш бўлмаса,  
Ҳеч кимда ташвиш бўлмаса.

Ф а х р и д д и н

Ёз бўлса-ю, қиш бўлмаса...

Қ у в о н д и қ

Не қилайлик ғишт бўлмаса!

О з о д а

Борми сизда, айтинг, инсоф?  
Ҳар бир кунга керак ҳисоб.  
Бундай ўтса кунларингиз,  
Ёшлигингиз бўлур исроф.

Т о ж и в о й

Самандаров эшитмас гап,  
Ерда қолар арзу — талаб

## К е л д и ё р

Қурилишдан гап очилса,  
У бир тараф, биз бир тараф.

## О з о д а

Қатъий қарор керак, дўстлар,  
Ҳавога учмасин сўзлар,  
Сизлар, ахир, беш лочинсиз,  
Бешта ёрқин, шўҳ юлдузлар.

Игитлар бир-бирига суянганча, ҳамон девор бўлиб турадилар. Озода уларга ёндашади.

О з о д а. Нима қилай, йигитлар, ялинайми? Ялинсам борасизларми? Жон, йигитлар, бора қолинглар, юра қолинглар.

Йигитлар даврасида жонланиш.

## Й и г и т л а р

- Ялиняпти,
- Ялиняпти,
- Ялиняпти.

Т о ж и в о й. Нима деяпти?

Й и г и т л а р. Ул деяпти. Ялиняпти.

Игитлар гуж бўлишиб, ниманидир маслаҳатлашади.

Й и г и т л а р. Бо-ра-миз!

Озода хурсанд. Ҳаммалари «Тўлқин-тўлқин сув келади, сув келади сойлардан» қўшиғи билан ҳавоза зиналаридан кўтариладилар. Озода ўртада. Фақат Тоживой орқада, сирғалиб қолади. У қандайдир ўй билан банд.

## П а р д а

## ИККИНЧИ ПАРДА

### УЧИНЧИ КЎРИНИШ

Трест бошлигининг қабулхонаси. Секретарь қиз нарсаларини йиштириб, кетмоқчи. Тоживой илтимос қиляпти.

Тоживой. Сизни учратиб қолганим яхши бўлди, Гулшодахон. Илтимос, яна беш минут турасиз.

Гулшода. Беш минут тугул беш секунд ҳам вақтим йўқ. Мана бу хатни унутиб қолдирган эканман, ўшанга келувдим.

Тоживой. Йўқ деманг, Гулшодахон. Бир маҳмадона қиз уч кундан бери ҳаммамизни овора қиляпти. Ҳамроқуловнинг йўқликлари ҳам яхши бўлди. «Бошлиқ банд, бугун қабул қилмайдилар, бугун дам олиш куни», деб қаттиқ турасиз. Бир билиб қўйсин. Узини жуда катта оляпти. Лекин маҳоратингизни кўрсатасиз. Баланд келинг, ҳаммасини кейин тушунтираман.

Гулшода. Йўқ, мен бу ишни эплаёлмайман. *(Чиқмоқчи бўлади.)*

Тоживой. Хотин зотини бунча ўжар, бағритош қилиб яратмасанг, ё парвардигор! Наҳотки илтимос ерда қолса! Йигитнинг сўзи синганидан бўйни сингани яхшироқ!

Гулшода *(кўнгли юмшаб)*. Хўш, ундан кейинчи? Кейин нима дейман.

Тоживой. Муовинлари ўртоқ Қодиржоновага учрашишларингиз мумкин, 2-корпус, 7-хона, деб жўнатиб юборасиз.



Гулшода. Қолгани ўзимга ҳавола. Майли, Тоживой.

Тоживой. Яшанг, Гулшодахон! Жаҳон шоколадлари ва жаҳон марваридлари сизники бўлсин, яхши жойлардан ато қилсин, овмин! Ана, келишяпти, мен кетдим, муваффақият!

Чопқиллаб чиқади. Секретарь қиз кулиб кузатади-ю, бирдан жиддий қиёфага киради. Озода ва йигитлар пайдо бўлишганини сезмасликка ҳаракат қилади: машинкасини чиқиллатади ва телефонда ким биландир бемалол гаплашади.

Гулшода (*трубкага*). Ўзингмисан, Рухсора? Ҳа, кеча кўрдик. Бирам ярашибдики... Гулини гулига келтириб тикканини қара. Яшнаб кетибсан, ўртоқжон. Ўша чеварингга агар олиб бормасанг, у дунё-бу дунё юз кўришмаймиз-а... Э, мени қўйсанг-чи, ўртоқжон, кун бўйи шу ердан, ҳеч чиқиб бўлмайди. Ҳар хил қаланғи-қасанғилар билан гап таллашиб ётаман.

Қувондиқ. Ҳей-ҳей, оппоқ қиз, оғзингизга қараб гапиринг. Мен ўша чеваринг севган йигити бўламан.

Гулшода. Халақит берманг деяпман, бу ерда чекиш мумкин эмас, сизга айтяпман. (*Трубкага*.) Йўқ, сенга эмас, Рухсора. Яна бир тўдаси навбат кутиб ўтирибди. Биттаси чеварингни севар эмиш... (*Қотиб-қотиб кулади*.) Хайр, хайр, кейин бафуржа гаплашармиз. (*Трубкини зарда билан жойига қўяди*. *Қувондиққа*.) Мен сизга айтяпман: бу ерда чекиш мумкин эмас.

Қувондиқ. Чекаётганим йўқ, тутуним чиқяпти, холос.

Гулшода. Унда заводга мўри бўлсангиз бўлар экан.

Қаландар. Биз зарил иш билан келганмиз, сиз билан ади-бади айтишмоқчи эмасмиз.

К е л д и ё р. Биз ўртоқ Ҳамроқуловга масалани тушунтиришимиз керак.

Г у л ш о д а. Масалаларинг ҳам қуриб кетсин, у киши бандлар. Фақат жума куни соат 2 дан 4 гача қабул қиладилар.

Ф а х р и д д и н. Фақат бир оғиз гап, тушунсангиз-чи.

Г у л ш о д а. Бир оғизми, минг оғизми — оғиз сизларники, жума куни келасизлар. Вассалом — гап тамом. *(Озодага.)* Сиз нима иш билан келгансиз?

Қ у в о н д и қ. Бу киши сиздан ўша чеварнинг адресини олмоқчи эканлар.

Г у л ш о д а *(тушунолмай)*. Мен адрес бюроси эмасман. Шу қоматингизга мундоқроқ чевар топсангиз ҳам бўлаверади, модница бўлгилари кепти-да.

Қ у в о н д и қ *(Озодани кўрсатиб)*. Бу киши катта универмагнинг ойнасида кийим намойиш қиладилар-ку, наҳотки кўрмаган бўлсангиз.

Г у л ш о д а. Улар... Одам қуригандай.

Ф а х р и д д и н *(ҳазилли тушуниб, Озодага яқинроқ боради)*. Э, э... ўша қиз сизмисиз, сизни бир кўрсам деб юрардим-а. *(Музыка жўрлигида ўйинга тушиб кетади.)*

Кийим боши ярашган,  
Мухлислари қарашган,  
Кўзларини қадашган,  
Уша барно сизмисиз?

О з о д а

Ҳа, менман, ҳа, менман.

К е л д и ё р

Саватдай соч бошида,  
Қалин ўсма қошида,

Нақ ўн саккиз ёшида,  
Кўзи шаҳло сизмисиз?

О з о д а

Ҳа, менман, ҳа, менман.

Қ у в о н д и қ

Қомати худди арча,  
Эгнида атлас, парча,  
Туфлиси ғарчча-ғарчча,  
Ўша танҳо сизмисиз?

О з о д а

Ҳа, менман, ҳа, менман.

Аввал ҳайрон бўлиб юзатиб турган Гулшода ҳам даврага  
қўшилиб кетади.

Г у л ш о д а

Ойнадаги ўшал қиз,  
Наҳотки бўлсангиз сиз,  
Ўзгариб кетибсиз тез,  
Ўша барно сизмисиз?

О з о д а

Ҳа, менман, ҳа, менман.

Хайр, концертни йиғиштирайлик. Яхши қиз, биз  
Ҳамроқулов билан учрашмоғимиз керак.

Г у л ш о д а (ҳайрон). Сиз нима дард билан кел-  
гансиз?

Қ а л а н д а р. Ҳаммамизнинг дардимиз битта: қурилиш. Қурилишда бурилиш.

Гулшода (*йигитларни кўрсатиб*). Сиз ҳам шуларнинг биримисиз?

Озода. Кийимларимдан кўриб турибсиз-ку.

Секретарь қиз. Вой, мунча исқирт... (*Бурнини жийиради.*)

Озода. Ўзингиз бинойидаккина жувон бўлсангиз керак-а, лекин моғор босиб қолибсиз-да.

Қувондиқ. Сизни шамоллатиб олиш керак.

Гулшода. Оғзингиздан чиқиб, ёқангизга ёпишсин. Ўзим ўтган кунигина тузалдим шамоллашдан... ап-шу... ап-шу...

Фахриддин. Саломат бўлинг, хоним исм-шарифларини билсам бўладими?

Гулшода. Жуда бошимни айлантириб юбординглар-ку, ишлагани қўясизларми, йўқми. Уртоқ Ҳамроқулов бандлар. Яна нима керак сизларга?!

Келдиёр. Шундоқ бир кириб чиқсангиз. Бир жойингиз камиб қоладими? Кейин ялпайиб ўтираве-расиз.

Гулшода. Оғзингизга қараб гапиринг, йигитча, бу ер катта холангизнинг уйи эмас, обрўли идорада ўтирибсиз, кўчада эмас.

Қаландар. Биз обрўли идорага обрўли иш билан келганми, тўйга айтгани келганимиз йўқ. Ҳали уйланмоқчи ҳам эмасмиз.

Қувондиқ. Нафасингни иссиқ қилсанг-чи, жигар. Нега уйланмас эканмиз. Кўнглимиздаги тошилиши билан уйланаверамиз.

Гулшода. Вой-вой, қандай балосизлар, уйлансаларинг уйланаверинглар, қабулхона маслаҳатхонами сизларга, қўясизларми, йўқми ишлагани. Куёв-навқарга ўхшамай...

Қувондиқ. Ҳамроқуловнинг ёнига кириб чиқмагунча қутулмайсиз. Гап шу!

Гулшода. Ўжар бўлмайд қолинглар. (Зарда билан бошлиқ кабинетига кириб кетади.)

Булар ўзларича: «Ҳозир кирамиз, ҳамма гапни дангал айта-миз», деб туришади.

Гулшода (бошлиқ кабинетидан чиқиб). Ҳар қанақа арзи ҳолларинг бўлса, биринчи муовинлари ўртоқ Қодиржоновга айтар экансизлар. Ҳамроқулов шундай дедилар. Марҳамат, иккинчи корпус, еттинчи хона.

Йигитлар билан Гулшода қурган ҳийлани Озода фаҳмлайди. Аммо билмасликка олади. Йигитлар Гулшодага «Қойил қилдингиз», маъносида ишора қилиб, хонадан чиқадилар. Озода Гулшодага рўпара бўлади.

Озода. Раҳмат, яхши қиз. Катта раҳмат сизга! (Шиддат билан чиқади.)

Гулшода. Ёмон бўлди. Тоживойнинг гапига кириб, чакки иш қилдим. Ёрдам бериш ўрнига... яхши қизга ўхшайди.

Чироқ ўчиб ёнади. Бино йўлагидан Озода ва йигитлар ўтишмоқда.

Қаландар. Айтмадимми, бу сарсончиликлардан ҳеч нарса чиқмайди деб. Ҳеч нарса чиқмайди!

Озода. Чиқади! Чиқмаганга қўймаймиз.

Фахриддин. Бунча ўжарсиз-а, Озодахон. Қайтанга оромимизни бузиб қўйдингиз, тинчгина юрувдик, ўйнаб-кулиб.

Қувондиқ. Машмашанинг уяси экансиз.

Озода. Фақат мешчанларгина ўз оромини ўйлайди, бизлар эса комсомоллармиз. Шундайми, Келдиёр?

Фахриддин. Келдиёр жим бўлди-қолди. Анчадан бери овози чиқмаяпти. Дам оляпти шекилли.

Келдиёр. Цицерон: «Мен дам олаётганимда энг кўп ишлаётган бўламан», деган экан.

Қаландар. Ол-ла, бунча баланддан келмасанг. «Жим бўлинглар, Чапаев ўйлаяпти», деган экан биттаси. Бор-йўғи оддий қурувчисанлар, сендайлардан сон мингта.

Келдиёр *файласуфона*). Миллионга бўлганда ҳам ҳар бир одам, бинобарин ҳар бир қурувчи ўзига хос бир оламдир. Ҳар бир инсон замирида бир қаҳрамон, бир донишманд, бир файласуф, бир шоир ётиши мумкин. Фақат ўша имкониятларни уйғота билиш зарур.

Озода. Жуда чиройли гап. Фикрингизга қўшиламан, Келдиёр.

Қувондиқ. Ёмон гапдон бўлиб кетибсизлар. Бундай гаплар билан юзлаб кошона қуриш мумкин.

Қаландар. Хўш, гап билан энди нима қилдик.

Озода. Қодиржоновиқнинг ёнига тўғри кириб бо-рамиз. Дангал гапирамиз.

Фахриддин. Кирамиз!

Келдиёр. Кирамиз.

Чироқ ўчиб, ёнади.

Озода ва йигитлар Қодиржонов кабинетига кирадилар. Кўзойнак таққан, иссиқ бўлишига қарамай бўйни шарф билан ўралган муовини телефонда ким биландир жуда хурсанд, қаҳ-қаҳ отиб гапиришяпти.

Қодиржонов (*трубкага*). Ҳа, энди телевизор масаласини қўяверасиз. Нима ҳам дер эдик — бир ёғи киночилик. Кеча денг, қайсиям бир картинка кўрсатиляпти-ю, қиз билан йигит қаттиқ ўпишиб қолса бўладими. Уятдан қизариб кетибман. Кичкина ўғилчам ёнимда эди.

— Дада, улар нима қиляпти? — деб сўраб қолди.  
Уйлаб-уйлаб:

— Йигит қизга нон чайнаб беряпти,— деб қутулдим-да аранг. Ха-ха-ха-ху....

Қ а л а н д а р. Биз зарил иш билан келган эдик, ўртоқ Қодиржонов.

Қодиржонов ҳамон телефонда гаплашайтиб уларга «халақит берманглар», ишорасини қилади.

Қ о д и р ж о н о в. Йўқ, энди, ўртоқ Боймирзаев, алоҳида бир келасиз, ўзимиз бир отамлашамиз. Тўппидаккина мадраса палов қиламиз. Ҳа, албатта-да, пиёзлари билан, беҳилари билан... Йўқ, йўқ, у кишини олмаймиз, илтимос, ош еяётганда мойини башараларига суртиб ейишини ёмон кўраман, худо ҳақи, ха-ха-ха-ху...

О з о д а. Биз зарил иш билан келган эдик, ўртоқ Қодиржонов.

Қ о д и р ж о н о в (*ғоят хушмуомала қиёфада ўрнидан туриб*). Эшитаман, эшитаман, навқирон авлод.

Ф а х р и д д и н. Биз аросатда қолиб ўтирибмиз.

Қ у в о н д и қ. Қурилиш материали йўқлигидан ёнингизга келдик.

Қ о д и р ж о н о в. Хўш, хўш, қайси қурилишдан-сизлар?

К е л д и ё р. 6— СМунинг Тахтакўприк участкасидан.

Қ а л а н д а р. Тўрт қаватлик иморатни пардоз-андоз қилаётувдик, материал йўқлигидан қўлимизни бурнимизга тиқиб ўтирибмиз.

Ф а х р и д д и н. Бир ҳафтадан буён на раствор берилади, на оҳак.

Қ о д и р ж о н о в. Э-э, Самандаровнинг йигитлариданмисизлар? Сизларни жуда ялқов деб эшитаман-ку.

Келди ёр. Самандаровнинг биз билан иши бўлмай қолди.

Озода. Агар иш шундай давом этса, иморат бу йил ҳам битмайди.

Қодиржонов. Қаранг-а, қаранг-а, бу жуда бемаънилик, жуда бемаънилик. Шундай азамат ёш кучлар — ишчи синфининг навқирон авлоди қўлини бурнига тиқиб ўтирса.

Озода. Сиздан илтимос қилардикки, бизнинг ишларимиз, турмуш шароитимизни ўз кўзингиз билан бориб кўрсангиз.

Қодиржонов (*телефонларни кўрсатиб*). Мен бу ердан, афсуски, ҳеч қўзгалолмайман. Булар устма-уст сайраб туради. Ўнлаб ташкилотлар билан муомила қилишим керак.

Озода. Ўрнингиздан қўзгалсангиз, биров ўрнингизни эгаллаб олармиди, бу — бор-йўғи ярим соатлик гап-ку, ахир.

Қодиржонов. О, тилингиз аччиққина экан, бундай тил билан ошни ҳам қалампирсиз есангиз керак?

Озода. Бировлар ош ейиш учун яшайди, бировлар яшаш учун овқатланади.

Қодиржонов. Сиз қайси тоифасига кирасиз?

Озода. Кейингисига.

Қодиржонов. Бу фалсафаларни қаердан ўргангансиз?

Озода. Бу масаладан вақтида имтиҳон топширганман.

Қодиржонов. Дуруст. (*муомалани ўзгартириб*.) Бизга айни шундай билимдон ёшлар керак. Ҳаётга очиқ кўз, равшан фикр билан қарайдиган, жўшқин қалбли ёшлар керак. Хўш, нима масалада гаплашаётган эдик? Ҳа, раствор масаласи.

Озода. Фақат раствор эмас, яна бир талай гаплар бор.



Қодиржонов. Сизлар менинг ёнимга янглиш кирибсизлар, ёшлар. Бу масалалар билан иккинчи муовин шуғулланади. У кишининг қабул куни эртадан кейин. Ана ўша кишига учрашасизлар, хайр, саломат бўлинглар.

Қаландар. Ахир, биз юраверамизми?

Қодиржонов. Ҳа, юрасизлар, бу ўнғай иш эмас. Нонни ҳалоллаб ейишга ўрганиш керак. Хайр, саломат бўлинглар.

Келдиёр. Қурилиш бўкиб-чўкиб ётаверадими?

Қаландар. Бизга ёрдам, амалий ёрдам керак.

Фахриддин. Биз ишлагани келганмиз.

Қодиржонов (*уларнинг мулоҳазасини эшитиб бўлиб*). Демак, шундай денглар. Қурилиш бўкиб, чўкиб ётибди денглар. Демак, биз ҳаммамиз бу ерда бекор ўтирибмиз, сизлар жон куйдирыапсизлар, холос. Бу нима дегани? Бу — аравани қуруқ обқочиш дегани. Бу — пашшадан фил ясаш дегани.

Озода. Ўртоқ Қодиржонов, биз сафсата эшитгани келганимиз йўқ. Гапнинг очиғини айтинг: ёрдам бероласизми, йўқми?

Қодиржонов. Бу иш билан Самандаров шуғулланади. Биз Самандаров орқали сизлар билан гаплашамиз. Тартиб бузилмаслиги керак. Ўзбошимчалик иш бермайди. Самандаровга учрашинглар.

Озода. Бормисиз, худди шу гап керак эди-да бизга. Масала деярли ҳал.

Фахриддин. Яшанг. Қодиржонов ака, биз Самандаровга боғлиқ эканлигимизни билмай, қийналиб юрувдик.

Қувондиқ. Сиз масалани шарт-шурт ҳал қилар экансиз, раҳмат.

Келдиёр. Муз ўрнидан кўчди, ўртоқлар. Қани, энди ишга!

Қаландар. Мана шу бир оғиз гапнинг гадоси бўлиб келувдик.

Қодиржонов (аччиқ ҳазилни тушунмай). Мен у эди-бу эди деб гапни чўзиб юришни ёмон кўраман. Ё у ёқлик-ё бу ёқлик қиламан-қўяман. Раҳбарлик тажрибамдан келиб чиқадиган асосий хулоса шу. Хайр, саломат бўлинглар! (Устма-уст жиринглаган телефонларга ёпишади.)

Озода. Бас, Тоживой, етар масхарабозлик! Яхшигина актёр экансиз, раҳмат сизга! (Жаҳл билан чиқади.)

Йигитлар ҳайкалдай қотиб қоладилар.

Келдиёр (Тоживой — Қодиржоновнинг бошидан шляпасини, қўлидан телефон трубкасини олиб). Мотсан, жигарим мот!

Йигитлар шиддат билан Озода кетидан чиқишади. Улар яна йўлкада кўринадилар. Озодадан кечирим сўрашга ботинолмайдилар.

Ноқулай вазият.

Тоживой. Нима қилишимиз керак, Озода, жуда тиқилинч қилиб юбордингиз-да, узр...

Қувондиқ (Озодага зарда қилиб). Бу гаплар жонимга тегиб кетди. Кечроқ бир хиёбонни айланиб, кино-пинога тушмасам, портлаб кетаман.

Озода. Майли, Қувондиқ, айлансак айланаверамиз.

Қувондиқ. Кечқурунни ҳам худо урар экан-да, ишдан гаплашавериб.

Озода. Бошланган ишни чала қолдириб бўлмайди.

Чироқ ўчиб, ёнади. Йигитлар ва Озода бино олдидаги скамейкаларда ланж бир ҳолатда, ҳар хил вазиятда ўтирибдилар.

Бир-бирларини зимдан кузатиб қаттиқ кулиб юборадилар.

Ф а х р и д д и н. Лекин қойил, йигитлар. Тоживой Қодиржоновнинг худди ўзи бўлиб кетди-я... Кетдикми энди, эртага ҳам иш қолсин ахир... Э, ана, Самандаров келяпти! Худо урди!

Машина гуриллаб тўхтаб, эшиги очиб-ёпилгани эшитилади. Озода Самандаров келаётган томонга қарайди. Йигитлар Озодага билдирмай бекиниб оладилар.

О з о д а. Салом, ўртоқ Самандаров... биз... биз... сизни учратмоқчи бўлиб келувдик. Кўриб қолганимиз жуда яхши бўлди-да. Ҳеч ўйламовдик-а.

С а м а н д а р о в. Салом, салом. Биз деганингиз ким, яхши қиз, ёлғиз ўзингиз-ку, ё менинг кўзимга яккаю ягона бўлиб кўриняпсизми?

О з о д а. Кечирасиз. *(Атрофни кўздан кечириб, йигитлар қуён бўлганини билиб, сир бермайди.)* Кечирасиз... Салобатингиз босиб, мен ўзимни... билмай, янглишиб... сизлаб... бизлаб юборибман.

С а м а н д а р о в. Ҳечқиси йўқ. Янглишмасам исмингиз Озодахон?

О з о д а. Ҳа, Озода.

Йигитлар бекиниб, уларни кузатаётганини Озода ногоҳ сезиб қолади, лекин кўрмасликка олади.

С а м а н д а р о в. Қалай, ўрганиб кетдингизми, зерикмаяпсизми?

О з о д а. Зерикаётганим йўқ-ку, ҳеч ким янги келган одам билан қизиқмас экан бу ерда.

С а м а н д а р о в. Нега, нега?

О з о д а. Мен ўйловдимки... сиз чақириб, бу ернинг баланд-пастини тушунтириб, йўл кўрсатасизми деган эдим.

С а м а н д а р о в. Ҳалиям кеч эмас, Озодахон. Бу хусусда ҳали кўп гаплашамиз. Мана ҳозир ҳам гапла-

шиб олсак бўлади. Кишилар... қурилиш... шароитлар ёқдимми сизга?

О з о д а. Раҳмат. *(Нозли боқиш билан.)* Шундай ажойиб кишилар... ажойиб қурилиш... ажойиб шароитлар...

С а м а н д а р о в. Да, биз ҳамма имкониятларни яратишга ҳаракат қиламиз... Бундан ташқари, сиз жудаям қисилиб юрманг. Одамнинг тафтини одам олади. Нима гап бўлса, марҳамат, очиқ-очиқ айтаверинг.

О з о д а. Сизни безовта қилишни истамайман-да.

С а м а н д а р о в. Безовтангиз нимаси? Бола йигламагунча она эмизмайди, деган гап бор. Сизнинг гапларингизни эшитишга шахсан ҳамиша тайёрман.

О з о д а. Раҳмат... Кўп ишлик одамсиз...

С а м а н д а р о в. Ҳар қанча ишим бўлганда ҳам, сиздай яхши қизлар учун ҳамиша вақтим бемалол.

О з о д а *(ишва билан)*. Раҳмат. Меҳрибон одам экансиз.

С а м а н д а р о в. Бизда ҳам юрак бор. Гарчанд сочларимизга оқ толалар оралаган бўлса-да, унча-мунча йигитлардан кам эмасмиз.

О з о д а. Кумуш толалар денг...

С а м а н д а р о в. О-о, жуда ошириб юбордингиз-ку. Мен... Умуман олганда, гўзаллик, ёшлик мафтуниман. *(Озодани бошдан-оёқ ҳирс билан кузатиб.)* Туфлингиз антиқа-ку?

О з о д а. Антиқа бўлмай ўлсин. Оёғимни еб ташлапти.

С а м а н д а р о в. Нозик оёқларга озор берувчи бундай туфлини дарров янгиси билан алмаштириш керак.

О з о д а. Маош олайлик-чи, кўрармиз.

С а м а н д а р о в. Тортинманг, қанча бўлса мендан олаверинг. *(Чўнтагини ковлайди.)*

О з о д а. Йўқ, йўқ, қарз бўлиб қолишни ёмон кўраман.

**С а м а н д а р о в.** Қарзингиз нимаси?

**О з о д а.** Йўқ, йўқ, жилла овора бўлмаг кейин, кейин... хафа бўламан.

**С а м а н д а р о в.** Хўп бўлади, хўп бўлади. Қачон керак бўлса бемалол сўрайверинг.

**О з о д а.** Раҳмат.

**С а м а н д а р о в.** Йигитлар қалай? Хафа қилишмаяптими?

**О з о д а.** Узларини аранг эплашади-ю, бировни хафа ё хурсанд қилиш уларга йўл бўлсин.

**С а м а н д а р о в.** Ҳаммаси дангаса, ландовур. Юраги сўниб қолган. Йигит деган қирчиллаб турса-да... Биз улардайлигимизда...

**О з о д а.** Янглишмасам, қирқ ёшларда бўлсангиз керак?

**С а м а н д а р о в** (*хурсанд*). Жуда яшартириб юбордингиз-ку. Худо хоҳласа, қирқ бешни мўлжаллаб турибдилар камина. Раҳмат, раҳмат... Палагимиз тоза бўлса ажаб эмас. Йигирма беш ёшлик мижғов йигитдан, баъзан, қирқ беш ёшли эркак кўркам ва жозибали келади.

**О з о д а.** Ўзингизни жиндак ҳам олдирмагансиз.

**С а м а н д а р о в** (*сохта камтарлик билан*). Балки... Балки... Мен табиатдан кўп баҳра олишга ҳаракат қиламан. Тоғларга чиқиб кетаман машинада, ош масаласи ҳам кун ора қанда қилинмайди. Кўрибсизки, ажинга ҳожат йўқ. Дазмоли ўзи билан.

**О з о д а.** Тоғлар дейсизми? Мен ҳам ўлгудай яхши кўраман тоғларни...

**С а м а н д а р о в.** Жуда соз. Мен сизни шундай ажойиб жойларга олиб борайки, жаннат дейсиз. Гапни чувалтирмаслик учун фақат иккаламиз бўламиз. Шаршарада чўмиласиз, кийикдай яйратаман насиб бўлса.

**О з о д а.** Қанийди...

Самандаров. Лекин олисдаги қуйруқдан яқиндаги ўпка яхши дейдилар...

Озода. Сиз жуда кўнгли очиқ, меҳрибон одам экансиз.

Самандаров. Кўнгил масаласида, худога шукур, қарз оладиган жойимиз йўқ.

Озода. Қувноқ киши экансиз, шўх экансиз жуда.

Самандаров. Ҳалиги гапим чала қолди. Олисдаги қуйруқдан...

Озода. ...Яқиндаги ўпка яхши.

Самандаров. Балли, ақлли одамларнинг садағаси кетсанг арзийди. Бугун — шанба. Йўқ демасангиз, жону дилимдан илтимос қиламан, кечқурун бирор четроқ кафедра бир чимдим гаплашиб ўтирсак, а, лаббай?

Озода. Қандай бўларкин...

Самандаров. Қандай эмас, қантдай бўлади.

Озода. Биров кўрса...

Самандаров. Аминман, ҳеч ким кўрмайди. Тасодифан бир столда ўтириб қолган кишилар бўламиз, вассалом.

Озода. Жуда уста экансиз. *(Кулади.)*

Самандаров. Устамиз-да, акаси жонидан, шунинг учун ҳам кимсан Самандаров бўлиб юрибмиз. Келишдикми?

Озода. Майли...

Самандаров. Майли... Мажнун ва Лайли. Демак, кечқурун соат еттиларда. Анҳор адоғидаги «Истироҳат» кафесиди. Келишдикми?

Озода. Майли... *(Бирга-бирга чиқадилар.)*

Йигитлар бурчак-бурчакдан чиқиб, бир-бирига ҳайрон боққанча бир лаҳза қотиб турадилар. Энди Озода уларни зимдан кузатади.

Тоживой. Одам олеси ичида, биродарлар кўриб қўйдингларми?

Қ у в о н д и қ. Кўрдик. Лекин мен ҳечам шунчалик бўлар деб ўйламаган эдим. Бу қизнинг гапи кўпга ўхшайди.

Ф а х р и д д и н. Синамаган отнинг сиртидан ўтма. Шундай ёш нарса-я... Қачон улгурган экан?

К е л д и ё р. Мен уни булоқ сувидан ҳам тиниқ бўлса керак деб ўйловдим.

Т о ж и в о й. Жуда бокира бўлиб кўринувди-я... Жилпанглашини қара.

К е л д и ё р ( *кулиб юборади*). Вой худо урган-эй, қирқ беш ёшни мўлжаллаб турган эмиш. Эллик ёшини юбилей қилганига беш йилдан ошган-ку.

Т о ж и в о й. Озодани илондек авради.

Қ у в о н д и қ. Ғунажин кўзини сузмаса, буқа арқонини узмайди. Ҳамма айб Озодада. Озода эмиш яна.

## Қ а л а н д а р

Ҳайронман, ҳайронман.

## Ф а х р и д д и н

Ҳайронман, ҳайронман.  
Бир косадан айронман.  
Ҳеч ким мени ичмади,  
Қалби, дили вайронман.

Т о ж и в о й. Энди, йигитлар, бир қарорга келиш лозим.

Қ у в о н д и қ. Қарор шуки, кечқурун ўша кафега бостириб борамиз.

Ф а х р и д д и н. Тўғри гап. Уларни шундай шармандайи-шармисор қилиш керакки, дунёга келганига пушаймон бўлсин.

Қ а л а н д а р. Қандай бўларкин... Ундан кейин би-  
ровларнинг ички ишига аралашинишга нима ҳаққимиз  
бор.

Қ у в о н д и қ. Сен — доим шунақа. Бармоғингни  
тишлаб тураверасан. Юрак борми сенда ё Самандаров  
айтмоқчи, сўнган ландовурмисан?

Қ а л а н д а р. Нега сўнар эканман.

Т о ж и в о й. Бўлмаса, гап битта. Кафега борамиз.

Қ а л а н д а р. Борсак бораверамиз. Кетдик.

Йигитлар чиқишади.

## П а р д а

### ТЎРТИНЧИ КЎРИНИШ

Замонавий кафенинг пинамгина хилват гўшаси. Шўх музика  
янграб турибди. С а м а н д а р о в мамнун бир қиёфада, соатига  
қараб-қараб хиргойи қияпти.

### С а м а н д а р о в

Баланд тоғлар ҳавоси,  
Шаршаралар навоси —  
Ҳамма дарднинг давоси,  
Бу оламнинг сафоси.

Истар нарсанг шай бўлса,  
Май бўлсаю най бўлса,  
Дон олишган кўнгиллар  
Бир жуфт каптардай бўлса.

Тоғ бағрида мажнунтол,  
Баргида ўйнар шамол.  
Бу дунё беш кунликдир,  
Дунё кайфин суриб қол.



Ўлма, Самандаров, доим ошиғинг олчи. Юрагингда ўтинг борки, парвонадек урилади қизлар ҳам. Ғалати қушчага ўхшайди. *(Озоданинг нозли сўзлари, кулгиларини эслаб).* Жаранглаган кулгиларингдан аканг. Ёш қизлар, барно жувонлар суҳбатида бўлмоқ кишини ёшартиради деб бежиз айтмас эканлар. *(Ойна олдида сийрак сочларини тарайди.)* Ҳозир йигирма беш ёшдаги навқирон йигитга ўхшайман. Мана бу қорин лаънати ҳисобга олмаганда, манман деган бир нозанин ҳавас қилса арзийдиган суратдаман. Савлат ҳам отни ҳуркитадиган. Эркак кишида жозиба бўлиши керак. Бир қарашда аёл зотининг қалбига ғулғула солиб юбориш лозимки, оёқлари чалкашиб кетсин. *(Мамнун, зал айланади.)* Э, анави арвоҳ нима қилиб юрибди. *(Узини панага олади.)*

Қувондиқ киради-ю, бекинаётган Самандаровни илғаб қолади. Висол ҳаяжони бутун вужудини қамраб олган кишидай, галстукларини тузатиб, кимнидир кутади.

Қувондиқ. Ўлай агар, юрагим гупиллаб кетяпти. Биринчи марта қиз бола билан яккама-якка учрашишим. Қандай бўларкин-а?! Гап тополмай, соқов бўлиб қолсам-а... Нимадан бошласам экан. Сизларнинг ҳовлигаям налогчи келармиди, деб сўрайинми, ўлганинг яхши, демайдим. *(Қизнинг бир-бир босиб келишини, уни қандай кутиб олишини, гул узатишни, жой кўрсатишни ўзича машқ қилиб кўради. Кўнгли тўлмай ижирғанади. Утиради, туради.)*

Фахриддин *(ҳуштак чалиб, қувноқ кайфиятда кириб келади ва ногаҳон Қувондиққа дуч келиб).* Қувондиқ!

Қувондиқ. Фахриддин! Нима қилиб юрибсан? Фахриддин. Узинг-чи? Мен шундоқ... ўзим келувдим. Музыка эшитаман деб.

Самандаров. Ё раббий, паноҳингда асра...

Қу в о н д и қ. Мен ҳам. Устига-устак, қорин чунонам очдики, қўяверасан.

Фа х р и д д и н. Ётоқхонада макарон шўрвани боплаб туширган эдинг-ку, иштаханг ёмон эмас.

Қу в о н д и қ. Ёмон эмас. Лекин сенга ҳайронман. Шунча йўлдан келибсан-да, эринмай.

Фа х р и д д и н. Сен эринмаганда мен нега эринишим керак?

Қу в о н д и қ. Меники зарурат. Шу томонда қариндошлар туради.

Фа х р и д д и н. Меники ҳам зарурат. Битта курсдошим билан диплом иши юзасидан гаплашиб олмоқчи эдик.

Са м а н д а р о в. Хайрият, чиқиб кетишса керак.

Қу в о н д и қ. Диплом иши кафедрага гаплашилади-ми? Кафедрага бориш керак.

Фа х р и д д и н. Бу ҳар кимнинг ўз таъби.

Қу в о н д и қ. Билганингни қил, дўстим, жой кўп, кафе кенг.

Са м а н д а р о в. Топган жойини қара!

То ж и в о й кириб, паналаб залга разм солади. Қу в о н д и қ билан Фахриддинни кўриб қолиб, таажжубга тушади.

То ж и в о й. Во ажаб! Бу шумтакалар шу кафедрага учрашмоқчи бўлганимизни эшитиб қолганга ўхшайди. Халақит бергани келган. Ҳали ётоқдан ҳеч нарса демай изма-из чиқиб кетишувди-я. Тил бириктирган булар. Шайтонлар, муғамбирлар! Алдаб-сулдаб жўнатмасам бўлмас. *(Қўлидаги гулини костюми барига бекитиб, хурсанд кириб боради.)* Кечки саломлар, гулдурас қарсақлар!

Са м а н д а р о в *(ёқасини ушлаб)*. Бу ёғи неча пулдан тушди...

Фа х р и д д и н. Тоживоймисан, ҳа, оғайни, қайси шамол учирди? Етишмай турувдинг-а.

Қу в о н д и қ. Дачнийга ўтириб Гулистонга бориб-келамам деган эдинг, шекилли. Поезд бўлмайд қолдимми?

Ф а х р и д д и н (*Тоғживойнинг пиджаги этагидан чиқиб турган гулларни кўрсатиб*). Анови гулларни Гулистондан узиб келган бўлса керак-да.

Т о ж и в о й (*гапни буриб*). Шундоғам пиво ичгим келдики... Юр, дедим ўзимга ўзим, хаёл суриб, одам бўлиб, бир ичсанг-ичибсан-да. Гала-гала юриш шартми?

Қу в о н д и қ. Пиво ичгани қўлида гул билан келар экан-да.

Т о ж и в о й (*гулни кўрсатиб*). Буми... Кўчадаги скамейкада ётган экан. Кўзим қиймади.

Ф а х р и д д и н (*деразадан кўчага қараб*). Ё тавба, кўзларимга ишонмаяпман. Келдиёр ҳам келяпти ўп-касини қўлтиқлаб. Қўлида гул!

Қу в о н д и қ. Бекиниб кузатамиз. Қани, нима қилар экан...

Ф а х р и д д и н. Бекинамиз.

Улар ўзларини устун панасига олмоқчи бўлиб, гўё тўсатдан Самандаровга тўқнаш келадилар.

Т о ж и в о й. Раббим Рамазонович!

Қу в о н д и қ. Э-э, кечирасиз...

С а м а н д а р о в (*чайналиб*). Менми... менми... чиқиб кетаётувдим... Йўлим тушиб қолувди...

Т о ж и в о й. Биз жуда хижолатда қолдик-ку, кечирасиз.

Ф а х р и д д и н. Гапларимизни эшитмадингизми мабодо, ёмон бўлди-ку, а.

С а м а н д а р о в. Ҳеч нарса эшитганим йўқ. Қулоғим қар бўлиб юрибди, шу кунларда, шамоллаб.

Қу в о н д и қ. Хайрият, озгина турамиз, Раббим Рамазонович. Бир минутгина, битта оғайнимиз келяпти.

Келди ёр (*киради. Атрофни секин кузатиб чиқадди.*) Ҳозир келиб қоладилар... Майин лабларда ингичка табассум билан... шахло кўзлар қаршисида довдираб қолмасам гўрга эди... Мен чинакам севгини энди ҳис этяпман, азизлар. Кўклам лозорлари узра парвоз қилиб юрганга ўхшайман. Гўё бутун олам мени олқишляпти, бахтимни муборакбод қиляпти. Куйлаворгим келяпти, азизлар, куйлаворгим келяпти.

Эй, хароб бўлган кўнгилнинг кулбайи вайронаси,  
Бўлдинг обод, келди ёринг, қўлида паймонаси.  
Ол табаррук қўлларидан оби ҳайвон жомини,  
Минг тасаддуқ ўргилиб, бўл ёнида парвонаси...

Қувондиқ (*ўзларича пичирлашадилар*). Улай агар, бир жумбоқ бор бу ерда.

Самандаров. Нима гап бўляпти ўзи? Мен кетишим керак.

Тожибой. Вой ажаб! Бу тасодифми, қонуниятми, жигарлар.

Фахриддин. Бу расвойи олам деган гап. Бир соат олдин бир хонада ўтирган беш кишидан тўрттасининг бир-бирига айтмай бир жойда тўпланиши... Ҳайронман... бошим ишламаяпти.

Самандаров. Бу қанақаси бўлди?!

Қувондиқ. Ҳали Қаландар ҳам келиб қолса, нима дейсанлар?

Тожибой. Шу кетишда унинг ҳам келиши ҳеч гап эмас.

Келди ёр (*хурсанд, соатига қараб-қараб*). Ҳозир келиб қоладилар... Туфлиларининг нафис «тўқ-тўқ»и юрагимда акс-садо беряпти (*кўксини ушлаб*), дук-дук-дук-дук. Бир оғиз таклифимга: «йўқ» демади, демак, қиз боланинг кўнглини ром этадиган бир сеҳр бўлса керак сўзларимда... ё кўзларимда! Юрибсанлар-да гап сотиб, ҳар хил Тоживой-моживойлар!..

**Т о ж и в о й.** Биз шу ердамиз, акаси жонидан.

**У ч а л а с и** мақом билан панадан чиқадилар. Самандаров — орқароқда Келдиёр тошдай қотиб қолади.

**К е л д и ё р.** Айғоқчилик қилиб юришга уялмай-санларми?.. Салом, Раббим Рамазонович...

**Ф а х р и д д и н.** Ким кимга айғоқчилик қиляпти? Буни ўйлаб кўриш керак.

**Қ у в о н д и қ.** Кимни кутяпсиз, яхши йигит, бил-сак мумкинми?

**К е л д и ё р.** Билишингиз мумкин, яхши йигит, Озодахон билан ваъдалашганмиз... ахборотингиз учун.

**Т о ж и в о й.** Озодахон билан?!

**Қ у в о н д и қ.** Озодахон билан?!

**Ф а х р и д д и н.** Озодахон билан?!

**С а м а н д а р о в.** Қайси Озодахон билан?

**К е л д и ё р.** Қайси бўларди, ўзимизнинг Озодахон-да, яқинда ишга келган. Илтимос қилардимки, бизни ҳоли қўйсаларинг. ...Кечирасиз, Раббим. Рамазонович... Вақт яқинлашиб қолди, хижолат бўлмасин...

**Т о ж и в о й.** Масала равшан, бечора жигарларим. Худди шундай ваъда менга ҳам берилган.

**Қ у в о н д и қ.** Менга ҳам!

**Ф а х р и д д и н.** Мен ҳам шу ваъда билан келган-ман. Демак, ҳаммамизга бир жой, бир вақт тайин қилинган.

**С а м а н д а р о в** (*хавотирда*). Менинг ҳеч нарсадан хабарим йўқ.

**Т о ж и в о й** Бизни бу зайлда аҳмоқ қилиш унга нима учун керак бўлиб қолди экан-а?!

**Қ у в о н д и қ.** Аёл зотининг фариштаси ҳам макру хийлага уста бўлишини энди тушундим... Яна Озодахон эмишлар...

**Т о ж и в о й.** Улардай гўлмиз, оғайнилар, лаққа тушиб ўтирибмиз ҳаммамиз.

С а м а н д а р о в. Менинг ҳеч нарсадан хабарим йўқ.

К е л д и ё р (*ўта ҳайратлангандай*). Нима гап бўл-  
япти ўзи? Сизлар ҳам Озодахонни кутяпсизларми?

С а м а н д а р о в. Мен эмас.

Ф а х р и д д и н. Шу пайтгача нимани гапиряпмиз.  
Фаросат масаласи оқсаяпти дейман.

К е л д и ё р. Бу ерда бир чалкаш мантиқ бўлиши  
керак. Бу қаллоблик замирида бир фитна ётганга ўх-  
шайди.

Ф а х р и д д и н. Бир фитна феъллининг, нозик бел-  
лининг, бир ширин тиллининг адосиман мен. Қандинг-  
ни ур, файласуф, бўларинг бўлди.

Нозик бир кайфиятда Қ а л а н д а р кириб келади. Гўё бу  
ердаги йигитларни, Самандаровни пайқамайди.

Қ а л а н д а р (*қўлларини уқалаб, ҳайратланиб*).  
Ё парвардигор, тушимми, ўнгимми? Осмондан туш-  
дингларми; ердан чиқдингларми? Салом, Раббим Ра-  
мазонович... ғалати бўлди-ку, а...

Т о ж и в о й. Келавер, Қаландар, адашганинг йўқ.  
Гулингни бекитмасанг ҳам бўлади. Адрес амиқ, ваъда  
битта, манзил ягона.

Қ а л а н д а р ажабланиб киради. Ҳамма унга қарайди.

Қ а л а н д а р. Ўҳ-ҳў, жамоат жам-ку. Кимнинг ту-  
гилган куни, кимнинг тўйи?

Т о ж и в о й. Ҳаммамизнинг йўлдан озган кунимиз  
бугун. Озодахон ҳаммамизга алоҳида-алоҳида ваъда  
бериб, умумий висол эълон қилибди. Биз анқовларни  
бир шода қилиб, устимиздан қаҳқаҳа солиб кулмоқчи  
бўлганга ўхшайди, жибилажибон.

С а м а н д а р о в. Роса қўлга тушибсанлар-да, аза-  
матлар.

Қ а л а н д а р. Йўғ-эй, бундай бўлмаслиги керак.  
Янглишаётган бўлмайлик тагин?

Қ у в о н д и қ. Янглиш-панглиш йўқ. Ҳаммамиз  
тузоққа тушиб ўтирибмиз.

Т о ж и в о й. Ё тузоққа, ё дўзаққа.

Ф а х р и д д и н. Масала аён, йигитлар, у бизни  
боплади. Агар келса, биз ҳам уни, ўртоқ Самандаров  
сизнинг ёнингизда бир шарманда қилайликки, онадан  
туғилганига пушаймон бўлсин.

Қўлидаги гулни бўш стол устига отади, бошқалар ҳам гулни  
ўша стол устига иргитади.

С а м а н д а р о в. Мени аралаштирманглар... Бу  
ерда жиянча ишлади, ўшани кўргани кирувдим.  
(*Чиқмоқчи бўлади.*)

Т о ж и в о й. Йўқ, йўқ, Раббим Рамазонович, илти-  
мос, бир кўриб қўйинг унинг қанақалигини.

С а м а н д а р о в. Ниманинг қанақалигини кўри-  
шим керак? Нима, мен сенларга қозиманми?

Қ у в о н д и қ. Масхарабозлик! Беш бирдай йигит-  
ни бир сизга тортиб, кабоб қилиб ўтирибди, читтак.

К е л д и ё р. Арғувоний шароб...

Т о ж и в о й. Кўрасизлар, келмайди. У муғомбир,  
устимиздан обдан кулиб, елкамизга чиқиб олмоқчи  
бўлган.

Қ а л а н д а р. Шошманглар, биродарлар, ўзи кел-  
син-чи, ўзидан бир сўрайлик-чи...

### Ф а х р и д д и н

«Лабинг бағримни қон қилди,  
Кўзимдан ёш равон қилди,  
Нечун ҳолим ёмон қилди,  
У лабдан бир сўрорим бор».

Т о ж и в о й. Сўрмай ўл! Бўлар иш бўлди. Чақир пиво-мивонгни! *(Пулини чиқариб, стол устига қўяди.)* Раббим Рамазонович, илтимос, ярим соатча биз билан бўлинг, губорларимизни бир ювиб ташлайлик. Айбга буюрмайсиз...

С а м а н д а р о в. Оббо, боласи тушмагурлар-ей, тумшуғингдан илинибсан-да ҳамманг. Пулингни чўнтагинг ур. Зиёфат мандан. *(Шиша ва овқатлар тўла стол устидан пардани олади.)*

Ф а х р и д д и н. Ичамиз ва ўйнаймиз!

Қ у в о н д и қ. Аламимиздан ичамиз. Биздан бошқа гўлларнинг алданмаслиги учун ичамиз!

С а м а н д а р о в. Бироқ мен кетишим керак. Сенлар ёшларсан. Ҳар қанча май, қадаҳ, оёқ ўйин сенларга ярашади. Биз бу қунларни ҳимоя қилиш мақсадида, эҳ-ҳе, майдон кирганмиз, қон кечганмиз, жондан кечганмиз.

Т о ж и в о й. Яшанг, Раббим Рамазонович. Яхши-лигингизни унутмаймиз. Саломат юринг жаҳон айво-нида.

С а м а н д а р о в. Тўғри қиласан. Йигитлар, инсонга инсонча яшаш ҳам керак-ку, ахир. Жиндай фароғат бир асрлик ташвишни даф этади, дейдилар. Қани, ич-сак ичайлик. *(Ичади.)* Хайр, мен кетишим керак.

Кириб келаётган Озодани кўриб тошдай қотади. Й и г и т л а р бекинадилар. Озода йигитлар йўқлигидан маъюсланиб қайтиб чиқ-моқчи бўлади. Буни сезган й и г и т л а р кинояли қўшиқ билан панадан чиқадилар.

### Ф а х р и д д и н

Хуш келибсиз, даврамизга, ташнамиз,  
Келмасангиз, қуриб қолгай чашмамиз.  
Сизни кўрсак, дилимиз равшан бўлур,  
Қайғу кетиб, шодлик билан ошнамамиз.  
Танца тушиб, ҳоримайди пошнамиз.



Келмасангиз, осмонга ҳам чиқмас  
Ой,  
Ошиқларнинг ҳоли бўлур оҳу вой,  
Қуш сайрамас, дил яйрамас,  
гул унмас,  
Жазманларнинг қадди бўлур мисли ёй,  
Висол учун бу кафедин яхши жой.

Сумбулингиз силкинади саросар,  
Юзингиз гул, қоматингиз санобар,  
Ҳаё билан хижолатга йўқ ўрин,  
Муҳаббатда ёшу кекса баробар.  
Тафтингиздан қайнар ҳатто самовар.

Келди ёр. Келинг, Озодахоним, мунтазирмиз!  
Фахриддин. Хуш келибдилар, қадамларига  
қасанот, қоқиндиқ!

Тожибой. Соғлигингиз керак жаҳон айвонида!

Озода. Аввал бундай дастурхонга таклиф қилин-  
глар, қанча номерларингиз бўлса, кейин кўрсатар-  
сизлар.

Ҳамма ўтиради. Самандаров ҳам ноилож ўтиришга мажбур  
бўлади.

Қувондиқ. Қадаҳлар тўлдирилсин! Кечиккан-  
ларга штраф, Раббим Рамазонович, илтимос қиламиз,  
йўқ демайсиз, яна бир қадаҳдан.. Озодахонни кўрга-  
нимиздан ўта хурсандмиз.

Тожибой. Ёрилиб кетгудай хурсандмиз.

Самандаров (Озодага). Бу учрашувнинг саба-  
би нимада ўзи? Нега бир оғиз менга айтилмади?

Қаландар. Атайлаб йиғилиб бўлмайти, бир тўғ-  
ри келиб қолибди-да, Раббим Рамазонович, қани, ил-  
тимос, бошлаб беринг.

С а м а н д а р о в. Ажаб... ажаб... Асло кутилмаган иш бўлди. Мен умуман ичишни ташлаб юборганман. Ичдим, болдиримга оғриқ киради.

Қ у в о н д и қ. Бугунгидай усталик билан ташкил этилган (*Озодага ўқрайиб қараб.*) даврада бу майнинг ҳар бир томчиси шифобахш бўлиши, шубҳасиз.

О з о д а. Раббим Рамазонович, шундай тасодиф бўлдики... Мени кечирасиз... Жуда хижолат бўляпман. Бир оз ўтирилмаса бўлмас дейман.

Ф а х р и д д и н. Қиз боланинг нозик кўнглига озор етказмаслик учун яна ичишимизга тўғри келади, йигитлар, мулзам бўлганлар номидан бир нарса денг, Раббим Рамазонович, сиз оқсоқолимизсиз, ахир.

Ҳ а м м а с и. Бир нарса денг, илтимос қиламиз.

С а м а н д а р о в. Бу ўтиришинг ўтоғаси ким ўзи?

Т о ж и в о й. Ким бўларди, Озодахон-да.

О з о д а. Нега мен бўлар эканман? Энди келдим-ку ўзим.

Қ а л а н д а р. Сўз сизга, Раббим Рамазонович!

С а м а н д а р о в (*қадаҳни қўлга олиб, ўрнидан турди*). Да, жиндаккина вақти чоғлиқ қилишмоқчи бўлибди ёшлар. Сизнинг келиб қолганингиз эса нур устига аъло нур бўлди. Озодахон, мен ҳам тасодифан тутилиб турган эдим. Наиллож, бир оз ўтиришга тўғри келади. Биз ҳадеб ишни эмас, маишатни ҳам ўйлашимиз керак. Бу жиҳатдан олиб қараганда, қониқиш билан қайд қиламанки, жуда маъқул иш бўлган. Ушбу кафехонада учрашиб қолган эканмиз, демак, ризқимиз сочилаётганда, бу ерга ҳам бир неча дона тушганга ўхшайди. Мен сизларнинг даврангизда ўтирганимдан бениҳоя хурсанд эканлигимни айтиб, ҳаёт ҳақида бир неча сўз демоқни муқаддас вазифам деб биламан...

Қ у в о н д и қ. Кечирасиз, Раббим Рамазонович, қиз бола ҳам маишат қилиши мумкинми?

Т о ж и в о й. Нима, қиз бола одам эмас, демоқчидимисан?

К е л д и ё р. Оғзингизга қараб гапиринг, гап маишат ҳақида...

Ф а х р и д д и н. Маишат ҳаммага баробар!

С а м а н д а р о в. Жуда ҳаётгий савол. Тирик жон борки, маишатга интилади. Беш кунлик дунёнинг илинжларидан бири ҳам шу. Бугунги ўтиришни ҳам, айтиш мумкинки, маишат.

Қ а л а н д а р. Режаси бузилган маишат.

Т о ж и в о й. Отилмаган сопқон.

С а м а н д а р о в. Нима деясанлар? Ўлай агар тушунмаяпман.

Т о ж и в о й. Тушуниб ўтирганлар бор.

О з о д а. Кимга ишора қиляпсиз?

Т о ж и в о й. Гап эгасини топади.

О з о д а. Мен, нима арпангизни хом ўрибманми?

Т о ж и в о й. Мен тили бошқа, дили бошқаларни кўзда тутяпман. Сиз эса, оппоқ Озодасиз. Нега энди ўзингизга оляпсиз?

О з о д а. Нега олар эканман.

К е л д и ё р. Бундай пайтда тонивориш керак.

Қ а л а н д а р. Қўйинглар, йигитлар, туппа-тузук ўтиришни мажлисга айлантирмайлик. Раббим Рамазонович ҳам чарчаб келгандирлар, мажлис-пажлисдан келаётгандирлар...

С а м а н д а р о в. Тўғри айтасан, укам, қуш тилини қуш билади, деганлари рост. Кичикроқ бўлсаям раҳбарсан-да, ҳар қалай... бугун (*санаб*) нақ бешта мажлисда бўлдим. Миям ачиб қолишига сал қолди.

Ф а х р и д д и н. Маяковский қатнашадиган мажлислар бўпти-да унда.

С а м а н д а р о в. Йўқ, ўртоқ Маяковский деган кўринмадилар. У киши министрликда ишлайдиларми?

Ф а х р и д д и н. Олдин ишлардилар, ҳозир кўтарилиб кетган.

С а м а н д а р о в. Омади келган йигитлардан экан-  
да. Омад учун ичамиз!

Озода ўзини кулгидан аранг тўхтатиб туради. Йигитлар ку-  
лиш-кулмасликни билмай Самандаровга анграйиб қарайдилар.

Ф а х р и д д и н. Энди гал менга, ўртоқлар. Шеъ-  
рий қадаҳ айтмоқчиман.

Ҳ а м м а с и. Айт.

Ф а х р и д д и н. Шеър ва май. Хайёмона шеър.

### Қ а д а ҳ қ ў ш и ғ и

Ичамиз шу қадаҳни  
Кўзи хуморлар учун!  
Муҳаббатга кўрк бўлган  
Ошифта ёрлар учун!  
Ишқдан қанот боғлаган,  
Рақиб бағрин доғлаган.  
Ешликни ардоқлаган,  
Аҳдида борлар учун!

Севгидан ҳаёт кўркам,  
Севишганлар бўлмас кам,  
Севги яратган кўклам,—  
Мангу баҳорлар учун!

Ким топса тенгу тушин,  
Тоблайди ақлу ҳушин,  
Учирмайди бахт ҳушин,  
Асил дилдорлар учун!

Тил бошқа, дили бошқа,  
Висол манзили бошқа,  
Чини, ҳазили бошқа  
Қувлар, айёрлар учун.

Қўл эгри, кўнгли қаллоб,  
Орзу-нияти сароб,  
Ишқ-севгидан урган лоф  
Машъум ағёрлар учун!

Қуёш эритар яхни,  
Яшнатар дов-дарахтни,  
Ичайлик шу қадаҳни  
Алёр, алёрлар учун!

Қадаҳда гупурсин май,  
Кўрсатсин шароб кучин.  
Ичинг, дўстлар, қолдирмай,  
Дурдона севги учун!

С а м а н д а р о в. (*кайфдан қизишиб*). Ичамиз, ўртоқлар. Истаганча яна буюринглар, бугунги зиёфат менинг номимдан.. Елғиз отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам донғи чиқмас, дейдилар. Айтиш мумкинки, жуда тўғри гап. Одам ҳаётда кўп, оғайни, танишбилиш орттириши керак. Йиқилганда суянадиган тоғинг бўлиши керак. Биздай раҳбар кишиларнинг дўстдан душмани кўп бўлади. Ким жонингга ора киради? Ўша оғайни ора киради. Оёғинг тойганда ўша сақлаб қолади. (*Қадаҳни ичади.*) Ўшаларнинг борлиги учун, ўшаларнинг соғлиғи учун!

К е л д и ё р. Демак, ошна-оғайничилик ҳам машатнинг бир тури.

С а м а н д а р о в. Ҳа-да. Қуруқ сўз қулоққа ёқмас, дейдилар. Сендан угина, мендан бугина — бу дунёнинг ишлари! Битта оғайним бор, менга ола қараброқ юрарди. Ҳамма дарди тўрт кубометр ёғочда экан. Ол заҳрингга, деб жўнатиб юбордим, пинҳона қилиб... Энди ким яхши? Самандаров яхши. Соямга кўрпача солиш-

дан ҳам қайтмайди. Болахонасини варанглатиб кўтариб олди.

**Ф а х р и д д и н.** Буни нима деб аташ мумкин?

**С а м а н д а р о в.** Нима деб аталарди, бир-бирининг ҳожатини чиқариш дейилади.

**Т о ж и в о й.** Давлат мулки ҳисобидан ҳожат чиқариш?!

**С а м а н д а р о в.** Оббо, комсомол-эй, ўлгидай партизан экансан-ку. Давлатнинг молу мулкига чегара бор эканми? Бир жой ўпирилиб кетадими шу билан. Юракни кенг қилиш керак, йигит. Сендай адолатпешалар Навоий замонида ҳам кўп бўлган.

**Қ у в о н д и қ.** Биз қураётган бино туя гўшти еганми десам, ҳамма нарса хомталаш...

**С а м а н д а р о в.** Ҳеч қандай хомталаш йўқ, йигитча. Бу ерда гап инсоний муносабатлар устида кетяпти. Одамлар билан ишлаш устида кетяпти. Одамлар деганда биз, ишнинг кўзини биладиган кишиларни тушунамиз. Ҳали кўнгил нозик дейилган гап айтилади. Айтиш мумкинки, жуда ҳаққоний гап. Одамлар ҳам иссиқ жон, тирик организм, уларнинг ҳам шахсий ҳаёти, рўзгор ташвиши бўлади. Кўнгилни овлай билиш эса яшашнинг зарурий элементиدير.

**К е л д и ё р.** Сизнинг бу хил фалсафаларингизга мен сира-сира қўшилолмайман.

**С а м а н д а р о в.** Мен қўшилишингни талаб қилаётганим йўқ. *(Қадаҳни тўлдириб, қўлига олади.)* Мана бу — май, кўриб турибсанларки, май! Буни ичиш учун сендан рухсат олишим керакми? Асло! Фалсафа ҳам ана шундай гап.

**Ф а х р и д д и н.** Май билан фалсафанинг нима алоқаси бор, ўртоқ Самандаров! Озодахон, сиз нима дейсиз?

**Т о ж и в о й.** Озодахон нима дердилар. У киши ҳозир баланд тоғлар ҳавоси, шаршаралар навоси билан хаёлан банд бўлиб ўтирибдилар.

Самандаров (*кайфи ошиб*). Вой, мулойим хунук-ей, бунақа гапларни қаёқдан топасан. Онанг гапираётиб туққанми дейман-да сени.

Тоживой. Онамни қўяверинг-ку, ҳозирги айрим гўзал, энгилтак қизлардан хафаман. Қоним қайнаб кетади.

Самандаров. Нима, гўзал қизларни сен жонсиз гул деб ўйлармидинг. Булардаям жон бор, яшагиси келади, лаззатлангиси келади.

Қувондиқ. Ҳусн — бебақо, дунё — бевафо, фойдаланиб қолгиси келади.

Озода (*сачраб ўрнидан туради*). Қандай разиллик! Кўру карлар даврасига тушиб қолганимни энди чуқурроқ англаяпман.

Фахриддин. Нега ўз гуноҳларингизни бировларнинг елкасига ағдармоқчи бўляпсиз?

Озода. Нима гуноҳ қилибман?!

Қувондиқ. Ёшгина бир қизча отаси тенги одам билан кафеда маишат қилмоқчи бўлса, бу нима — гуноҳ бўлмай?! Яна тилингиз бир қарич.

Самандаров (*саросимада*). Нега отаси тенги бўлар экан, ким экан у?

Фахриддин. Хўш, ойимча, у бузуқликни ким ўргатди сизга?

Озода. Сизлардай латта феъллиллар ўргатди... Мен бу учрашувни атайлаб уюштираму, бирортанг буни тушунмасанг.

Самандаров. Ё паноҳингда сақла! (*Ёқасини ушлайди.*)

Озода. Мана, Самандаров ўтирибдилар. Бу кишининг кимлигини ўзларига ойнадай кўрсатиш керак эди... Сиз, ланжлар, анқовлар бўлсангиз... (*Йиглаб юборади.*)

Йигитлар ҳайрон қотиб турадилар.

Самандаров. Ёлгон! Бу бемаъни қизча менга турмушга чиқмоқчи бўлди, ҳийла-найранг билан мендай бир оилали одамни тўғри йўлдан чалғитмоқчи бўлди. Мен бунни синаш учунгина келган эдим, бу ерга.

То ж и в о й. Вой иғвогар-эй.

Самандаров (*фаҳмламай*). Да-да-да. Бу шундай иғвогар, шундай бир фитна қиз эканки, сизларга бригадир бўлиб келганини ҳам шу пайтгача бекитиб келяпти. Бу энди менинг ўрнимни талашяпти. Бизда мансабпарастларга мутлақо ўрин йўқ.

Қ а л а н д а р. Ажаб... Ажаб савдолар

О з о д а. Бригадир бўлиб келганим тўғри. Лекин мансабпарастлик сиздан бери келмасин.

Қ а л а н д а р. Озодаҳон, худо урсин агар, хаёлга келтирмабмиз..

Самандаров (*баланд келиб, Озодага*). Сен кичкинагина тухумдан кеча чиққан маккиёнча мендай бобоқхўрозни масхара қилмоқчи бўлдингми? Кундуз кунги қийшанглашларинг қайга кетди? Мени тўшга тортишдан ҳам қайтмай турган эдинг-ку. Буларни кўриб бирдан ўзгариб кетдинг?!

Қ а л а н д а р. Оғзингизга қараб гапиринг. Самандаров!

Самандаров. Ҳо, ҳали Самандаров бўлиб қолдикми? Вой, мусичайи беозорлар. Менинг қитиқ патимга тегмоқчи бўлдингларми? Мен иғвогар эмишман. Булар эса, оп-по-оқ! Қилган яхшиликларим эсингдан чиқдимми? (*Қаландарга*.) Сени институтнинг сиртқи бўлимига жойлаштирган ким эди? Аканг! Ўртоқ Самандаров! (*Фахриддинга*.) Уксима, консерваториянг ҳал бўлиб кетади деб, кўнглингни кўтарган ким эди? Аканг! Ўртоқ Самандаров! (*Келдиёрга*.) Акажон, озиб кетяпман деганингда Оқтошдаги домотдихга юбортирган ким эди? Раббим Рамазонович! Энди семириб, кўзингни ёғ босиб қолдимми? (*Тожибойга*.) Қишлоғимга бориб келай, деганингда, командировка тўғрилатиб



берган ким эди? Аканг! Раббим Рамазонович! Ҳаммангни ишга ўзим олганман, яхшиликни билмаган номардлар!

Қувондиқ. Осмонни елкангизда тутиб турган бўлсангиз ҳам, дағдаға қилманг... Яхшилигинг бошингдан қолсин.

Самандаров (заҳарханда билан кулиб). Вой, лаънатилар-эй, вой, жўжахўрозлар-ей... (йигитларни бир-бир кўрсатиб), жуда шўрвабоп-ку булар, вой, жиглдони йўқлар, вой, палағда тухумдан чиққанлар! То живой. Товуқ фермасида юрганингиз йўқ, тилингизни эҳтиёт қилинг.

Самандаров. Товуқ фермасида сенлар юрасанлар. Ҳали менга тик гапирадиган бўдиларингми, мен кимман, билсанларми, мен кимман? Мен — Самандаровман! Мен қилган ишларнинг юздан бирини қилсаларинг, дўшнинг осмонга отар эдинг ҳамманг, пенсияга чиқиб кетар эдинг бемалол.

То живой. Сиз нимага чиқмаяпсиз?

Самандаров. Нима оғирлигим тушяпти сенларга, нонкўрлар, яхшиликни билмаганлар, охирги томчи қоним қолгунча ўзимни халқ ишига бағишласаму раҳмат ўрнига... нонкўрлар, ярамаслар, ҳаммангни ишга ўзим олганман. Мен сенларни.. омон қўймайман ҳали!..

Қаландар. Кайфи ошиб қолди, шекилли, Қувондиқ?

Қувондиқ. Баттар бўлсин. Энди биз ҳам бўлакча гаплашамиз!

Самандаров. Менинг совунимга кир ювмабсанлар ҳали... Сенлар билан бўлакчасига энди мен гаплашаман... Мен кимман? Мени қулатадиган бўрон бу дунёда бўлмаган ва бўлмайди ҳам!.. (Кайфдан чайқала-чайқала чиқиб кетади.)

Ҳа, айтмоқчи, Фарҳод қурилишида министр ўринбосарининг ўзи мен билан қўл олиб кўришган-а, шахсан.

Ф а х р и д д и н. Салгина кўнглим ёришди-я.

К е л д и ё р. Меники ҳалиям хуфтон. Бошимдан бир тоғора мағзава қуйилгандай..

Т о ж и в о й. Натижа тескари бўлиб чиқди.

Қ у в о н д и қ. Бунақалар гўрдаям тузалмайди.

Ф а х р и д д и н. Қуруқ тухматга ўтишини қара. Юрагини роса қурум босган экан.

К е л д и ё р. Нимасини айтасан. Тагига сув кетганини билипти.

Т о ж и в о й. Қўрқоқ олдин мушт кўтаради.

Қ а л а н д а р (эслаб). Озодахон қани? (Ҳаммалари бирдан қўзғалиб, бир чеккада ўйга ботиб турган Озодани кўрадилар.)

О з о д а. Мен шу ердан, йигитлар. Қалай, Самандаров билан гаплашса бўлар эканми?

Т о ж и в о й. Э-эй, Озодахон, сиз бошқача тилда гаплашар экансиз... Лекин бопладингиз.

О з о д а. Аксинча, сизлар бопладингиз, йигитлар. Сизлар бўлмасангиз менинг қўлимдан нима ҳам келарди.

Қ а л а н д а р. Оёғи куйган товукдай питиллаб қолди-я.

О з о д а. Бу гап бугун бўлмаса, эртага бўлиши муқаррар эди. Сизлар ҳам қараб турмасдингизлар, ахир.

К е л д и ё р. Мана буни ҳақиқий балиқ деса бўлади, йигитлар, ҳаммамизни шўрвага босиб, «шилт» этиб чиқиб кетди, шунча можародан.

Қ у в о н д и қ. Узоққа бормайди... Яна илгаригидай, юрак ўйноғи бўлиб стационарга ётиб олади-қутулади.

Ф а х р и д д и н. Бу ишни охирги нуқтасига етказмай чала қолдириб бўлмайди.

О з о д а. Албатта охирги нуқтасига етказишимиз керак. Бизлар етказмасак, ким етказди бу ишни.

Шундай эмасми? Келдиёр, бизлар ёшлармиз-ку, ахир.

Келдиёр. Тўғри айтасиз, Озодахон. Ёшлик шундай бир мусаффо тўлқинки, у ҳар қандай гарду ғуборни йўлидан супуриб ташлайди.

О з о д а  
(қўшиқ)

Сен худди баҳор,  
Ё жўшқин анҳор.  
Ҳисларга бойсан,  
Ҳам хуш чиройсан.  
Сен қувончимсан,  
Сен қуёшимсан,  
Олтин ёшлигим.  
Ойдин ёшлигим!

Сен ифтихорим,  
Порлоқ баҳорим,  
Гўзалсан, гўзал,  
Сен — сўлим ғазал.  
Сен — қанотимсан,  
Сен — ҳаётимсан,  
Олтин ёшлигим.

Келдиёр. Озодахон, сиз энди бизнинг ҳақиқий бригадиримизсиз.

О з о д а. Қандай бўларкин...

Қ у в о н д и қ. Қандай эмас, қантдай бўлади!

Й и г и т л а р  
(қўшиқ)

Озодахон, қойилмиз,  
Сизга дилдан мойилмиз.

Ўжарликнинг ўрни бор,  
Энди мўмин-қобилмиз.

Мунча доно экансиз,  
Ҳам дилрабо экансиз.  
Ўйлагандан минг чандон  
Ортиқ, аъло экансиз...

**Ҳ а м м а с и. Бало экансиз!**

Йигитлар Озодани меҳр билан қуршаб, «Тўлқин-тўлқин сув келади, сув келади сойлардан» ашуласини жаранглатиб, бино ҳавозаларидан кўтариладилар.

**П а р д а**

# ЖУМАНИЁЗ ЖАББОРОВ

ТУЙДАН ОЛДИН ТОМОША

2 парда, 5 кўринишли комедия

## ҚАТНАШАДИЛАР

И л ҳ о м. 26—27 ёшларда.

И к р о м. Илҳомнинг акаси, 35 ёшда.

Р а й ҳ о н. Келинойиси.

И қ б о л а я. Онаси.

Н о р ж о н б у в и. Аммаси.

Т о ж и х о л а. Холаси.

О й ш а (Л а ъ л и х о н).

Э р г а ш. Ирригатор йигит.

М а л и к а. Учувчи қиз.

С у б ҳ о н қ у л С у х р о б о в и ч. Ойшанинг отаси.

С а й қ а л х о н. Ойиси ва бошқалар.

## БИРИНЧИ ПАРДА

### БИРИНЧИ КЎРИНИШ

Ҳовли саҳни. Қиз билан учрашувдан яна муваффақиятсиз қайтган йигитни хонадон аҳли қийин-қистов билан «имтиҳон» қиляпти.

#### И қ б о л

Токайгача сен бизларни куйдирасан,  
На ўзингча бирор қизни кўндирасан.

#### И к р о м

На кўнглингни бизга ошкор айтасану,  
На ўзингча қойил қилиб дўндирасан.

#### Н о р ж о н б у в и

Болагинам, инсофга кел, бўлма ўжар,  
Бахт қушини қачон қўлга қўндирасан?

#### И к р о м

Ёшинг ўтиб кетаверса шу зайлда,  
Ўз бахтингни қачон ўзинг ундирасан?

#### И қ б о л

Наҳот, ўғлим, менинг орзум чироғини  
Шафқат қилмай, бир умрга сўндирасан.

«Йўқ» деяётганим йўқ-ку!

И қ б о л. «Ҳа»ям демаяпсан. Мана, акангниям аллақайси тоғу тошлар бағридан чақиртириб олдик. Ҳамани безовта қилдинг.

И к р о м. Ёшинг йигирма еттига бориб қолди, бола. Уйлайсанми ҳеч? Токай шўппайиб юрасан, уйланмасдан.

Р а й ҳ о н. Қўйинглар, қийнаманглар, қайним бечорани. Кандидатликларини ёқлаб олсинлар аввал.

И қ б о л. Маҳалладагилардан уялавериб, бўларим бўлди. Ёлғиз ўзинг узун кириб, узун чиқиб юргани уялмайсанми дарвозадан?

И л ҳ о м. Дарвозанинг нимасидан уялишим керак?

И к р о м. Яна ҳазилга олмоқчи бўлади-я такасалтанг. Ман-ман деган бир йигитчалик савлат-сумбатинг бўлса: кимсан бир обрўли институтнинг илмий ходими бўлсанг — яна нима керак сенга? Наҳотки, шу пайтгача бирорта қиз юрагингни жизиллатмаган бўлса?

И қ б о л. Шу вақтгача олтита қизни кўрсатдик, акаси. Қирмаган эшигимиз, чиқмаган тешигимиз қолмади. Бирортаси билан элакишиб кетмаяпти-да бунинг.

И к р о м. Нима дейди ўша олтита қиз ҳақида?

И қ б о л. Бирини ўпоқ деди, бирини сўпоқ, хуллас калом — гапи қовушмади.

Р а й ҳ о н. Лолаҳон жудаям яхши эди, жудаям мос келарди оиламизга.

И л ҳ о м. Мендан бир қарич новчароқ экан. Баланддан келиб гаплашди.

Р а й ҳ о н. Анови, Манзураҳон-чи? Мундоғ овсинни икки дунёда тополмасман.

И л ҳ о м. Учрашувга ўн минут кечикиб борувдим, тескари қараб, жўнаб қолди.

И қ б о л. Магазинчи Салимахон-чи? Ун қўли ўн ҳунар, оғзи тўла тилло тиш, қошлари қундуздай, кўзлари чироқдеккина эди, униям қўлдан чиқариб юборди. Билмадим, бунга қанақаси керак экан...

И к р о м. Маҳалланинг адоғидаги Тойир трамвайчининг қизигаям оғиз солган экансизлар, ўша гап нима бўлди? Ҳеч вақо чиқмадими?

И л ҳ о м. У қиз жудаям чиройли экан, юзига тик қараб гаплашиб бўлмади. Уялиб кетдим, юрагим ўйнади.

И к р о м. Юрак ўйнайди-да, учрашгандан кейин. «Юлдуз» фирмасида ишласа, ақллик, келишган бўлса, яна нима керак сенга?

Н о р ж о н б у в и. Акалариям катта-катта жойларда ишлашар экан, бинойидек...

И к р о м. Қўйсангиз-чи шу майда-чуйда гапларни. Гап қизнинг ўзи ҳақида боряпти, амма.

Н о р ж о н б у в и. Қариндошу авлод ҳам керакми, ахир? Таги тоза бўлиши керакми, ахир?

И л ҳ о м. Вой-бў, бунча энди халқаро фожиага айлантриб юбормасаларингиз бу савдони.

И қ б о л (*тушунмай*). Ҳожия дейдими? Қайси Ҳожия? Анови кўчани бошига чиқиб олиб, уззукун ўтган-кетганни гап қиладиган шаллақининг эрка-тантиғими? Елкамнинг чуқури кўрсин!

И к р о м. Ойи, амма! Отни қамчилаш керак! Бу йилдан ҳам қолса — бу қари қизга биров қўтир эчкисини ҳам бермайди.

И л ҳ о м (*файласуфона*). Улуғ одамларнинг кўпчилиги қирқ ёш атрофида уйланишган. Қирқда — қирчиллайди, деган халқ мақоли ҳам бор. Нисбийлик назарияси ҳам шуни тақозо этади. Демак, ҳали фурсат бепоён... Келажак ёрқин...

Р а й ҳ о н. Сал пастроқ тушинг, қайнижон... Вой ўлмасам, ошим тагига олиб кетган бўлмасин. (*Югуриб чиқади.*)



И к р о м. Фалсафа сўқишингни қара-ю... Сенинг гамингни еяпмиз-ку, биродар.

И л ҳ о м. Ўзи туғилмаган муҳаббат ҳам бўладими дунёда, ака? Муҳаббатни ўртада одам туриб, восита-чилик билан ҳам яратиб бўладими?

И к р о м. Бўлади. Ҳаётда юзлаб мисоллар бор бунга. Тўйдан кейин ҳам катта, ҳаққоний севги юзага келиши мумкин.

И л ҳ о м. Мана буни илмий кашфиёт деса бўлади. Ё, тавбангдан кетай! Биз ўқиган китобларда, биз кўрган киноларда бунақаси учрамаган эди.

И к р о м (*қатъий*). Бўлади. Яна бир марта айтаман: бўлади! Юдузи-юлдузига тўғри келса, бас. Чинакам муҳаббат барқ ураверади.

И л ҳ о м. Муҳаббат назариячиси...

И к р о м. Ҳа. Муҳаббатнинг кўриниши ранг-баранг, хилма-хил. Эшитганмисан шундай шеърни:

Ишққа бериб бўлмас яхлит қўлланма,  
Ёнишлар, туйғулар бўлур ранг-баранг.  
Шу сабаб севгимдан, о қиз, ўйланма,  
Учрашганда ногоҳ ҳолим бўлса танг.

И қ б о л. Ана, акангнинг гапларини қара, қандоқ маънолик.

И л ҳ о м. Хўш нима қил дейсизлар?

Н о р ж о н б у в и. Энди битта жойда — битта қизда қўним топишинг керак. Бизларни қийнама, онангни азоблама, бўталоғим. Отанг раҳматлик бўлганда сени шу аҳволга солиб қўярмиди. (*Йиғлаб.*) Акажоним, кечиринг шаккок фарзандингизни... Гапни олсанг-чи, бўталоғим.

И к р о м. Бўталоқ эмиш. Сўлахмондай эркагу...

И қ б о л. Унақа дема, акаси. Энди айтганишгни қилади. Вой, айланайлар-эй, қачон «Тўйлар муборак!» бўлади бу ҳовлида?

И л ҳ о м. Мунча шоширмасангиз, ойи.

И қ б о л. Уйласанг-чи, ахир. Мана, Саврихонлар бир йўла қўша-қўша келин тушириб, яйраб-яшнаб ўтирибди. Тўрт келин бўлди, бир-биридан зиёда, бир-биридан озода: бири ҳовлини супурган, бири хамир қорган, бири нон ёпган, бири помидор тузлаган...

Р а й ҳ о н (*кириб-чиқиб юрган бўлади*). Ойи, ўша Саврихон ўртоғингиз чўкиб қолди-да, ўнгарилмайди-ган бўлиб.

И қ б о л. Нимаси чўкади?! Қайси куни келинларини кўриб, ҳавасим келиб кетди. Атлас лозимлари ярашиб, товусдай товланиб, сочлари думбада селкиллаб, ҳамма ёқни ойнадай саришта қилиб юришибди.

И к р о м. Келин туширишдан муддао фақат шу эмас-ку, ойи, тушунсангиз-чи?

И қ б о л. Вақт кетиб қоляпти, ойинг ўргилсин, эртаиндин қиш келади, қиличинини кўтариб, яна келаси йилга қолиб кетадими бу гаплар.

И к р о м. У ёқ-бу ёғини қўйинглар. Кечаги — энг кейинги учрашув нима билан тугади? Нима дединг қизга?

И л ҳ о м. Нима дер эдим. У билан энди биринчи марта учрашувим бўлса... Шаҳарнинг қайси томонида туришларини сўрадим.

Н о р ж о н б у в и. Бундоқ кўнглига қўл солиб кўрмадингми?

И л ҳ о м. Кўрдим. Яна уч йил ўқиши керак экан... Медицина...

И қ б о л. Йўлинг очилмади-очилмади-да. Аканг-даккина бўлсанг нима бўларди, вой шўрним.

Р а й ҳ о н (*кирган бўлади*). Акалари нима каромат кўрсатган экан?

Н о р ж о н б у в и. Бошингизни айлантириб ташлаганмиди, ишқилиб. Олиб чиқиб ўқиб бсрсинми ёзган хатларингизни? Оқ-воҳларингиздан қоғозлар қорайиб кетган-ку.

Р а й ҳ о н. Қўйсангиз-чи, амма. Бу кишингиз ҳам роса лапашанг эдилар, ўзим инсоф қилганман.

И к р о м. Ҳозир шу гапнинг хонаси эмас-ку, Райҳон буви!

И л ҳ о м. Хўш, бу бозор тамом бўладими ўзи? Нима қил дейсизлар?

И к р о м. Гап бундай, йигит. Тоғларда геолог бўлиб ишласак ҳам, баланд-пастини биладиган одамлардан-миз. Бу таклифларнинг ҳаммаси — сени азбаройи севганимиздан, нима десак экан, сенинг тақдирингга бефарқ қарамаганимиздан...

И л ҳ о м. Раҳмат, қариндошлар. Биламан, ҳамма гапларингиз юракдан, самимий. Аммо бу гапларнинг битта лекини бор...

И қ б о л. Айт, эшитайлик

И л ҳ о м. Ҳозир жаҳон ядро фанида энг долзарб проблемалардан бири...

И к р о м. Яна илм...

Н о р ж о н б у в и (*тутақиб*). Ядронгни бошимга ураманми, қанақа боласан ўзинг. Эру хотин деган гаплар бор-ку дунёда... Ота-бувадан қолган...

И л ҳ о м. Бор. Лекин одам уйлангунга қадар кимдир бўла олиши керакми? Биров бир ҳунар бошини тутади, биров бир касбга интилади, биров фан ёки санъатда... Маркс айтиб қўйибди-ку, ахир, машаққатсиз фан чўққисига чиқиб бўлмайди деб.

И қ б о л. Очингдан ўлиб кетмассан, бола, шу маъмурчилик замонида.

И л ҳ о м. Маъмурчилик замонни кемириб ётиб, бемалол яшаш бахт эмас. Бахт ана шу фаровонлик оқимига ўз ҳиссангни қўша билишда.

Н о р ж о н б у в и. Ана сенга гап... Айлантирма, аммаси тасаддуқ, ё бирорта кўз тагига олиб қўйганинг борми, уялма, айтавер.

И қ б о л. Бўлса айтарди-да. Гап чиқмайди-ку бунингиздан.

**И к р о м.** Гап-ку чиқяпти, иш йўқ.

**И л ҳ о м.** Нега йўқ! Бор! Лекин қачон, қаерда, қандай қилиб! Бу — муаммо. Вақт-соати етганда, муҳаббат ўзи вулқондай отилади-чиқади, *(хаёл суриб.)* у менинг бағримда яширин... Кўнглимдаги гўзал... Кўнглим осмонида парвоз этган бахт... *(Куйлайди.)*

Не учун ёнимда йўқсан, эй гўзал,  
Сен юракда лахча чўғсан, эй гўзал.  
Бунча ҳижрон имтиҳони не учун,  
Жисмим ичра сен тўлиқсан, эй гўзал,  
Мен учун мангу қўшиқсан, эй гўзал.

Ким тушунгай дилда севгим розини!  
Ким кўтаргай менча тақдир нозини,  
Бир эшитсанг-чи бу кўнглим созини,  
Менга жондин ҳам улуғсан, эй гўзал.  
Мен учун мангу қўшиқсан, эй гўзал.

**Р а й ҳ о н.** Сал пастроқ тушинг, Илҳомжон. Яна гапни чалгитяпсиз.

**И қ б о л.** Қани ўша гўзалинг! Бўлса — айт, бўлма-са — айтганимизга кўн. Бирорта жибилажибон буни жинни қилиб кетган. Қулоғига гап кирмайди.

**И к р о м.** Ким экан у?

**И қ б о л.** Э, ота-онасининг тайиниям йўқ, бирорта расвойи жаҳон бўлса керак-да. Очиғини айтолмаяпти-ку.

**Р а й ҳ о н.** Билмасдан ёмонламанг бировни, ойи.

**И к р о м.** Яхши бўлса, ола қолсин.

**И қ б о л.** Йўқ! Бу гапни бир айтдинг, иккинчи айтма. Мен тирик эканман, бу гап бўлмайди.

**И к р о м.** Нега?

**И қ б о л.** Нега? Нега? Детдомдан чиққанми, қаровсизми бир нарса бўлса... Тўй юбораман десанг, кимни-кига юборишни билмасанг. Бундан ортиқ шармандалик борми?

**И л ҳ о м** (*Ўзига келиб*). Ана, шунақа гаплар, ака... Азиз онажоним, аммажоним, холажоним, келинойигинам, қандоқ яхши одамларсизлар. Меҳрибонларим, жигарларим...

Ширин бир энтикиш билан шеър ўқийди.

### **И л ҳ о м**

Менинг вафоли ёрим  
    Жононаликда машҳур,  
Қалбим ўшал санамга  
    Кошоналикда машҳур.  
Зулфин домига маҳкам  
    Илинди мурғи кўнгил,  
Лаб узра холи ёрнинг  
    Якдоналикда машҳур.  
Сармаст вужуду ақлим  
    Ҳар лаҳза васлини истаб,  
Айб этмангиз, гар бўлсам  
    Девоналикда машҳур.

**И қ б о л.** Бу гапинг бошқа гап, болагинам. Тўйни шу ёздан қолдирсам кўзим очиқ кетади, буниям билб қўй.

**И л ҳ о м.** Биламан, ойи. Хаёлингиз чиройлик. Тўй! Менинг тўйим, менинг бахтим.

**Н о р ж о н б у в и.** Ҳа-да. Орзу-ҳавас, ҳовли тўла одам, карнай-сурнай...

**И к р о м.** Қуда-анда, келин чорлар, куёв чақириқ... ўзи бўладими, акаси.

**Н о р ж о н б у в и.** Бир йил ўтар-ўтмай, бешик тўйи... инга-инга... аллаё-алла...

**И қ б о л.** Қачон етаман ўша кунга, қачон бирим икки бўлади, ёронлар-эй!.. (*Ўзича тасаввур қилиб, куйлайди.*)

Келингинам, хуш келибсан,  
Қадамларингдан ўргилай.  
Узун сочингдан, қошлари —  
Қаламларингдан ўргилай.  
Нақш олмадек юзи тарам,  
Тарамларингдан ўргилай.  
Иzzатларинг, ҳурматларинг,  
Карамларингдан ўргилай.  
Таъзим қилиб юришларинг,  
Бўйларингдан ўргилайин.  
Ҳовли-жойимга зеб берган —  
Тўйларингдан ўргилайин.  
«Ойижон» деган тилларингдан  
ўргилайин!

**И л ҳ о м** (*хуноби ошиб*). Уйланадиган сизларми, менми?

**И к р о м.** Сен нодон...

**И л ҳ о м.** Унда ўзимга қўйиб беринглар... Фақат бу йил эмас.

**И қ б о л.** Қачон! Ё маҳаллага чиқиб айта қол: уйланадиган ҳолатим йўқ деб! Вой, мен ўлмасам!.. Қўшниларнинг кўзига кўринмайдиган бўлиб кетганман. Чиқдим, аридай талашади: «Уғлингизни нега уйламаяпсиз?» «Ҳеч ким қизини бермаяптими?..»

**И л ҳ о м.** Парво қилманг, ойи. Муҳаббат олами бепоён. Унинг чексиз самоватида катта-кичик юлдузлар изма-из, муттасил ёнаверади.

**И қ б о л.** Нима деяпти ўзи?

**Р а й ҳ о н.** Салгина пастроқ тушинг, қайнижон.

**Н о р ж о н б у в и.** Юлдузи юлдузимга тўғри келадигани керак деяпти-да, аммаси ўргилсин.

Телефон жиринглайди. Илҳом тез бориб трубкани олади.

**И л ҳ о м.** Алло.. Ҳа, мен. Роҳатой... Салом. Қаердан билдингиз телефонимиз номерини? Нима деяп-

сиз? Нега? Кимдан чиқди бу гап?! (*Трубкини шахт билан жойига қўяди.*) Лаборанткамиз... Мен бориб келишим керак.

И қ б о л. Ана, айтмадимми бунинг бошини яна биронтаси айлантирган деб. Роҳатой бўлмай ўлгир, шайтон. Уялмай, телефон қилишини қаранг-а...

Н о р ж о н б у в и. Хиринг-хиринг кулгандай ҳам бўлди, жувонмарг.

Р а й ҳ о н. Нега бировнинг боласини бекордан-бекорга қарғайсизлар. Инсоф борми ўзи сизларда?!

И қ б о л. Қарғаш кам. Баттар қилиш керак.

Р а й ҳ о н. Мен ошдан хабар олай. Илҳомжом, қаёққа отланыпсиз, мунча чопқиллаб?

И л ҳ о м. Мен... ҳозир.

Апил-тапил чиқмоқчи бўлаётганида, эшикдан ўзида йўқ хурсанд қиёфада, шошган-ҳовлиққан Т о ж и х о л а кириб келади.

Т о ж и х о л а. Чарчадим-эй, сув беринглар. Ҳозир кўриб келаётган қизим — ҳаммасидан аъло. Агар шуниям кўндиролмасанг, ўзингдан кўр, жиян. Оёгимда оёқ қолмади.

Илҳом кескин тўхтаб қолади.

И қ б о л. Нима тўхтама келдингиз, опа?

Т о ж и х о л а. Эртага анҳор бўйидаги хиёбонга олиб чиқадиغان бўлишди қизларини.

И к р о м. Ким экан, қанақа одамлар экан?

Т о ж и х о л а. Қизмисан, қиз. Суқсурдай, ҳусни бир дунё, ақли бир жаҳон. Вой, шарму ҳаё билан боқишлари... Кулганда кулгичлари, қошлари қийғочлари. (*Ниҳоятда мамнунлик билан ўз хурсандлигини ифодалаб, куйлайди.*)

Толма беллик,

Олма юзлик,

Гўзал қизни кўриб келдим.  
Қоши қийғоч,  
Кўзи сузук,  
Ёнида ўлтириб келдим.  
Боғда пишган анормидир,  
Тўлиб оққан анҳормидир,  
Бундан ортиқ ёр бормидир,  
Ширин суҳбат қуриб келдим.  
Барно ўзи, раъно ўзи,  
Хушқомату доно ўзи,  
Бошдан-оёқ маъно ўзи,  
Дунё завқин суриб келдим.  
Жиянгинам, кулди бахтинг,  
Шу қиз билан бўлур аҳдинг,  
Қўлинггадир ушбу нақдинг,  
Уйингни тўлдириб келдим.

**И қ б о л.** Мана шуниси — охиргиси бўлади, бола.

**Т о ж и х о л а.** Институтни битираётган экан. Битиргандан кейин, газет ёзадиган идорада мухбир бўлиб ишлар эмиш.

**И к р о м.** Журналист денг.

**Т о ж и х о л а.** Ҳа, ана ўшандан, тилим келишмаяпти.

**И к р о м.** Умри командировкада ўтиб кетадиган келин бўлар экан-да, ойи, майлими?

**Т о ж и х о л а** (*тушунолмай*). Йўқ, командир эмас, идорада ишлайдиган.

**И қ б о л.** Менга деса ернинг тагида ишламайдими, келин бўлса бўлгани. Фақат кўчадан келадигани керак эмас.

**И к р о м.** Раҳмат ойи. Мана буни ҳақиқий юксак онг деса бўлади.

**И л ҳ о м.** Демак, эртага энг сўнгги бор учрашув! (*Узича.*) Жонга тегиб кетди. Йўлини қилиб, бундан ҳам қутула олсам, вақтни яна бир йилгина чўзиб



тура олсам, эди... Яна ғалва, яна азоб, яна ташвиш...  
(*Бир оз хаёлға толиб, кейин мойиллик билан.*) Бўлди!  
Айтганларингизга юраман. (*Ўзича.*) Буниси энг сўнг-  
гиси бўлади... Қутулдимми энди. Бир озгина тинч қў-  
йинглар, илтимос.

И қ б о л (*хурсанд*). Ана энди ишинг юришади, на-  
сиб бўлса. Юракдан чиқариб гапирялсан, болагинам.

Н о р ж о н б у в и. Майли, яна бир марта чамалаб  
кўрсин ўзича. Тиқилинч қилаверманглар. Уфф, дими-  
киб кетдим.

Р а й ҳ о н (*кириб*). Ош айвонда мунтазир, марҳа-  
мат қилинглр.... Илҳомжон.

Ҳаммалари чиқа бошлайди.

И л ҳ о м (*Икромга*). Ака, сиз қолинг. Гап бор...

Ака-ука қолишади.

П а р д а

### ИККИНЧИ КҮРИНИШ

Анҳор бўйдаги хиёбон. И л ҳ о м қизни кутмоқда. Қиз би-  
лан йигит томонидан келган қ а р и н д о ш л а р ҳам шу агрофда.  
Улар ҳар жой-ҳар жойга бекиниб, бу ғалати учрашувни куза-  
тишмоқчи.

И л ҳ о м. Ҳозир яна биттаси келади бу қўлбола  
учрашувга. Мендан ҳам ана буларга (*Теваракка ишо-  
ра қилиб.*) зарурроқ бўлиб қоляпти бу уйланиш. Фа-  
қат онамни кўзим қиймайди-да, ранжитгим келмай-  
ди. Орзу-ҳавас деб жонини фидо қилади меҳрибоним.  
Лекин бугун бу заҳматларга нуқта қўймоқ керак!  
Бечора, соддадил қизлар... Учрашув деса келавери-

шади. Ким билан? Нима учун? Бу томони қизиқтирмайди уларни. Орзу-ҳавас қурбонлари. Келиб қолса, яна нима дейман, бегона бир одамга? Яна нимадан бошлайман гапни? Гапиравериб, гаплар ҳам тамом бўлиб кетди. *(Куйлайди.)*

Ўйнатиб қош-кўзларини,  
Уйлаб айтар сўзларини,  
Кўз-кўз қилиб ўзларини  
Келар ҳозир яна бири.

Ё уялиб ҳаё билан,  
Кўз қирида имо билан,  
Қўлларида хино билан  
Келар ҳозир яна бири.

Ё кулиб, ё қовоқ солиб,  
Турли хаёл, ўйга толиб,  
Балки бўлмоқ учун голиб  
Келар ҳозир яна бири.

Очиқ кўнгил, яхши қизлар,  
Тасодифдан севги излар,  
Наҳот, бунча соддасизлар,  
Келар ҳозир яна бири.

Келаётир, ана, бири!

Қ и з кўринади. Уялиб, бир-бир босиб, соч учларини ўйнаб,  
гўё нима қиларини билмай, қилпиллаб.

И л ҳ о м. Салом.

Қ и з. Кутаётган киши сизмисиз? Салом.

И л ҳ о м. Кечирасиз, исмингиз?

Қ и з *(қўлини узатиб)*. Лаълихон.

И л ҳ о м. Лаълихон? *(Ўзича.)* Мен бошқачароқ эшитган эдим, шекилли. Утиринг, марҳамат.

Лаълихон. Раҳмат. (*Ўтиради.*) Уф, ёндираман дейди-я.

Илҳом. Лаббай?

Лаълихон. Иссиқни айтаман.

Илҳом. Ҳа. Офтобда тухум пиширса бўлади. Не-ча градус бор, сизнингча?

Лаълихон. Ўттиз беш бўлса борки, кам эмас. Исмингиз нимаиди?

Илҳом. Мен... Илҳомман... Илҳом!

Лаълихон. Эшитдим. Бошқасиз деярганим йўқ-ку.

Илҳом (*гап тополмай*). Ҳиндистондан келтирилган қуш роса сайрайди-да, жонивор, эшитганми-сиз?

Лаълихон. Эшитганман. Ҳунари шу бўлгандан кейин, сайрайди-да.

Илҳом. «Пахтакор»га тушиб турасизми?

Лаълихон. Телевизорда кўрамиз.

Илҳом. Яхши. Зериктириб қўймаяпманми сизни?

Лаълихон. Қизиқсиз-а, энди келдим.

Илҳом. Мен эса бир йилдан буён шу ерда ўтиргандайман.

Лаълихон. Унда роса қийналибсиз-да.

Илҳом. Йўқ, йўқ. Унақа ўйламанг. Кутишнинг ҳар бир дақиқаси бир йилдай бўлди, демоқчи эдим. Айтмоқчи... (*Пауза.*)

Лаълихон. Гапиринг, жимиб қолдингиз?

Илҳом (*гап тополмай*). Сизларнинг маҳалла кўчасидан эски трамвай изи олиб ташландими? Шунақароқ эшитган эдим.

Лаълихон. Билар экансиз-да? Кўчамиздан ўтганларингизда мени кўрармидингиз?

Илҳом. Ўша томонларда битта ўртоғим туради. Ғалати йигит. Ош деса ўзини томдан ташлайди. Биз уни масхара қилиб: агар текин бўлса, михниям кап-

палаб ейшдан қайтмайди, деб ҳазиллашамиз. (*Кулишади.*)

Т о ж и х о л а (*дарахт панасидан, қониқиш билан*). Хайрият, гаплари қовушяпти, келин.

Р а й ҳ о н. Насиб бўлса илинади, хола.

Қ и з т о м о н д а н а ё л (*панадан*). Ландовурроқми дейман анови йигит. Ланжлигини...

И к к и н ч и а ё л. Вой, қизлик вақтларим эсимга тушиб, баданим жимирлаб кетяпти.

Б и р и н ч и а ё л. Ўл, ҳалигача қитиғинг босилмаса.

Л а ъ л и х о н (*уларни эшитмай*). Сизларнинг маҳалладаям бордир ўшанақаси. Аввал ўзингга боқ, кейин ногора қоқ,— бўлмасин тағин.

И л ҳ о м. Хаҳ, гапга нўноқлигим қурсин. Сизни хафа қилиб қўйдим, шекилли. Кечкида ўқийсиз, деб эшитдим.

Л а ъ л и х о н. Йўқ, сиртдан. Кечалари ёлғиз юришни ёқтирмайман, гап қилишади.

И л ҳ о м. Чиройли экансиз... Мевали дарахтга тош отишади-да.

Л а ъ л и х о н. Маҳалламизда Сайфи сўтак деган хўппа семиз бир йигит бор — фақат ўша ўтган-қайтганимда тиним бермайдиган. Жинимдан ҳам ёмон кўраман.

И л ҳ о м. Севиб қолган бўлса, нега йўқ дейсиз. Қийнаманг-да, бечорани.

Л а ъ л и х о н. Вой, ановиларни... Севадиган бўлса одам қўйсин-да, сизга ўхшаб.

И л ҳ о м. Жинимдан ҳам ёмон кўраман дейсизу, яна одам қўйсин дейсиз. Бу қанақаси бўлди?

Л а ъ л и х о н. Э-э, ҳозир кўпчилик шунга ружу қилган... Рўзгор тутса, маълумоти бўлса — бўлгани. У ёғи бир гап бўлар-кетар...

И л ҳ о м. Маълумот денг?

Л а ъ л и х о н. Ҳа, маълумот... Нима, ёмонми?

Қиз томондан аёл. Ана, маълумотини суриштиряпти, бало қизимиз.

Иккинчи аёл. Сал сўхтаси совуқроқми дейман ановининг...

Биринчи аёл. Сўхтасини бошга урасизми, эгачи, топар-тутарликкина бўлса — ўша керак-да қиз ўлгурга.

Илҳом. Нега ёмон бўлсин! Мана мен олий маълумотлиман. Яқинда кандидатлик ҳимоя қилмоқчиман...

Лаълихон. Кандидат! Амакимнинг катта ўғиллариям яқинда кандидат бўлдилар. Ҳозир гастромда мудир бўлиб ишлаяптилар.

Илҳом. Мана буниси жуда ғалати гап! Омад деганлари шу бўлса керак. Нима дейсиз, Лаълихон?

Лаълихон. Ҳамма ишда омад керак, дейдилар амаким. Омадли одам деворни минса, девор от бўлиб чопар эмиш, омадсиз одам отга минсаям оти девор бўлиб қотиб тураверармиш.

Илҳом. Тўғри айтасиз, Лаълихон. Кеча бир илмий мақолани ўқиган эдим... (Чеккароққа ўтиб, ўзича.) Ҳозир бирор мужмал илмий гап билан бошини ғовлатиб юбораман... Жонига тегиб жўнаб қолади.

Лаълихон. Хўш, хўш, нима дейилган экан ўша илмий мақолада?

Тожиқола (панадан). Гапни лағмондай чўзиб ўтирган билан бўладими... Мундоғ соч-почини силайди-да йигит деган. Бўшгина-баёвгина жиянгинам-эй.

Райҳон. Биринчи кундан-а? Кейин, сочи бўлса силайди-да.

Илҳом. Агар осмондан туриб, ернинг маълум бир районини, дейлик, тоғлиқ бир заминни кинофотога олинса ва шу ерни ўша нуқтадан туриб яна ўн йилдан кейин суратга олинса ва бу иш шу зайлда йигирма миллион йил муттасил давом эттирилса — бир суткалик кинофильм пайдо бўлиб, Ер шари юза-

сининг худди океан сатҳидай жуда тез ҳаракатланиб туриш манзарасини кўрар эдик: яъни тоғлар нураётган, дарёлар йўлини ўзгартираётган, денгизлар қуриётган ёки пайдо бўлаётган ва бошқа-бошқа... Чунки йигирма миллион йиллик ҳаёт бир суткага ихчамлашган бўлади,— дейилади ўша илмий мақолада.

Илҳом бирдан жўшқинланиб гапиришидан икки томон вакиллари ҳам ҳайратга тушади. Лаълихон ҳам диққат билан тинглайди.

Қ и з т о м о н а ё л. Ёспирай, шоир-поирми дейман, тўғри одамга ўхшамайди.

И к к и н ч и а ё л. Шу туришида жиндаккина мўйлови бўлса, Чарли Чаплин деган қизиқчининг ўзи бўлар экан-қўяр экан.

Т о ж и х о л а. Бопла, жиян, бопла. Оғзи очилиб қолди қиз ўлгирнинг.

Р а й ҳ о н (*мамнун*). Аста-аста-да, хола.

Л а ʼ л и х о н. Йигирма миллион йил дейсизми, унда тирик жон қолар эканми?

И л ҳ о м. Ўшанда ҳам одамизод бўлиши мумкин. Бўлмаганда ҳам ўша гап ўша гаплигича қолаверади.

Л а ʼ л и х о н. Майли, қолса — қолаверсин... Мени чақиртирган экансиз? Қўлоғим сизда.

И л ҳ о м. Чақиртирганим йўқ. Биз учраштириляпмиз, холос. Уч-раш-тири-ла-яп-миз. Муддао сизга аниқми?

Л а ʼ л и х о н (*гўлликка солиб*). Ўзингиз биласиз, нима десангиз шу... Қайдам...

И л ҳ о м. Мен сизга маъқул келдимми?

Л а ʼ л и х о н. Вой, гапингизни... Энди кўряпману...

И л ҳ о м. Мен ўртада катта муҳаббат бўлмагунча, икки тақдирнинг бир-бирига чамбарчас боғланиши қийин, деб ҳисоблайман. Сиз-чи?

Лаълихон. Нима десангиз шу.

Илҳом. Фикрингизни билмоқчиман?

Лаълихон. Фикрим... (Гўлликка солиб.) Отаналаримиз биз ношуд гўдакчаларга нотўғри йўл кўрсатмасалар керак, деб ўйлайман.

Илҳом. Мен муҳаббат масаласини қўяяпман, муҳаббат масаласини!

Тожиҳола (пакадан). Ана энди бир-бири билан очилиб-сочилиб гаплашяпти.

Райҳон (қувнаб). Тўйнинг масаласига ўтиб кетди буларингиз. Жон деб туришган экан.

Тожиҳола. Райҳон, келиннинг бўй-бастига нечанчи пальто тўғри келар экан? Бир чамалаб кўр-чи?

Райҳон. Шу иссиқда пальтога бало борми, хола.

Тожиҳола. Магазинчини ака, эчкисини така деб прилавканинг тагидан муносибини топтиргунча вақт ўтади-да, келин.

Райҳон. Ака-акангизни бошига урадим, шапкаси билан тўлашингиз керак.

Қизтомон аёл. Мунча қўлини пахса қилиб гапирмаса.

Иккинчи аёл. Еру кўкка ишонмаяпти.

Бу аснода йигит билан қиз кўп фикрларни ўзлари учун ойдинлаштириб олишган бўлади. Лекин уларнинг суҳбати томошабинга эшитилмайди.

Лаълихон. Вой, шундай гапиряпсизки, гўё мен сизни мажбур қиляпман, тавба...

Илҳом. Ҳамма фожиа мана шунда, Лаълихон. Сиз учун ҳамма нарса баробар, Сайфи сўтак чақиртирсаям кетаверасиз, мен чақиртирсам ҳам келаверасиз. Севибми, севилмайми — турмуш қурилса бўлгани... Бу ёғининг аҳамияти йўқ.

Лаълихон. Худди шу гапларни ўн баробар қилиб, мен сизга қайтаришим мумкин.

И л ҳ о м. Сиз ё ўта соддасиз, ёки думбулсиз.  
Л а ъ л и х о н. Хўш, сиз ўзингиз нега келдингиз  
бу ерга?

И л ҳ о м. Онамни қиёлмадим. Юраклари чатоқ.  
Л а ъ л и х о н. Эркатой. Тантиқ.

И л ҳ о м. Менку галга солиш учун — шу ишни қи-  
лишга мажбурман... Сиз бўлсангиз, юр, биров билан  
учраштирамиз десалар, йўргалаб келаверасиз.

Қ и з с а п ч и б ўрнидан туради, йиғлаб юборади, югуриб чиқади.

И л ҳ о м. Лаълихон, қаёққа?! *(Орқасидан югу-  
ради.)*

Бу можародан ҳайратга тушган икки томон вакиллари  
пана-панадан чиқиб, бир-бирларига рўбарў бўладилар. Ноқулай  
бир ҳолат. Нимадан гап бошлашни билмай, бир-бирларига дарға-  
заб тикиладилар.

Қ и з т о м о н а ё л. Нима қилиб қўйди арзанда-  
нгиз, қиз болани қон қақшатиб?

Т о ж и х о л а. Айланай, олдин билинг, кейин га-  
пиринг. Қиз бола-да, ноз қилаётгандир.

И к к и н ч и а ё л. Йўқ, номаъқул гап айтди уни-  
нгиз. Пешонаси тиришиб, кўзлари бежо бўлиб тури-  
шидан билувдим.

Б и р и н ч и а ё л. Нимасини уйлантирасиз ўша  
латтангизни... шалвираган.

Т о ж и х о л а. Оғзингизга қараб гапиринг, айла-  
най. Менинг жияним ядрога ўқийди. Ҳар қизлар бор-  
ки орқасидан эргашади...

И к к и н ч и а ё л. Қўлидан келмаса, нима қилади  
йиғлатиб?

Т о ж и х о л а. Нима қўлидан келмас экан?

Б и р и н ч и а ё л. Гапларининг музлигини... Сара-  
тонда этни жунжиктиради.



Т о ж и х о л а. Уша сочи сичқоннинг думидай қизингизни ҳадеб фаришта қилаверманг. Совуқлик ўзидан ўтди.

И к к и н ч и а ё л. Алам қилмай ўлсин, ўша дум-думалоғингиз нима бўпти.

Р а й ҳ о н. Нега дум-думалоқ бўлар экан. Дўмбоқ денг.

Б и р и н ч и а ё л. Дўмбоқ эмиш... Йигирма еттига кирибди-ю, уйланмаган. Ҳеч ким қизини бермаган, одамлар ҳам билади.

Т о ж и х о л а. Одамлар қизингизнинг опасиниям билади. Бегона бир йигитнинг этагидан тутиб, қайси бир шаҳарга қочиб кетганини.

И к к и н ч и а ё л. Қочса қочибди-да, яхши кўрган-дан кейин. Бир йилдан кейин меҳмон бўлиб келди-ку қўчқордай ўғилчаси билан.

Р а й ҳ о н. Вой, мақтанишларини...

Т о ж и х о л а. Қўйинг бемаъни гапларингизни. Ора очиқ сизлар билан...

Б и р и н ч и а ё л. Эшитганмиз етти эшикка бош уриб борганларингизни. Бизаниям кўзимиз учиб тургани йўқ эди.

Р а й ҳ о н. Истасангиз шу: танлаб оламиз. Кўча тўла қиз.

И к к и н ч и а ё л. Олинг, ташлаб қўйибди.

Т о ж и х о л а.

Кўча тўла алвон қиз,

Бир-биридан полвон қиз.

Р а й ҳ о н

Бир-биридан шўх, барно,  
Бир-биридан чаққон қиз.

Б и р и н ч и а ё л

Кечикмай, тез боринглар,  
Бир-биридан арзон қиз.

## Иккинчи аёл

Ўғлингизни танлагай  
Балки бирон нодон қиз.

Т о ж и х о л а. Кетдик, Райҳон, садқайи гап кетсин булар.

Б и р и н ч и а ё л. Садқайи одам кетинг. Иккинчи тилга олманг бизларни.

Т о ж и х о л а. Зор қолувдик. Елкамизнинг чуқури кўрсин!

Ғолибона юриш билан икки томонга чиқа бошлайдилар. Шу пайт Лаълихоннинг қўлидан етаклаб, хандон уриб кулишиб, Илҳом киради. Булар яна ўзларини четга — ўз ўринларига олишади. Йигит билан қиз қотиб-қотиб кулишади.

Л а ъ л и х о н. Шу гапни барвақтроқ очиқ-ойдин айтсангиз бир нарса бўлармиди?

И л ҳ о м. Ўзингиз-чи? Ўзингиз дангал айта қолсангиз нима бўларди, Лаълихон?

Қ и з. Ойша денг. Ўз отим бор. Жавобингизни бериб юбориш учун шунақа қилган эдим.

И л ҳ о м. Лаълихон, кечирасиз, Ойшахон, демак, келишдикми?

О й ш а. Келишдик.. Ранжитган бўлсам, кечирасиз.

И л ҳ о м. Сиз кечиринг.

О й ш а. Ҳечқиси йўқ. Иккаламиз ҳам бир хил ўйлаган эканмиз.

И л ҳ о м. Дардимиз бир хил экану...

Д у э т

И л ҳ о м

Бир хил экан дардимиз,  
Ўхшаш экан шартимиз,

Билмай бир-биримизни,  
Уйлаб тақдиримизни,  
Қаранг, қанча ёндик биз,  
Ахийри қувондик биз,  
Ха-ха-ха-ха-ха!

### О й ш а

Биз тил топшидик аранг,  
Гап-сўз ўтди ранг-баранг.  
Бир-биримиз синадик,  
Гоҳ жеркиб, гоҳ сийладик,  
Ҳақ ўрнини топгунча,  
Ўртандик анча-мунча,  
Ха-ха-ха-ха-ха!

### И л ҳ о м

Чин муҳаббат бор бўлсин,  
Севганингиз ёр бўлсин,  
Ғоят қувноқ экансиз,  
Қалби қайноқ экансиз,  
Бир хил чиқди режамиз,  
Шод бўлмайлик нега биз?  
Ха-ха-ха-ха-ха!

### О й ш а

Юрак-юракка кўзгу,  
Севги муқаддас туйғу.  
У дилдаги чашмадир,  
Инсон умрин яшнатур.  
Севгига йўқдир фармон,  
Ғовлардан ўтгай омон.  
Ха-ха-ха-ха-ха!

О й ш а. Нега шу гапларни бошданоқ ҳал қилиб қўя қолмаймиз.

И л ҳ о м. Демак, келаси сафар учрашувимиз яна шу ерда.

О й ш а. Истасангиз шу ерда, бошқа ер десангиз ўша ерда.

И л ҳ о м. Раҳмат. Яхшиси, шу ерда.

О й ш а. Келишдик. Қўлни беринг.

И л ҳ о м (қўлини маҳкам қисиб). Кечикмайсиз, илтимос.

Қувноқ кайфиятда бирга чиқадилар. Бу гаплардан ҳайратга тушган икки томон вакиллари икки ёндан чиқиб, бир-бирларига тавозе ва ҳижолат билан эгиладилар.

Т о ж и х о л а. Кечирасизлар, айланайлар, биздан ўтди.

Р а й ҳ о н. Шошқалоқлик қилиб қўйдик.

• Б и р и н ч и а ё л. Биздан ўтди, эгачи, валдирамай тилим кесилсин.

И к к и н ч и а ё л. Бир-бирларига муносиблигини. Оқ гулга қизил гул пайваста бўлиб кетгандай.

Т о ж и х о л а. Бирам ширин, бирам чиройли гаплашдиларки, худди Фарҳоду Ширин, Лайлию Мажнун.

Р а й ҳ о н. Қудажон, чарчаб қолдингизлар, мана бу ергинага ўтиринглар.

Б и р и н ч и а ё л. Ўзингиз ҳам тикка оёқда қолдингиз-да.

Т о ж и х о л а. Қанча хурсанд бўлсак, ярашади, айланайлар. Бир давра тузсанглар, ўйнаворишдан ҳам қайтмайман.

И к к и н ч и а ё л. Бу хурсандчиликка ўйнайсиз энди. Ўзи бўладими.

Т о ж и х о л а. Хижолатдан ҳалиям терлаб кетяпман. Яна бир марта кечирим сўраймиз, айланайлар.

Р а й ҳ о н. Шундай ажойиб қудаларни хафа қилиб ўтирибсиз-да, Тожихола.

Т о ж и х о л а. Асли сен ўлгурдан ўтди, ҳадеб тилимни қайратавердинг.

Р а й ҳ о н. Менга ағдаришларини қаранг, шошмайлик, аста-аста дедим-ку.

Б и р и н ч и а ё л. Дилжираликни қўйинглар.

Бир-бирларини даврага тортадилар.

Т о ж и х о л а (*даврага тушиб, рақс бошлайди*).

Ҳой, қудажон, ялқов бўлманг,  
Бўшанг бўлманг, анқов бўлманг,  
Қўшиқ айтинг, соқов бўлманг,  
Бир йўрғаланг даврамизда.

Б и р и н ч и а ё л  
(*Даврага кириб*)

Ойна кўлнинг ғози бўлар,  
Ғозининг овози бўлар,  
Қизи борнинг нози бўлар,  
Сиз йўрғаланг даврамизда.

Т о ж и х о л а

Менинг ўғлим чаққон бола,  
Кўксига гул таққан бола,  
Қизингизга ёққан бола,  
Сиз йўрғаланг даврамизда.

И к к и н ч и а ё л

Менинг қизим — барно қизим,  
Не йигитлар шайдо қизим,  
Уйингизда аъло қизим,  
Сиз йўрғаланг даврамизда.

## Т о ж и х о л а

Бугун сизни терлатаман,  
Келинимга тергатаман,  
Келингинам ўгил турса,  
Бешигини тебратаман.

Р а й ҳ о н. Улманглар. Бор экансизлар-ку.

Хурсанд бир кайфиятда, бир-бирларига меҳрибонликлар кўр-  
сатишади.

П а р д а

### УЧИНЧИ КЎРИНИШ

Гўзал ўрмон, ям-яшил ўтлоқ манзараси. Гуллар ҳидидан  
муаттар, қушлар садосидан янграган музиқий олам. Тиниқ кўк-  
да оппоқ булутлар... Ҳарир ҳавойи либосларда М а л и к а в а  
унга интила-интила И л ҳ о м кўринадилар.

М а л и к а

Қаранг, қандоқ олам мусаффо!

И л ҳ о м

Сиздандир бу гўзаллик, сафо!

М а л и к а

Қулоқ солинг булбул куйига!

И л ҳ о м

Булбул чорлар севги тўйига!

М а л и к а

Гуллар юзин безамиш ханда!

И л ҳ о м

Улар сизга бўлмишлар банда!

М а л и к а

Сочларимни силайди шамол!

И л ҳ о м

Шамол сизга тилайди камол!

М а л и к а

Ирмоқларда ажиб тарона!

И л ҳ о м

Ташрифингиз бўлмиш баҳона!

М а л и к а

Бунча тиниқ ва мовийдир сув!

И л ҳ о м

Ҳуснингизга бўлмоқчи кўзгу!

М а л и к а

Кўм-кўк само кўркига қаранг!

И л ҳ о м

Либосингиз бермиш унга ранг!

М а л и к а

Эй, димоғим, гул ҳидига тўй!

И л ҳ о м

Зулфингиздан бунчалик хушбўй!

М а л и к а

Сўзларингиз наҳот бўлса рост?

И л ҳ о м

Бир шеър айтай, тингланг, илтимос!

М а л и к а

Майли, айтинг, эшитай, майли,  
Ёдда қолсин бу ўрмон сайли!

И л ҳ о м  
(шеър ўқийди)

Мен сенга оламнинг чиройин берай,  
Фалакнинг юлдузин ва ойин берай,  
Шу улкан коинот саройин берай,  
Жаҳондаги етти мўъжизани ҳам,  
Жонфизо жамийки мусиқани ҳам  
Сенга ҳадея этай!  
Само юлдузларин маржон қилиб  
Йўлларингга терай,



Туннинг қора мушкин  
Сочларингга қўшиб ўрай,  
Офтобни эритиб  
Еноғингга сурай,  
Тоғлардаги виқор,  
Дарёдаги шўхлик,  
Дунёдаги бор гўзаллик ва улуғлик  
Сенга бўлсин!  
Ҳар неки буюрсанг,  
Қўл кўксимда — хизматингда турай,  
Бунинг эвазига  
Биттагина кулиб боқсанг бас,  
Бошқа ҳеч нарса керак эмас!

Улар бир-бирларига мафтун боқиб, севги тўла кўзлар билан тикиладилар. Икки ёш кўнгилда муҳаббат таронаси янграйди.

## Д у э т

### И л ҳ о м в а М а л и к а

Дилимда нури орзулар  
Ўзингдандир, ўзингдандир.  
Баҳорий сирли туйғулар  
Сенинг ширин сўзингдандир.

Сенинг бирла саботим бор,  
Учар бўлсам қанотим бор,  
Сенинг бирла ҳаётим бор,  
Кўзим нури кўзингдандир.

Дилим меҳринг билан равшан,  
Дилим сеҳринг билан гулшан,  
Ҳаётим бўлса гар шўх, шан,  
Шарафли кундузингдандир.

Муҳаббат, эркимиз эзгу,  
Кўнгил кўнгилгадир кўзгу,  
Дилимга тушган ул ёғду  
Сенинг бахт юлдузингдандир.

### И л ҳ о м

Қалбим Маликаси, барно гўзалим,  
Гўзаллар ичинда танҳо гўзалим.

Сени бир кўрдиму ўшал лаҳзадан  
Қалбим тўлқинланур ширин ларзадан.

Мен ўшал лаҳзани унутмам асло,  
Унгиму тушимда ўзингсан пайдо.

Сенсиз ҳаёт менга қадрин йўқотгай,  
Сенсиз боғлар менга атрин йўқотгай.

Ёшлик, севинч, севги тўла муҳаббат дақиқалари. Чироқ аста-секин хиралаша бориб, ўчади. Янги саҳна намоен бўлади. Таниш анҳор бўйидаги хиёбоннинг бир чеккасида Илҳом, Ойша ва Эргаш учрашуви.

И л ҳ о м. Гап ана шундай, азизлар. Менинг ўз севган қизим, ўз юлдузим бор. Фақат ҳозирча бу ерда эмас.

Э р г а ш. Қаерда?

И л ҳ о м. У само лочини. Халқаро линияда улкан самолётларни бошқаради... Менинг қалбу тасаввуримда у ана шундай тиниқ, абадий бир нур... Лекин унинг менга муносабати ҳали равшан эмас.

О й ш а. Ҳойнаҳой, дастлаб самолётда танишган бўлсаларингиз керак-да, ё бирор аэропортда?

И л ҳ о м. Йўқ, Лаълихон, кечирасиз... Ойшахон... йўқ... Москвада, Ленин кутубхонасида бўлажак диссертациямга оид материаллар билан танишар эдим.

Бир кун ҳурматли домлам уйларига таклиф қилиб қолдилар. Бордим. Домланинг қизлари эшикни очди. Қирдим. Қай кўз билан кўрайки, бу хонадонда бир гўзал меҳмон қиз ҳам ўтирар эди. «Ўзбекистонлик юртдошинг, учувчи қиз», деб таништирдилар. Устида атлас кўйлак, шўх қарашлар билан лов-лов ёниб ўрнидан турди. «Малика», деб қўл узатди. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, ўша пайтда мен нима деб саломлашдим, қайси стулга бориб ўтирдим, ўша оқшом нималар ҳақида гап борди — ҳали-ҳамон, ўлай агар, эслай олмайман. Ҳа, мен сеҳрланиб қолган эдим... Қисқаси, шоирлар айтгандай: «Ўша учрашувдан бошланди бу ҳол».

Э р г а ш. Ойшахон, аслида, биз ҳам ўша учрашувда олисдан бўлсаям қатнашсак бўлар экан.

О й ш а (кулиб). Унда сиз ҳам сеҳрланиб қолиб...

И л ҳ о м. Эргашжон, менга сиз ҳақингизда Лаълихон... Э, кечирасиз... Ойшахон ажиб бир завқу шавқ билан ҳикоя қилиб берганлар.

Эргаш. Нима можаролар бўляпти ўзи?

И л ҳ о м. Можаро шундаки, Эргашжон, биз бундан бир оз олдинроқ худди мана шу ерда Лаълихон билан учрашган эдик.

О й ш а. Ойша денг. Анови ясама исмни ўзим ўйлаб топганман.

Э р г а ш. Ҳа, қисман хабарим бор. Ойшахон бир нарсалар деган эдилар.

И л ҳ о м. Қизишманг. Бу ўринда совуққонлик ва бир-биримизга холис хизматимиз керак бўлади, дўстлар. Шундай қилайликки, сиз ҳам, кабоб ҳам куймасин.

О й ш а. Мен ўша учрашувда Лаълихон бўлиб келиб, йўқ ердаги таманноларни қилишга мажбур бўлганман. (Ҳаракат қилиб кўрсатади.)

И л ҳ о м. Кулиб юбормаганингизга ҳалиям ҳайронман.

О й ш а. Кейин кулдим-ку.

И л ҳ о м. Ҳақиқат қанча аччиқ бўлсаям, ошкора айтишим керакки, дўстлар, онамнинг юраклари бир оз чатоқ. Ранжитиб қўйишдан қўрқаман. Маликахон номзодларига қарши туришларида бир неча кулгили баҳоналари бор. У кишига келин ҳамиша осмонда, сафарда бўлса — ҳеч қанақа орзу-ҳавасли оила бўлиши мумкин эмас: невара-чевара, меҳмон-излом, кийим-кечак, борди-келди, иссиқ-совуқ дегандай...

О й ш а. Бизнинг ишимиз бундан ҳам беш баттар. Эргаш акам ирригация институтини бу йил тамомлаб, Қарши чўлларига — туғилган юртига жўнайдилар. Мен ҳам албатта боришим керак. Лекин отам билан онам... айниқса адам... Худо кўрсатмасин... Чунки мен яккаю ёлғиз қиз эмишман. Етмиш яшар чолга бажонидил узатишса узатишар-ку... алҳазар... аллақайси бир саҳро бағрига жўнатишлари мутлақо мумкин эмас... У кишича...

Э р г а ш. Баъзан ўйлаб-ўйлаб бу фикрларни ҳазм қилиб бўлмайди. Атом, электроника, космос асри бўлса-ю, одамлар ҳамон ўрта аср исканжасида.

И л ҳ о м. Жудаям умумлаштириб юборманг, Эргашжон. Одамлар эмас, айрим кишилар, холос.

Э р г а ш. Бу алоҳида муаммо. Хўш, бу ёғи нима бўлади?

О й ш а. Бу ёғи? Дадам бўлажак куёвларини кўрмоқчилар.

И л ҳ о м. Ажабланманг, Эргашжон. Бу орада мен вақтдан ютаман. Калькутта сафаридан Маликахон қайтишлари керак. Зора, хатим етган бўлса...

Э р г а ш. Шундан кўра, очиқчасини дангал айтиб қўя қолсак, биров бизни осармиди, отармиди?

О й ш а. Ҳамма гап шунда, ланжлигимизда, қатъият етишмайди.

И л ҳ о м. Йўқ. Биз бу билан севги тантанасини, севишган қалбларга ҳеч қанақа тўсиқ халақит берол-

маслигини яна бир марта намойиш қиламиз. Хайр.  
Кўришгунча! (Чиқади.)

Ойша ва Эргаш бир-бирларига жўшқин муҳаббат туйғуси  
билан боқишади. Ҳаё, ибо, меҳр ҳолати.

Ойша. Кўрдингизми, қандай самимий севги,  
қандай вафодорлик!

Эргаш. Нима, менинг севгим бундан кам деб  
ўйлайсизми? Асло! Бу шундай бир туйғулар уммони-  
ки, ифодасига сўз тополмайман.

## Д у э т

Э р г а ш в а О й ш а

Севгилим, қалбимдаги орзу ўзинг,  
Бахт ўзинг, иқбол ўзинг, ёғду ўзинг.

Мен учун олам аро танҳо санам,  
Ой ўзинг, кундуз ўзинг, гулрў ўзинг.

Зийнати оламни акс этган асил,  
Чашмадек шаффоф, тиниқ кўзгу ўзинг.

Тоғ мисол кўксим баланддир сен билан,  
Унда шўх жавлон этар оҳу ўзинг.

Сен ҳаётим, эътиборим, шуҳратим,  
Бахт, умидим, дилрабо туйғу ўзинг.

Севгилим қалбимдаги орзу ўзинг,  
Бахт ўзинг, иқбол ўзинг, ёғду ўзинг.

П а р д а

## ИККИНЧИ ПАРДА

### ТЎРТИНЧИ КЎРИНИШ

Ойшалар хонадони. Субҳонқул Сухробович ширин бир кайфиятда хотини Сайқалхон билан зиёфат тараддудига берилган. Улар кимнидир кутишяпти. Дастурхонда ранго-ранг ноз-неъматлар. Вазаларда гуллар, музика, куй... Субҳонқул қувноқ кайфиятда, стол атрофидан мамнун айланиб, хотинига ҳазиллашиб куйлайди.

Ул дилбари ширин забон,  
Дўндиққина, ғоздеккина.  
Қилсам фидо йўлида жон  
Ул шўх учун оздеккина.

Кўзда ёнар қўш юлдузи,  
Чинни кабутардек ўзи.  
Маст айлаган ҳар бир сўзи  
Жон бахш этур создеккина.

Ёниб турар худди олов,  
Бунча гўзал, бунча асов,  
Жонларига жоним гаров —  
Кўҳликкина нозликкина.

Сайқалхон. Вой-бў, ошириб юбордингиз-ку.  
Субҳонқул. Бу — юрагимда ётган гапларнинг  
мингдан бири!

Сайқалхон. Раҳмат... Шишалардан ҳам қўям-  
ми, адаси?

Субхонқул. Қўйганда қандоқ. Чехнинг бил-  
дурин қадаҳида арман коньяги ял-ял ёниб турса,  
таассурот ўзгача бўлади, жонидан.

Сайқалхон. Бир оғиз сўзингиз, адажони.

Стол устида узун-қисқа, оқ-қизил шишалар тизилади. Суб-  
хонқул бирини очиб, икки қадаҳга қуйиб, қадаҳларни кўтариб,  
бирини ўзи, бирини Сайқалхонга узатиб такаллуф кўрсатади.

Сайқалхон. Ҳай, адаси, меҳмонлар келмас-  
дан-а.

Субхонқул. Ўзимиз ҳам бир хилватгина сир-  
лашмаганимизга анча бўлди-да, олинг энди, ойиси.

Сайқалхон. Йўқ, йўқ, мен кейин.

Субхонқул. Унда *(Қадаҳлардан бирини кўр-  
сатиб.)* бунини нима қиламан?

Сайқалхон. Қуйдингизми, ичиб юбора қолинг,  
аслида ичмай, сипо ўтирганиз маъқул эди-я.

Субхонқул *(қадаҳларни бир-бирига уришти-  
риб, ниманидир эслаб хаҳолаб кулади)*. Мана бунини  
эшитинг, хоним. Бир киши ресторанда ҳам, тўй-ҳа-  
шамда ҳам, зиёфату ўтиришларда ҳам бир йўла икки  
қадаҳга май тўлатиб ичаркан. Ҳайратланиб юрган  
одамлар ахийри сўрашибди: Ҳар ичганда устма-уст  
икки қадаҳдан кўтаришингизнинг сабаби нимада?

— Биттаси ўзим учун, биттаси олис бир шаҳарда-  
ги жонажон оғайним учун, биз у билан умрбод шун-  
дай аҳдлашганмиз,— дебди у. Икки йилча кейинроқ  
ўша одам бир қадаҳдан ичишга тушиб қолибди. Ҳай-  
ратланган кишилар яна сабабини сўрашибди:

— Нега бир қадаҳдан ичиб қолдингиз, анави  
оғайнингиз оламдан ўтдиларми?

— Йўқ,— дебди ҳалиги одам,— оғайним соғ-сало-  
мат юрибди. Фақат мен ўзим ичишни ташлаб юбор-  
ганман.

Сайқалхон. Латифангиз ҳам бор бўлсин. Ҳо-  
зир ичиш модадан қолган.

С у б ҳ о н қ у л. Э, модангдан ўргилдим. Мен буни салгина қизишиб олай, деган нозик бир маъно билан қиляпман. Мени, яъни Субҳонқул Суҳробович Тойлоқовни бирор одам бирор вақт мастона қийшайиб юрган қиёфада кўрган эканми? Агар ўшанақа чакки ишга берилганда, бу молу мулк, бу обрў-эътибор қаерда эди? Уйламасдан гапирасиз-да, ойиси.

С а й қ а л х о н. Бунча энди кўнглингизга ола қолмасангиз. Узр.

С у б ҳ о н қ у л. Мен бўлажак куёвимиз билан сирлашиб кўрай, кўнглига қўл солай, майлини, даражасини аниқлай — гап ана шунда.

С а й қ а л х о н. Ойшангиз уялиб, олиб келмаса-чи, қиз бола-да, ҳар қалай.

С у б ҳ о н қ у л. Уялмайди. Мен ўзим илтимос қилдим.

С а й қ а л х о н. Салобатингиз босиб, йигит бечорани доводиратиб қўйманг тагин.

С у б ҳ о н қ у л. Ҳозирги болалар довирамайди, онаси. У сен билан биз эдик. Қалай, тузукроқ эканми йигит. Аёллар нима дейишди, қизинг нима дейди?

С а й қ а л х о н. Нима дерди. Ёмон эмас...

С у б ҳ о н қ у л. Ёмон эмас деганинг нимаси. Ойшани биз ҳар қанақасига узатмаймиз-ку. Фақат сўққабош кампирнинг ўғли эканлиги сал чатоқроқ эканда, ўзимизга баробар келадигани бўлганда-ку...

С а й қ а л х о н. Ҳаммаям бир одам, нега ундоқ дейсиз?

С у б ҳ о н қ у л. Вижиллашингни қара-я... Катта бир тахта складнинг директори қаёқдаю сассиқ бир кампир қаёқда.

С а й қ а л х о н. Бунча ўзингизга бино қўяверманг. Аслида, хато қиляпсиз. Ойшангизни ўз севган йигитидан ажратиб, чакки қиляпсиз.



Субҳонқул. Анови ирригацияни битириб Қарши даштига кетадиганини айтасанми? У бўлмайди. Унда қизимиздан ажралиб қолардик.

Сайқалхон. Нега ажралиб қолар эканмиз, элга эл қўшилади, қариндош-уруғ ортади, ёмонми?

Субҳонқул. Ёмон! Калта ўйлайсан. Унда қизни нобуд қилар эдик. Қуриб кетмайдими ўша чўли биёбони. Уни-бунни қўй, бу йигит ким экан?

Сайқалхон. Химик эмиш.

Субҳонқул. Химик! Бу катта гап, онаси. Сен бу сўзнинг асл маъносини яхши тушунмайсан. Ҳозирги дунёнинг қоқ ярим муаммоси ана шу фан асоида тараққий этмоғи керак ва шундай бўляпти, десак ҳам бўлаверади.

Сайқалхон. Сиз тушуна қолинг. Менга қизим бахтли бўлиб кетса шуниси кифоя.

Субҳонқул. Бахт бу чексиз тушунча. Уни ҳар ким ўзича талқин қилади. Ҳалиги даштга бориб, чўлни бўстон қиламан деб санқиб юрадиган ҳам ўз ишини бахт деб билади...

Эшик қўнғироғи жиринглайди.

Сайқалхон. Келишди, шекилли. Сиполик билан гаплашинг. Тахта скаладингизни пеш қилиб кариллайверманг ҳадеб. Ишни бошидан пачава қилдингиз, энди бу ёғи бузилмасин. Мен эшикни очай.

Олдинда Ойша, изма-из Илҳом ва Эргаш кўринадилар.

Субҳонқул (ўзича). О, бир йўла бир жуфт-ку. Шайтон қиз-ей.

Ойша. Салом, ада.

Эргаш. Ассалому алайкум.

Илҳом. Ассалому алайкум.

Субҳонқул, Во алайкум ассалом, мулло бў-  
линглар. Қани, қани, марҳамат. Бемалол. Сиз мана  
буёққа, сиз — бу ёққа. Уялманглар, нега уяласизлар.  
Ким айтади сизларни илм кишиси деб. Янглишмасам,  
(Эргашни тахминан кўрсатиб) сиз Илҳомжон бўлсангиз керак.

Илҳом. Илҳом демишлари мен бўламан.

Субҳонқул. О, узр. (Эргашни кўрсатиб.) Бу  
йигит?

Эргаш. Эргаш. Биз дўстмиз. Илҳомжон энг яқин  
дўстим.

Субҳонқул. Баракалло, баракалло. Хўш, соғ-  
лиқлар, уйлар кампир, қариндош-уруғ дегандай?

Илҳом. Барчалари саломат, ишлари аломат. Са-  
лом дейишди.

Субҳонқул. Э, э... бу ёққа келишингизни би-  
лишадими? Ана холос. Қонун-қонидани бузган бўл-  
маймизми ишқилиб?

Ойша. Ада, мен ойимга қарашай.

Субҳонқул. Бемалол қизим, бемалол. Биз ўзи-  
миз. Қани чойдан.

Илҳом. Овора бўлинмасин. Мен ўзим қуяман.

Субҳонқул. Илҳомжон, бу йигитни ҳам хи-  
миклардан десак бўлаверадими?

Илҳом. Йўқ. Даштларни сероб, саробларни ха-  
роб қилиш масаласи.

Эргаш. Ирригатор.

Субҳонқул. О, ирригатор. Саҳройи! Калтаке-  
саклар билан жанг. Қуюнлар, янтоқлар...

Илҳом. Топдингиз. Қирқ даражали аёз, элик  
даражали саратон. Бўрилар уввоси, тулкилар чувво-  
си. Ит ётиш, мирзо туриш...

Субҳонқул. Ҳа, бу ҳам қаҳрамонлик. Нима  
деймиз, омад тилашдан бўлак имконимиз йўқ. Ҳазил  
хафа бўлманг, ука.

Эргаш. Раҳмат.

Субҳонқул (*Илҳомга*). Хўш, кимё оламида нима гаплар? Бир олим ўртоғим бор, қилни қирқ ёрган билимдон. Узи жуда ғариб яшайди. Китобга кўмилиб, кутубхоналардан чиқмайди. Уша айтадики, келажакда инсониятнинг ризқу рўзи ҳам кимёдан бўлармиш. Бу жуда даҳшат-ку; яхшиям шу замонда яшаётганимиз. Юз йилдан кейин туғилсак дейман. Аллақандай дорулар билан кун ўтказиб бўлармиди.

Илҳом. Бу — фан тараққийсини қинғир тушунишдан бошқа нарса эмас.

Субҳонқул. Унда нега роса ўқийди. Ё мияси айниганмикин, а?

Эргаш. Йўғ-е, бу фақат хаёлотга берилиб кетиш бўлса керак.

Субҳонқул. Э, хаёли ҳам қуриб кетсин. Қани, мен билан мана шу қадаҳдан биттадан оласизлар. Олинг, олинг, уялманг. Гап қовушади. (*Эргашга*.) Сиз тортињяпсиз. Бунақа эмас-да, йигит. Умарий Хайём ҳам айтганлар-ку. «Оқилу доно била ич» деб. Бу ҳақиқий шароб. Ичимликнинг хўрози десак ҳам бўлаверади. Кимё аралашган эмас. Ха-ха-ха...

Илҳом (*қадаҳга ижирғаниб қараб*). Арманий коньяк экан-да, афсус, менга негадир бу ўтиришмайди. Ўзимизнинг беш юлдузни — авлороқ кўраман.

Субҳонқул. Ундан ҳам топилади (*сервантга йўналади, ўзича*). Олифталигиндан ўргилдим, ўзи жўжахўрозу коньяк танлайди. Ношукур банда. Мана, марҳамат.

Илҳом. Раҳмат. Қибрай шарбатлари бунда жамулжам!

Субҳонқул (*баландроқ келиб*). Хўш, кандидатлик қай аҳволда? Ёқлаш арафасида эмишсиз, деб эшитгандайроқ бўлувдим.

Илҳом. Насиб бўлса, шу йил ичи ё келаси йил боши. Ёқлаймиз, бурчимизни оқлаймиз.

С у б ҳ о н қ у л. Яхши. Олим бўлсанг — олам сеники, деган экан машойихлар. Бу ҳам ҳозир бир мода.

И л ҳ о м. Мен, келажакда кўнглим истаганча бахтиёр яшай олишим учун, ана шу таг заминни ҳозирдан мустаҳкамлаб олишим керак. Одам дунёга бир келади.

С у б ҳ о н қ у л. Гапнинг пўст калласиям шу, аслини олганда.

С а й қ а л х о н (*кириб*). Олиб ўтиринглар, айланайлар. Адаси, эсим қурсин, Турлибеков деган ўртоғингиз ойимчалари билан бирга келиб тўйга айтиб кетдилар. Келаси отдиққа. Мана қоғози.

С у б ҳ о н қ у л. Яхши, яхши. Бахтли бўлишсин. Нима ҳам дер эдик. Биз ёшларга, қўшақаринглар деймиз, бахт тилаймиз. Дуоғўйлик, дегандай.

С а й қ а л х о н. Меҳмонларга ухаживать қилиб ўтиринг, адаси (*чиқади*).

С у б ҳ о н қ у л. Қани, яна бир қадаҳдан. Олинглар, ҳамма нарсанинг жуфт бўлгани яхши. Шу Турлибеков деганимиз антиқа одам. Отиям қизиқ. Нурлибек. Турлибеков Нурлибек! Вечоранинг қизи БАМ-да ишлайдиган бир йигит билан тил топишиб қолган экан, ўша билан тўйини қилишмоқчи, шекилли. Тақдир-да, тақдир. Ота-онасини куйдириб кетяпти.

Э р г а ш. Сиз ҳозиргина уларга бахт тиладингиз, демак, ҳеч ким куймайди.

С у б ҳ о н қ у л. Да, бу гап, албатта, бир оз китобийроқ. Лекин на чора, орзу-ҳавасиям ўзига ярашароқ бўлади, инчунин бахтиям ўрта бўйликкина... Кани, қадаҳдан...

И л ҳ о м (*қизишиб*). Куяди! Бу кўра-била туриб, қийинчиликларга рўпара бориш деган довдир бир гап.

С у б ҳ о н қ у л. Баракалло, бу оғримаган бошга йўқ ердаги ғалвани сотиб олиш, аслини олганда.

Э р г а ш. Мен тушунмаяпман. Тўй бўлса, кўнгил

кўнгилга уланса — шу эмасми қиз билан йигитнинг бокира бахти? Ортиқча дабдаба шартми?

С у б ҳ о н қ у л. Сиз ука, гапни қалтис жойидан бошлаяпсиз. Ортиқча дабдаба! Аввало мен бундай деганим йўқ. Лекин тўй дегани тўйдайд бўлиши керакми, ахир. Умрда бир бор бўлади-я. Шахсан мен учун тўй, одатий бир маросимгина эмас, балки обрў, номус, ҳурмат, ана қўйингки, доврўғ масаласи ҳам.

Э р г а ш (*ҳайрон*). Довруғ?

С у б ҳ о н қ у л. Ҳа, доврўғ. Бу гапнинг нимасидан уялишимиз керак. Замонамиз бизга шу шароитларни яратиб берибдими, нега энди қисиниб-қимтиниб яшашимиз керак? Яширмайман, агар ўша яхши кунга етказса — бор бисотимни ана шу доврўғ учун сарф қилишга тайёрман. Азиз дўстларим, жонажон биродарларим йиғилади. Топган-тутганимни тўкиб-солишим керакми, ахир? Керак! Бир министр ўринбосари ўртоғим бор. Гапга чечан, дилкаш, файзли, нуқтадон одам. Тўйни, насиб бўлса, ўша очади. У гапирганда, боғда булбуллар ҳам таққа тинади. Сиз нима деяпсиз, йигитча. Ўлар дунёда бир афсона бўлгулик иш ҳам қилиш керакми, ахир? Керак! Қани, қадаҳдан олинглар, мени қизитиб қўйдинглар.

И л ҳ о м. Кечирасиз, ада... менда бошқачароқ бир таклиф бор эди.

С у б ҳ о н қ у л. Марҳамат.

И л ҳ о м. Ҳали тўйни министр ўринбосари очади, дегандай қилдингиз. Менга қолса, бу ишни энг камида СССР халқ артисти бажарса — бадий томони ҳам юксакроқ бўлармиди...

С у б ҳ о н қ у л. Ўйлаб кўрамиз. Лекин артистлардан оғайним камроқ (*ўзига*). Олифтачилигингни қара-ю... Сичқон сигмас инига, галвир боғлар думига.

Э р г а ш. Сиз айтганча бўлса, унда менга ўхшаганларнинг бахтга эришуви умуман мумкин эмас эканда.

С у б ҳ о н қ у л. Нега?

Э р г а ш. Мен, ёшлар ўз бахтини ўз қўллари билан яратишлари керак, ота-она бўйнига юк бўлмай, турмушнинг барча ачиқ-чучукларини ўзлари ҳис этиб, улғайишлари керак деб ўйлайман.

И л ҳ о м. Сохта камтарлик! Нега энди биз ота-она имкониятларидан фойдаланмаслигимиз керак? Қаерда ёзилган? Агар насибам мана шу қутлуғ хонадонга қўшилар экан, бу ую жойлар, мана бу гўзал боғчаю гулзор, бу тўкинлигу баракат — албатта менга ҳам тегишли бўлади. Нега бунча имкониятдан воз кечшим керак?

С у б ҳ о н қ у л (*ўзича, жаҳлини билдирмай*). Сурбетликни қаранг, ҳозирдан елкага чиқяпти... Умуман тўғри гап. Хўш, сиз бахтни, шахсан, қандай тушуна-сиз?

Э р г а ш. Бахт — одамларга, Ватанга хизмат қилиш, кўпчилик манфаатига ўзни бағишлаш, дунёда яхшиликдан из қолдириш...

С у б ҳ о н қ у л. Бу гаплар тўғри албатта, лекин мен шахсий бахтни кўзда тутяпман.

Э р г а ш. Шахсий бахт. Бу ўша катта бахтнинг инсонга берадиган улкан завқи, кўнгилдаги эзгу муддаоларнинг ўрин топиши, ҳаётда, муҳаббатда собитлик, яшашдан қаноат ҳосил қилиш, ҳамиша олға интилмоқ...

С у б ҳ о н қ у л. О, бу санашда юз хил балони уст-ма-уст қалаб ташлаш мумкин. Сиз масаланинг туб негизидан қочяпсиз. Қани, қадаҳни олинг, ўша сиз айтмоқчи бахт учун ҳам биттадан қуритайлик!

И л ҳ о м (*қаҳ-қаҳ уриб кулиб*). Жуда бошлаб айтдингиз. Қуритайлик! Қадимда бир жулдургина кийинган болакай қаттиқ жалада қолиб, уст-боши шалаббо, дилдираб келаётган экан, бир одам кўриб қолиб, раҳми келиб, уйига олиб кириб, ўзини иситиб,

кийим-кечагини қуришиб, яхшилик қилибди. Бола чиқиб кетаётиб: «Раҳмат, амакижон, сиз мени қурибдингиз, худо сизни қурибсин» деб алқаган экан. Болада, сўзнинг маъносига бормаган.

С у б ҳ о н қ у л (*кулиб*). Вой, зумраша-ей, лекин фикри тоза бўлган. Бир хил ярамасга яхшилик қилсанг, раҳмат ўрнига қуришдан деб дангал айтаверди. Қани, олдик.

Э р г а ш. Сизнинг вақтингизни олиб, ишдан қолдириб...

С у б ҳ о н қ у л. Ундай деманг, хафа бўламан. Вақт сиз билан биз учун яратилган. Мана шу бир нафас бирга бўлишимизнинг ўзи катта бахт, давлати сулаймон. Кечирасиз, исмингиз нимаиди?

Э р г а ш. Эргаш.

С у б ҳ о н қ у л. Эргаш. Да, да, халқимизда чиройли ирим бор. Орқасидан эргашмачоқ бўлсин деб. Гап чалғиб кетди... Хулласи калом, Илҳомжон, ўша Турлибековнинг қизи БАМга кетадиган бўлди. Балки тўғридир, балки бахтдир, балки муҳаббатдир.

Э р г а ш. Албатта, муҳаббат.

И л ҳ о м. Ол-ла. Ўн беш-йигирмасини кўриб, битта оилабопроғини танлайолсанг — ўша муҳаббат. Бақувватроқ оилага илашсанг — ўша муҳаббат. Қуруқ гап қулоққа ёқмайди ҳозирги замонда.

С у б ҳ о н қ у л. Муҳаббат... Аслини олганда, бор гап-а. Лекин ҳамма вақт, ҳамма жойда, ҳамма ҳолатда ҳам бўлавермайди.

Э р г а ш. Нега? Сабаб?

С у б ҳ о н қ у л. Сабаб? Дунёда ўн минглаб, юз минглаб, балки ундан ҳам юз чандон кўпроқ йигит-қизлар бор. Шуларнинг ҳаёти ҳамма вақт ҳам муҳаббат асосига қурилиши керакми? Шуларнинг ҳаммаси Фарҳоду Ширин, Лайлию Мажнун, Вомиқу Узро бўлиши шартми? Бу юз минглардан битта чиқадиган гап эмасми, аслини олганда.

И л ҳ о м. Тўғри айтасиз, Субҳонқул ака, хилват хиёбонларда ўпишиб юрадиганлар — муҳаббат эмас.  
Э р г а ш. Ёшларнинг мусаффо туйғулари устидан кулманг, Илҳомжон.

И л ҳ о м. Хўш, инсофданми ўша гаплар?

Э р г а ш. Муҳаббат, бу икки ёш ўртасидаги нозик, пок, юксак маънавий туйғу. Агар у одамлар кўзига барча сирли томони билан кўр-кўрона намойиш қилинадиган бўлса қадрини, олижаноблигини йўқотади... Лекин ёшларни хиёбонда сайр қилиб юришда айблаб бўлмайди.

И л ҳ о м. Барибир. Шахсан мен, қизларини куёв танлаш учун ўнлаб учрашувларга юборадиган оналарни ёқтираман. Улар тўғри қилишади. Бу умр савдоси, дўстим.

С у б ҳ о н қ у л (ўзича). Нимага шама қиляпти бу ярамас. Гапининг совуқлигини...

Э р г а ш. Қатъий фикрим шу: ҳар бир икки қалб фақат чин инсоний муҳаббат негизидагина ўз бахтини топади.

С у б ҳ о н қ у л. Мен сизга турмушдан, шунинг аксича, юзлаб мисоллар келтирсам-чи?

Э р г а ш. Гапингизга тушунапман. Ҳамма Лайлию Мажнун, Фарҳоду Ширин бўлавермайди, дейсиз. Тўғри. Сиз айтган қаҳрамонлар ўз тимсолида севгининг фожий томонларини акс эттирганлар. Беҳад турмуш ғовларини енгиб ўтишга мажбур бўлганлар, қурбон бўлганлар. Лекин замона зайли чинакам севгини тан олади.

С у б ҳ о н қ у л. Халқнинг қадимий удумлари ҳам бор-ку дунёда, йигитча? Бу — оила тузилишига бефарқ қарамаслик. Аллақандай муҳаббат жазави қилишини кутмасдан, бўй етган ёшларни қовуштириш, нима деймиз, яъни демак, оилани ташкил қилиш...

Э р г а ш. Муҳаббатни ташкил қилиш?



Субҳонқул. Ҳа-да. Ана боринг, шундай ҳам дейлик: Муҳаббат ташкил қилинади. Турмушда мисоллар жуда кўп бунга. Бу — удум масаласи. Урф-одат масаласи.

Эргаш. Урф-одат, удум — бари тўғри гап. Лекин биз унинг энг илғор, энг яхшиларини қабул қилишимиз керак. Кўча тўлдириб, сурнай варанглатиб, бешик тўйи қилиб юришлар, менимча, энг ирkit нарса.

Субҳонқул. Ана, ўлманг. Яқинда сизга ўхшаган бир комсомол йигит менга айтдики, гўё тонгги ошга тўда-тўда бўлиб бориб, ҳовлини тўлдириб, даҳага кирган қуртдай вишиллаб, қатор-қатор тизилиб оққатланиб ўтириш — охурдан ем еяётгандай хунук, қўпол, ибтидоий нарса эмиш. Бу энди, шаккоклик, халқимизнинг мўътабар одатини менсимаслик...

Эргаш. Аслини олганда-ку шу гапдаям жон бор. Шуюм эскирди, чамамда.

Субҳонқул. Ана, холос! Ана, холос! Роса учрашибмиз-ку! Ҳо, ойиси, Сайқалхон!

### Ошхонадан овоз

Сайқалхон. Лаббай.

Субҳонқул. Киринг, ойиси.

Сайқалхон (*кириб*). Яхши ўтирибсизларми, меҳмонлар.

Илҳом (*кайфда*). Яхши ўтиришга ўтирибмизу, лекин ўзимизнинг тўйнинг ҳаракатидан гап бўлмайти, ойи. Тўйни мана шу ҳовлида ўтказамизми ёки ресторандами? Менга қолса ресторанда. «Зарафшон»нинг катта зали.

Субҳонқул. Ё пир-ай, ё пир-ай...

Илҳом (*қайнаб*). Ҳовлида бўлса, ойим толиқиб қолишлари мумкин. Яна ҳовлининг озодалигига пуртур этади. Дарахтларни, гулларни кесишга тўғри келади. Яхшиси «Зарафшон!»

С у б ҳ о н қ у л. Йигитчанинг кайфи ошганга ўхшайди, ойиси. Хафа бўлма.

И л ҳ о м. Кейин, биз дунё саёҳатига чиқишни ҳам мўлжаллаганмиз. Улкан теплоход! Денгизлар, океанлар! Сизга антиқа марваридлар, ойи, сизга Дамашқ пўлатидан ясалган исфаҳоний қиличлар келтирамиз, ада!

С а й қ а л х о н. Вой, бетамизлигини.

И л ҳ о м (ҳамон ўша даражада). Мана бу қуёшга қараган хонани менга кабинет қилиб берасиз, ойи. Бу ерга олимлар, шоирлар келиб туришади. Улар оғзи очилиб, ҳайрон қолиб кетишлари керак. Диссертация тўйини эса шу ерда, данғиллама хонадонимизда ўтказамиз. Меҳмонларни Лаълихон билан бирга кутамиз. (Куйлаб.)

Лаълихоннинг боғи бор, боғбони йўқ,  
Лаълихоннинг дарди бор, дармони йўқ.  
Лаълихон боғингга боғбонинг бўлай,  
Лаълихон дардингга дармонинг бўлай.

С а й қ а л х о н. Лаълихонингиз ким?

Э р г а ш. Нималар деяпсиз, Илҳомжон?

С у б ҳ о н қ у л. Лаълихонинг ким?

И л ҳ о м. Қизингиз. Ойшахонни биз Лаълихон деймиз.

С у б ҳ о н қ у л. Э, Лаълихонинг бошингда қолсин. Бу маст бўлиб қолди. Қани, тур ўрнингдан. Роса одамига учраган эканмизу.

Э р г а ш. Илҳомжон!

И л ҳ о м. Эргаш, тўйни СССР халқ артисти эмас, сен олиб борасан! Ирригатор! Мироб! Саҳройи! Давонгир!

С а й қ а л х о н. Ойша, бунинг нима бало эди?

О й ш а (кириб). Вой, ўлмасам.

С у б ҳ о н қ у л. Кир ичкарига, топган матойинг-

дан ўргилдим. Яна менинг олдимга олиб келиб ўтирибди уялмай.

Ойша. Ўзларингиз топгансиз.

Субҳонқул. (*Эргашга.*) Сизга ҳам рухсат, йигитча. (*Илҳомга*). Қани, туёғингни шиқиллат, акаси.

Илҳом Эргашга суяниб «Лаълихон» ашуласини айта-айта чиқади.

Субҳонқул. Уфф... Лўттибоз. Бир балодан қутулдим. Ўзи асади.

(*Хотинига бақриб.*)

Менга деса эрсиз ўтиб кетмайдимиз қизинг.

Сайқалхон. Сувни лойқалатган асли ўзингиз.

Субҳонқул. Мени ҳам йўлдан сен урдинг!

Сайқалхон. Менга қолса, ўша ўзи танлагани маъқул эди.

Субҳонқул. Анови ёнидагисини қара, қандай бамаъни. Бу учди-қолди.

Сайқалхон. Лақмасиз. Ёш болани ичиртириб, сайратиб ўтирибсиз.

Субҳонқул (*Ойшани кўрсатиб*). Асли мана бунинг ишни пишиқ қилмаган.

Ойша. Мен эр деяганим йўқ эди.

Сайқалхон. Барибир кимгадир тегишинг керакмиди, ахир?

Ойша (*истеҳзо билан*). Кимгадир...

Сайқалхон. Соз ўлтиришни буздингиз,

Алоқаларни уздингиз,

Не можаро кўргуздингиз —

Сиздан ўтди, сиздан ўтди!

Субҳонқул. Манов қизинг расво қилди,

Тўй ўрнига ғавғо қилди,

Бошларга минг савдо қилди,

Сендан ўтди, сендан ўтди!

Сайқалхон. Сиздан ўтди, сиздан ўтди!

Субҳонқул. Бари манов қиздан ўтди!  
Ойша.

Севги — кўнгилнинг гулшани,  
Шайдо юракнинг гулхани,  
Майли, уришсанглар мани,  
Мендан ўтди, мендан ўтди!

Сайқалхон. Энди нима қиламиз?  
Субҳонқул. Жўнат ашқол-дашқолини!

Парда

### БЕШИНЧИ КЎРИНИШ

Илҳомларнинг уйи. Хонадонда тўй олди тараддуди. Айвонда Иқбол ая, ҳовлида Райҳон ва бошқалар ҳар хил ишлар билан ивирсилаб юришибди.

Иқбол. Аёл бошим билан битта келиннинг ўн йилга етадиган сарупосини қотириб қўйганимга қойилмисан, Райҳон.

Райҳон. Қойилман, ойи. Лекин менга қолганда хасислик қилгансиз ўшанда.

Иқбол. Ҳайламай гапирма, келин. Унда замон бошқачароқ эди, қўлим калталиқ қилган.

Райҳон. Артелга раис эдингиз, ўшандаям. Истамагансиз-да ўзи.

Иқбол. Ҳадеб «ўшанда-ўшанда» деяверасанми. Ҳозир замон ўзгариб кетди. Орзу-ҳавасни қанча қиёмига етказсанг, шунча ярашади.

Райҳон. Телевизор билан радио: «Исрофгарчилик, исрофгарчилик» деб, мияни қоқиб қўлга берадику, сиз бўлсангиз...

Иқбол. Қўйсанг-чи, ўша телевизорингдан гапирётганларни... Ўзлариям етти маҳаллага етказиб тўй беришяпти.

Р а й ҳ о н. Кечаси уйқум қочиб, алламаҳалгача қулоқ солиб ётдим. Санасам, саккиз жойдан тўй оғови келяпти.

И қ б о л. Мен ҳам эшитдим. Биттаси роса гапирди-да. «Азиз ва муҳтарам жамоа» дейдими-ей, алламбало... қулоғимга ўтириб қолибди.

Р а й ҳ о н. Биттасининг ашулачиси ахийри хириллаб қолди, арра тортгандай.

И қ б о л. Бирорта дайди отарчидир-да!

Р а й ҳ о н. Отарчи қаёқда. Ҳозир бир хил артистлар ҳам тўйма-тўй юрадиган бўлиб кетган.

И к р о м (*жириб*). Роса оёғимда оёқ қолмади. Бозорининг падарига минг лаънат. Битта қўйни аранг беш юзга кўндирдик-да, ойи.

И қ б о л. Қалай, барвастами?

И к р о м. Секинроқ айтасизми? Қадди-қомати кетворган... (*Шўх куйлайди.*)

Нархи қиммат, эмас арзон,  
Туришлари чиройлик,  
Юрар бўлса ларзон-ларзон,  
Юришлари чиройлик.

Келишгандир қад-қомати,  
Овозлари жон ўртар.  
Олганнинг ҳам бор омади,  
Гоҳ йўрғалар, гоҳ йўртар.

Йилтиллайди лаққа гўшт — мой,  
Сигмас бели қучоққа,  
Ҳам гавдалик, ҳам ёқимтой,  
Кўзи ўхшар мунчоққа.

Т о ж и х о л а (*жириб*). Вой, келинингни кўрдингми, Икромжон? Қадди-қоматларидан ўргилай, самбит толдай навқиронки... Иқбол-ей, боржом сувинг борми, юрагим куйиб кетди...

Р а й ҳ о н. Ҳозир, хола. (Холодильникдан сув олиб, пиёлага қуюди.) Марҳамат.

Т о ж и х о л а. Шу сувни ҳар ичганда жаннатга бир тушгандай бўламан.

И к р о м. Унда жаннатнинг кўчасиниям чуқур қилиб юборибсиз-да, хола. Хўш, бошқа ишлар қандай кетяпти, ойи.

И қ б о л. Новвой билан ошпазни ҳам ҳозирдан гаплашиб қўймасаларинг бўлмайди.

Р а й ҳ о н. ЗАГСдан кейинги ўтиришни ўйлади-нгизми, Икром ака.

И к р о м. Уни жиянимиз бўйнига олди. Арақ-ша-рағиниям ўзи бажаради. Лекин яна минг сўмча қарз кўтармасак бўлмайди.

И қ б о л. Майли. Қарз узилар, хотин ёнга қолар... Одамлар ҳам қуруқ келишмас. Олганлар тўёнасини қайтарар-да.

И к р о м. Қуда томондан дарак йўқми?

И қ б о л. Қуда томон баланд жой экан, болам, ҳеч бўлмаганда уларга қиялаб бормасак бўлмайди, уят — ўлимдан қаттиқ.

И к р о м. Қиялаб борамиз деб, ўзимиз қия бўлиб кетмасак гўрга эди.

Т о ж и х о л а. Нафасингни иссиқ қил, бизам кўча-да ётганлардан эмасмиз.

И к р о м. Маҳалладаги анови кекса ўқитувчи кўриб қолиб, роса гап билан адабимни берди-да, қайдан ҳам бир арзи ҳол қилиб қолувдим...

• Т о ж и х о л а. Нима дейди?

И к р о м. Агар ҳамма тўй қилаётганлар саккиз қопдан гуруч, саккиз қопдан ун, халта-халта шакару конфет: икки юз килограмм гўшт, тўп-тўп газмол, яна қанчадан-қанча молу матони тўплаб исроф қила-верса, кўпчиликни ризқи қирқилади, ҳукуматнинг хазинасига зарар етади, дейди, нокас.

Р а й ҳ о н. Аслини олганда, рост-да, бир маҳалла-

нинг ўзида кунига етти-саккизтадан тўй бўлиб турса, шаҳарда нима кўп маҳалла кўп... магазинлар шипшийдон бўлиб қолмайди, ҳалиям, шунисига шукур.

**И қ б о л.** Ўша муаллим отанг бўлсаям, бунча биллама, келин. Тўй кунда бўлмайди. Орзу-ҳаваснинг чегараси йўқ... Таги кўрмаган...

**Р а й ҳ о н** (*жаҳли чиқиб*). Нимага қарғайсиз мени! Рост гапирган ўша муаллим.

**И қ б о л.** Нимаси рост экан. Ўша муаллимнинг бўлса, биттаю битта неварасини аллақайси ошхонанинг бурчагида уйлантирди.

**Р а й ҳ о н.** Тушунган одам-да, тўғри қилган.

**И к р о м.** Тушунмай ўлсин, ҳалигача элнинг оғзида гап.

**Т о ж и х о л а.** Туфли билан кийим-кечакни ҳам қўшниларниқидан қарзга олиб чиқиб турган.

**И к р о м.** Қарзга эмас, ижарага денг.

**Р а й ҳ о н.** Ҳамма кўрпасига қараб оёқ узатади. Сизларга ўхшаб чираниб, шапалоқ билан юз қизартириб юргандан, ўшаниси маъқул.

**И қ б о л.** Бу куйиб ўляпти. Кундош эмас, овсин келади-ку, қақилдоқ.

**Р а й ҳ о н.** Нега куяр эканман. Ўзингиз қарғадингиз, ўшанга тўғриси айтяпман.

**И қ б о л.** Қачондан бери тўғри гапирадиган бўлиб қолдинг?

**И к р о м.** Бўлди энди, ярашинглар. Яхшилиқни ёмонга айлантириш керак эмас.

**И қ б о л.** Ўлсин ўша муаллимнинг, ҳамманинг юрагига ғулув солмай.

**Н о р ж о н б у в и** (*кириб*). Ҳай, нима гап, тикувчига юборадиганларингни юборинглар, одам келди.

**И қ б о л.** Одам келган бўлса, ҳаммаси тайёр, айланайлар. Хонатласдан бир тўққиз, кристалондан бир тўққиз, кремплиндан бир тўққиз, ҳинд шойиси, япон

шойиси... Истаганидан ўзига ярашиқлик қилиб тик-  
тирсин. Бўйларига қоқиндиқ келингинамнинг.

Райҳон, Иқбол ая, Тожихола, Норжонбуви тугун-тугун мато-  
ларни олиб чиқиш билан овора бўладилар, уларнинг бу ҳаракати  
қувноқ лапар билан жўрликда давом этади.

И қ б о л. Хонатласлар ярашгайдир  
Келингинам қоматига.  
Ҳавас билан қарашгай эл  
Ўғлимнинг бу омадига.

Р а й ҳ о н. Юрганда сочлар тўлғаниб  
Ҳиром билан, ҳаё билан,  
Райҳон ҳиди, жамбил ҳиди  
Тарқалгай хуш ҳаво билан.

И қ б о л. Тўлин ойдек юзлари бор,  
Сер ишваю серноз бўлсин.  
Кимхобларим, шойиларим  
Йўлига поёндоз бўлсин.

Т о ж и х о л а. Келингинам уйлар қурса,  
Ҳар тоши мрамардан бўлсин.  
Деворлари олтиндану  
Остонаси зардан бўлсин.

Н о р ж о н б у в и. Ёнбошласа роҳат қилиб,  
Болишлари пардан бўлсин.  
Тақинчоғи марвариду  
Ёқуту гавҳардан бўлсин!

Т о ж и х о л а. Мунча матойим бор деб мақтана-  
верма. Иқбол, қуда томонникининг олдида бунинг ур-  
воқ ҳам бўлмайди.



Н о р ж о н б у в и. Келиннинг ота-онаси орзу-ҳавасли одамлар экан, бир ажойиб гарнатуралар олган дейди, ялтир-юлтир. Арабистонми, бир балоники.

Р а й ҳ о н. Парчадан саккиз кўрпа, духобадан саккиз кўрпа, хонатласдан саккиз кўрпа! Шифтга тегиб, лов-лов ёнади. Ўзим кўрдим.

И қ б о л. Куёв керак бўлгандан кейин қилади-да, айланайлар.

Н о р ж о н б у в и. Уни-буни қўю, пианиносини айтмайсанми? Қоп-қора, ялтиллади. Уйнинг ярмини эгаллайдиган.

Т о ж и х о л а. Иқбол, уйда ёлғиз қолганингда даранглатиб чалиб неварангни аллалаб ётасан-да (куйлаб):

Алла, жоним, аллаё,  
Кўзим қароғи, аллаё.

Р а й ҳ о н. Дод! Наргиз Бойхонова бўлиб кетинг-э... Қизил гиламнинг ўзидан икки жуфт! Кўриб, кўзим қамашди. Уларда бриллианту хрустал ҳам кўп. Сенга қўшади.

И қ б о л. У сен эдинг сўппайиб кириб келган.

Р а й ҳ о н. Сўппайиб келсам ҳам, кунингизга ярапманми?

И қ б о л. Сенга гап бўлса.

Шу орада гўзал, хушқомат б и р қ и з киради. Бу даҳмазаларни бир оз қизиқсиниб кузатиб туради.

Қ и з. Ассалому алайкум.

И қ б о л (ҳайрон). Воалайкум... Келинг, айланай, келинг. (Райҳонга.) Налогчимикин? Тўлаган эдик, шекилли.

Қ и з. Мен... ўзим.

Р а й ҳ о н. Электрларни текшириб юрган бўлсалар керак-да. Марҳамат, ўтиринг.

И қ б о л. Бизларники ҳаммаси парадка, айланай. Меҳмонга доим эшигимиз очиқ. Истасанг сўрига чиқ, бўлмаса мана, курси.

Қ и з. Сизларни ишдан қўяр эканман-да... Кечирасизлар.

И қ б о л. Ҳечқиси йўқ, айланай, ҳечқиси. Мени эскича, уят қиладиган кампирлардан деб ўйлама. Райҳон, чойинг борми, келин.

Қ и з. Раҳмат, овора бўлманг. Ишларингиз кўпайиб кетганга ўхшайди, аслида қарашиб юборсам бўлар экан.

И қ б о л. Қари келса — ошга, ёш келса — ишга, дейдилар. Қарашсанг қараша қол. Отинг нимаиди, қизим?

Қ и з. Малика. Илҳомжоннинг ойилари бўлсангиз керак? У кишига айтадиган жиндаккина гапим ҳам бор эди.

И қ б о л. Ҳали-замон келиб қолади. Ҳойнаҳой, бирга ишласаларинг керак-да?

М а л и к а (*вазиятни тушуниб*). Ҳа.

Малика фартук боғлаб, ишни нимадан бошлашни билмай туради.

И қ б о л. Озгина сабзи тўғрашиб юборсанг, бир чимдимгина ош қилиб, бирга кўк чой ҳўплашамиз. Ошхона мана бу ёқда. Пичоқлар ҳам ўткиргина, қўлингни эҳтиёт қил. Ё хамир томоқ қилайликми, қоришга қалайсан?

М а л и к а. Нима десангиз ўша. Майли, ош бўлса ош. Ўзим ҳам соғинганман. (*Ошхонага кириб, сабзи олиб чиқиб, чаққонлик билан тўғрай бошлайди. Идишларни саранжом қилишади. Хонтахта атрофига кўрпачалар ёпиб, супурги билан у ёқ-бу ёқни ораста қилади ва умуман, бу хонадонда бўлаётган ишларга аралашиб кетади.*)

И қ б о л (*ҳавас билан боқиб*). Исминг жисминга монанд экан. Мингга кир, қизим. Яхши жойлардан буюрсин. Мен ҳам яхшигина келин қиляпман. Ана, уйларини чўғдай ясатиб қўйибман. Данғиллаган қизил тўй қилиб, ашнатиб юбораман, насиб бўлса.

М а л и к а. Айтганингиз келсин.

И қ б о л. Бизларни роса куйдирди аввалига бу шумтака. Уни десак йўқ деди, буни десак йўқ деди. Билмадим, осмондаги ой керак эканми бунга.

Р а й ҳ о н. Осмонда учадиганидан оламан дедилар-да Илҳомжон. Ҳша ой дегани-да.

И қ б о л. Э, осмонда учмай ўлсин. Бошимга урамани уйда бўлмайдиган нарсани. Мана, ниҳоят энди ўзимизга маъқулини топдик, насиб бўлса.

Р а й ҳ о н. Нега қарғайсиз бировнинг боласини? Арпангизни хом ўрибдими биров?

И қ б о л. Вой, ўлгир-эй, тилинг заҳар. Бировнинг боласи дейсан, ота-онаси йўқ нарсани?

М а л и к а. Осмонда учса ёмонми, опоқи?

И қ б о л (*ҳавас билан тикилиб*). Ўзи билан ишлайдиган сенга ўхшаш ойда қизлар бор экан-ку, нега ҳадеб ўзиникини ўтказаман деди у бебош?

Р а й ҳ о н. Уйланадиган — Илҳомжон, ойи. Сиз билан мен эмас-ку. Нима қилардингиз ошиқ-маъшуқларнинг ишини бузиб?

И қ б о л. Вой, заҳар-эй, гапиртирмайман дейди-я. Чойингга қара, келин, ҳар гапга аралашавермайди одам деган.

М а л и к а (*саволини такрорлаб*). Осмонда учса ёмонмиди опоқи?

И қ б о л. Ёмонлиги шундаки, қизим, тиззасидан баланд кийиб... болдирини оппоқ қилиб очиб... Эркакларнинг кўзини бақрайтириб...

М а л и к а. Тиззасидан баланд кийиш учун фақат самолётда ишлаш керак эканми... истаса... Бу — баҳона эмас, опоқи.

И қ б о л. Ҳафталаб алламбало шаҳарларга учиб юрса, боласини ким боқади?

Р а й ҳ о н. Ҳозир ҳамманинг боласиям магазиннинг сути билан катта бўляпти.

И қ б о л. Касби қуриб кетсин. Самолёти осмони фалакнинг бир бурчагида қалқиб кетиб, майиб-пайиб бўлиб қолса, нима қиламан? Бир умр ногирон бўлиб...

Р а й ҳ о н. Бир нарса бўламан деса, ерда ҳам бўлаверади... Қўшнимизнинг хотини метронинг мармаида тойиб кетибди-ку шошганидан...

М а л и к а. Бошқа сабабингиз бўлгандир? Бир-бирини севишса, қўйиб бериш керак эди.

И қ б о л. Айтишингга осон, қизим. Уйда аёл бўлмаса файз қочади.

М а л и к а. Ёмонми, келинингиз қанот қоқиб, мамлакатнинг ранго-ранг шаҳарларига учиб, одамларга, ҳукуматга хизмат қилса?

И қ б о л (*заҳарханда билан*). Эри уйда ўтирсин, кир ювиб, уй супуриб, бола боқиб, овқат пишириб, пайпоқ ямаб...

М а л и к а. Боғча бор, ясли бор — дегандай.

И қ б о л. Йўқ! Айтдимми гап битта. Мен борман, бу хонадонга унақаси қадам босолмайди.

М а л и к а. Босса-чи?

И қ б о л. Қадамини қирқар эдим унақа манжалақининг... қирилиб кетсин.

Р а й ҳ о н. Нега қарғайсиз бировнинг қизини?

И қ б о л. Аралашма. (*Маликага.*) Мана сен бошқача экансан, қизим. Бирга ишлар экансизлар, тил топишмабди-да Илҳомжон сен билан? Ё бошинг бандми?

М а л и к а. Келинингиз гўзалми, сизга маъқулми, опоқи?

И қ б о л. Гўзал бўлиб ҳуснига нон ботириб ермидим. Ақлли, покдомон бўлса бўлгани.

М а л и к а. Илҳомжон нима дейди?  
И қ б о л. Ҳа, аранг ўшанга кўндирдик. Бунга қол-  
са, ҳалиям ўша учадигани керак дейди.  
Р а й ҳ о н. Ана, Илҳомжон ҳам келдилар.

И л ҳ о м кириб, Маликани кўради-да, тошдай қотиб қолади.

И л ҳ о м. Малика! Салом.

М а л и к а. Салом.

И л ҳ о м. Нималар қиляпсиз?

М а л и к а. Ният қилган эдим.

И л ҳ о м. Қайси шамоллар?

М а л и к а. Хатингизни олган эдим.

И л ҳ о м. Раҳмат.

М а л и к а. Тўйлар муборак!

И л ҳ о м. Раҳмат. Кейин тушунтираман сизга.

М а л и к а. Тушуниб турибман. Яна бир марта  
табриклайман.

И л ҳ о м. Шу келишда?..

М а л и к а. Калькуттадан. Меҳмонхонага қўндиму,  
сизни кўрай деб...

И л ҳ о м. Нега меҳмонхона?

М а л и к а. Қоидаси шундай.

И қ б о л (*Райҳонга*). Калготкаси нима?

И л ҳ о м. Калготка эмас, Калькутта. Ҳиндистон-  
дан келяптилар, ойи.

И қ б о л. Вой, айланай-эй, шунча ерлардан тўйга  
етиб келай дебсиз-да, а? Ҳай, Илҳом, манови қиз жу-  
даям зўр экан-ку... Гапларини эшитсанг... Сен бўл-  
санг, қайси каваклардаги нарсаларни гапириб юриб-  
сан. Тўйга айтасан буни. Тайин келасан, хўпми? Сен-  
га ҳам яхши жойлардан ато қилсин.

М а л и к а. Раҳмат. Албатта. Ўзим хизматда бўла-  
ман.

И қ б о л. Хизматинг нимаси? Тўрга ўтқазиб қўя-  
миз. Келиннинг ёнгинасига. Гаплашиб ўтирасизлар.

Т о ж и х о л а. Ҳиндистондан келган бўлсалар, ҳиндча қўшиғу ўйинлар билан тўйни қизитиб бера-сиз-да, «Байжу-Бавра» қилиб, қизим.

И қ б о л. Уғлим, сен меҳмон қиз билан чой-пой ичиб туринглар, мен ишларни юриштириб юборай. Райҳон, сен монтер укангни ҳозирдан тайинлатиб қўй, лампочкасини, варанглаб гапирадиганини — ҳаммасини саранжомлаб қўйсин.

Р а й ҳ о н. Хўп бўлади. Кеча бир бўлагини таш-лаб кетди. (Чиқишади.)

И л ҳ о м. Маликаҳон, кечирасиз, жиндай англа-шилмовчилик бўлиб турибди. Кампир қисталангига олиб қолди.

М а л и к а. Хайрли иш. Омад тилайман. Хатингиз-ни олган эдим...

И л ҳ о м (гап тополмай). У ёқда оби ҳаволар?

М а л и к а. Иссиқ.

И л ҳ о м. Ҳмм... Кейинги режалар?

М а л и к а. Москва. Яна ўн кунча у ерда бўлишим керак.

И л ҳ о м. Мен... Фақат сизни деганман. Бу қатъий аҳдимни бузадиган қудрат дунёда йўқ!

М а л и к а. Тўйингизга таклиф қилган экансиз.

И л ҳ о м. Нималар деяпсиз, Маликаҳон? Қанақа тўй?

М а л и к а. Мана бу гаплар... Қўшақаринглар.

И л ҳ о м. Хатда ёзганман-ку... Сиз мени тушунма-япсиз... Мен сизга тушунтираман...

И л ҳ о м. Маликаҳон, тингланг юрак сўзимни,

Кўнгил ўша, аҳд ила паймон ўша.

Бахш этганман сизга буткул ўзимни,

Мақсад ўша, орзую армон ўша.

Мард сўзидан, арслон изидан қайтмас,  
Дилдан чиқмай, йигит бир сўзни айтмас,

Сиз менга бахт, эзгу орзу, ҳур нафас,  
Севги ўша, фикру ҳаяжон ўша.

М а л и к а. Бу келишим синов ё гумон эмас,  
Сиз ўйлаган ёхуд имтиҳон эмас,  
Менинг қалбим сиз учун ниҳон эмас,  
Аввал қандай бўлса гар, ҳамон ўша.

Сизни ҳеч ким мажбур, қистов этолмас,  
Эрк сизники, ҳеч ким синов этолмас,  
Қуруқ ваъда юракни овутолмас,  
Бўлмаса гар виждону имон ўша.

И л ҳ о м. Маликаҳон, мен сизни деганман. Тушунинг, сизни! Сиз-чи?

М а л и к а. Мен ҳам.

И л ҳ о м. Маликам!

И қ б о л а я, Т о ж и х о л а, Н о р ж о н б у в и, Р а й ҳ о н я н а  
кўринадилар.

И қ б о л. Худога шукур, кийимликларни ҳам жўнатдик. Гаплашиб ўтирибсизларми, айланайлар.

И л ҳ о м. Ҳа, бир илмий масалада...

И қ б о л. Илмий масала ҳам қуриб кетсин, ҳовли рўяда гаплашиладиган бўлса.

Р а й ҳ о н. Нима, хилватда гаплашишлари керакми?

Шу аснода дарвоза олдида ғала-ғовур хотин-халажнинг бақриб гаплашгани, кимларнидир жаҳолат билан келаётгани эшитилади. Р а й ҳ о н, И қ б о л, Н о р ж о н б у в и, Т о ж и х о л а ташқарига отиладилар, бир нафасдан кейин, яна ичкарига чекинадилар. Орқаларидан — қуда томоннинг икки аёли дарғазаб қиёфада киради.

Биринчи аёл. Ол юборган латта-путтангни.  
(*Тугунларни иргитади.*)

Иқбол. Нима гап, айланайлар?

Иккинчи аёл. Э, айланмай ўлиб кет, ўглингни  
эплай олмасанг нима қиласан уйлантириб?!

Малика (*қўрқиб*). Мен кетай.

Илҳом. Кетмайсиз.

Биринчи аёл (*Илҳомни кўрсатиб*). Ана, шал-  
вироқнинг ўзиям шу ерда экан.

Иккинчи аёл. Уялмадингизми, опўси, катта  
бир обрўйли одамни масхара қилиб... Пияниста!

Тожи хола. Жияним ичмайди-ку, нима деб  
вақиллаяпсиз?

Биринчи аёл. Ичмайди-я ичмайди. Хурмачаси  
кўтармаса нима қилади ликонглаб.

Иккинчи аёл. Тенг тенги билан, тезак қопи  
билан, ўзларингга ярашароғини топсаларинг бўлмас-  
миди? Нокасталар!

Иқбол. Нимадан камлигимиз бор экан?

Биринчи аёл. Эшитдик. Телевизорларингиз  
бўла туриб, томоша қилмас экансизлар, ишдан чиқиб  
қолади деб.

Райҳон. Баҳонани қаранг (*қизишиб*). Ўзларинг-  
чи? Сигиримиз бор деб, ҳали-ҳалигача таппи ёпар  
эмишсизлар-ку!

Иккинчи аёл. Гўштниям қўшнининг холо-  
дильнигига чиқариб қўяр экансизлар. Ўзимизники  
қидланиб қолмасин деб.

Райҳон (*бўш келмай*). Эшитганмиз, кир ўрала-  
ринг бўла туриб, мағзавани кўчага септириб, маҳал-  
лада гап-сўз бўлганларингизни.

Иқбол. Ана, холос. Бу қандай шармандалик,  
вой, ўлмасам!

Норжонбуви. Ўзларинг ким бўлдиларинг?  
Тахта искалатини кемириб семириб ётган каламуш-  
лар!



Б и р и н ч и а ё л. Тахта складини тилга олманг,  
уям буюрганга буюради.

И қ б о л. Буюрмай ордона қолсин!

И к к и н ч и а ё л. Ҳамма эшиқдан тепки еб қат-  
гансизлар...

И қ б о л. Тепки эмас, чертиб-чертиб танлаяпмиз.

Б и р и н ч и а ё л. Танлаб-танлаб, тозисини топа-  
сизлар бир кун.

И қ б о л. Топамиз. Дарахтни силкиса қиз тўкила-  
ди. Мана, Ҳиндистондай жойдан ҳам паризод қизлар  
(*Маликани кўрсатиб.*) ўз оёғи билан кириб келяпти.

Ҳамма унга тикилади.

М а л и к а (*уялиб*). Йўқ, унақа деманг, мен ўзим...

И қ б о л. Сен жим туравер, йўлини қиляпман.

Бу пайт О й ш а билан Э р г а ш кирадилар.

Т о ж и х о л а (*ҳайратда*). Буниси қизиқ бўлди-ку,  
Райҳон. Келининг ўзи кириб келди йўрғалаб, вой  
ўлмасам.

Б и р и н ч и а ё л. Ойша! Сен нима қилиб юрибсан  
бу ерда? (*Эргашни кўрсатиб.*) Бу ким?

И к к и н ч и а ё л. Шармандамиз чиқмасдан жў-  
наб қолайлик, эгачи. Ўша — оналарининг ўзлари ҳал  
қилишсин.

О й ш а (*Иқболга*). Ассалому алайкум.

Т о ж и х о л а. Иқбол! Келинингга қарасанг-чи.

О й ш а. Сиз янглишяпсиз, хола. (*Иқболга.*) Ая,  
келинингиз мана булар! Салом, Маликахон! Янглиш-  
мадимми?

И л ҳ о м. Йўқ. Ойшахон, янглишмадингиз. Ойи,  
(*Маликани кўрсатиб.*) келинингиз... Қалбимдаги гў-  
зал!

И қ б о л. Вой, ёронлар, ҳеч балога ақлим етмаяп-  
ти. Икром! (*Райҳонга.*) Эринг қаёқда, қақилдоқ?

И к р о м. Мен шу ердаман, ойи.

И қ б о л. Кел, болам. Бир эмас, бир йўла икки келин бўлиб қолди. Қайси бирисини олай?

И к р о м. Ўзи хоҳлаганини-да, ойи. (*Илҳомга.*)  
Нима бўляпти ўзи?

И л ҳ о м. Танишинг, ака. Мен сизга айтган Ма-лика.

И к р о м. Салом, хурсандман. Хуш келибсиз. Яша, ука, дидинг баланд.

И л ҳ о м. Булар — Эргаш билан Ойшахон. Сизга гапирган эдим.

И к р о м. Раҳмат, синглим. Сизга ҳам, Эргаш.

Н о р ж о н б у в и (*тушунолмай*). Нима деяпти Икром. Уришяптими?!

Т о ж и х о л а. Жим ўтир, кар қулоқ. Юрагим ёри-либ кетаман деяпти.

И қ б о л. Войдод, ёронлар, мени алдашди... Рай-ҳон! Қақилдоқ, эринг ҳаммасини билиб юрган экан.

Р а й ҳ о н. Ўзингизни болангиз. Бир қарғанг энди маза қилиб.

И қ б о л. Уйимга ўт кетди, тўйимга кўз тегди. Қандоқ қилиб маҳаллага чиқаман!

И к р о м. Ойи, сиз тушунган аёлсиз. Ахир, келин мана-ку. Нега тўй бўлмас экан.

Р а й ҳ о н (*Иқболга тақлидан*). Ҳиндистондай жойдан ўз оёғи билан келиб турибди-ку ойи.

М а л и к а. Наҳотки, мен сизга ёқмаётган бўлсам. Ҳозиргина яхши жойлардан ато этсин дедингиз-ку, ойижон.

И қ б о л (*эриб кетиб*). Вой, ойижон деган тилла-рингдан ўргилай, келингинам.

Фонда «Ёр-ёр» музыкаси.

Ҳой Икром қўй нима бўлади энди? Юборадиган жой йўқ-ку, болам.

Т о ж и х о л а. Қўйни Ҳиндистонга юборилади-да.  
Н о р ж о н б у в и. Бо, Ҳиндистон подшоси қўйинг-  
ни кўзга илар эканми...

И к р о м. Ташвишланманглар, ойи... Қўйни ижа-  
рага олиб келган эдим бир ўртоғимдан. Яна ўрнига  
қайтади-қўяди.

Т о ж и х о л а. Вой, муғомбир Икромжон-эй,  
нималар қилиб қўйдиларинг.

Шўх музика янграйди, қўшиқ ва рақс бир-бирига уланади.

Ҳаёт равшан, зебо, гулгун,  
Дилларда қолмагай тугун.  
Шўх-шўх босиб, дуркун-дуркун,  
Ўйнанг бугун, ўйнанг бугун.

Тўй сизники, барно ёшлар,  
Тўй сизники, қариндошлар,  
Чилвир сочлар, қалам қошлар,  
Ўйнанг бугун, ўйнанг бугун.

Қайнотадир, қайнонадир.  
Ёшларга ота-онадир,  
Тўй севгидан нишонадир,  
Ўйнанг бугун, ўйнанг бугун.

Кўрганнинг кўнглин олалар,  
Бизнинг ажойиб холалар,  
Боғингда унгир долалар,  
Ўйнанг бугун, ўйнанг бугун.

Сўзи кўнгилни аллалар  
Яхши ниятли аммалар,  
Ўйингга тўлгур ғаллалар,  
Ўйнанг бугун, ўйнанг бугун.

Овингиз юрса, овчилар,  
Обдон дилингиз очилар,  
Ҳорманг энди, жон совчилар,  
Ўйнанг бугун, ўйнанг бугун.

Сочай бошингдан тангалар,  
Гапдон, билимдон янгалар,  
Ўйнамаганлар танг қолар,  
Ўйнанг бугун, ўйнанг бугун.

Етиб келинг, ҳей божалар,  
Овсинлару ҳам поччалар,  
Созандалар яйраб чалар,  
Ўйнанг бугун, ўйнанг бугун.

Атлас кўйлаклар товланиб,  
Тақинчоқлар ўтдай ёниб,  
Ширмон юзлар оловланиб,  
Ўйнанг бугун, ўйнанг бугун.

И л ҳ о м, } (залга мурожаат қилиб). Бизларни мубо-  
М а л и к а. } рақбод қилинглар, меҳмонлар, меҳри-  
} бонлар.  
О й ш а, } Бизларни ҳам. Илтимос қиламиз. Тўйи-  
Э р г а ш. } мизга марҳамат!

П а р д а

# ЖУМАНИЁЗ ЖАББОРОВ

ЙИЛЛАР УТИБ!...

ёхуд

УЖАРЛАР ТАҚДИРИ

2 парда, 9 кўринишли  
музикали лирик-драматик  
қисса

---

<sup>1</sup> Абдурашид Раҳимов билан ҳамкорликда ёзилган.

## ҚАТНАШАДИЛАР

О з о д а.  
Қ а л а н д а р.  
Д и л м у р о д.  
К е л д и ё р.  
Д у р д о н а.  
Қ у в о н д и қ.  
Т о ж и в о й.  
Ф а х р и д д и н.  
Г у л и.  
Ш и р и н.

## БИРИНЧИ ПАРДА

### БИРИНЧИ КЎРИНИШ

Замонавий хонадон. Эрталаб. Оила нонушта ҳаракатида. Музика садолари. Д и л м у р о д шитоб билан кийиниб, енгил-елпи чой ичиб, тезроқ кўчага чиқмоқчи. У шўх куйлайди.

### Д и л м у р о д

Вақт кетса — нақдинг кетгай,  
Нақд кетса — бахтинг кетгай.  
Уйғонмай туриб офтоб,  
Тез ювиниб ишга чоп.  
Бахтингни меҳнатдан топ.  
Бино қуриб, ёз китоб,  
Ҳар ишда бор сарҳисоб!  
Бекор ўтган ҳар лаҳза  
Кўнгилга солур ларза.  
Вақт қадрин билса одам,  
Яшнар кўзига олам.  
Чаққон ташланур қадам,  
Бўлгайдир соғлом, бардам,  
Омад ёр бўлгай ҳар дам!

Қўшиқнинг охирида Қ а л а н д а р, изма-из О з о д а чиқишади.

Д и л м у р о д. Қалай? *(Қўшни хонага ўтади.)*  
Қ а л а н д а р. Чакки эмас, ўғлим. *(Озодага.)* Сиз  
министрлик биносида эмас, хоним, уйимиздасиз. Ҳа-

деб буйруқ беравермасангиз бўлармиди. Насихат эмас, маслаҳат-да. Бу, биринчидан. Иккинчидан, бу уйда, янглишмасам, буйруқ беришга ҳақли ягона ким-са... Мен бўлсам керак. Кўнглингизга олмангу, шунақароқ, шекилли...

О з о д а. Ҳа, бу уйда асосий буйруқбоз — сиз. Соҳиби фармон.

Қ а л а н д а р. Уйланг, Озодахон, бу гоят ҳаётий масала!

О з о д а. Қаландар ака, ҳар қандай бино энг аввало мақсадга хизмат қилиши керак.

Қ а л а н д а р. Лекин у санъат асари ҳам бўлиши керакми?

О з о д а. Сиз қураётган бино санъат кошонаси ёки маданият қасри эмас-ку, азизим.

Қ а л а н д а р. Мана шу ерда янглишяпсиз, Озодахон. Ёш авлод билим-ҳунар ўрганадиган бу даргоҳ ички ва ташқи гўзаллиги билан ҳам ўзига жалб қилиб туриши керак.

О з о д а. Сиз фантазияга қанот боғлаб, яна давлат хазинаси имкониятларини унутяпсиз.

Қ а л а н д а р. Сиз мансабда юқорилаб, ўзгариб қолдингиз, хоним. Ҳамма нарсани етти ўйлаб, бир кесаман дейсиз. Дангаллик, журъат етишмаяпти.

О з о д а. Бу ҳақда фақат бошқармада гаплашамиз, соҳиби фармон.

Қ а л а н д а р. Аслида, уйда ҳам масъулу соҳиби фармон ўзларику-я.

## Му з и к а

(Дуэт)

Сиз уйда офтобимиз,  
Сизга бизлар тобемиз.  
Фақат юракдан бўлсин  
Саволу жавобимиз.



## О з о д а х о н

Бу сўзингиз заб яхши,  
Яхши сўз — инсон нақши.  
Сиз қалбим соҳибисиз,  
Тақдирнинг менга бахши.

## Қ а л а н д а р

Порлаб турар кўзингиз,  
Қонундир ҳар сўзиңгиз.  
Бахтимизга бор бўлинг,  
Дилдор бўлинг ўзингиз.

## И к к а л а с и

Диллар бўлса пайваста,  
Эллар боқур ҳавасда.  
Ортар ҳаёт, бахт завқи,  
Ишлар бўлур ораста.

О з о д а. Демак, иш хусусида фақат бошқармада гаплашамиз, вассалом.

Д и л м у р о д қаҳ-қаҳ уриб киради.

Д и л м у р о д. Яна иш можароси, ҳокимият жан-жали! Жонга тегди-ку бу уйдаги қўшҳокимиятчилик. Жуда тўғри гап айтдингиз, уй — бу уй. Ишхона эмас. Уйда уй иши билан, ҳеч бўлмаганда менинг тарбиям билан шуғулланиш керак. Агар бу ҳам камлик қилса, киногами, театргами бориш керак. Бу яқин орада бирор кинога тушганларингизни эслай олмайман.

Қ а л а н д а р. Гапинг рост. Янглишмасам, тош асридан бери кинога тушганимиз йўқ.

О з о д а. Жуда тўғри гап. Яхшики, онда-сонда

бўлсаям меҳмондорчилик бор. Охирги марта Муҳаббатларникига борганимиз-да тугилган кунига. Дўсту биродарларниям ўша баҳонада кўрган эдик.

Д и л м у р о д. Ана, айтмадимми. Сизлардан кўра дўстларингиз билан мен кўпроқ учрашиб тураман. Муҳаббат опамларникига борган эдим. Салом айтдилар.

Қ а л а н д а р. Саломат бўлсинлар... Сен у ерда нима қилиб юрибсан?

Д и л м у р о д. Кеча «Физиклар ва лириклар» мавзuida филологлар билан учрашувимиз бўлган эди. Дурдонани уйига кузатиб қўйдим.

Қ а л а н д а р. А-ҳа, шунақа дегин?!

Д и л м у р о д. Шунақа. Мен кетдим бўлмаса. Бугун ҳам бир оз кечиксам керак. Билимлар уйида муҳим лекция бор.

О з о д а. Кечки овқатга етиб кел, ўғлим.

Д и л м у р о д. Яхши, ойижон. Ҳаракат қиламан.

Қ а л а н д а р. Келиб бўпти. Йигит бўлиб қолди. «Менинг тарбиям билан шуғулланинглар эмиш».

О з о д а. Ҳа, соҳиби фармон катта йигит бўлиб қолди. Сизнинг оёқ кийимларингизни кия бошлаганига қанча бўлди-ю, пайқамадингиз ҳам.

Қ а л а н д а р. Йиллар ўтяпти. (Эслаб.) Йигирма йил ўтибди-я орадан. Қурилишимизга келганингизда чарсиллаган қизча эдингиз. Ўжар эдингиз.

О з о д а. Ҳозир-чи?

Қ а л а н д а р. Ҳозир ҳам чарсиллайсиз.

Му з и к а

(Дуэт)

Қ а л а н д а р

Йиллар ўтса-да гарчанд,  
Меҳрингиз дилга пайванд.

Севгимиз сайқалланиб,  
Топдик бахт, топдик фарзанд.

### О з о д а

Орттирдик қанча дўстлар,  
Меҳрибон қора кўзлар.  
Уларнинг ҳар бир иши  
Юртга меҳрдан сўзлар.

### Қ а л а н д а р

Ҳали олдда йўллар кўп.  
Биз яшовчи йиллар кўп.  
Биз забт этгувчи ёрқин,  
Шарафли манзиллар кўп.

### О з о д а

Лекин қайтмагай ёшлик,  
Шўх мавжлару бебошлик.  
Ахир, ҳаёт йўлида  
Анча давонлар ошдик.

Шу пайт телефон жиринглайди. Қаландар трубкини олади.

Қ а л а н д а р. Эшитаман, салом. Ҳозир. Сизга,  
Озодахон.

О з о д а. Салом, Муҳаббатмисан? Уйга келмади-ми? Нега? Очиқроқ гапирсанг-чи. Йўқ, бизникига кирмади. Ишхонасига қўнғироқ қилмадингми? Балки кутилмаганда командировкаси чиқиб қолгандир. Телефон қилолмаётган бўлсанг, ўзинг бор идорасига. Қайтишда кирарсан бизникига? Албатта кир. Гапириб берасан батафсил. Кутаман. *(Трубкини қўяди.)*  
Келдиёр икки кундан бери уйга келмаётган эмиш.

Қ а л а н д а р. Бирор иш билан кетгандир-да, огоҳ-лантириб улгурмаган. (Кетагуриб.) Демак, тушдан кейин бошқармага ўтаман.

Озода ёлғиз. Музыка.

О з о д а. Негадир кўнглим ғаш.

Парда

ИККИНЧИ КҮРИНИШ

Ўша квартира. Музыка оҳангида Т о ж и в о й ҳар хил совга-саломларни хонага ташиш билан овора. Қ у в о н д и қ киради.

Т о ж и в о й

Мумкинми савол қилсак,  
Қандай етдингиз, билсак?  
Келдингизми ҳаводан,  
Ё поездда саҳродан?  
Ё кемада дарёдан,  
Қайси олис маъводан?  
Толиққандирсиз йўлда.  
Кезиб чаманда, чўлда.  
Истасангиз чой тайёр,  
Иссиққина жой тайёр.

Қ у в о н д и қ

Йўқ, дўстгинам, уринманг.  
Кўп меҳрибон кўринманг.  
Кўриб дийдорингизни,  
Оламда борингизни,  
Бениҳоя хурсандман.  
Ҳамон-ҳамон ўшасиз.  
Айқин сойдай жўшасиз.

Бирга куйлашиб-қувнашиб, ҳазил-ҳузул рақс қиладилар.

**Қ у в о н д и қ.** Лекин, Тоживой, сен ҳамон ўша-ўшасан. Хурсандман жуда.

**Т о ж и в о й.** Хурсанд бўлсанг бордир. Бироқ ҳамон ўша-ўшасан деганингга тушунолмай турибман. Нега энди ўзгариб, бошқача бўлишим керак? Бу гапинг қизиқ бўлди-ку? Ўзгарадиганлар ўзгараверсин. Ҳатто хотиним ҳам мени ўзгартира олмади. Уринишга уринди-ю, лекин беҳуда. Аксинча мен унинг ўзини ўзгартириб юбордим. Мен унга: о, азизам, сен билан ҳаётда дуч келганимиз хато бўлган экан. Бу хатони тузатиш мумкин. Умрингда бир яхшилик қилиб, мени тарк этгину ўзимни ёлғиз қолдир, танҳолик лаззатини татиб, бир маза қилай, дедим. Хоним бўлсалар: бекорларни айтибсиз, дўмбоққинам, менинг ташлаб қўядиган эрим йўқ. Сенга, уй-жойингга ўрганиб қолганман, дейди. Меникидан ишга бориб-келиш ўнғай эмиш... нега куласан?... Бу гапни эшитиб: Агар шундай бўлса, шу жойлар сеники бўла қолсин, дедиму шартта чиқиб кетдим чамадонни қўлтиқлаб... Энди эркин, озод қушман. Шу эмасми, дўстим, энг олий бахт?

Мен эркинман, озодман,  
Эркинлигимдан шодман.  
Саҳналарда сайрайман,  
Дўстлар билан яйрайман.  
Бургутдай парвозим бор.  
Созим бор, овозим бор.

**Қ у в о н д и қ.** Шундай дегин? Балки, сен унинг кўнглига йўл тополмагандирсан? Аёл киши алоҳида эътибор талаб этади. Биз буни кўпинча унутиб қўямиз, азизим. Хотин ҳамма нарсамизни кечираверади деб ўйлаймиз. Сен унга бирорта гул ҳада қилганмисан, бирор оғиз ширин сўз айтганмисан?

Т о ж и в о й. Мени нодонга чиқарма, огайним подполковник. Гул ҳам ҳады қилдим, ширин гаплар ҳам айтдим... Лекин бўлмайдиган нарсани бўлиштириб бўлмас экан. Эсимда, бир куни спектаклдан уйга қайтаётган эдим. Баҳор. Олам гуллар хуш бўйидан муаттар. Мен унга гул совға қилмоқчи бўлдим. Вақт алламаҳал, қани энди кўзга суртишга бўлсаям бир донаси! Ҳеч жойда йўқ! Лекин йўлини топдим. Ҳирладим, ҳа, Ҳирладим, нега куласан? Сирень шохидан бир гужумини шартта синдириб олдим. Ҳзимни бахтиёр ҳис этиб, уйга боряпман. Хурсанд ва музаффар бир қиёфада хонимга гулни узатдим. Ҳйлайсанки, «Оҳ, ажиб гуллар! Буни қаердан олдингиз? Раҳмат!» деб хоним бўйнимга осилдими. Бўлмаган гап! «Сизнинг санъатингизга бундан қимматроғини ҳады қилишса ҳам бўларди. Нокаслар», деб лабини буриб пичинг қилди. «Спектакль тугагани қачон эди! Санғимай уйга келсангиз бўларди, хонабозор!» деб ўшқириб, заҳарини сочди. Шунақа гаплар, огайни. Мен ҳеч нарса демардим, аммо-лекин ич-ичимдан зил кетдим... Эрталаб қарасам, ҳалиги гул балконда ётибди шалвираб, сўлиб, сувсиз, меҳрсиз... *(Ҳйланиб қолади, кейин куйлайди.)*

Севгидан орзу наҳотки шул эди,  
Дил куйиб, мотам аро машғул эди.  
Гарчи оддийдир гулимнинг барглари,  
Гул эмас, топталган ул кўнгил эди.  
Мен муқаддас билганим шан туйғулар,  
Паст тилакларга, ажабки, қул эди.  
Чўғ дебон қалбимга солган лаҳча ўт,  
Бир ҳовуч сўнган, бефойда кул эди.

Кечирасан, огайни, ҳамма ёқни ҳасратга тўлдириб юбордим. Ҳўш, Ҳзингдан сўрасак, барвақтроқ учиб келдинг, чамаси. Бугун 4-май холос, янглишмасам,

18- майда учрашишимиз керак эди. Шундай эмасми?

Қувондиқ. Буни мен сендан сўрашим керак. Нима гап бўлди ўзи? Мана буни ўқиб кўр. *(Телеграмма узатади.)*

То ж и в о й *(ўқийди)*. «Тезроқ етиб кел, энг яқин дўстимизнинг ҳаёти хавф остида...» Ҳеч нарса тушунмаяпман. Шукурки, ҳаммамиз соғ-саломат ишлаб юрганга ўхшаймиз...

Қувондиқ. Аввалига, мен ҳам ҳайрон бўлдим. Бундоқ қарасам, ҳазиллашадиган гап эмас. Озода бундай ҳазил қилиши мумкин эмас.

То ж и в о й. Асло! Озода менга қўнғироқ қилиб, сени кутиб олишимни тайинлади, холос. Ўзи мажлисда экан, трестда. Қаландар ҳам ўша ерда. Озода қилаётган ишларни ўйласанг... У-ҳў... капалагинг учиб кетади. Эриям шапкасини олиб гаплашади унинг олида.

Қувондиқ. Қўрққанидан эмас, албатта, ҳурматини жойига келтиради. Бир-бирига мос тушган жудаям.

То ж и в о й. Унда нима гап бўлиши мумкин? Телеграмманинг маъноси нимада?

Қувондиқ. Кўрамиз, ўзлари келсин-чи. *(Телефон жиринглайди.)*

То ж и в о й. Озода бўлса керак. *(Трубкани олади.)* Алло, эшитамиз. Ҳа, худди ўша квартира. Йўқ, йўқ, бошқа одам. Ким дейсизми? Бу — менман, галварс. Сиз ўртоқларини унутворадиган одам бўлиб кетганмисиз. Кеккайиб, босар-тусарингизни билмай қолганга ўхшайсиз. *(Қувондиққа.)* Фахриддин! *(Трубкага.)* Қаердан гапиряпсан? Аэропортдан? Қани, оёқни қўлга олиб, югуринг-чи, бу ёққа. Сен ҳам телеграмма олингми? Ўқи-чи. *(Эшитади.)* Тушунарли. Тушунарли деяпман. Қувондиқ ҳам шу ерда... учиб келипти уям, тезроқ кел, шу ерда аниқлаб оламиз нима гап бўлса.

Бир шиша коньяк олиш эсингдан чиқмасин. (*Трубкани қўяди.*) Охирги энг зарур гапни эшитмади галварс. Қаландарникида бирор нарса бўлишига кўзим етмайди. (*Сервантни ахтаради, бирдан қувониб кетади.*) Бор, мана! Ахтамар! Арман коньяги.

Қ у в о н д и қ. Ҳозир ўрни эмас, ичгим келмаяпти.

Т о ж и в о й. Ол, собиқ қурувчи, учрашганимиз учун! (*Кичик қадаҳларга қуйиб узатади.*)

Қ у в о н д и қ. Анови тугунчани қара-чи, Озодага деб бир нималарни ўраятувди Севара.

Т о ж и в о й. Жуда соз. (*Тугунчани ечиб*). Вой-бу, икковимизга нақ бир ойга етадиган ноз-неъмат-ку.

Қ у в о н д и қ. Мана буларига тегма. Булар Озодага. Севара хафа бўлади. (*Узи олиб бекитиб қўяди.*)

Т о ж и в о й. Бу ёғи ҳам етади. Қани, ол.

Қ у в о н д и қ. Саломатлик учун, учрашув учун!

Т о ж и в о й. Хўш, азизим подполковник. Аҳвол нечук? Севара қалай?

Қ у в о н д и қ. Ёмон эмас. Раҳмат! Ҳозир ишимиз айни қайнаган пайти. Севаранинг диссертацияси ҳам яқинлашиб қолди. Ёқлай-ёқлай деб турибди.

Т о ж и в о й. Кўз тегмасин, қойилман!

Қ у в о н д и қ. Келининг ғайратлигина чиқди. Хотиндан ёлчиганман, оғайни. Лекин битта чатоқ томони шундаки, кам кўришамиз. Мен уйда бўлсам, у командировкада, у уйда бўлса — мен сафарда бўламан. Мана ёқлаб олсин, ҳеч ёққа жилдирмайман.

Т о ж и в о й. Рашк қиласан, шундайми?

Қ у в о н д и қ. Қўйсанг-чи, бунақа гапларингни.

Т о ж и в о й. Севгандан кейин рашк қилсанг қилибсан-да. Бунинг ёмон жойи йўқ.

Қ у в о н д и қ. Севишим рост лекин, жудаям.

Т о ж и в о й. Фарзанд кўриш керак, азизим.

Қ у в о н д и қ. Энди кечикмадикмикан?

Т о ж и в о й. Бола кўришнинг кечи бўлмайди.



Ота-боболаримиз тўқсон ёшда соқолини селкиллашиб,  
кенжатойини эркалатиб ўтирган-ку, тиззасида.

Қ у в о н д и қ. Тўрва қоқдиси ширин бўлса керак-да.

Т о ж и в о й. Бу соҳада Озода билан Қаландарга қойил қолиш керак.

Қ у в о н д и қ. Тўғри айтасан. Вақтида уйланишди, вақтида фарзанд кўришди.

Т о ж и в о й. Ўғли ўн тўққизда.

Қ у в о н д и қ. Вақтнинг ўтишини қара-я.

Т о ж и в о й. Физматнинг учинчи курсида ҳозир. Билими баланд. Қаллалли йигит чиқди. Келдиёрнинг қизи Дурдона бўлса 2-курсда, адабиётчи. Эсингдами, ўша Ширин билан бўлган воқеадан кейин у хотин зотининг юзига қарамаса керак деб ўйлаган эдик.

Қ у в о н д и қ. Ҳа, астойдил, бутун борлигини унутиб севган эди Ширинни. Арзимаган гапдан оралари узилиб кетди.

Т о ж и в о й. Балки шундай бўлгани яхшиликка бўлганди. Акс ҳолда Муҳаббатни учратмас эди-да.

Қ у в о н д и қ. Гапинг рост. Ҳозир қалай улар?

Т о ж и в о й. Бинойидай. Келдиёр тоғларга ин қуриб олган. Кавлаштириб ётибди ҳар ҳолда. Бахтидан рози. Муҳаббат клиникада ишлайди. Умуман, бинойидек оила. Биз уни, эсингдами, иши ўнгидан келмаган, севган гўзалини қўлидан бой берган — хуллас, оғзидагини олдирган деб масхара қилардик. Тескари бўлиб чиқди ҳаммаси, жаҳон айвонида!

Шу пайт эшик қўнғироғи жиринглайди. Тоживой эшикни очди ва хурсанд қиёфада тисарилиб хонага киради. Ф а х р и д д и н кўринади.

Замонамизнинг улуғ композиторига гулдурос олқишлар! Овози қитъаларни мафтун этган хушхон эстрада юлдузига оташиң саломлар!

Фахриддин. Инсониятнинг кўркам қисми ҳисобланмиш аёллар олами қалбига йўл тополмай юрган — буюк трагик актёрга таъзимларим бўлсин!

Тожибой. Оббо, ярамас-эй, уч ой деганда ҳам битта хат ёзмасанг. Шу ҳам иш бўлди-ю.

Фахриддин. Вақт бўлмади, биродар. Бош қашигани ҳам вақт йўқ.

Тожибой билан қучоқлашиб кўришади ва Қувондиқни кўриб қолади. Қизгин кўришадилар.

Яна битта юлдуз! Табриклайман!

Т р и о

На олис манзиллар,  
На йиллар, фасллар  
Дўстларнинг меҳрини сўндира олмас.  
На оғир ҳижронли,  
Суронли йиллар  
Кўнгилга гард — губор қўндира олмас.  
Майлига ёғсин қор,  
Ёғсин майли тош,  
Майлига имтиҳон айласин ҳаёт.  
Ҳар қандай синовга  
Берурмиз бардош,  
Дўстларнинг меҳридир биз учун қанот.

Қувондиқ. Уф, чарчадим жуда.

Фахриддин. Қўйсанг-чи ваҳимани. Ҳали қирққа етганимиз йўғу...

Тожибой. Шунинг учун ҳам уйланмасдан юрган экансан-да. Оилавий ҳаёт учун етилмаганман деб...

Фахриддин. Гапинг тўғри, дўстгинам. Ўзинг севмаган аёл исканжасида эр бўлиб яшагандан кўра абадий бўйдоқликда ўтган минг марта аъло!

Қу в о н д и қ. Гапларинг жуда аччиқ, Фахриддин. Захарланган юракларни яна захарлаганинг нимаси.

Т о ж и в о й. Қўй, гапираверсин, Қувондиқ. Бу гаплар менга таъсир қилмайди. Ўзи гапириб, юрагини бўшатиб оляпти. Ҳали ёшман деб ўзини ўзи овутиб юрибди бу ўжар, ха-хах-ха.

Қу в о н д и қ. Чиндан ҳам, нега уйланмоқчи эмасан, бўйдоқ?

Ф а х р и д д и н. Билмайман (сукут). Эру хотинлик менинг кўзимга ғалати, ғайри табиий бир нарса бўлиб кўринади. Айрим кишилар, оилавий ҳаёт оғушида бахтиёрман, деб керилиб гапирсалар, бу ўзини ўзи алдашга ўхшаган бир нарса деяр эдим. Менимча, бир юрак иккинчи бир юрак билан абадий пайваста бўлолмайди. Бундай зўрма-зўракиликдан сўнгсиз бир ёлғизлик туғиладики, уни сўз билан ифода қилиш қийин. Бу—ҳеч қандай қолипга сиғмайдиган бир гап.

Т о ж и в о й. Жуда топиб айтдинг, лекин: «Сўнгсиз бир ёлғизлик».

Қу в о н д и қ. Балки шундайдир. Лекин ҳамма нарса одамнинг ўзига боғлиқ.

Т о ж и в о й. Жуда осон ўйлайсан.

Ф а х р и д д и н. Йўқ, Қувондиқ, бу сен ўйлаганча ўнғай иш эмас. Бу борада бир дунё гап бор, ҳал қилиниши лозим бўлган. Ҳамма бало оиланинг севги заминиде қурилмаслигида. Биров бор, ёши ўтиб кетаётгани учун турмуш қилади, биров бор, қизнинг отаси бообрў бўлганлиги учун, яна бировлар борки, ўз қизларини барвақт узатиб, қутулиб қолишнинг пайдан бўладилар.

Қу в о н д и қ. Муҳаббат-чи, муҳаббат қайда қолди?

Ф а х р и д д и н. Қўйсанг-чи, муҳаббат... кўнглимга келган битта гапни шаррос айтмоқчиман. Ҳозирги қизларимизнинг айримларида ғалати бир иккиланиш бор: Уйда сипо, ҳатто лозимлар кийиб... кўчада бўлса, ўта замонавий, модалар башанг, йигити билан бир-

бирининг пинжига тиқилиб, кўр-кўрона ўпишиб юрганига ўлайми, тагин сен муҳаббат дейсан. Нима бу? Тарбиянинг пачағлигим, бошқа нарсами—тушуниб бўлмайди.

Т о ж и в о й. Ҳозирги ёшлар бошқача бўлиб кетди. Яхшиямки, сен айтганлар юздан битта.

Ф а х р и д д и н. Нима демоқчисан шу билан?

Т о ж и в о й. Гап келиб қолди-да.

Қ у в о н д и қ. Агар сенга қулоқ солинадиган бўлса, бутун хотин-қизлар оламини шубҳа остида қолдиришга тўғри келади. Наҳотки ҳалигача ҳеч кимни севамаган бўлсанг?

Ф а х р и д д и н. Севдим, азизим. Севганда ҳам қандоқ! Бу, мен учун жиддий бир масала. Бу ишнинг битта лекини бор. Ёш ўтиб қолди. Мана шуниси чатоқ. У гўзал бўлса эндигина 19 га кирди бунинг устига.

Т о ж и в о й. Сен бўлса тутдай тўкилиб турибсан, шундайми?

Ф а х р и д д и н. Ҳа, шуни айтмоқчи эдим.

Қ у в о н д и қ. Қўйсанг-чи. Эркак киши учун 39 ёш айна камолот палласи.

Т о ж и в о й. Унинг 19 ёшини ҳисобламаганда. Бизнинг 39 ёшли навраста бўйдоғимиз гижинглаб турган асовини орзу қилиб қолибди-да. Эплай олармикин?

Ф а х р и д д и н. Тафовут масаласи мени ҳам ўйлантиради, албатта.

Т о ж и в о й. Ўз-ўзига танқидий қараяпти бу.

Қ у в о н д и қ. Қўйсаларинг-чи олди-қочди гапларни.

Ф а х р и д д и н. Мен уни бутун вужудим билан севиб қолдим.

Севиб қолдим кўзи шаҳлони,  
Ҳусну одоб ичра танҳони.  
Бир кўрмасам оҳу кўзларин,

Эшитмасам ширин сўзларин,  
Хумор бўлиб ҳайрон қолурман,  
Турли хаёл ичра толурман.  
Табассуми ўртайди жонни,  
Ёндиргудай буткул жаҳонни,  
Қошларининг ҳилоласидан,  
Сочларининг шалоласидан.  
Баҳра олмоқ мангу бахтимдир,  
Ёрга содиқ бўлмоқ аҳдимдир.

Қ у в о н д и қ. У-чи? У ҳам севадими?

Ф а х р и д д и н. Ҳа, унинг муҳаббати мени шу кўйга солди. У менинг илҳомим, ҳаётим мазмуни, кўнглим муддаоси! Агар унинг қандай эканлигини билсаларинг эди.

Қ у в о н д и қ. Хўш, хўш?

Ф а х р и д д и н. Лекин ўн йилдан кейин нималар бўлишини тасаввур қилолмаяпман.

Т о ж и в о й. Ўн йилдан кейин у йигирма тўққизга киради, сен эса қирқ тўққизга, яъни элликнинг тагида бўласан. Балки йигитлик турқингдан бир нималар сақланиб қолар, лекин ҳар ҳолда эллик, эллик-да.

Қ у в о н д и қ. Нима қипти?

Т о ж и в о й. Бу масалага илмий ёндошиш керак. Америкалик бир олим ҳисоб-китоб қилиб, чамалаб кўрибди: Уйланувчи эркак ва аёлнинг ўзаро ёш нисбатлари, эркак ёшининг ярмига яна етти йил қўшиш билан белгиланар экан. Яъни Фахриддиннинг ёши ўттиз тўққиз бўлса, шуни иккига бўламиз, ўн тўққиз чиқади. Ўн тўққизга етти қўшилади-баробар йигирма олти. Унинг севгилиси бўлса ҳали ўн тўққизда. Нисбат бузилди. Демак, ўн йилдан кейин севгилингнинг айни қиличдай кескир пайти бўлади, сенинг эса радикулит, калит, қон босими каби балоларга дучор бўлган чоғинг бўлади унда. Бошланади ҳар хил жанжал, рашк ва ҳоказо.

Қ у в о н д и қ. Аёл зотини яхши билмайсизлар  
ҳали, дўстларим. Агар у чинакамига севса, севгиси  
йўлида жонини фидо қилиб юборади.

Аёл қалби нозикдир  
Гулларнинг япроғидан.  
Салобатда ортиқдир  
Балки Помир тоғидан.  
Севганда кипригингда  
Порлар муҳаббат ёши.  
Ишқ-вафо кўригида  
Садоқатдир қуёши.  
Ҳижронга қилур тоқат,  
Жондан севар ёрини,  
Шундай ёрга бахш этгум  
Ҳаётимнинг борини.

Қ у в о н д и қ. Агар сен шундай севгига мушарраф  
бўлган экансан, Фахриддин, бу улуғ бахт. Сен бу  
бахтнинг қадрига етишинг керак. Ёш нисбати севги  
бор жойда монелик қилмайди.

Фахриддин роял чалгани ўтиради.

### Ф а х р и д д и н

Билмадим, қайдан кўнгилда ғам бугун,  
Севгидан киприklarимда нам бугун.  
Уйласам гар сенсиз ўтган кунларим,  
Тор кўрингай кўзга бу олам бугун.  
Мен хаёлинг бирла энди шодман,  
Кел ёнимга, бўлгали ҳамдам бугун.  
Неча минг гулларни сенга бахш этай,  
Сенга деб ҳар лаҳза бир кўклам бугун.  
Қанчалик мадҳингни куйга солмайин,  
Эй, дилором, шунча бўлгай кам бугун.

Т о ж и в о й. Юрагидан ургани ростга ўхшайди.  
Аланга чиқяпти ичидан.

Қ у в о н д и қ. Севги бирдан кириб келади юракка.

Эшик очилиб, турли-туман совға-салом шишалар, торт, мева-че-  
вага кўмилиб Қ а л а н д а р кириб келади.

Т о ж и в о й. Э, ана ўзлари ҳам. Турган-битгани  
шира-шарбат бўлиб келдилар.

Қ у в о н д и қ. Букилиб кетибсан-ку, оғайни.

Ф а х р и д д и н. Букилса ҳам тўкилмайди.

Қ у в о н д и қ. Рўзгорнинг ола хуржуни елкасида.

Т о ж и в о й. Шунинг учун ҳам оила қуриш ҳази-  
лакам иш эмас-да.

О, бригадир, бригадир,

Юк ортилган арава.

Қ у в о н д и қ

Мотоцикл деявер

Елкасида кажава.

Ф а х р и д д и н

Агар шундай қилмаса,

Иши бўлар пачава.

Т о ж и в о й

Озоданинг зулмидан

Кўргил, ранги зарчава.

Қ у в о н д и қ. Чақиришга чақириб қўйиб, ўзинг  
қорангни кўрсатмайсан.

Ф а х р и д д и н. Йўлдан очиқиб келган деб ўйла-  
ган-да бизни.

Қ а л а н д а р. Рост эмасми, хўп майли.

Кетмоқчи бўлади, лекин дўстлар уни ушлаб қолишади. Қўлидан  
нарсаларни олишади.

Ғани, бир кўришиб қўяйлик олдин.

Фахриддин билан Қувондиқ яқинлашади.

Тўлқин-тўлқин сув келади,  
сув келади сойлардан.  
Тўпландик биз яқин-йироқ,  
яқин-йироқ жойлардан.  
Беш оғайни, беш баҳодир,  
беш баҳодир, беш юлдуз.  
Уйнаб-кулиб яйраймиз,  
яйраймиз кеча-кундуз.

Шу пайт Озода киради, йигитлар рақсдан тўхташиб, унга  
пешвоз юрадилар.

Қувондиқ. Салом, Озодахон.  
Фахриддин. Озодахон, салом.  
Озода. Салом дўстлар, яхши келибсизлар.

Бир ҳолатда Қаландарнинг олдига ўтади. Йигитлар ҳайрон.

(Қаландарга). Келдиёр уйдан кетиб қолибди... бутун-  
лайига.

Ғамма. Нима?! .

Парда.



## ИНТЕРМЕДИЯ

Саҳна олдида Дилмурод кимнидир кутяпти. Шу пайт ҳаяжонда Дурдона чопиб киради. Дилмуродни кўриши билан тўхтади ва юзини ўгиради.

Дилмурод. Дурдона! Нима бўлди?

Дурдона. Ҳеч нарса бўлгани йўқ.

Дилмурод. Биров хафа қилдимми ё? Айта қол.

Дурдона. Ҳеч ким.

Дилмурод. Нега бўлмаса кўзларингда ёш!

Дурдона. Биров хафа қилгандагина йиғлаш керакми? Бўлак вақтда кўз ёши қилиб бўлмайдимми? Дилмурод, ора йўлда қолдим...

Дилмурод. Айт, энгил тортасан. Балки ёрдамим тегар.

Дурдона. Йўқ. Менга ҳеч ким ёрдам қила олмайди. *(Куйлайди.)*

Қайдасиз ширин хаёллар,  
Нурли орзулар бугун.  
Дил уйин босмиш малоллар,  
Дилга чирмалмиш тугун.  
Мен севардим сизни тоғлар,  
Порлаган ёрқин қуёш,  
Тушди қайдан бахтга доғлар,  
Кўзларимда ғамли ёш.  
Эй, улуғ инсон, нажотим,  
Қўлларингга ол қўлим.  
Сен менинг умид, ҳаётим,  
Сен билан равшан йўлим.  
Розиман меҳнат, ижодда

Учрасин ўнлаб давон.  
Меҳрибонлардан ҳаётда  
Ажралиш қандоқ ёмон.

Дилмурод. Қаердан олдинг бу гапларни?

Дурдона. Бу ҳаётимнинг аччиқ имтиҳони. Бахтим муаммоси.

Дилмурод. Тушунмаяпман.

Дурдона. Дилмурод, мен... мени... дадам бизни ташлаб кетди.

Дилмурод. Нима?!

Дурдона. Бошқа оила, бошқа севги... У ойимни севмас экан. Улар осойишта, бир-бирини тушуниб яшаётган бўлиб кўринардилару... Лекин дадам севмас, эди, мен буни сезардим. Ойим ҳам сезар эди, назаримда. Севмагандан кейин... нима кераги бор ҳам ўзингни, ҳам ўзгани қийнаб... Севмаган кишинг билан ёнмаёن яшашдан даҳшатлироқ нарса бўлмаса керак. Балки, дадам тўғри қилгандир?

Дилмурод. Нималар деяпсан? Йўқ, тўғри қилмаган. Бундай бўлиши мумкин эмас... Йигирма йил яшагандан кейин бирдан севмай қолиш. Олдин қаерда экан? Йигирма йил олдин севгандир?

Дурдона. Йигирма йил олдин... севмаслигини билмаган бўлиши мумкин.

Дилмурод. Лекин бир нарсани ҳазм қилолма-япман: онангни севмаслик мумкин эмас! Сени ҳам... Қанақа инсон фарзанди эканлигинг, қандай дурдона эканлигингни биласанми?! Сендаги латофат, меҳриги... (Шеър ўқийди.)

Сенга боққан чоғимда, гўзал,  
Ҳис этаман олам сафосин.  
Сўзларингдан тинглайман ғазал  
Ва англайман ҳаёт маъносин.

Шўх дарёлар мавжи бор сенда,  
Қондирасан диллар чанқоғин.  
Кўк баҳорлар авжи бор сенда,  
Эслатасан қувноқ чақмоғин.  
Баланд тоғлар азми бор сенда  
Улғайтасан дилларда виқор,  
Юлдузларнинг базми бор сенда,  
Бошинг узра порлар жилвакор.

Оқ сийнангга чўкмиш оппоқ тонг,  
Кўзларингда ёнар бахмал тун.  
Кулишингда нафис бир оҳанг,  
Тўлишингдан тўлин ой мафтун.  
Еноғингда яшнайдн лола,  
Қуёш эмиб, бўлмиш қирмизи:  
Ипак сочлар қора шалола,  
Табиатнинг, эй, барно қизи,  
Бунча ҳусну бунча камолни  
Айт, қаердан олгансан ўзи?!

Мана шу... яна нима дейин?

Дурдона. Қандай ажойибсан, Дилмурод. Биласанми... мен сени... мен... жонимдан ҳам...

Чопиб чиқади. Дилмурод лол қотган. Бирдан қичқириб юборади.

Д и л м у р о д. Дурдона! Дурдона!!! *(Куйлайди.)*

Яйра кўнглим,  
Сенда унди навбаҳор,  
Энди шомлар ҳам  
Қучоғингда наҳор.  
Олқиш айтур сенга еллар,  
Сабзалар,  
Қутлагай тоғлар ва тонглар пурвиқор,  
Кўзларимга кўп нурафшонлар ҳаёт,  
Не ажаб, бахтимга дунё келса тор.

Севгидан қалбимда шодлик бир жаҳон,  
Яшна кўнглим, яйраган нурли диёр!

Пава.

### УЧИНЧИ КҮРИНИШ

Хиёбон. Скамейкада Фахриддин бир ўзи, хомуш. Тожи-  
вой киради, тажанг, ўтирмайди, феъли айниган.

Тожибой. Қаҳрамонимизни тополмадингми?  
Фахриддин. Йўқ. Ишхонасига ҳам бордим.  
Ўз ҳисобидан отпуска олибди.

Тожибой. Ўз ҳисобидан отпуска олган бўлса,  
демак масала жиддий. Қувондиқ қани?

Фахриддин. Келиши керак эди, негадир ке-  
чикяпти (пауза.) Намунча капалагинг учган, нима  
бало, ролингни тортиб олишдими?

Тожибой. Қанийди тортиб олишса... На оли-  
шади, на ишлагани қўйишади.

Фахриддин. Ўзингни, асабингни эҳтиёт қил,  
оғайни. Ҳар нарсага жиғи-бийрон бўлаверсанг, қариб  
қоласан.

Тожибой. Ақл ўргатиш осон. Чунки сен муста-  
қил ижодий шахсан, оғайни. Хоҳласанг, ёзасан,  
хоҳласанг ижро этасан. Ҳаммаси — ўзинг. Бизники  
бўлакча. Дурустгина битта ролга энди илашган эдим,  
режиссёр билан икковимиз бир-биримизни тушунмай  
турибмиз. У мени ўз ногорасига ўйнатмоқчи. Актёр  
эркини мутлақо тан олмайди.

Фахриддин. Ўз нуқтаи назарингни тушунтир  
сен ҳам. Исбот қил ҳақлигингни.

Тожибой. Уриниб кўрдим.

Фахриддин. Хўш?

Тожибой. Фойда чиқмади. Режиссёр нима де-  
са, актёр сўзсиз бажариши керак деб ҳисоблайди у.

Актёрнинг ижодий имкониятлари билан ҳисоблашмаслик... бу ҳеч қандай қолипга сиғмайди. Қани бу ерда актёрнинг ўз дунёқараши?! Қани унинг ўз «мен»и?!

Ф а х р и д д и н. Шу гапларни айтмадингми... айгиш керак эди.

Т о ж и в о й. Айтдим. Актёрни ижодкор эмас, фақат ижрочи деб тушунади у. Гўё актёр унга робот.

Ф а х р и д д и н. Ахир, бош режиссёр, директор, бадий кенгаш деган гаплар бор дунёда. Уларга кўнглингни ёрмадингми?

Т о ж и в о й. Масалани чувалатгим келмади. Лекин энди қўймайман.

Қ у в о н д и қ кўринади.

Қ у в о н д и қ. Дўстларим, ҳозир бир гап айтаман. Хайратдан оғизларингиз ланг очилиб қолади.

Т о ж и в о й. Айтмасингданоқ меники очилиб бўлди.

Ф а х р и д д и н. Гапирсанг-чи, чўзмасдан.

Қ у в о н д и қ. Тўхта, нафасни ростлаб олай аввал.

Т о ж и в о й. Бунчалик бемалолхўжа бўлмасанг. Юрагим тарс ёрилиб кетай деяпти. Менга қара, Қувондиқ, болаликда итга ё мушукка азоб бериб қийнамаганмисан ҳеч?

Қ у в о н д и қ. Мушукка бало борми ҳозир.

Т о ж и в о й. Йўқ, қийнамаганмисан, айт?

Ф а х р и д д и н. Қўйсанг-чи бемаъни гапларни. Хўш, нима гап ўзи? Қувондиқ?

Қ у в о н д и қ. Ҳеч гап. Институтдан чиқиб келаётган эдим. Вақт бор. Баҳорнинг ажойиб ҳаволаридан баҳраманд бўлиб, шошилмасдан, пиёда юра қолай деб, секин келаётган эдим...

Т о ж и в о й. Оббо, гапира қолсанг-чи, тезроқ.

Қ у в о н д и қ. Бирдан қаршимда таниш қиёфа гавдаланди.. Қотма, новча.

Т о ж и в о й. Келдиёр?

Қ у в о н д и қ. Ҳа, ўзи.

Т о ж и в о й. Сен, албатта, «Дўстим!» — деб бағрингга босгандирсан уни?

Қ у в о н д и қ. Йўқ, Келдиёрнинг ёнида аёл киши бор эди.

Ф а х р и д д и н. Хўш, хўш?

Қ у в о н д и қ. Секин изма-из боравердим. Келдиёр аёлга бир нарсаларни уқтириб, ҳикоя қилиб борарди. Мен Келдиёрни бунчалик шоду хандон ҳолатда биринчи бор кўришим, масала. Йўл-йўлакай тўхташиб, шеърлар ҳам ўқиди, менимча.

Т о ж и в о й. Шеър ўқишини биринчи бор эшитишим.

Ф а х р и д д и н. Афсуски, яқинроқ бориб бўлмади. Келдиёр кўриб қолмасин деб қўрқдим. Шу алпозда бора-бора «Россия» меҳмонхонасига етдик. Мана шу ерда улар хайрлашишди. Келдиёр трамвайга юғуриб чиқиб: 7 да, деб соатини кўрсатди узоқдан. Аёл: «ўша хиёбон, ўша скамейка» деб жаранглаб кулди-да, меҳмонхонага кириб кетди. Биладики, соат 7 да улар аллақайси хиёбоннинг аллақайси скамейкасида албатта учрашадилар.

Т о ж и в о й. Ана сенга жумбоқ. Мана буни ўйлаб боқ: Қайси хиёбону, қайси скамейка? Тошкентда нима кўп — хиёбон кўп, хиёбонда нима кўп — скамейка кўп.

Ф а х р и д д и н. Аёлнинг ўзини танийсанми?

Қ у в о н д и қ. Энг муҳим гап шундаки, бу аёл Ширин эди.

Т о ж и в о й. Ширин? Қайси Ширин? Фан кандидими?

Қ у в о н д и қ. Йўқ. Ёшлигимиздаги Ширин.

Фахриддин. Эрга тегиб кетган эди-ку у. Узининг институтидаги домласига. Наҳотки, эски муҳаббат қайта аланга олган бўлса...

То ж и в о й. Балки, оддий шунчалик учрашувдир. Тўсатдан кўришиб қолишгандир балки.

Қ у в о н д и қ. Йўқ. Бунақага ўхшамайди.

Парда.

## ИККИНЧИ ПАРДА

### ТҮРТИНЧИ КУРИНИШ

Меҳмонхона. Ш и р и н ўз номерида телефонда ким биландир гаплашяпти.

Ш и р и н. Кутилмаган, ғалати бир савдога учрадим, қизим. Йўқ, йўқ, телефонда айтиб бўлмайди буни. Қачон келасан? Фақат келганингда... Чунки мен кетишим керак. Кутаман. Қизим. *(Эшик тақиллайди.)* Кираверинг!

Ф а х р и д д и н билан Т о ж и в о й кирадилар.

Т о ж и в о й. Ассалому алайкум, Шириной. Бизни танимаяпсиз, шекилли? Бу қанақаси бўлди? Биз Келдиёрнинг дўстларимиз жаҳон айвонида.

Ш и р и н. Танияпман. Ўзгариб кетибсизлар.

Т о ж и в о й. Сиз бошқачароқ бўлиб кетибсиз.

Ш и р и н. Қарибманми?

Т о ж и в о й. Қўйсангиз-чи, тамомила тескари-си. Камолот!

Ш и р и н. Йиллар ўтиши аёлни яшартирмайди. Бу — ҳаётнинг аччиқ ҳақиқати.

Ф а х р и д д и н. Йиллар... эркакларни ҳам аямайди.

Т о ж и в о й. Аслини олганда, ҳаммамиз ҳам ўзгарганмиз. Шоир айтгандай:



Ешлик шўхликлари қайтмагай энди,  
Қуйилиш даврига қўйганмиз қадам.  
Баъзи бир сочларга қиров ҳам инди,  
Бунга тан бермасдан ноилж одам.

Ш и р и н. Утиринглар. Хизмат?

Т о ж и в о й. Келишимиз сабабини англамаяп-  
сизми?..

Ф а х р и д д и н. Сизни меҳмонхона олдида қўқ-  
қисдан кўриб қолдик. Кейин номерингизни аниқла-  
дик, ўзингизни кўрмоқчи бўлдик. Биз фақат собиқ  
танишлар эмас, дўст эдик, ахир, бир маҳаллар.

Т о ж и в о й. Фахриддин! Бу айланма гапларинг  
мужмал илтифотларинг билан бирда эмас, бирда ўл-  
дирасан одамни.

Ф а х р и д д и н. Қулоқ солманг бунинг гапларига.  
Тутқаноғи хуруж қилади баъзи-баъзида. Ҳозир ўтиб  
кетади... а...

Т о ж и в о й. Ширин, ёнингизга бир маслаҳатли  
иш билан келган эдик.

Ш и р и н. Эшитаман.

Ф а х р и д д и н. Шошилма, Тоживой!

Т о ж и в о й. Сиз бу ердан кетишингиз керак,  
Ширин.

Ф а х р и д д и н. Ширин. Биласизми... биз...

Т о ж и в о й. Аралашма гапга, Фахриддин... Бу  
иш қанча тез бўлса, шунча яхши бўлади. Келдиёрга  
нисбатан бўлган аввалги муҳаббатингиз ва бизнинг  
сизга нисбатан бўлган дўстлик ҳурматимиз ҳаққи —  
бу иш жуда-жуда муҳим. Бировнинг оиласини бу-  
зишга ҳаққингиз йўқ, ахир, унинг қанақа хотинию  
қанақа қизи борлигини биласизми. Сиз фақат тезроқ  
жўнашингиз ва Келдиёрни тинч қўйишингиз керак,  
вассалом!

Ш и р и н. Шунақа денг?! Шуми арзи ҳолингиз?

Ф а х р и д д и н. Бизни кечирасиз, Ширин. Лекин

биз мажбурмиз... Сиз Келдиёрнинг бошини гангитиб ташладингиз. У уйдан, оиласидан кетмоқчи. Бу энди ақлга сиғмайдиган гап. Гарчи ҳаққимиз йўқдир... Лекин...

**Т о ж и в о й.** Нега ҳаққимиз йўқ экан, бу гапинг ғалати бўлди-ку! **Ширин**, сиз ақлли аёлсиз, фожиарўй беришига йўл қўйманг. Бир пайтлар Келдиёрни тарк этган экансиз — ўша гап ўшалигича қолаверсин. Орадан шунча йил ўтиб, эски дардни газак олдириш... унинг оиласи бор, сизнинг ҳам бола-чақангиз бордир. Яхши эмас.

**Ширин.** Сизлар мен ҳақимда нима биласизлару Келдиёр деганда нимани тушунасизлар?

**Т о ж и в о й.** Ҳар ҳолда сиздан кўра кўпроқ нарсани биламиз. Йигирма йилдан бери дўстлармиз, ахир...

**Ширин.** Йигирма йил. Менинг эса умрим у билан боғлиқ. Мен шу йиллар мобайнида унинг номи билан нафас олдиму...

**Т о ж и в о й.** Биз ҳам бўш юрганимиз йўқ.

**Фахриддин.** Нималар деб валдираяпсан?

**Т о ж и в о й.** Уч кишини бахтсиз қилишга ботинмасангиз керак, ҳар ҳолда?

**Ширин.** Бундай ҳукм чиқаришга ҳаққингиз йўқ, аввало. Иккиламчи, бировларнинг ишига билиб-билмай аралashiш инсофдан эмас. Хайр. Саломат бўлинглар.

**Т о ж и в о й.** Нима! Тушунмаяпман. Бизни ҳайдаяпсизми?

**Фахриддин.** Кечирасиз, **Ширин.** Кетдик, **Тоживой.**

**Т о ж и в о й.** Йўқ, тўхтаб тур.

Шу пайт хонага югуриб **Гули** киради ва эшик олдида **Фахриддин** билан тўқнашади.

Фахриддин. Кетдик... Сиз!!!

Гули. Фахриддин! Сиз...

Фахриддин. Гули! Нима қилиб юрибсиз бу ерда? Менинг бундалигимни қаёқдан била қолдингиз?

Гули. Нима қилиб юрибсиз меҳмонхонада?

Фахриддин. Мен сизга кейин тушунтираман, Гули.

Тоживой. Гули! Ҳеч гап йўқ. Шунчаки иш билан келган эдик. Ишимиз ҳам тугади. Кетяпмиз.

Гули. Ҳеч нарсага тушунмаяпман.

Тоживой. Тушунишингиз керакмас. Биз ўзимиз ҳам кўп нарсага тушунмаяпмиз. Хайр, Ширин.

Фахриддин. Кетдик, Гули.

Гули. Тўхтанглар. *(Шириннинг олдига югуриб боради.)* Ойи! Нима бўлди ўзи. Сиз уларни хафа қилиб қўйдингизми?

Фахриддин. Ойи?!

Тоживой. Мен янглишмаяпманми? Ойи дедингизми?

Гули. Ҳа менинг ойим.

Фахриддин. Гули. Ҳазиллашяпсизми? Ўзингизнинг ойингизми?

Тоживой. Фахриддин. Қизиқ одамсан жуда, ахир бировни ойсини одам, ойи дейдими.

Гули. Ҳа. Ўзимнинг ойим. Танишмадиларингми?

Тоживой. Танишдик. Гаплашиб ҳам олдик-а, Фахриддин?

Фахриддин. Гули! Мен Қаландар акангизникида бўламан. Хайр.

Чиқиншади. Сукунат.

Гули. Ойи! Нима бўлди ўзи? Уларга бир нима дедингизми? Ахир мен сизни нима мақсадда чақиртирган эдим? Менга ёрдам берасиз десам, нималар қилиб қўйдингиз? Наҳот у мени севмаса.

## А р и я

Ишқ-муҳаббат кўйида  
йўлдан адашганман наҳот,  
Кел, қўлимни қўлга олгил,  
йўлга солгил, эй ҳаёт...

Ш и р и н. Тингла, қизим. Мен ҳеч нарса билганим йўқ.

Г у л и. Ойи. У мен билан ҳеч бундай гаплашмасдику. Ораларингиздан бир нарса ўтганга ўхшайди. Нима?

Ш и р и н. Сен янглишяпсан, Гули. Ҳеч нарса ўтгани йўқ. Биз фақат аввалдан танишмиз, холос.

Г у л и. Нима? Аввалдан танишмиз?

Ш и р и н. Йўқ, йўқ. Сен ўйлаган маънода эмас. Бошқа гап бу. Менинг ёшлигим, бебошлигим... Ҳозир мендан ҳеч нарса сўрама. Сў-ра-ма. (*Ўрнидан туради ва тез кийиниб чиқа бошлайди.*) Мен кетишим керак. Сен шу ерда қол. Ҳеч қаерга жилма. (*Чиқиб кетади.*)

Г у л и. Нималар бўляпти ўзи. Тушунсам ўлай агар. (*Телефонга югуради.*)

Парда.

## БЕШИНЧИ КЎРИНИШ

Қурилиш министрлиги идорасида Озодаҳоннинг иш кабинети.  
Қ а л а н д а р ҳадеб ўз фикрини уқтиради, О з о д а тинглайди.

Қ а л а н д а р. Архитектор қўрқоқлик қилиб, ўзининг дастлабки режасидан воз кечиб, иморатнинг бутун кўркини сидириб ташлабди. Ёшда, Озодаҳон, биринчи иши. Нима бўлсаям проектимни қабул қилишин деган-да.

О з о д а. Иморат ўқишга, яшашга қулай бўлиши керак. Шундай бўляпти ҳам.

Қ а л а н д а р. Лекин шу аҳволда қурилса, айтинг, қайси бир бинодан фарқ қилади, шаҳарнинг ўша қисмидаги умум ансамблга сағал бўлсаям чирой қўшадими?

О з о д а. Такрор айтаманки, ҳар қандай бино энг аввало мақсадга хизмат қилиши керак.

Қ а л а н д а р. Озодахон, ахир, мен ўзим учун сўраётганим йўқ-ку. Гап талантли архитектор устида кетяпти. Талантли! Балки бу унинг бутун умрлик орзусидир. Балки, шундан кейин у ўзига ишониб катта ишларга қанот боғлар.

О з о д а. Қаландар ака!

Қ а л а н д а р. Озода! Ҳар бир ишнинг сабабчиси бўлади. Талантлиқ одамга ёрдам қилиш керак, талантсиз одамлар ўз йўлини шундоқ ҳам топиб кетаверишади.

О з о д а. Қизиқ фалсафа. Мен тоғдан келсам, сиз боғдан келасиз.

Қ а л а н д а р. Хўп, Озодахон. Мени хотиним сифатида, дўстим сифатида тушуноласизми, наҳот ёрдам беролмасангиз?

О з о д а. Сиз ҳам мени тушунинг. Хотинингиз, энг яқин кишингиз сифатида тушунаман, лекин бошлиқ сифатида ёрдам беролмайман.

Шу пайт эшик очилиб, Ш и р и н киради.

Ш и р и н. Мумкинми?

Қ а л а н д а р. Мумкин эмас. Тинч қўясизларми? Гапимни охиригача гапира оламанми, йўқми?

О з о д а. Мумкин, киринг.

Қаландар жаҳл билан ўтиради.

Ш и р и н. Мени танимадиларингиз, шекилли. Мен Ширинман.

Озода билан Қаландар ҳайрон бўлиб тикилади унга.

Ш и р и н. Ҳа, ўша Ширинман.

Қ а л а н д а р. Озодахон, мен кейинроқ кираман,  
(Уларни қолдириб чиқади.)

О з о д а. Эшитаман, ўтиринг.

Ш и р и н. Мен сиздан кўмак истаб келдим, Озода.

О з о д а. Агар Келдиёр билан қўшиб қўйинг десангиз, хато қиласиз, бу қўлимдан келмайди. Сиз Келдиёрнинг муҳаббатини бир пайтлар оёқ ости қилган эдингиз. У сизни беҳад севар эди. Энди у ўз ҳақиқий севгиси, ўз бахтини топганда — бу ишга раҳна солиш инсофдан эмас. Мендан кўмак кутманг.

Ш и р и н. Мени ҳеч ким тушунмаяпти.

О з о д а. Тушунмайди ҳам. Ёишт қолипдан кўчган. Ҳатто ҳамон севсангиз ҳам.

Ш и р и н. Ҳа, мен уни севар эдим. Ҳаммаси арзимаган бир майда гапдан бўлди. Бемаъни бир ғурур... Бир учрашувимизга нима бўлди-ю, келолмай қолдим. Узр сўрадим. У истеҳзо билан: «Яна кимнинг этагини тутдингиз?» деди. Жаҳл устида: «Йигит зоти қирилган эмас», дедим. У: «Марҳамат, йўлингиз очиқ», деди. Мен: «Йўлимнинг очиқлиги ўзимга боғлиқ», дедиму қайрилмай, тикка ўтиб кетдим. Бир йил турдим эрим билан, холос. У ҳам уйланди ҳадемай. Лекин мен усиз яшаёлмасдим. Уни деб геология институтига кирдим. Геолог бўлдим. Уни деб тоғларни севиб қолдим. Ҳаммаси уни деб. Хайр, майли, ҳозир бошқа масалада келдим ёнингизга. Фахриддин бир қизни севади, биласизми, Озодахон?

О з о д а. Биламан. Бунақанги муҳаббат кам бўлади дунёда. Сизнинг нима ишингиз бор бу билан?

Ш и р и н. Гули менинг қизим. Мен унинг чақириғи билан келган эдим. Агар менинг бошимдан кечганларни қизим билиб қолса — муҳаббати барбод бўлиши мумкин. Мен буни истамайман. Мен кетишим

керак. Сиз ундан ёрдамингизни аяманг, ёнида бўлинг, оналик қилинг.

О з о д а Ширин, билмабман, кечиринг.

Ш и р и н. Сизнинг ўрнингизда мен ҳам шундай қилган бўлур эдим. Фахриддинни тезда топиб унга тайинлаш керакки, Гули бу ҳақда ҳеч нарса билмасин. Лоақал ҳозирча.

О з о д а. Мен уни огоҳлантираман. Сиз қачон қайтмоқчисиз?

Ш и р и н. Эртага.

О з о д а. Йўқ, бугун қайтганингиз маъқул.

Ш и р и н. Мен Келдиёрни кўрмасдан кетолмайман.

О з о д а. Бу ишни қила кўрманг. Илтимос қиламан. Бу ортиқча, Ширин.

Ш и р и н. Озода, сиз мени шу сўнгги учрашувдан бебаҳра қилманг... Мен албатта кетаман. Сўзим — сўз.

О з о д а. Ширин.

Ш и р и н. Қатъий қарорим шу, Озодахон. Кўришим керак.

О з о д а. Ўзингиз биласиз.

Ш и р и н (*унга яқинлашиб, юзидан ўпади.*) Хайр, энди кўришмасак керак. Сизга ишондим. (*Чиқади.*)

О з о д а (*ёлғиз*). Бунча мураккаб бўлмаса бу ҳаёт дегани!

Парда.

## ОЛТИНЧИ КЎРИНИШ

Хиёбоннинг бир четида скамейка. Келдиёр бир ўзи. Ширинни кутмоқда.

Келдиёр. Қизиқ. Бир ҳафта олдин биров менга бугун шу ерда бўлишимни айтса ишонмас эдим. Ўзи

ям ишонадиган гап эмас-да. Йигирма йил. Ахир бир умр. Оғир бир дарддан қутулгандайман. Бутун борлиқ бошқача бўлиб кўринади кўзимга. Дарахтлар ҳам, гуллар, осмон ҳам. Мени тарк этган муҳаббат қайтиб келди яна. (*Куйлайди.*)

Келди кўнгил уйига ёрим яна,  
Йўлларига садқадир борим яна.  
Кет, хазон фасли хаёлимдан йироқ.  
Барқ уриб очилди гулзорим яна.  
Не ажаб, дилда қўшиқлар урса мавж,  
Сайраса булбул бўлиб торим яна.  
Кетма, ёр, ёнимдан энди бир нафас,  
Шул эрур, сендан ўтинч — зорим яна.

Ашуланинг ўртасида саҳнага Ш и р и н киради. Бу ашулани берилиб эшитар экан, беихтиёр юриб К е л д и ё р д а н нарироқ тўхтади. Ва улар бир-бирига тикилиб жим қолишади. Музыка давом этади. Ширин аста-секин Келдиёрнинг олдига келиб ўтиради. Келдиёр Шириннинг қўлини олиб ўз юзига, бағрига босади.

К е л д и ё р. Менинг Шириним. Қаерда эдинг. йигирма йил?! Тезроқ келсанг бўлмасмиди?!

Ш и р и н. Узинг-чи? Истаганингда топар эдинг. Топардинг. «Оёгингни тираб майли дедингу», мени турмушга бериб юбординг.

К е л д и ё р. Майли, дейиш учун ҳам оёқ тираш керак эканми. Оғзидагини олдирган, деб мазах қиларди мени Тоживой. Кўп сувлар оқди-кетди шундан бери. Тоғларда қолиб кетганларимда нуқул сени йилар эдим. Жинни эканмиз ўшанда. Бахтни қадрига етмаган эдик. Ҳали-ҳали эсимда. «Йўлимни очиқлиги ўзимга боғлиқ», дедингу...

Ш и р и н. Мен эса ҳаминша сен билан эдим, тоғда ҳам, бўм-бўш уйда узун кечаларда ёлғиз қолганимда ҳам. (*Пауза.*) Келдиёр! Қизинг неча ёшда?



Келдиёр. Ун саккизда. Дурдона. Олижаноб инсон. Мен ўгил бўлсин деган эдим. Қиз бўлгани яхши бўлди. Акс ҳолда, бундай инсон дунёга келмаган бўларди. Биласанми... Бир-биримизни жуда ҳам тез тушунамиз. У ҳам тоғларни жуда севади... Балки шунинг учундир...

Ширин. Менинг қизим ҳам ўн тўққизга кирди. Мана кўрдингми қандай қарибмиз. Қизларимиз ҳам каттагина бўлиб қолибди.

Бир ҳолатда, секин юради. Келдиёр Шириннинг сўзларини диққат билан тинглайди. Лекин юрагида нотинчлик.

Келдиёр. Нима бўлди, Ширин? Гапларим ёқмадимми сенга?

Ширин. Йўқ. Йўқ. Гап унда эмас.

Келдиёр. Нимада бўлмаса? Нега кўзларингда ёш. Бирор нарса бўлдими?

Ширин. Ҳеч нарса бўлгани йўқ... *(Пауза.)* Келдиёр. Ёр келди маъносида бўлса керак-а? Шундайми?

Келдиёр. Ширин, нима бўлди, айт? Сенга бирор киши бир нарса дедими?

Ширин. Йўқ. Ҳеч ким ҳеч нарса дегани йўқ. Ким менга сен тўғрингда бирор ножўя гап айтарди. Сенинг дўстларинг ажойиб, Қувондиқ ҳам, Озода ҳам, Қаландар ҳам, Фахриддин ҳам, Тоживой ҳам...

Келдиёр. Мен аҳмоқ бу ёғини ўйламаган эканман. Албатта улар аралашини керак. Аралашинманса бўлмайди. Фахриддин ҳам учиб келибди-да. *(Ҳаяжонланади.)*

Ширин. Келдиёр, ўзингни бос.

Келдиёр. Мен кетишим керак, Ширин. Эртагача бир қарорга келма. Ўтинаман. *(Чопиб чиқиб кетади.)*

Ширин ўзини тутолмайди, скамейкага ёпишиб, йиглайди.

Парда.

## ЕТТИНЧИ КЎРИНИШ

Озодахонлар уйида меҳмонхона. Фахриддин роялга энгашганча хаёл суради. Тоживой китоб жавони олдида таянганча бир қиёфада тик қотган. Диванда ўтирган Қувондиқ асабий қўзғалиб-қўзғалиб қўяди. Креслода Озода, қўлида журнал, Келдиёр бошини эгиб, четроқда ўтирибди. Стол устида турли нознеъматлар, лекин дастурхонга ҳеч ким ёндошмаган.

Келдиёр. Нега? Нега энди мен ўз ҳаётимни ўзимча қуролмайман. Маслаҳатга ҳеч кимни чақирган эмасман.

Тоживой. Менга қара. Геолог...

Қувондиқ. Тоживой, қўй, гапираверсин.

Келдиёр. Ахир мен ҳеч кимнинг ҳаётига халал берадиган иш қилаётганим йўқ-ку.

Тоживой. Фахриддин, гапирсанг-чи, ёрилиб кетаман ҳозир.

Фахриддин. Тинч тур. Тоживой. Ҳозир сен эмас, Келдиёр гапирадиган пайт.

Келдиёр. Сизлар менинг ҳолатимга тушунмаяпсизлар. Ҳеч кимни менинг кунимга учратмасин. Мен ноиложман. Бу қалбим амри. Аралашмаларинг, ўзим ҳал қиламан.

Тоживой. «Ўзим ҳал қиламан» эмиш. Эшитяпсизларми? Демак, ҳаммамиз бекорга кўча чанги-тиб юрибмиз. Бизнинг ўзимиз ҳам, сўзимиз ҳам керак эмас, бу кишига! Эшитяпсанларми? Бунчалик ўзгариб кетиш... Ҳайронман.

Келдиёр. Ҳамма нарса ўзгаради бу ҳаётда, ҳайрон бўлмаслик керак. Ҳар кимнинг фақат ўзигагина хос жиҳатлар ва соҳатлар ҳам борки, улар даҳлсиз бўлиши керак.

Қувондиқ. Мужмал фалсафа.

Озода. Нимани кўзда тутяпсиз, Келдиёр?

Тожибой. У ўз қилмишларини оқламоқчи.

Келдиёр. Ким рухсат берди сизларга мени муҳокама қилмоқни ва умуман, кимнинг ҳаққи бор менинг ишимга аралашишга?!

Қувондиқ. Биз сенга ким бўламиз — дўстларингми? (Пауза.) Бу фикринг мутлақо ўринсиз, Келдиёр.

Озода. Нима, дўстлигимизни рад қиляпсизми шу билан? Биз аросатда қолган дўстга ёрдам қилмоқчи бўлсагу...

Қаландар. Тўхтанг, Озода. Сиз Келдиёрни аросатда қолган киши деб ҳисобляпсизми? Менимча у бошқа фикрда.

Тожибой. Биз чиндан ҳам бефойда ишга қўл урганга ўхшаймиз. Пинагиниям бузмаяпти бу одам. Бир тузукроқ нарса десанг-чи, муддаонгни айтсанг-чи? Жар ёқасида эканлигингни сезяпсанми ҳеч.

Келдиёр. Сенлар ҳеч нарсани тушунмаяпсан.

Қувондиқ. Тушунтир, доно сен-ку, ахир.

Тожибой. Тушунтиролмайти, уялади.

Қаландар. Қўй. масхарабозликни.

Келдиёр. Муҳаббат туйғусини ҳис этолмасанг нима қилай, биродар. Бу туйғу ҳақиқий маъносида ҳаммада ҳам бўлавермайти. Ҳар бир қалбга ҳам ишқ меҳмон бўлавермайти.

Тожибой. Сенинг қалбингга икки марта меҳмон бўлибди-да унда. Бахтиёр инсон!

Келдиёр. Кулма, ҳа, мен бахтиёрман. Йигирма йил кутдим мен бу кунни. Йигирма йил олдин кўрсатолмаган журъатим жазосини торта-торта тоқатим

тоқ бўлди. Нима кераги бор эди бу савдога аралашиб. Мен усиз яшай олмайман. Ҳеч ким, эшитяпсизларми, ҳеч ким мени бу йўлдан қайтаролмайди. Мени ўз ҳолимга қўйинглар.

Унингсиз на кундузим бўлгай,  
На кечалар юлдузим бўлгай.  
На баҳорим, на ёзим бўлгай,  
На иқбол, на парвозим бўлгай.  
У йўлимни ёритган машъал,  
Қалбим ичра янграган ғазал.  
Бахт унингсиз бўлмас мукаммал,  
Орзуларим топмагай амал.  
Ёнимдадир тоғу дарёда.  
Хаёлимда шому сабода.  
Чин севгидан ул тутиб бода,  
Мени мангу этмиш афтода.

Келдиёрнинг бу қўшиғини йигитлар киноя, истеҳзо билан «тасдиқлаб», ўз норозилиklarини изҳор этадилар. Озода Келдиёрга яқинроқ келади.

О з о д а. Муҳаббат билан Дурдонани нима қилмоқчисиз?

К е л д и ё р. Муҳаббат мени тушунади, янглишмасам. Лекин... Дурдона... (*Уйланади.*) Дурдона кечирмайди. Бу аччиқ ҳақиқатни аниқ биламан. Жуда оғир бўлади. Лекин чидаш керак. Бошқа иложим йўқ.

О з о д а. Келдиёр, уйингизга боринг, илтимос.

Қ у в о н д и қ. Наҳотки тушунмаётган бўлсанг, сен у билан бахтли бўла олмайсан. Сени Муҳаббат ва Дурдонанг хаёли ҳамиша таъқиб қилади. Уларнинг уволига қоласан. Тинчлигинг, субутинг йўқолади. Келдиёр, тушунсанг-чи!

Т о ж и в о й. Ё тавба! Бу нима деган гап ўзи-а?

Шундай хотинни ташлаш... Кўр бўласан-ку, оғайни. Вақт ўтару, эмаклаб келиб ёлборасан унга. Энг даҳшатлиси шуки, Муҳаббат сени кечириб ҳам юбориши мумкин, олижаноблик билан...

**К е л д и ё р** (*истеҳзо билан*). Менга яхшилик истаб, чекаётган азиятларингиз учун катта раҳмат, дўстлар. Лекин бу муаммони ўз ихтиёримга қолдиришлар, илтимос. Раҳмат, сизларга.

Чиқади. Оғир сукунат.

**Қ а л а н д а р**. Охири кўринмайди бу галванинг. Тўғри айтди. Ўзлари ҳал қилишсин.

**Ф а х р и д д и н**. Бу нима деганинг? Биз-чи? Агар Келдиёр тушунмаётган бўлса...

**Қ а л а н д а р**. Сенинг ишларингга ҳеч ким аралашаётгани йўқ-ку. Билган ишингни қилиб юрибсан.

**Ф а х р и д д и н**. Мана шу аралашмаганларинг чатоқ-да. Агар аралашганларингда яхшироқ бўлармиди? Биз фақат зарурият туғилган чоғлардагина: кимнингдир мотами-ю, кимнингдир тўйи пайтидагина учрашишимиз керак деб хато қиламиз. Биз бир-биримизга ҳар маҳал, ҳар доим керакмиз. Буни унутиш ярамайди.

**Т о ж и в о й**. Бу ақлли гапнинг сендан чиқиши қизиқ бўлди-ку. Кесакдан олов чиққандай. Ўзингни кундуз куни чироқ ёқиб топиб бўлмайди-ю. Доим сафардасан.

**Ф а х р и д д и н**. Энди кетмайман.

**Т о ж и в о й**. Бизга меҳру шафқат қиляптилар гўё.

**Ф а х р и д д и н**. Йўқ. Меҳру шафқат эмас. Энди кўп нарсаларга ақлим етяпти. Озодахон ҳаммамизни фавқулодда сабаб билан бу ерга тўплаб тўғри қилган. Қаландарнинг бу ҳақдаги даъвосига қўшилиб бўлмайди.

**О з о д а**. Мен фақат яхши ният билан...

**Қ а л а н д а р**. Кўряпсиз-ку яхши ниятни...

Қ у в о н д и қ. Озодахон тўғри қилганлар. Энди гап шундаки, биз Муҳаббат билан Келдиёрга ёрдам беролдикми-йўқми?

Т о ж и в о й. Ҳай, билмадим-да. Қаттиққўллик қилиш керак эди. Ширинни бўлса, чиройлиқкина қилиб жўнатиб юбориш керак эди келган томонига, вассалом, гап тамом!

Телефон жиринглайди.

О з о д а. Ким бўлди экан? (*Трубкани олади.*) Эшитаман, Гули? Сенмисан, қизим? Қаердан гапиряпсан?

Ф а х р и д д и н (*телефон трубкасини Озоданинг қўлидан юлиб олади.*) Гули! Жонгинам, қаердасан? Жойингда тур. Қимирлама. Мен ҳозир етиб бораман.

Т о ж и в о й. Қаёққа? Фахриддин?

Ф а х р и д д и н. Севгилим ёнига. Бўлажак хотиним ёнига. Эшитяпсанми? Хотиним ёнига!

Т о ж и в о й. Тагин биттаси аёл тузоғига илинди.

Парда.

### САККИЗИНЧИ КҮРИНИШ

Д у р д о н а в а Д и л м у р о д, Г у л и в а Ф а х р и д д и н учрашув.

Д у р д о н а. Уйга ёлғиз ўзим боролмайман. Мен билан бирга юр.

Д и л м у р о д. Ноқулай бўлмасмикан?

Д у р д о н а. Қўрқяпсанми? Қўрқоқ!

Д и л м у р о д. Гапингни қара-ю. Фақат ноқулай бўлмасмикан деяпман, холос.

Д у р д о н а. Унда мен ҳам бормайман. Қўрқаман. Адамнинг кўзларига қандай қарайман... (*Пауза.*) Соат неча бўлди экан?

Д и л м у р о д (соатига қарайди). Билмадим. Соатим ҳам тўхтаб қолипти.

Д у р д о н а. Балки тўхтагани яхшидир...

Г у л и киради.

Д и л м у р о д. Яхши қиз, соатингиз неча бўлди?  
Г у л и. Ўн бир.

Д и л м у р о д (Дурдонанинг олдига боради). Ўн бир бўлибди.

Д у р д о н а. Яхши қиз деб сўрамасанг ҳам бўларди.

Д и л м у р о д. Дурдона.

Д у р д о н а. Ҳазиллашдим. Кетдик. Бу ерга нимагадир Фахриддин акам келяптилар.

Чиқиб кетишади. Ф а х р и д д и н югуриб киради.

Ф а х р и д д и н. Гули!

Г у л и. Сиз боя, телефонда...

Ф а х р и д д и н. Ҳа. Жонгинам дедим. Тагин айтаман. Жонгинам. Гули, мен сизни севаман.

Г у л и. Қайтаринг.

Ф а х р и д д и н. Севаман. Жонимдан ҳам ортиқ.

Г у л и. Тагин.

Ф а х р и д д и н. Севаман.

Гули қулоч кериб бениҳоя хурсанд, жавлон уриб ҳайқиради.

Музика.

Парда.

## ТУҶҚИЗИНЧИ КЎРИНИШ

Вокзал. Пўлат излар манзараси. Д и к т о р қ и з н и н г овози эшитилади.

Диктор овози. Граждан пассажирлар ва кузатувчилар! Эҳтиёт бўлинглар, бешинчи поезд биринчи йўлдан жўнайди. Тошкент — Москва поезда ўн минутдан сўнг биринчи йўлдан жўнайди. Қайтараман...

Қувондиқ, Тоживой, Озода, Қаландар перронда кўринадилар.

Қувондиқ. Озода! Фахриддин келаман дедими?

Озода. Ҳа, албатта етиб келаман деди. Ишқилиб ҳамма иш ўнгидан келсин.

Қаландар. Ниманидир айтмаяпсизми дейман.

Озода. Келдиёрнинг кеча гапирган сўзларидан кейин бир нима дейишга ҳам ожизман. Лекин юрагим сезиб турибди. Нимадир бўлади тагин.

Қувондиқ. Нафасингизни иссиқроқ қилинг, Озода.

Тоживой киради.

Тоживой. Поезд роппа-роса ўз вақтида жўнар экан. Мана бу сенга. *(Гул узатади.)*

Қувондиқ. Мана, сафаримиз ҳам қариди. Лекин, афсуски, истагаимиз бўлмади.

Қаландар. Ҳаёт мураккаб нарса, дўстим. Кутилмаган ҳодисалар содир бўлиши мумкин.

Тоживой. Қўлимиздан келган ҳамма ишни қилдигу, лекин нозик нуқтасини тополмадик, чамамда. Топиш мумкин эди, лекин тополмадик.

Қаландар. Қўйсанг-чи, оғайни, ҳамма иш қилинди. Лекин эру хотин муносабатларидаги ҳиссиётлар олами чигал. Одамларнинг ўзларигина ўз ҳаётини ҳал қиладиган шахсий дамлари кўп бўлади турмушда. Бу—ҳаёт.

Озода. Қувондиқ, Севарахонга мендан беҳад



саломлар айтинг. Шунча ўқигани етар. Яшашга ҳам вақт топсин-да, ахир. Келсин мундоқ айланиб.

Қ у в о н д и қ. Энди бирга келамиз.

Қ а л а н д а р. Бу бошқа гап.

Қ у в о н д и қ (*Қаландарга*). Нега маъюссан, оғайни. Ҳа, айтгандай, қурилишинг масаласи ҳал бўлди-ми?

Қ а л а н д а р. Ҳал бўлди. Лекин битта иморат қурыпмиз, иккинчиси бузиляпти. Наҳотки дўстлигимизга раҳна тушса, оғайнилар.

Т о ж и в о й. Қўйсанг-чи, бу гапларни. Масалан, мен ўла-ўлгунча сизлардан ажралмайман. Жаҳон айвонида...

Қ у в о н д и қ. Нега энди Келдиёрни даврамиздан чиқиб кетди, деб ўйлаяпсизлар? Мен уни ўзимиздан ажратмоқчи эмасман.

Т о ж и в о й. Эҳ, ҳозир юзта отадиган хонаси келди-да.

Қ а л а н д а р. Вой, майпараст-эй, уйда отганинг камлик қилдими? (*Қувондиққа*.) Бу сенга. Севара билан дўстлар соғлиғига ичасан.

Т о ж и в о й. Йўқ. Қадаҳ баҳонасида гап айтгим келиб қолди. Майли, шундай гапираверсам ҳам бўлади. Мен абадий дўстлигимиз учун, садоқат ва ҳалоллик учун, ҳақиқий инсоний муҳаббат учун хаёлан бўлса ҳам қадаҳ кўтаришингизни илтимос қиламан.

### Қ ў ш и қ

... На олис манзиллар,  
На йиллар, фасллар.  
Дўстларинг меҳрини сўндира олмас.  
На оғир ҳижронли, суронли йиллар  
Кўнгилга гард-ғубор қўндира олмас...

Қ у в о н д и қ. Ҳа, вақт ҳам кетяпти. Негадир, Дилмурод етиб келолмади. Ажойиб ўғлинг бор, Қа-

ландар. Унга айтадиган бир-иккита гапларим бор эди, афсус... Албатта хат ёзиб турсин. Айт.

Қ а л а н д а р. Сен уни йўлингга ағдариб оляпсан. Битта ҳарбийнинг ўзиям етиб-ортар эди бизга.

Қ у в о н д и қ. Мамлакатга ҳарбийлар ҳали кўп керак бўлади, азизим. Сен иморатларингни қуравер, биз сенга осойишта ҳаёт таъминлаб берамиз.

Т о ж и в о й. Поезддан қолиб кетма тагин, қалқонимиз, қани юрдик.

Қ у в о н д и қ. Аттанг, Фахриддин ҳам етиб келолмади.

О з о д а. Ҳали беш минут бор, етиб келар.

Т о ж и в о й. Юрасизларми-йўқми?

Улар чиқиб кетадилар. Саҳнага К е л д и ё р билан Ширин чиқади.

К е л д и ё р. Бир дақиқа шу ерда тур, мен ҳозир, нега битта билет олдинг, тушунмаяпман.

Ш и р и н. Қатъий қарорга келишдан олдин, бу гапни чуқурроқ ўйлаб кўришинг керак, деган эдим.

К е л д и ё р. Яна ўша гап. Нима, мен сени йўқотиш учун қайта топдимми? Мен ҳозир... *(Югуриб чиқади.)*

Д и к т о р о в о з и. Граждан пассажирлар! Эҳтиёт бўлинг, бешинчи поезд - биринчи йўлдан жўнайди. Қайтараман. Тошкент — Москва поезда биринчи йўлдан жўнайди.

Дурдона ва Дилмурод киради.

Д и л м у р о д. Айтмадимми, кечикамиз деб. Ана, кечикдик. Мен гаплашиб олишим керак эди Қувондиқ акам билан.

Д у р д о н а. Кузатишимиз дурустроқ бўлсин деган эдим-да.

Дилмурод. Гулга бало бормиди шу тиқил-  
линчада.

Дурдона. Жаҳлинг чиқмасин. Мен айбдорман.  
Бўйнимга оляпман-ку. *(Пауза.)* Чиндан ҳам, Москва-  
га ўтиб кетмоқчимисан?

Дилмурод. Кимдан чиқди бу гап?

Дурдона. Биладан, хаёл суришингдан била-  
ман, унда мен нима қиламан?

Дилмурод. Биласанми, Қувондиқ амакининг  
гапларида жон бор. Москва — бу Москва. Ундан ке-  
йин... Мен шуғулланаётган проблеманинг ўзи ҳам бу-  
ни тақозо қилади. Майли, бу ҳақда кейин гаплашар-  
миз... Сен ҳозир тушунмайсан барибир.

Дурдона. Ҳа, албатта. Мен тушунмайман.

Дилмурод. Хафа бўлма, мен бошқача гапир-  
моқчи эдим.

Дурдона. Гулларни нима қиламиз?

Дилмурод. Гулларними? *(Елғиз турган Ширин-  
ни кўриб унинг ёнига боради.)* Кечирасиз, сиз кимни-  
дир кузатяпсизми?

Ширин. Йўқ.

Дурдона. Ўзингиз кетяпсизми?

Ширин. Ҳа.

Дурдона. Қаерга? Кечирасиз?

Ширин. Узоққа. Шимолга.

Дурдона. Оқ айиқлар маконига денг.

Ширин. Ҳа. Оқ айиқлар маконига.

Дурдона. Нега бунча узоққа?

Ширин. Ишим шунақа. Геологман.

Дурдона *(отаси эсига тушади. Кўзига ёш югу-  
ради. Кўз ёшини Ширинга кўрсатмайди)*. Менинг да-  
дам ҳам геолог эди.

Ширин. Нега геолог эди дейсиз. Ҳозир-чи?

Дурдона *(гапиролмайди ва бирдан)*. У ўлган.  
*(Чўзиб гапиради.)* У ўлган. *(Пауза.)* Бу гуллар сизга.

Ширин. Раҳмат.

Шу пайтда Дилмурад чақиради.

Дилмурад. Дурдона! Кетамизми энди?

Дурдона. Ҳозир, Дилмурад.

Ширин. Дурдона! Сизнинг отингиз Дурдонами?

Дурдона. Ҳа, Дурдона. Нима эди?

Ширин. Бу йигит эса Дилмурад денг.

Дурдона. Ҳа, Дилмурад.

Ширин. Сизни жуда севса керак.

Дурдона (*уялади*). Ҳа.

Ширин. Сиз-чи?

Дурдона. Мен ҳам.

Ширин (*бирдан қаттиқ қучоқлайди Дурдонани*).

Дурдона, севгингизни асранг. Мен ўз вақтида асрай олмадим. (*Уни юзларидан, кўзларидан ўпади.*) Бахтли бўлинг, Дурдона. Хайр. (*Чиқиб кетади.*)

Тепловоз садоси, состав силжигани эшитилади. Келдиёр югуриб киради.

Келдиёр. Ширин! (*Поезд жўнаганини кўриб чопади.*) Ширин!

Дурдона (*адасини кўриб ўзини туголмайди*). Дада!.. (*Келдиёрнинг бағрига отилади.*) Кетманг, дада!

Узоқдан Шириннинг овози.

Ширин. Хайр, Келдиёр!

Келдиёр (*Дурдонанинг бошини бағрига босади*). Хайр, Ширин! Кетмайман, қизим!

Парда.

# ЖУМАНИЁЗ ЖАББОРОВ

## ЧЎЛ ЧАҚМОҒИ

Уч парда, тўққиз кўринишли лирик-драматик опера  
либреттоси

*Қарши чўлини обод қилиш учун  
курашган илк қаҳрамонлар хоти-  
расига бағишланади.*

## ҚАТНАШАДИЛАР

- А н з у р а. Комсомол қиз, 20 ёшларда.  
Ш е р м а т. Отаси, 50 ёшларда.  
М а н з у р а. Онаси, 45 ёшларда.  
Б о т и р. Қайлиғи, 22 ёшларда.  
Қ о д и р. Ботирнинг отаси, 50 ёшларда.  
М у а л л и м. 40 ёшларда.  
А ш у р. Талабалардан бири, 20 ёшларда.  
Т ў р а б е к. Бой, 55 ёшларда.  
М ў м и н х ў ж а. Қишлоқ домласи, Тўрабекка яқин киши, 60  
ёшларда.  
А с а д ў ғ р и.  
Б а х ш и.  
Ч о л.  
К а м п и р.

Қишлоқ аҳли: ёшлар, кексалар, йигитлар. Воқеа  
Қашқадарё қишлоқларидан бирида, йигирманчи йилларнинг ўр-  
таларида содир бўлади.

## БИРИНЧИ КЎРИНИШ

### БИРИНЧИ ПАРДА

Жанговар комсомол қўшиғи янграйди. Кетмон, бел, хаскаш кўтарган йигит-қизлар ишдан қайтаптилар.

#### *Комсомол қўшиғи*

Курашда ҳам меҳнатда  
Сенга боқур бахт, иқбол,  
Ғалаба сари, олға!  
Олға, шонли комсомол.

#### Н а қ о р а т

Яша, ботир комсомол,  
Яша, моҳир комсомол,  
Улуғ Ленин авлоди —  
Мард, баҳодир комсомол.

Йигитлар ва қизлар Анзура билан хайрлашиб, чап томонга кириб кетадилар. Анзура ёлғиз, қўлтиғида китоблар, уларни кузатади ва «Хайр, қизлар, хайр, йигитлар, эртагача хайр!» деб хитоб қилади. «Хайр!» деган жавоб товушлари эшитилади. Юриб, саҳна ўртасигача келади. Девор ортида пойлаб турган Асад ўғри унинг йўлини тўсади.

А с а д

Тўхта!

Анзура орқага тисарилади.

Бунча қўрқма.

Бу мен — Асадман.

Қайси гўрдан келяпсан, шайтон?..

Яширсанг ҳам билиб турибман,

Комсомоллар мажлиси бўлди.

А н з у р а

Топдинг. Шундай.

Йўлимни тўсма.

А с а д

Қўлга хино,

Қошингга ўсма —

Қўйиб уйда ўтирмайсанми?

Ҳо, шаллақи!

А н з у р а

Бу менинг ишим...

А с а д

Ўзбошимча бўлма бунчалик,

Йўқ деб менинг терговчи кишим.

А н з у р а

Ишимизга аралашма кўп.



А с а д

Хўп, жонидан хўп бўлади, хўп.  
Фақат айт-чи, яна нечта қиз  
Изминг тутиб, бўлди изма-из.

А н з у р а

Бу ҳар кимнинг ўз виждон иши.

А с а д

Виждон иши?

А н з у р а

Сенга ҳисоб бермас ҳеч киши.

А с а д

Ҳеч киши?!  
Йўқ, ҳисобнинг пайтига етдинг.

А н з у р а

Сенлар!

А с а д

Сен эл-юртни шармисор этдинг,

А н з у р а

Сенлар!

А с а д

Бою уламо бўлиб дарбадар...

А н з у р а

Навбат уларга!

А с а д

Ялангоёқ бўлдими раҳбар?!

А н з у р а

Даврон бизларга!

А с а д

Мен чўрткесар машҳур Асадман!

*(Пичоқни кўрсатади.)*

А н з у р а

Биламан!

Ҳа, Биламан, жонсиз жасадсан.

А с а д

Сўнгги марта айтаётирман:

А н з у р а

Эшитяпман!

А с а д

Ё ўлимни.

А н з у р а

Эшитяпман!

А с а д

Ё ҳаётни де.

А н з у р а

Эшитяпман!

А с а д

Вақт борида бу йўлингдан қайт!

А н з у р а

Бу тушингни сувга бориб айт!

Кескин чиқиб кетади. Асад пичоқ ушлаган қўлини баланд кў-  
тарганча тош қотади.

Парда.

### ИККИНЧИ КЎРИНИШ

Шермат аканинг чорбоғи. Шом пайти. Пастак, аммо бежиримгина  
уй олидидаги супа атрофи гуллар билан зийнатланган. Ҳовли су-  
пуриб, гулларга сув сепаётган А н з у р а Ботирни эслайди.

А н з у р а

Қайда қолди экан Ботирим,  
Мажлизда ҳам кўринмади-я.  
Бугун ҳам бир хабар олмади,  
Соғиндингми, эй телба кўнгил?

А р и я

Кўзларим зордир йўлида, нега келмас ул йигит,  
Кўзлари — тонг юлдузимдир, сўзлари — булбул  
йигит.  
Кўрмасам гар лаҳза-лаҳза, йўқдир оромим менинг,

Кўрганимда тонг каби равшан бўлур шомим менинг.

Ут бўлиб ёнди вужудим, интизорман, найлайн,  
Дилдаги дардимни ёрга келса изҳор айлайн.

Эй, кўнгил, ишқ оташида ўртанурсан бунчалар,  
Худди сендек лоларанг бўлмиш бугун гул-ғунчалар.

Кўча эшиги томонидан келаётган эркак товушини эшитиб, ўзини  
ичкарироқ олиб, паналаб туради. Ш е р м а т а к а в а Қ о д и р  
а к а изма-из гаплашиб киришаркан, Шермат ака, ичкари томон  
хитоб қилади.

### Ш е р м а т

Чойдан келтир, ўғлим Эрматвой...  
Замон нотинч... аламзадалар  
Сира тинчлик бермаяптилар,  
Ҳаловат йўқ ҳатто уйқуда...  
Сиз шошириб қўйдингиз, қуда.

### Қ о д и р

Ҳей, қудажон, қизиқсиз жуда,  
Шунинг учун тўйни барвақтроқ  
Ўтказсак дейман.

### Ш е р м а т

Қайси муҳлат сиз учун маъқул?

### Қ о д и р

Келар ҳафта, бозор оқшоми.

## А н з у р а

(ҳаяжон билан)

Юрак, бунча безовта бўлма,  
Ерим учун фидодир жоним.

Э р м а т ч о й ва дастурхон олиб киради.

## Ш е р м а т

Қуда, уйдан бир хабар олай.

## Қ о д и р

Йўғ-эй, энди мен кета қолай.

## Ш е р м а т

Йўқ, бир лаҳза сабр қилгайсиз.

Шу пайт саҳна қоронгилашиб, иккинчи лавҳа намоён бўлади: Кичик бир уй. Токчада лампа чироқ ёнмоқда. Бу ерда омонат дарсхона, деворга доска ҳам қоқилган. Унга яқин ёшлар ерда ўтирибдилар. Саводсизликни битириш курсида м у а л л и м машгулот ўтказмоқда. Доскада: «Мен кооперативга кираман», «Мен комсомол бўламан» деган сўзлар ёзилган.

## М у а л л и м

Шу сўзларни тўғри ёзинглар,  
Эрта дарсда бир-бир сўрайман.

## Ҳ а м м а

Хўп бўлади, муаллим.

Муаллим

Езиб бўлдингларми?

Ҳамма

Ҳа, бўлдик.

Муаллим

Шунинг билан машғулот тамом.

Ҳамма

Раҳмат.

Уринларидан қўзғала бошлайдилар. Шу пайт Ашур киради.

Ашур

Рухсат беринг, муаллим.

Муаллим

Марҳамат, Ашуржон, тинчликми?

Ашур

Анзуранинг йўлини кеча —  
Асад ўғри тўсибди ногоҳ,  
Пичоқ билан қўрқитибди у.

Ҳамма

Асад ўғри! Вой, лаънат,  
— Нима дебди?  
— Нима дер эмиш?

А ш у р

«Бу йўлингдан қайт!» деган эмиш,  
«Сўнг пушаймон бўлмагин» дермиш.

Б и р и н ч и й и г и т

Қўрқитмоқчи бўлибди, демак.

И к к и н ч и й и г и т.

Уни қўлга туширмоқ керак!

А ш у р

Дўстлар, доим бўлайлик ҳушёр.

М у а л л и м

Балли, ҳушёр бўлмоқлик даркор,  
Душман бўлур қотил ва маккор!  
Улар сира тинчимаяпти...

А ш у р

Биргалашиб иш тутсак агар,  
Ер тишлайди душман муқаррар!

Ҳ а м м а

Ер тишлайди душман муқаррар!

Саҳна қоронгилашиб, яна олдинги лавҳа пайдо бўлади.

Ш е р м а т

(Қодирга)

Майли, қуда, қарор шу бўлсин.

Қ о д и р

Тўй устига тўй бўлсин!

Қовли эшиги очилиб, Мўминхўжа секин кириб келади. Улар пайқамайди.

М ў м и н х ў ж а

(ўзича)

Қодир нима қилиб юрибди,  
Бир гап борга ўхшайди бунда...  
Ассалому алайкум.

И к к а л а с и

Ваалайкум... келсинлар, тақсир.

А н з у р а

Нега келди экан бу тулки?!

М ў м и н х ў ж а

Тамом бўлиб номози асир  
Хонақодан қайтаётгандим,  
Бир зарур гап туфайли ҳозир  
Ёнингизга келдим, Шерматвой!



Ш е р м а т

(чой узатиб)

Чойдан ичинг, аччиққина чой.

М ў м и н х ў ж а

Чой аччиғу, хабарим ширин.

Ш е р м а т

Ошкор этинг хабарнинг сирин?

М ў м и н х ў ж а

Тўрабекдан бир гап келтирдим.

А н з у р а

(ўзича ёниб)

Тўрабекдан!

Ш е р м а т

(ҳайратда)

Тўрабекдан?!

Қ о д и р

Нима дебди, у мўътабар зот?

М ў м и н х ў ж а

(Шерматга)

Қизингизни сўраяптилар.

## А н з у р а

Виждонсиз!

## Ш е р м а т

Ўттиз йиллик меҳнатим ҳаққи  
Қизимни ҳам сўрабдими у?

*(Ғазабланиб.)*

Айтинг, дарров сўзидан қайтсин,  
Йўқса унинг ҳоли бўлар вой!

М ў м и н х ў ж а

У, ахир бой...

Қ о д и р

Утиб кетган унинг замони.

А н з у р а

Давру даврони!

М ў м и н х ў ж а

Мана бу хат ундан. Шерматвой.

*(Енидан хат олиб, чироққа солиб ўқий бошлайди.)*

«Биласанки, Шермат, хотиним ўлган,  
Ёлғизлик азоби кўксимга тўлган.  
Давлатим этади иккимизга ҳам,  
Дунё завқларини кўрайлик баҳам.  
Ҳадемай советдан қолмайди нишон,  
Бу гапим ҳақиқат, сўзимга ишон.

Агарда йўқ десанг, кўргин ўзингдан,  
Икки ўқ тешади икки кўзингдан.  
Тўрабек».

### Ш е р м а т

У йўқолиб кетган эди-ку,  
Қайдан пайдо бўлиб қолди у!

### М ў м и н х ў ж а

Шерматвой-эй, жуда соддасиз,  
Мунча мол-мулкни,  
Шунча ер-сувни,  
Шунча уй-жойни  
Ташлаб қайга кетиши мумкин?

### Ш е р м а т

Домлапочча, хабарингиз борми-йўқ,  
Анзурани Қодирвойнинг ўғлига —  
Ботирвойга унаштириб қўйганмиз.

### А н з у р а

*(ширин энтикиб)*

Ҳа, ҳа, шундай... тўйимиз яқин.

### Қ о д и р

Бизлар қуда бўлганмиз.

### Ш е р м а т

Бориб айтинг, кўнгли бўлсин тўқ,  
Тўрабекка берар қизим йўқ.

Агарда йўқ десанг, кўргин ўзингдан,  
Бозор оқшоми тўйга марҳамат.

М ў м и н х ў ж а

(ғазаб билан)

Ҳа, ҳа, худо хоҳласа... (Чиқади.)

Саҳна қоронгилашиб, тоғ этагидаги пастқам бир жой кўринади.  
Дарахт панасида А с а д. Атрофга алаңглаб кўз ташлаб М ў-  
м и н х ў ж а киради. Асаднинг саломидан чўчиб кетади.

А с а д

Салом, тақсирим.

М ў м и н х ў ж а

Э-э, қўрқитдингиз, Асадвой.

А с а д

Ҳали шу юрак билан шўроларни йўқ  
қиламан, деб юрибсизми?

М ў м и н х ў ж а

Олло мадад беради, шўро йўқолур.

А с а д

Хўш, айтинг-чи, розими Шермат,  
Хўжайиндан суюнчи олай?

## М ў м и н х ў ж а

Йўқ, суюнчи насиб бўлмагай. Анзурани  
Қодирнинг ўғли олар эмиш, жума куни тўй.

## А с а д

Шуни ҳам уддалай олмабсиз.  
Тўйи мотам бўлади!

Парда.

## УЧИНЧИ КЎРИНИШ

Шермат ака богининг бир чети. Ишком тўла узум. Ариқ четида гуллар. Булбул чах-чахлайди. Қуёш уйғонмоқда. Кўча томондан, пахса девор оша Б о т и р кўринади. У чанқоқ кўзлар билан Анзурани қидиради. Висол иштиёқи билан куйлайди.

## Б о т и р

Қаддинг кўришга зорман,  
Тун кечалар бедорман.  
Ойдек жамолинг соғиниб,  
Келдим богинга, ёр, мен.  
Чиққил ёнимга, эй гўзал,  
Шаънингга айтай мен ғазал.  
Лафзи ҳалолу сўз — асал,  
Ишқим қилай изҳор мен.  
Урнига тушсин аҳдимиз,  
Кулсин қуёшдек бахтимиз,  
Севмоқ, севилмоқ — ҳаққимиз,  
Мен — ошиқи дийдор мен.

Девордан ошиб ўтади, бир бош узум узиб, ариққа чайиб, ея бошлайди. Шу пайт А н з у р а кўринади. Ингитни ҳайрон кузатади.

А н з у р а

Салом, узум ўғриси...

Б о т и р

*(шошиб қолиб)*

Салом, Анзурам, салом,  
Ўғримасман, гапнинг тўғриси,  
Сизни излаб келгандим.

А н з у р а

Мени излаган одам,  
Эшик у ёқда қолиб,  
Тешикдан ўтибди-да...  
Ажаб...

Б о т и р

*(ҳазилга олиб)*

Узумини егину боғини суриштира  
деган...

А н з у р а

Битта боғбон қиз.

Б о т и р

Бундай деган ким экан?

А н з у р а

*(нозли рашк билан)*

Ким экан у?

Б о т и р

Уша — Сиз!

А н з у р а

Узумини ейсизу  
Боғидан беҳабарсиз,  
Мана, қиз бошим билан  
Ўзим ишлаб юрибман,  
Парваришлаб юрибман.  
*(Кетмонга ишора қилади.)*

Б о т и р

*(хижолат бўлиб)*

Айтсайдингиз, агар сиз,  
Бир боғ эмас, юз боғни  
Гулзор қилиб қўярдим,  
Юқтирмай зарра хазон.

А н з у р а

Айтишга осон...

Улар ҳазиллашиб, кулишиб, севги тўла кўзлар билан бир-бирига боқишади. Анзура чеҳрасида ногоҳ ҳаяжон, ташвиш пайдо бўлади.

## А н з у р а

Ботир ака, орзу-ўйимиз,  
Жаранглаган ёшлик куйимиз...

## Б о т и р

Ва бўлажак севги тўйимиз...

## А н з у р а

Бахтимиздан бир нишонадир.

## Б о т и р

Бу бахтимни ардоқлаш учун  
Ҳадя этай йигитлик кучин.

## А н з у р а

Аммо... Асад, манфур Тўрабек  
Бизга сақлаб ҳасад, фитна, кек,  
Бахтимизга солмоқчилар чанг.

## Б о т и р

Ҳа, беомон бўлди оғир жанг,  
Бироқ душман янчилди буткул,  
Бизникидир шодлик, баҳор, гул!  
Асло қўрқманг, Анзурам!

## Д у э т

## Б о т и р

Яшнатай меҳрим-ла ёрнинг богини,  
Кўзларимга суртайин япроғини.



## А н з у р а

Баҳра олсин гулларимдан эл кўзи,  
Шарбати боссин кўнгил чанқоғини.

## Б о т и р

Она-юрт гулларга чулғансин тамом,  
Гавҳару олтин қилай тупроғини.

## А н з у р а

Кенг чаманлар завқини сурсин дилим,  
Гулга буркайлик муҳаббат чоғини.

## Б о т и р

Битди, золим, янги дунё бошланиб,  
Кўрмагаймиз энди кулфат-доғини.

Аста-секин кулишиб, ҳазиллашиб чиқадилар.

## Парда.

## ИККИНЧИ ПАРДА

### ТҮРТИНЧИ КҮРИНИШ

Кечки пайт. Кенг саҳна. Тўрда — чимилдиқ. Ҳртада машғала.  
Қ и ш л о қ а ҳ л и — к а т т а к и ч и к, ё ш у қ а р и Ботир ва Ан-  
зура тўйларига йиғилган. Беш қарсақ ўйин авжда. Ўйин тиниб,  
Б а х ш и дўмбираси янграйди, атрофни болалар ўраб олган.

### Б а х ш и

Яхши-яхши кунларда,  
Сайра, жоним дўмбирам.  
Тўй-томоша завқидан  
Яйра, жоним дўмбирам.

Юрагимнинг гулисан,  
Хуш овоз булбулисан,  
Ошиқ-маъшуқ дилисан,  
Янгра, жоним дўмбирам.

Куёв-келин яйрашур,  
Бир-бирига ярашур,  
Қўш булбулдай сайрашур,  
Сайра, жоним дўмбирам.

Босган изи гул бўлсин,  
Фарзандлари мўл бўлсин,  
Душман бағри кул бўлсин,  
Яйра, жоним, дўмбирам.

## О в о з л а р

- Яшанг!
- Саломат бўлинг!
- Қўлингиз дард кўрмасин!

Шу пайт тўй либосидаги куёв — Ботир Анзурани етаклаб киради. Хурсандчилик авжига чиқади, жаранглаб тангалар сочилади. Келинни машъаладан айлантирадилар. Сўнг, келин-куёв чимилдиққа ўтиб, тикка туришади.

## К а м п и р л а р

Бўйларингдан ўргилай.  
Тўйларингдан ўргилай.  
Қўша қаринглар.  
Ували-жували бўлинглар.

Кампирлар ўртага Ботир ва Анзуранинг оналарини олиб чиқиб, ўйинга қистайдилар. Келиннинг онаси уялиброқ туради. Куёвнинг онаси қувноқ ҳазил билан ўйнайди.

## К у ё в н и н г о н а с и

*(келиннинг онасига)*

Сойлар келар гулдур-гулдур,  
Дунёнинг ишлари шулдир.  
Ўйин тушинг, ҳой қудажон,  
Қарайвермай мўлдир-мўлдир.

## О в о з л а р

Улманг!

## Келиннинг онаси

Менинг қизим қизил гулдир,  
Гул шохида шўх булбулдир.  
Бир ноз қилсам қилибман-да,  
Тергайверманг гўлдир-гўлдир.

## Куёвнинг онаси

Неваралар чулдир-чулдир,  
Уйгинамни бахтга тўлдир.  
Таранг қилманг, ҳой қудажон,  
Дунёнинг ишлари шулдир,

## Келиннинг онаси

Тоғда ёлғизоёқ йўлдир,  
Тоғ орқаси яланг чўлдир,  
Хурсандликдан ўйнайман-да,  
Ўйнамаган соқов-гўлдир.

## Куёвнинг онаси

Бугун сизни терлатаман,  
Келинимга тергатаман.  
Келингизам ўғил туғса,  
Бешигини тебратаман.

## Иккаласи

Алла-алла-аллаё,  
Норбувининг невараси...  
Ойчучукнинг невараси...  
Алла-алла-аллаё!

Ҳаммалари кулишади. Сўнгра ёш аёлларнинг ёр-ёри бошлади.

## Ё р - ё р

Баланд-баланд тоғларнинг  
Бўрки бўлар ёр-ёр.  
Келин тушган уйларнинг  
Кўрки бўлар ёр-ёр.  
Шилдир-шилдир қамишга  
Сирғам тушди ёр-ёр.  
Синамаган йигитга  
Синглим тушди ёр-ёр.  
Синамаган йигит деб  
Айтманг янга, ёр-ёр.  
Қизнинг кўнгли бўлмаса,  
Тўйлар қайда ёр-ёр.

Чимилдиқ панасида бу қувноқ томошани кузатиб турган Анзура  
билан Ботир бир-бирларига тўймай тикилишади.

## Б о т и р ;

Хайрият!  
Бахт қушим қўнди бошимга,  
Бугун... энди меникисиз  
Бутун умрга.

*(Яқинлашиб, ҳазиллашади.)*

## А н з у р а

Бунча шошманг,  
Ҳаддингиздан ошманг.

## Ботир

Бу ойдин кечада  
Бахтимга боқиб,  
Шодликни кўксимга сиғдиrolмайман.

(*Ҳаяжонда*)

Анзураhon, юрагимга солинг-а, қулоқ,  
Орзуларим жўш уради, — қайнаган  
булоқ.  
Ота-бобо ният қилган замон бизники,  
Ер бизники, бахт бизники, осмон  
бизники.

## Анзура

Гапингиз рост:  
Ер бизники, бахт бизники, замон бизники!

Тўй авжида.

## Аёллардан бири

Ҳай-ҳай овсинлар,  
Инсоф қилайлик,  
Вақт — алламаҳал  
Энди жилайлик.  
Келин-куёв ёлғиз қолиб  
Яйрашсин.

Ҳаймалари кулишади... Қишлоқ устида кўтарилган аланга ва одамлар қий-чуви тўй аҳлини саросимага солади. Ҳамма кўчага югуради. Анзура ва Ботир бир лаҳза ёлғиз қоладилар. Бироқ бу пайтда — чимилдиққа Асад ўғри бошлиқ уч-тўрт йигит кирган бўлади. Келин-куёв дастлаб гангиб қоладилар. Асад ногоҳ Ботирга пичоқ уради. Йигитлар шиддат билан Анзуранинг

огзига латта тиқиб, олиб қочадилар. Ботирнинг «Оҳ!» деб инграгани эшитилади. Узоқлашаётган отлар дупури эшитилади. Аланга кучаяди.

Парда.

### БЕШИНЧИ КҶРИНИШ

Баланд тоғлар. Тоғ этагидаги кичик уйлардан бири. Лампа чироқ ёниб турибди. Кўрпачалар тўшалган. Парқу ёстиқларга ёнбошлаган Т ў р а б е к замондан нолийди.

### Т ў р а б е к

Во ажаб, қандоқ замон, у бизни абгор айлади,  
Хонумонлардан жудо, ғор қўйнида зор айлади.  
Молу мулк қўлдан кетиб, келди гадоларнинг  
куни,

Бу ҳукумат бизга кенг дунёни ҳам тор айлади.  
Қайда у бойлик, салобат? Барчаси кул бўлдилар,  
Бахт кулиб йўқсилга боқди, бизни ночор айлади.  
Алқасос ҳукми, кўзимдан уйқини бегона қил,  
Қон тиларман, қон тиларман, чунки хунхор  
айлади.

*(Катта шишадан ароқ қуйиб ичади, ташқарига  
қулоқ солади, кимнидир безовта кутади.)*

Эй, Анзура... Эй, бетовфиқ қиз,  
Шайтон йўлдан урган ҳаёсиз.  
Оёқ ости қилдинг одатни,  
Ор-номусни, қуръон, бидъатни.  
Фаол эмиш... Нонкўр шарманда!  
Ёнажаксан гур-гур гулханда!

М ў м и н х ў ж а  
(киради)

Ташвишдаман... ҳаяллаб қолди.  
Келмаяпти одамларимиз.

Т ў р а б е к

Тақсир, бунча ҳовлиқаверманг.

М ў м и н х ў ж а

Тушмасин-да, илоё қўлга.

Т ў р а б е к

Совуқ нафас қилманг, тақсирим.  
Мен ўлмоқчи эмасман ҳали.  
Шермат, Қодир, Анзураларнинг  
Барчасининг қонин ичаман.  
Ҳаммасининг келади гали,  
Қонни дарё қилиб кечаман.

М ў м и н х ў ж а

Яхши ният — ярим давлатдир,  
Айтганингиз келсин, илоё!

Фотиҳага қўл очади. Шу пайт соқчи-мулозим киради.

С о қ ч и

Улар келиб қолди, хўжайин.

М ў м и н х ў ж а

Худога шукур!



Т ў р а б е к

Не келтирди, бориб хабар ол.

С о қ ч и

Уч қиз билан анчагина мол.

Т ў р а б е к

Чақир, кирсин! Кўзимдан йўқол!

А с а д ўғри Анзурани етаклаб киради, яна икки қиз  
ва бир неча йигитлар кўринади. Ҳар хил ўлжалар —  
латта-лутталар Тўрабек оёғи тагига ташланади.

А с а д

Мана, хўжайин, Анзура тайёр,  
Эри бечора ўпгани ҳам йўқ!

Т ў р а б е к

(*Асадга*)

Балли сенга...

(*Анзурага.*)

Хўш, энди айёр,  
Шаккок, шаддот, қўлга тушдингми?

(*Кулиб.*)

Энди бир оз йўлга тушдингми?

(*Асадга.*)

Эри қани?

## А с а д

Жон берди эри.

Т ў р а б е к

Дўзах бўлур борувчи ери!

А н з у р а

*(Ғазаб, фарёд билан)*

Жаллодлар!

Қаердасан, Ботирим, мардим!

*(қўлини бўшатишга талпинади.)*

Т ў р а б е к

Оҳ-о, тилинг чиқиб қолипти-ку,  
Эшигимга тилаб бурда нон,  
Зор юрганинг унут бўлдимми?

*(Истеҳзо билан.)*

Шўро қизи... Комсомол шайтон...

А н з у р а

Бу ҳийлалар, бу ёвузликлар  
Сақлай олмас сени, Тўрабек!  
Ботиримни ўлдиролмайсан!

Т ў р а б е к

Отанг қайда, у оёқланг?

## А н з у р а

Ҳовли-жойинг, боғу роғ, даланг —  
Ҳаммасини элга улашиб,  
Хизмат билан юрибди ҳозир,  
Ўғлингни ҳам олдик қамоққа,  
Хотинларинг зордир талоққа!

### Т ў р а б е к

Майли энди зор бўлса зордир,  
Аммо ҳозир сенга эгаман.

## А н з у р а

Вой бечора, сенга текканча  
Билиб қўйки, ерга тегаман.

### Т ў р а б е к

Эй, тирмизак, бу шаштингдан туш.

## А н з у р а

Қафасингга тушмас эркин қуш!

### Т ў р а б е к

Орзуларинг барчаси сароб,  
Мазлум эдинг, яна мазлумсан.

## А н з у р а

Йўқ, йўқ, бугун сен хору хароб,  
Ўлимларга ўзинг маҳкумсан!

Т ў р а б е к

Эрта-индин йўқ бўлур шўро.

А н з у р а

Шўроники бу ёрқин дунё!

Т ў р а б е к

Отангни ҳам ўлим кутади.

А н з у р а

Йўқ-йўқ, сени ажал югади!

Т ў р а б е к

Авлодингни қонга этгум ғарқ.

А н з у р а

Сени топтар озод бўлган халқ!

М ў м и н х ў ж а

Бунга ҳеч гап кор қилмас, хўжам.

А н з у р а

Бор экан-ку бу тўти қуш ҳам!

М ў м и н х ў ж а

Ё раббий! (Ёқасини ушлайди.)

## Т ў р а б е к

Афсус, афсус, одамларим кам,  
Мингтагина йигит бўлсайди...

## М ў м и н х ў ж а

Унда нима бўларди?

## Т ў р а б е к

Унда... булар бари ўларди,  
Қолдирмасдим қашшоқ, гадодан.  
Гирдоб-гирдоб қон оқизардим.  
Сув ўрнида Қашқадарёдан.

## А н з у р а

Мен курашга тайёрман, жаллод,  
Мен сен каби номард эмасман.

## Т ў р а б е к

Шошма, кунинг етиб турибди,  
Ҳой, йигитлар, қуйинг ароқдан.  
(Ароқ қуйиб, бирга ичишади.)

— Соғлигингиз учун, хўжайин!  
— Борлигингиз учун, хўжайин!

## Т ў р а б е к

Асад!

## А с а д

Лаббай, хўжайин.

## Т ў ра б е к

Олиб чиққин манов таннозни,  
Қамаб қўйгин менинг хонамга,  
Бир пасдан сўнг ўзим бораман,  
Хилватда бир отамлашамиз...

## А с а д

Хўп бўлади, ҳозир, хўжайин.

## (Анзурага)

Қани энди юринг, янгажон,  
Янгажонмас, танга — жон!

## М ў м и н х ў ж а

Янгажонинг нимаси, Асад?  
Кундош десанг тўғри бўларди.

Ҳаммалари қаҳ-қаҳ отиб куладилар.

## А н з у р а

Соқолларинг гўрда чирисин,  
Имонини ютган ялмоғиз!

## М ў м и н х ў ж а

Имонимга тегизма оғиз!

Анзурани Асад куч билан ташқари олиб чиқаётганида қизлар  
Анзурага ёпишадилар, аммо уларни куч билан орқага қайта-  
радилар.

## А н з у р а

Ҳеч қўрқманглар, дугоналарим,  
Тез орада озод бўламиз.  
Хайр-хайр, меҳрибонларим.

## Т ў р а б е к

Қани, йигитлар, базм бошланглар.  
Ароқ қуйилсин, қўйлар сўйилсин,  
Манов гулларни бир ўйнатинглар.

Қизларни ўйинга қистайдилар.

Парда.

## ОЛТИНЧИ КЎРИНИШ

Аваз Малик қишлоғидаги мазор. Қуёш ботаётган пайт. Эғнида милиция формаси, белида тўппонча осиглиқ, ҳориган, толиққан **А н з у р а** аста-секин юриб келиб, янги қабр тепасида тик туради. Бу — Ботирнинг қабри. Шу атрофда юрган **ч ў п о н б о л а** уни бошлаб кирган бўлади.

## А н з у р а

Ботиржонгинам, Ботирим, норим,  
Кўнгил қўйган севикли ёрим,  
Тинч ухлагин...

## А р и я

Душманам сендан жудо қилди, нетай,  
Шум рақиб кўп иддао қилди, нетай,  
Кўнглим ичра, орзулар бисёр эди,  
Ғам юки қаддим дуто қилди, нетай.  
Уч оларман танда жоним бор экан,

Гарчи тақдир юз бало қилди, нетай.  
Тинч ухла, азизим, Ботиржон,  
Жонингга жон олдим,  
Ўзинг учун қон!  
Аммо интиқомга тўла асабим,  
Душманга ўқ бўлар нафрат, ғазабим.  
Ер тишлади битта қотилинг.

Саҳна қоронғилашиб, орқада тоғ манзараси намоён бўлади. Анзура билан бирга гандираклаб Асадуғри келмоқда. Анзура пайт пойлаб Асаднинг оёғини чалиб юборади. У қоқилиб йиқилади. Анзура ердан тош олиб, чаққонлик билан Асаднинг бошига туширади. Асад узала тушиб қолади. Анзура унинг ёнидан пичоғини суғуриб, кўксига зарб билан ботиради. Асаднинг тўппончасини ҳам юлиб олади. Жасадни судраб, чуқурга ағдаради.  
Ўзи қочади.

Парда аста-секин кўтарилиб, яна мазор саҳнаси кўринади.

## А н з у р а

Эшитдингми сўзимни, жоним,  
Итваччани шундай ўлдирдим.  
Бу жуда кам.  
Сўнгги иблиснинг  
Жонин олмай ором билмасман!  
Ишон, жоним! Севгимиз ҳаққи,  
Она сути каби ҳалолман.  
Тонг нуридай,  
Булоқ сувидай  
Покизаман, гардсиз, зилолман.  
То ўлгунча шундай қоламан,  
Душманингдан қасос оламан!

## А р и я

То тирикман, дилда жоним сен билан,  
Жон эмас, буткул жаҳоним сен билан.



Сен менинг покиза ишқимсан мудом,  
Жўш урар томирда қоним сен билан.  
Дилдаги орзуларинг топгай камол,  
Ёшлигим, кўрким, замоним сен билан.  
Қабринг узра гул унар, гулшан унар,  
Барқ урар бўстон маконим сен билан.

*(Аста-секин саҳнадан узоқлашади.)*

Парда.

## УЧИНЧИ ПАРДА

### ЕТТИНЧИ КЎРИНИШ

Тоғ этаги. Олис қишлоқ манзараси. Катта қайрағоч тагида тушлик пайти. Кооператив аъзолари шу ерда, ким ёнбошлаган, ким белбоғини ёзиб дастурхон қилган, ким чой қайнатишга уннаган — ҳамма ҳар иш билан банд. Ўртада — давра тузган ёшлар хурсандчилиги.

### Дуэт ва хор

#### Лола

Тоғдан шамол келади,  
Сочларимни силади.  
Муҳаббат изтиробин  
Завқи борлар билади.

#### Нақорат

Қарши чўлида лола,  
Лола терар бўз бола.  
Лолага меҳрин қўшиб  
Кимга қилар ҳавола?

#### Эрмат

Тоғ этагида шоли,  
Эсган кимнинг шамоли?

Юрагимни ёндирди  
Бир нозанин жамоли.

Н а қ о р а т

Л о л а

Юракми у ёнмаса,  
Меҳр ила уйғонмаса.  
Аҳди борнинг — бахти бор,  
Гар аҳдидан тонмаса.

Н а қ о р а т

Э р м а т

Ширин экан сўзингиз,  
Тўлин ойдай юзингиз.  
Дилингизда бор гапни  
Айтиб турар кўзингиз.

Н а қ о р а т

Ш е р м а т билан А н з у р а кирадилар.

Ш е р м а т

Ҳорманглар-ов!

Ҳ а м м а

Бор бўлинг, шўро бува.

## Ш е р м а т

Шу зайлда иш давом этса,  
Олтин унар ким чигит экса.

## Қ о д и р

Ҳа, қудажон, гапларингиз рост,  
Бу иш — бирлик шарофатидир.

## А н з у р а

Доҳий Ленин башоратидир.  
Эл бирлашса — тоғдан ҳам баланд,  
Эл бирлашса — офтоб монанд  
Яшнатади шаҳру далани.

## Ш е р м а т

Булар хамир учидан патир.  
Ҳали шундай кунлар келарки,  
Бўстон бўлар саҳрою тақир.

## Э р м а т

Дада, яна битта трактор  
Зарур бўлиб қолди-да, жуда.  
Опам билан бирга ишлардик.

## А н з у р а

Албатта бўлади!

## Ш е р м а т

Ҳа, бўлади. Юзлаб трактор  
Ҳады қилар ҳукуматимиз.

## Ҳ а м м а

Омон бўлсин ҳукуматимиз.

## О й с у л у в н и н г о н а с и

*(армон билан, йиғлаб)*

Ойсулувим тирик бўлганда  
Ёнларингда бирга бўларди.

## А з и з а н и н г о н а с и

*(қўлини ерга уриб йиғлаб)*

Тўрабекка ўлим бер, худо,  
Фарзандимдан қилди у жудо.  
Қайлардасан Азизажоним!

## А н з у р а

*(афсус, армон билан)*

Жондан азиз дугоналарим  
Ёв қўлида берибдилар жон.

Аммо кураш ҳали тугамас,  
Ҳали душман берар қонга қон.

### Ш е р м а т

Писиб ётар ғорда Тўрабек,  
Ҳали қўлга тушганича йўқ.

### Қ о д и р

Қўлгинамга тушса лаънати,  
Қўзларига босар эдим чўғ.

Шу пайт ч о л билан к а м п и р киради.

### Ш е р м а т

Келинг, келинг, Каримбой ака,  
Ассалому алайкум.

### Ч о л

Воалайкум... Жамоат жам-ку,  
Ҳорманглар энди.

### Ҳ а м м а

Саломат бўлинг.

### Қ о д и р

Янгамни ҳам олиб келибсиз.

Ч о л

Ичим қизиб, тор ҳовличангда  
Ўтирмайман деб қолди кампир.

Ш е р м а т

Яхши қилибсиз.

А н з у р а

Яхши келибсиз.  
Ишларимиз маъқулми, ота?

Ч о л

Маъқул ҳам гапми,  
Ҳаракатда — баракат.

А н з у р а

Кооперативга киринг-да энди.

Ч о л

Киардиму манави кампир  
Ҳеч кўнмаяпти.

«Нега?», «Нега?» — деган саволлар.

Қ о д и р

*(хотинининг гашига тегиб)*

Хўжайин кўнмаяптилар денг.

Ч о л

Нега энди хўжайин бўлсин?

К а м п и р

Бу чол лақилламай ўлсин.

Ҳо, Шерматвой!

Ш е р м а т

Лаббай, янга?

К а м п и р

*(ўрнидан секин қўзғалиб)*

Шерматвой, бу капратип деган,

Билишимча, кўп ёмон экан.

Ш е р м а т

Хўш, нимага?

К а м п и р

Товоқ, қозон ўртада эмиш,

Оби ёвғон ўртада эмиш,



Кўрпа-ястиқ ўртада эмиш.  
Хотинлар ҳам ўртада эмиш.  
Бу қип-қизил қиёматмасми?

Ҳамма кулади. Кампир «боладим» дегандай аланглайди. Кампирнинг чоли ўрнидан туради.

## Ч о л

Ҳай-ҳай, хотин, ҳай, Норжонбуви,  
Оғзим бор деб валақлайверма,  
Сен ўртада бўлдинг нимаю  
Ё ўртада бўлмадинг нима?  
Мен ташвишдан қутулар эдим.

Ҳамма кулади.

## Ш е р м а т

(Кулиб)

Чолингизга насиб қилинг-э...

## А н з у р а

Кооператив кўп улуғ нарса,  
У — шарафли давр мевасидир,  
Доҳий Ленин ўй-режасидир!  
Бошқа гаплар ёлғон, бувижон.

## Ш е р м а т

Бошқа гапни душман тарқатган.  
Одамлардан бир сўраб кўринг:  
Уз хотини ўзиники-ку!

*Ҳамма кулади.*

Идорага келинлар кечроқ,  
Бир бемалол суҳбатлашамиз.  
Хайр, ҳозирча (*чиқади*).

Ҳамма бел, кетмон, хаскаш, паншахасини кўтариб, далага қўзғалади, трактор овози гулдирайди.

Парда.

## САККИЗИНЧИ КЎРИНИШ

Кечки пайт. Трактор билан ҳайдалган майдон. Бир чеккада — олисроқда трактор ҳам кўринади. Гул дасталаётиб, **А н з у р а** куйлайди.

## А р и я

Чўлу саҳро боғу бўстон бўлғуси,  
Довруғи тилларда дoston бўлғуси.  
Мавж уриб, оби ҳаёт оққай равон,  
Томчиси дилларга дармон бўлғуси,  
Она-ер яшнар баҳору бахт билан.  
Пахтазорлар нурли хирмон бўлғуси.

Орзумиз топгай амал даврон аро,  
Энди дунё доруломон бўлгуси.

### А н з у р а

Кечир мени, Ботирим, ёрим,  
Бугун андак кечикиб қолдим.  
Аммо сенда бор ихтиёрим,  
Ёдинг билан мен нафас олдим.  
Қани энди тирик бўлсангу  
Бу кунларни бир кўрсанг эди...  
Юзларингда табассум, кулгу,  
Ёнгинамда шод юрсанг эди.  
Уф, афсус...

Кутилмаганда Т ў р а б е к пайдо бўлади.

### Т ў р а б е к

Қўлга тушдингми?  
Мен букунни кўп кутган эдим.

### А н з у р а

*(дарҳол воқеани англаб)*

Мен ҳам сени кўрмоқчи эдим.

### Т ў р а б е к

Демак, мақсад бир жойдан чиқди.

### А н з у р а

Ажаб эмас...

Т ў р а б е к

Ҳа, айтмоқчи,  
Трактор ҳам ҳайдар эмишсан?

А н з у р а

Ҳайдайман.

Т ў р а б е к

Мен қишлоққа қайтгандан кейин  
Ерларимни ҳайдаб берасан.

А н з у р а

Қайтиш сенга насиб қилмайди.

Т ў р а б е к

Ҳали шундай ниятим бор де?

А н з у р а

Бу — бир менинг ниятим эмас,  
Бу — ёп-ёруғ замон нияти.  
Озод бўлган инсон нияти!

Т ў р а б е к

Ҳали инсон ҳам бўлдингларми?  
Оёқяланглар!

А н з у р а

Мен — инсонман. Сен — илон эдинг,  
Илон каби ўлишинг аниқ.

## Т ў р а б е к

Ботир ёлғиз зерикмасин деб —  
Иккалангни этгум қўшмозор,  
Бошингда калхатлар қуради бозор,  
Сен Асадни ўлдириш билан  
Қутуламан деб ўйладингми?

## А н з у р а

Асад эмас, бир Асад эмас,  
Ботиримнинг томчи қонига  
Минг Асаднинг жонин оламан,  
Ё, Тўрабек, умринг тугади!

Тўрабек қаҳқаҳа солиб, истеҳзо билан кулади.

## Т ў р а б е к

Оббо, сен-эй, аёл бўлсанг ҳам,  
Тузуккина мардсан, муттаҳам,  
Хотинликка менга кўна қол!

## А н з у р а

Вой, тўрвасоқол,  
Оғзингга похол,  
Сени бошга урсинми хотин!

## Т ў р а б е к

Агар сен кўнсанг,  
Йўлимга юрсанг,  
Ота-онангни омон қўяман.  
Уканг Эрматни омон қўяман.

## А н з у р а

Агар кўнмасам,  
Йўлингга юрмасам —  
Нима бўлади?

## Т ў р а б е к

Унда барининг кўзини ўяман...

## А н з у р а

Мана, ол, номард!

Чаққонлик билан тўппончани ёнидан олиб, Тўрабекни отади. Тўрабек чап қўли билан кўкрагини ушлаб йиқилади ва Анзурани отишга улгуради. Анзура ҳам йиқилади. Уқ товушига эл йиқилади. Фарёд, қичкириқ кучаяди. Таёк, милтиқ, кетмон кўтарган ғазабнок кишилар кўринади.

## Парда.

## ТўҚҚИЗИНЧИ КўРИНИШ

Анзуранинг дафн маросими. Саҳна олдидан Мўминхўжа ва уч-тўртта ўғрилари олиб ўтадилар. Анзуранинг онаси дод солиб йиғлайди. Қавм-қариндошлар, ҳамқишлоқлар унга ҳамдард бўладилар.

## Ария

## А н з у р а н и н г о н а с и

Қуш бўлиб осмонга учдингми, болам,  
Сел бўлиб тоғларга тушдингми, болам,

Ё совуқ ерларни қучдингми, болам.  
Қайдасан, қайлардасан, жоним менинг,  
Боғларимда энди йўқми булбулим,  
Сўлдими бевақт, очилмасдан гулим,  
Шунчаларми душманим қилди зулм,  
Ғам билан чулғанди осмоним менинг.

Кўнглинг ичра қанча орзу барқарор,  
Мақсадинг йўлида эрдинг бахтиёр,  
Оҳ, ўлим, дунёни қилди кўзга тор,  
Кетди кўздан нури дармоним менинг.

Вотирнинг қабри ёнида Анзуранинг қабри кўринади.

### Х о р

Йиғлангиз, кўзлар, азиз инсон учун,  
Бахтимиз йўлида оққан қон учун.

Зўр кураш ўтида ёнган жисму жон,  
Тоза қалбу, покиза виждон учун.

Қалбини бизларга у бахш айлади,  
Жонини тикди гўзал даврон учун.

Қолмагай ер узра золимдан нишон,  
Қон олармиз, қон олармиз, қон учун.

Йиғламанг ўлмайди ботир қизингиз,  
Абадий порлайди бахт юлдузингиз.

### Ҳ а м м а

Анзура ўлмайди —  
Орамизда яшайди,  
Орзулари яшнайти!..

Парда тушиб, яшнаган чўл: оппоқ пахтазорлар, зилол каналлар, обод қишлоқлар манзараси диққатни тартади. Анзурага ҳайкал ўрнатилиши дақиқалари. Янги, ёш а в л о д уни гуллар билан муборакбод қиляпти.

### Х у л о с а х о р и

Орзулар кулган диёрда даври давронлар бугун,  
Чўлу саҳро сийнаси кўркам гулистондир бугун.  
Ярқираб Ильич чироғи, сувга сероб бўлди чўл,  
Она-Ер оғуши беҳад бир улуғ кондир бугун.  
Бунда севги, бунда бахт, меҳнат ва роҳат олами,  
Чўлқувар эл довуғи тилларда дostonдир бугун.  
Ёд этармиз жон фидо қилган азизлар номини,  
Яхшиларга элда ҳурматлар фаровондир бугун.

Парда.



ДРАМАТИК ДОСТОН

I

Қадимий Бухоро. Рангин пештоқлар.  
Музайян саройлар, гумбазу равоқ.  
Самодан ранг олган неча бир қаср  
Ярқиллар қуёшнинг олтин селида.  
Устма-уст қалашган кўрксиз лойдевор,  
Жинкўча, тош ҳовли, хароб кулбалар —  
Узра юксак қалқиб бир даста минор,  
Инсон санъатини этар намоиш.

Шаҳар четидаги оддий тош ҳовли,  
Минглар қисматининг ҳамдами бўлиб,  
Бу ерда яшайди Аҳмад Бухорий,  
Бу ерни манзилгоҳ тутгандир устод.  
Аҳмад Бухорийни ким танимас, ким?  
Оппоқ соқоллари кўксин тўлдирган,  
Донишманд чеҳрада тарих мужассам,  
Шогирдлар оламин фаҳри бўлган зот.

Бунёдий тафаккур завқига тўлиб,  
Рангларга кўчириб, қалб сеҳри, ҳоврин,  
Ҳовли ташқисида бир ҳужра ичра  
Зайниддин ишларди, муносиб шогирд.  
Устод кириб келди шогирд ёнига,  
Фикрини ром этди ранглар жилваси,

Тошларга мунаққаш ажиб лавҳалар.  
Уйқусиз тунларнинг маҳсули — ижод.  
Устоднинг ёнида яна бир шогирд —  
Самандбек бор эди, талай йилларни  
Шу санъатга тиккан, кеча-кундузлар  
Машаққатли касбдан шон кутган йигит.

### Б у х о р и й

Баракалло, ўғил, неча фурсатки,  
Тунларни тонгларга улайсен бедор,  
Ниҳоят мақсадга дарча очибсен,  
Нақшингда мангулик барқ уриб турар.

### З а й н и д д и н

Ташаккур, бу рағбат сўзингизни мен  
Яхши бир орзудек тўғри англарман.

### Б у х о р и й

Ранглар нисбатида тенгсиз жозиба,  
Чизгилларда сирли олам суврати!  
Улуғвор пештоққа кўчган ҳамоно  
Ақлларни тамом лол этмоғи рост.  
Бунда маҳобат бор даҳоларга хос.  
Шундайми, Самандбек?

### С а м а н д б е к

Алҳол, рост, устод.  
Бу тансиқ бир хаёл, олижаноб ҳис,  
Тафаккур мавжланур ҳар қиррасида,  
Абадийлик муҳри аёнди яққол,  
Тасанно, азизим.

## З а й н и д д и н

Раҳмат, Самандбек.  
Сизга муболага бўлса бас ўзи.

## Б у х о р и й

Санъат оламида азалдан-охир  
Шундай бир қоида мавжуддир мутлақ.  
Бировким, қалбининг ганжинасини  
Тортиқ қилар экан инсониятга,  
Яъни китобатда, фунунда, шеърда,  
Заргарлик, меъморлик, сангтарошлик ё,  
Қайси бир ҳунарнинг илгин тутмасин,  
Унга ўзлигини сингдирар аввал.  
Бу — унинг қонида гупурган оташ,  
Жисмида ғалаён этган эҳтирос.  
Сўнг, у олам ичра сочилиб ётган,  
Зардек зарра-зарра тарқалган жамий  
Гўзалликни битта нуқтага тўплаб,  
Талқин айлаяжак хос бир ғояни.  
Токим у келажак неча авлодга  
Ҳикоятлар қилсин эзгу ниятдан.  
Абадият деган мана шул ўзи,  
Уни истак билан олиб бўлмайди.

## З а й н и д д и н

Мана бу гулларнинг ушбу тархида  
Мутаносиб ҳолат етишмас, устод.  
Кўнглимни тўлдирмай ғалат бир чизги,  
Андак безовтаю ғаш этаётир.

## Б у х о р и й

Бали, ўз-ўзидан норизолик — бу  
Ҳамиша изланиш, тинимсиз шуур  
Тақозо этгувчи ноёб фазилат.  
Фақат нодонгина ўз ихтиросин  
Кўкка кўтаргайдир бенуқсон дея.  
Мана бу шаклнинг устида бир оз  
Бош қотирмоқ керак, ўғлим Зайниддин.

## С а м а н д б е к

Фикри ожизимча, анов гул тархи,  
Хусусан, мана бу суврат ва шакл  
Бир-бирин тамоман инкор этмоқда,  
Бунда сохталик бор, меъёр бузилган.  
Бунда соя билан нур нисбати гўр.

## Б у х о р и й

Нечун? Қайси шакл ва қайси суврат?  
Исбот талаб қилур ҳар қандай даъво.

## С а м а н д б е к

Ҳозир ўзингиз ҳам айтдингиз, устод,  
Фикрингизни такрор этдим мен, холос.

## Б у х о р и й

Мен ёлғиз бир чизги камолин ўйлаб,  
Уни қиёмига етказ, дедим, то —

Мукаммаллик унда гуркираб турсин.  
Хайр, ишлагайсан яна бир муддат.  
Ҳозирча тушликка марҳабо, дўстлар,  
Қани, ичкарига — бир пиёла чой!

Самандбек титрарди. Ҳамиша гап шу.  
Зайниддинга барча мақтов муҳайё.  
Неча йилки, ялаб бу остонани,  
Бир оғиз яхши сўз дариғдир ундан.  
Бунга ортиқ чидаб бўлмайди сира.  
Нуқсонга мисолдир унинг машқлари,  
Етукка — Зайниддин ишидир тимсол.  
Бунда ноҳақлик бор, адоват, ғазаб,  
Устод адолатни унутган тамом.  
Йўқ! Тоқат тоқ энди, токай йўлимда  
Зайниддин бўлғуси ўтиб бўлмас ғов!..

Эшиклардан бири очилиб қийғоч,  
Ташқида кўринди ажиб бир гўзал,  
Зулфизар — устоднинг ёлғиз фарзанди.  
Зайниддин санъатин кўздан кечирмоқ  
Севимли одатдир бу дилбар қизга.  
Гулларда мужассам олам чиройи,  
Пайваста чекилган беқиёс ранглар  
Қизнинг вужудида қўзғарди туғён.  
Кўзига сураркан гулгун нақшларни,  
Билмоқ истар эди улар асрорин.  
Қаердан йигитнинг бегард кўнглида  
Чаманларнинг шўхчан оловланиши.  
Қизилида ял-ял ёнади шафақ,  
Сариқда — саҳронинг минг йиллик оҳи.  
Кўкида — самонинг баҳорий ранги.  
Тасаввурнинг бундоқ кўрки олдида  
Энтикиб боқарди дилрабо санам.

Мана, дугоналар — қўшни қизлар ҳам  
Бир-бир чиқишдилар, ҳар кунги одат,  
Уларнинг маҳлиё қарашларида  
Нақшлар гулхани акс этар ёрқин.  
Таажжуб! Табиат бағрида пинҳон  
Бунчалар мўъжиза, бунча жозиба  
Қандай сеҳр билан нақшларга кўчди.  
Бундан табиатнинг ўзи, балки, лол.

Ёшликда, кулгию ҳазил юксалар,  
Қизлар оламига хос барча хислат  
Ярқ этиб товланар бир неча лаҳза.  
Гўё Зулфизарни қутлашар дилдан.  
Зулфизар бокира бир ибодат,  
Ички бир ифтихор шуъласидан маст,  
Ҳавоий ранглارнинг жимжимасида  
Ўзининг хаёлий оламин кўрар.

Зайниддин бу ҳолни сезарди зимдан,  
Биларди ул қизнинг ҳайратли қалбин,  
Ҳозир ниманидир баҳона қилиб  
Секин чиқиб келди ташқи ҳовлига.  
Қизлар гўё ҳурккан кабутарлардек,  
Дувва қўзғалдилар, сачралиб ҳарён.  
Зайниддин Зулфизар рўбарўсида  
Энтикиб турарди, сўзсиз бир висол  
Қамти келди бир жуфт ошифта кўзлар,  
Икки қалбада бир қон гупурди гўё.

## З у л ф и з а р

Ассалом алайкум..

### З а й н и д д и н

Салом, азизам,  
Қайдан пайдо бўлдинг бахт қуши янглиғ?

### З у л ф и з а р

Чироғингиз турди тонггача ёниқ.  
Билдимки, ижоду иш билан бандсиз,  
Тошга сайқал берган Моний монандсиз.

### З а й н и д д и н

Ҳа, тунни уйқусиз ўтказганим рост,  
Кўр-чи, сенга маъқул тушурму бир оз.

### З у л ф и з а р

Маъқул ҳам гапмидир, бу бир мўъжиза.

### З а й н и д д и н

Ошириб юбординг, кўп қилма изза...  
Хайрият, кўнгилнинг сўниб губори,  
Қаламга рўй берди ранглар баҳори.  
Бедор тунларимнинг якунидир бу,  
Тугёнли ишқимни акс этган кўзгу.

### З у л ф и з а р

Мени кўпдан қийнар бир муаммо ҳол,  
Аммо ботинмасман бермоққа савол.

### З а й н и д д и н

Сўзла, мен жавобга уриниб кўрай,  
Ақлим етмаганин устоддан сўрай.

### З у л ф и з а р

Бунчалик камолот, тенгсиз тароват  
Елғиз бир санъатнинг завқи эмас-ку,  
Бу ерда яширин сир бор, сеҳр бор.

### З а й н и д д и н

Топдинг, дилрабо қиз, ошкора айтсам,  
Бу ерда сир деган севги, меҳр бор.

### З у л ф и з а р

Ажаб, тушунмадим...

### З а й н и д д и н

Тушунарсан хўб,  
Бу санъатнинг асл боиси ўзинг.  
Сендаги мукаммал нафосат ва қалб  
Менга бахш этгандир яратиш шавқин.  
Сени хаёлимда ҳис этиб ҳар дам,  
Тасаввур этарак айни қошимда,  
Қонимда, жонимда англаб эрта-кеч,  
Мен бу нақшларга қалбим солурман,  
Кўзим нури бўлиб оққан жилолар  
Сенинг сеҳрингдандир, сенинг меҳрингдан.  
Йигит сўзларидан қизда турфа ҳол,  
Дилнинг таг-тагида таҳланган ҳислар



Бирдан аён этар равшан туйғуни,  
Булутдан офтоб ярқ чиққан мисол.

### З у л ф и з а р

Устод, илғайдирман мен фикрингизни  
Ташаккур, дилга хуш сўзлар айтдингиз,  
Ва лекин ижоднинг туб асосинда  
Бўлак бир қудратнинг ётмоғи, бешак  
Инсон камолига куч бағишловчи  
Сиз ўшал асрорни яширмоқдасиз.

### З а й н и д д и н

Тасанно фаҳмингга, олижаноб қиз,  
Сўзларингда бордир олий ҳақиқат.  
Итасанг, ўзимча ушбу саволни  
Майли, талқин этай, эшитиб боқ-чи.  
Аммо бу барчага бирдай мос бўлмас,  
Бу бир тажрибаким, мингларнинг бири.  
Бунда барча тақдир, барча йўлларга  
Бир қолип, бир мезон бўлмагай раво.  
Энди саволингга шулдир жавобим:  
Болалик — ижоднинг олтин бешиги,  
Мутаассир онгу қалб керак аммо.  
Ёшлик туйғуларинг қанча мўл бўлса,  
Қанча рангин дардлар бўлса ошно,  
Илҳоминг ўшанча бўлгай анвойи.  
Яъни истеъдоднинг асил илдизи.  
Болалик замини ичра барқарор.  
Мен ҳам болаликда қўйчибон бўлдим,  
Англадим одамлар қувончу дардин.  
Дон янчдим, ўт ўрдим, гувала қордим,  
Тоғлар шоввасию яйлов ҳавосин,

Қирмизи шафақлар, нилий осмон,  
Бепоён қирларнинг зилол мавжию  
Заъфар саҳроларнинг жизганак рангин  
Юракдан ҳис этмоқ бўлди насибам.  
Отамнинг аянчли, оғир қисмати,  
Онамнинг аламли кўз ёшлари ҳам,  
Шаҳри сабза бўлмиш жафодийда Кеш  
Балки, кўчган чиқар бу нақшларга.

Буларнинг ўзаро ишқ мулоқотин  
Зимдан кузатаркан Самандбек бу пайт  
Ениб ич-ичидан кул бўлар эди.

### С а м а н д б е к

Ҳаддидан ошмоқда бу ярамас зот,  
Наққошликда мени сояга солиб,  
Шуҳрат гултожини орзу этмоқда,  
Дарвоқе, тан бермоқ керак, албатта,  
Мўъжизавор эрур унинг паргори.  
Унинг чизиқлари бағоят нозик,  
Бағоят аниқдир ҳар бир нуқтаси.  
Қўли гул дегани аслида-ку, шу,  
Хўш, нечун сен бунча ўтда ёнурсан?  
Нечун ул эришган чўққини, бахтни  
Сен орзу қилмайсан? Сабаб ё боис?  
Ё сенинг йўлингни тўсдимми бир пайт,  
Кўлингдан олдимми бирор ҳунарни?  
Уйла, тафаккур эт, аё Самандбек,  
Унда бор икки қўл сенда ҳам мавжуд,  
Бир хилдир бўю баст, кўзу қулоқ ҳам.  
Йўқ, бунда иқтидор қудрати керак,  
Керакдир табиий, илоҳий ёғду,  
Бунёдкор истеъдод унда беқиёс,

Бунинг инкорига бора билмасман...  
Булар етмагандай, Зулфизарни ҳам  
Юрагим қаъридан юлқиб олмоқда...  
О, гўзал Зулфизар, мени бу ерда  
Сақлаган сенинг ой жамолинг-ку, қиз!  
Сени бир кўрмакнинг орзусида мен  
Ушбу остонага урганман бошни.  
Наҳотки сезмассан, бефарқсан, наҳот,  
Йўқ, сенинг бошингни айлантиргувчи  
Анов қишлоқидир. Кешлик сеҳргар.  
Мен унинг пайини қирқмагунимча  
Бир лаҳза ҳаловат билмасам керак.

Қайдан пайдо бўлур қизганч ҳис, ҳасад?  
Санъат олами бу бепоён уммон,  
Бу уммондан ҳар ким ўз эътиқоди,  
Ўз фикри, қувваи қалбига кўра  
Дурдона тергай-ку. Санъат — хазина,  
Чексиз имконларнинг пинҳон олами.  
Юзага чиқмаган нозик туйғулар,  
Ҳали сир сақланган талай гўзаллик,  
Антиқа ҳодисот унда беҳаддир,  
Унда ўз мақсади, ўз йўли, бахти —  
«Ўз»лигин қидирган ошгайдир доvon!

Йўталиб маънодор кирар Самандбек,  
Зулфизар ичкари отилар зумда,  
Зайниддин ҳайратда бундоқ тазйиқдан.

### С а м а н д б е к

Маъзур тутинг, бўлдим ширин суҳбатни,  
Авж нуқтада экан изҳори кўнгил.

## З а й н и д д и н

Йўқ, биз фавқулодда дучлашиб қолдик.  
Тийран ақл мавжуд эрур бул қизда.  
Ижодиёт мағзин чақмоқ истаиди,  
Унда санъатларга сўнгсиз ташналик.

## С а м а н д б е к

Тинч қўйинг бул қизни, смъдан илтимое,  
Ҳашам, жимжимадор сўзлар на ҳожат?  
Гангитиб бечора қизнинг бошини,  
Қиз шаъни, иффатин топташдан қўрқинг,  
Устод сезиб қолса қаттиқ ранжийди.

## З а й н и д д и н

Ноўриндир сизнинг барча шубҳалар,  
Қайдан фикрингизда бул қора илон?  
Наҳот инсонийлик, самимиятни  
Бу қадар тубанда идрок этурсиз.  
Зулфизар била биз ижод ҳаққинда  
Жиндай мулоҳаза юритдик холос. –

## С а м а н д б е к

Ажаб, қиз боланинг ожиз фаҳмида  
Қайдан минораю пештоқлар кашфи?  
Бундай салоҳият аёл зотинда  
Бўлмоғини сиздан эшитмоқдаман.

## З а й н и д д и н

Сиз аёл зотини ғалат англайсиз,  
Уларнинг қалбида парвоз тополмай,  
Ҳали ниҳон ётган ғаройиб қудрат  
Борлигини ҳатто хаёл қилмайсиз,  
«Ман-ман» деб кўксига беҳуда урган  
Эркаклардан минг бор устундир улар.

## С а м а н д б е к

Асоссиздир тамоm бу мужмал фикр,  
Тангрим аёл зотин яратар экан,  
Бошқа мажбурият юклади унга,  
Хусусан, эркаклар хасми бўлмоқни.  
Хайр, бу гапларни қўя турайлик.  
Бу ерда ҳеч қандай баҳсга ўрин йўқ.  
Очиғини айтинг, сиз Зулфизарга  
Ошиқлик даъвосин қилаётирсиз.

## З а й н и д д и н

Тергамоққа бунча мойил эрсангиз,  
Мен сизга баралла айтишим мумкин.  
Зулфизарни жондан ортиқ кўрармен,  
Ҳаётим маъноси эрур ўшал қиз!

## С а м а н д б е к

Энди ёрилдингиз. Бу гап бўлакча.  
Унда мен ким бўлдим? Бу остонада  
Йиллар юрмоғимнинг недир боиси?  
Устод режасига зид бормоқликка  
Қандай жазм этурсиз. Менга аталган  
Қизга кўз олайтмоқ кўрнамакликдир.  
Шариат йўл бермас бу шаккокликка.

## З а й н и д д и н

Буни Зулфизарнинг ўзи қилур ҳал.

## С а м а н д б е к

Кўрурмиз ниманинг ҳал бўлмоғини!

## II

Ўтди неча муддат ушбу маромда,  
Зайниддин иш-ижод завқи билан банд,  
Ранглар жилосидан чаман яратиб,  
Тошларни сўзлатар. Унинг нақшида  
Самовий шуълалар тошқини яшнар,  
Бўёқлар сайқали кўзни оларди.  
Бухоронинг адил миноралари,  
Гумбазу равоқу мадрасаю арк  
Кўрганнинг ақлини забт этиб тамом,  
Эл-юрт таҳсинига бўлди сазовар,  
Ёйилди диёрлар бўйлаб шуҳрати.  
Бир ёнда Ҳироту Табризу Ажам,  
Бир ёнда Дамашқу Шому Халафда  
Бухоро фарзандин санъатига лол  
Одамлар кўпайди барча тарафда.  
Карвонлар ўтаркан, аҳли тижорат,  
Аҳли саёҳатлар ушбу хабарни  
Олиб ўтар эди элдан элларга.  
Унинг овозаси Самарқандга-ку  
Бағоят маълумдир, бу баланд довруғ  
Шоҳнинг саройида кенг ёйди қанот.  
Кунлардан бирида етдию чопар,  
Самарқандга унинг тезда етмоғин  
Маълум қилди, яъни ғоят улуғроқ  
Иншоот безаги кутмоқда уни.  
Тоқим шундай нақшлар яратсинки у,  
Ҳайрат ёқасини тутсин кўрганлар.

Ҳайҳот! Бу таклифда тенгсиз бир ишонч,  
Ижод иштиёқи бирла баробар  
Зулфизардан олис кетмоқ азоби  
Қалбини хашжардай тилкалаб ўтди.  
Лекин кўп қатъийдир фармони олий,  
Унга моне қудрат борму жаҳонда?  
Балки манглайига ёзилмиш толе  
Устивор этгайдир уни замонда.  
Бироқ Зулфизар-чи? Фироқ шиддати  
Қошида япроқдек сарғаймасму у?  
На чора? Бормоқдан ўзга илож йўқ.  
Фотиҳа бергайдир кекса устод ҳам,  
Маънос волиданинг не кечгай ҳоли,  
Наҳот Зулфизардан олис фироқда,  
Бу гўзал маскандан анча йироқда,  
Ҳис этмай ёнида ул қиз нафасин,  
Шарпасин, ғамзасин, хандасин, сасин  
Қандай кун ўтказур ошуфта йигит.  
Ахир, қўлларига, қалбига мадор,  
Қаламига нафис жило берган ишқ  
Уни не кўйларга солгай ғурбатда?

Зайниддин бу икки ўт ичра ёмон  
Ёнаркан, куяркан хас-хашак мисол,  
Аниқ бир чорани тополмас ҳамон...  
Фақат бир лаҳзалик учрашув — висол  
Бу мудҳиш хабарга қўйди сўнг нуқта.  
Кўзида томчилар филт-филт айланиб,  
Бу аччиқ қисматга бўйин берди қиз.

### З у л ф и з а р

Омад тилайдирман сизга, азизим,  
Соғлиқ тилайдирман, кўришмоқ завқин  
Орзу қилиб, сизни кутгум қишу ёз,

Мангу топширганим сизга қалбимни,  
Севгимни покиза сақлашдир аҳдим.

### З а й н и д д и н

Сенга инонурман, азизам, жоним,  
Кўришмоқ бахтидан умидим бисёр.  
Доим хаёлимда ўзинг бўлурсан,  
Бу кўнгил сен томон етказгай мени.

Шундай якунланди бу қисқа висол,  
Тонгда йўлга тушди аламли наққош...

Ушбу воқеотдан хабардор иблис —  
Самандбек қаҳқаҳа солди жаҳонга.  
Гўё йўлидаги барча тўсиқ — ғов  
Тақдирнинг бешафқат қўллари билан  
Бир лаҳзада юлқиб ташланган эди.  
Ва бу қаҳқаҳадан совуқ бир ларза  
Тушди Зулфизарнинг нозик дилига.

### III

Самарқандни қураар оқсоқ жаҳонгир,  
Якто бўлсин дейди бу ер юзинда.  
Шаҳрим жаҳон ичра ўзи жаҳондир,  
Унинг тожи бўлсин дер «Шоҳи Зинда».  
Иморат юксалар, самовий ранги  
Жаранглаб қалбингда бергудай садо.  
Тусин ўзгартолмас замонлар чанги,  
Мангуликка турар худдики само.  
Тошлар сўзга кирар, яшнайти нақшлар,  
Қўли гул меъморлар бунда бўлмиш жам,  
Ўзбекий баҳори қувонч бағишлар,  
Санъатин тиккандир арабу ажам.  
Меъморлар келишган Насафдан, Кешдан,



Бухородан келган неча монийлар,  
О, бу хил санъатни кўрмаган ҳеч-да  
На-да сосонийлар, на сомонийлар.  
Темур мағрур боқар мақбарлар сари,  
Дунё подшолари кўрсин савлатин.  
Бу, ахир Темурнинг буюк асари,  
Кўрсатсин жаҳонга унинг сарватин.  
Бунда одам деган қайнайди гиж-гиж,  
Юзлаб мардикорлар тер қуйиб ишлар.  
Биров тупроқ ташир, биров элтар гишт,  
Биров зиналарга пардоз бағишлар.  
Бунда сангтарошлар, яна наққошлар,  
Ганчкорларнинг қўли тегмайди қўлга.  
Кошинми, муқарнас, кунгурадир ё  
Гумбаздир — барида маҳорат ўти.  
Бир ёнда ишлашар ҳиндий усталар,  
Бир ёнда арабдан асир юзлаб қул.  
Эроний наққошлар пардозда зариф.  
Тошкенту Андижон, Бухорою Кеш  
Асил фарзандларин йўллаган бу ён.

Мингларнинг кўз нури, пешона тери  
Азим иншоотга сингар кунба-кун.  
Узлуксиз икки ёз, икки қишдирким,  
Зайниддин бу ерда соҳиби ҳунар.  
Бутун вужудини, меҳру ишқини  
Нақш тимсолида айлар ифода.  
Баланд ҳавозада, юксак пештоқда  
Эртадан то оқшом тош қотган йўсин,  
Зайниддин гўзал бир чаман сувратин  
Тошга туширмоқда бу нозик санъат  
Тоғда игна билан қудуқ қазмоқдан  
Мураккабдир, бунга шак йўқдир мутлақ.  
Тобора ярақлаб бормоқда пештоқ,  
Дардли қалб, соғинчу ҳижрон ҳислари,

Висолга умиднинг эзгу ишончи  
Омухта бўларак барча рангларда,  
Уйғун бир санъатда топмоқда сайқал.  
Ажнабий усталар бармогин тишлаб,  
Унинг санъатидан узолмаслар кўз.  
Бу ажиб хаёлий эртак олами  
Шаҳр аро овоза бўлган тамоман.  
Инсонда улуғ бир фазилат мавжуд:  
Қураркан биноми, кўприкми, гумбаз,  
Ё чинор улғайиб, яратурми боғ,  
У фақат ўзлигин, ўз даврин эмас  
Келажак авлодни ўйлагай кўпроқ.  
Баланд ҳавозада Зайниддин танҳо,  
Уйлар на тушликни, на қултум сувни,  
Лаҳзалик ҳордиқни этмайди хаёл.  
Юрак-юрагидан қалққан бир ғазал  
Фақат лабларини пичирлатар гоҳ:  
«Меҳру ишқим ёғдусин тошларга  
нақш этмоқдамен,  
Бу нақшларга юрак қонимни  
бахш этмоқдамен.  
Зулфизар ёр меҳри қалбимда  
шижоат қўзғатиб,  
Севгию санъатда Моний бирла  
бахс этмоқдамен.  
Эй, санам, уққил бу дostonимни,  
сендан илтимос,  
Неки дил ичра ниҳондир, сенга  
арз этмоқдамен».

Пастда қистайдилар унинг дўстлари,  
Бир пиёла чойга, лаҳза ҳордиққа.  
Лабларда ним кулгу, шикаста ҳолат,  
Кўзларда ҳорғинлик, маъюс бир нидо,  
Тушиб келар экан баланд пештоқдан,

Дўстлар оғушида енгиллик сезар,  
Таскин топган янглиғ барча ҳасрати,  
Дўстларга аламли қалбин ёраркан,  
Кўз олдида турар ул нозли сиймо.  
Сарвдай бўйлари, қийғоч қошлари,  
Нурдай тиниқ чеҳра, садафдай тишлар,  
Эҳтиросли кўзлар, покиза хаёл,  
Ақлининг ялт этган кескир ёғдуси,  
Гоҳ маъюс, гоҳ қувноқ, дилбар қиёфа,  
Севгидан йўғрилган ул оташин жон —  
Йигит вужудини тўлдирар бир зум.  
Ҳамон кўз олдида ўшал дақиқа:  
Ҳижрон асносида учрашилган он,  
Ўйнаб сочларининг учин оҳиста,  
Жовдираб боққани, айтган сўзлари:  
«Мангу топширганман сизга қалбимни,  
Севгимни покиза сақлашдир аҳдим».

Севги! Бул қудратнинг қайдин келмоғин,  
Жунбуш қўзғамоғин юракда, жонда  
Ҳали бирор доно аён этмаган,  
Ҳали бирор ҳаким этмаган ифшо.  
Жунун саҳросида йиғлаган Қайсни,  
Кўҳқан Фарҳоднинг аччиқ қисматин  
Қачон, ким тушунган? Ва ёхуд қайси  
Аллома мукамал таважжуҳ ила  
Талқин эта билган қайси замонда?  
У инсон фарзанди жисму зорида  
Туғёнлар яратган буюк туйғуким,  
Барча авлодларнинг силсиласида  
Янгича бир қудрат, янги барқ билан,  
Бўлак хислатларда, бўлак оҳангда,  
Янги ранглар билан туғилгай мудом.  
Ойма-ой, кунба-кун, соатма-соат  
Сўнгги нуқтасига етмоқда пардоз.

Нақшларнинг ложувард, нилий балқиши,  
Пистақий, напармон шўх ранглар ичра  
Зайниддинлар қалбин сирли олами  
Тобора ярқираб элитар кўзни.

Олис эмас ул кун, эртами-индин,  
Жавоб тегиб қолгай Зайниддинга ҳам.  
Марҳамат қилишса аъёну кабир,  
Марҳамат қилса гар қудратли сарой,  
Адолат деган гап бўлса дунёда  
Сўнгра Бухорога, Зулфизар томон  
Қушдай парвоз этгай қанотни кериб.  
Устод этагини ўпгайдир мамнун,  
Кекса волидасин шод этгай беҳад.

Бир пиёла чойни яйратиб танга,  
Висол умидидан тўлқинланиб жон,  
Энг сўнги жилою сўнги тарх учун  
Яна ҳавозага юксалар наққош.

Тонгдан ногораю карнай гумбури  
Самони ларзага солгудек баланд.  
Кўчаю томларда беҳад оломон,  
Сарбозлар тагида гижинг тулпорлар.  
Саркорлар эғнида ёниб банорас,  
Мунаққаш пештоққа интилар ҳамма —  
Еттидан то етмиш аҳли Самарқанд,  
Бунда меҳмонлар кўп: Румдан, Хитодан,  
Олис Московия, Ироқу Эрон —  
Элчиси, сайёҳи, тижорат эли  
Ҳайратда боқурлар бу гулистонга.  
Бу чиндан замона мўъжизасидир,  
Гўё асрларнинг танҳо кутгани.  
Бу беқиёс санъат, зумуррад дунё —  
Олам салтанатин гултожи гўё.

Саройда кутилар улугвор базм  
Ушбу воқеотнинг шон-шарафига,  
Саркор Зайниддинни чорлаб ёнига,  
Шаънига ёғдириб лак-лак тасанно,  
Буюк бир илтифот қилди намоёиш.

### С а р к о р

Иним, бу санъатинг оламда машҳур,  
Мамнундир ишингдан подшоҳи олам,  
Беҳад марҳаматлар кутмоқда сени,  
Нимаyki истарсан, бўлгай муҳайё.  
Қандоқ мукофотни орзу қилурсен,  
Саховатин сендан аямас сарой.

### З а й н и д д и н

Ташаккур, қўлимдан келган ҳунарни  
Мен ушбу даргоҳдан дариг тутмадим.  
На шуҳрат, мукофот, на юксак амал,  
На олтин жилоси мени этди лол.  
Устодим санъатин, элнинг санъатин,  
Нимаyki улусдан олган эсам гар,  
Барчасин сидқидил изҳор этмакни  
Мақсуд қилган эдим, агар шу истак  
Рўёб топган эса мовий пештоқда —  
Шудир юракдаги олий муддаом.  
Фақат бир илтимос — ёлғиз тилагим,  
Бухорога қайтмоқ бахтини тезроқ  
Менга бахш этсангиз — олий мукофот.

Саркор мийиғида жилмайиб қўяр:  
«Бунча камтарона олижаноблик,  
Кулиб турган бахтдан юзни ўгирмоқ,  
Ё тангрим, антиқа бандаларинг бор».

### С а р к о р

Хайр, бу марҳамат кўп қиммат эмас,  
Ҳеч ким сени тутиб қолмайди, йигит.  
Бу ишда кафолат бергумдир аниқ.

### З а й н и д д и н

Ташаккур, унутмам бу яхшилиқни,  
Мартабангиз бўлсин яна улуғвор.

### С а р к о р

Бу кеч сен саройга мукаллиф бўлдинг.  
Иштирок этурсан базми олийда.  
Бино интиҳоси шунда бўлур қайд.  
Сўнгра истагинга албат етурсан,  
Яна Бухорога қайтиб кетурсан.

## IV

«Боғи беҳишт» аро улуғ тантана.  
Дабдабали базм этмоқда давом.  
Тўрда, тилло тахтда салобатли шоҳ,  
Адраслар, кимхоблар ёнади рангин,  
Эроний гиламлар қондай қип-қизил.  
Бунда аёнлару соҳиб девонлар,  
Бунда кибру ҳаво, салтанат, қудрат.  
Таманно хонимлар уст-бошида

Дурлар, жавоҳирлар бебаги ял-ял.  
Меҳмонлар ўлтирар етти иқлимдан,  
Бу ҳашам кўзларни қамаштирар шўх.  
Биллур косаларда кўпиради май,  
Чехраларга қалқар кайфнинг ёқути.  
Қанча мулозимлар ҳар хизматга шай.  
Мармар ҳовузларда фаввора сачрар,  
Товуслар хироми зар деворларда.  
Наю даф, сетору уд билан гижжак  
Лаҳза тиним билмас, куй устига куй,  
Гоҳ хазин, гоҳ янгроқ наволар ёйиб,  
Қанча моҳир машшоқ, қанча ғазалгўй,  
Оҳангни юксалтиб само тоқига,  
Бағишлар базмга сирли жилолар.  
Шифтларда шингарфу зангор ёғдуси,  
Юмшоқ ўриндиқлар, бахмал пардалар...  
Тўлғана-тўлғана неча раққоса,  
Чулғана-чулғана белларга сочлар,  
Майин хиром айлар ёниб, ўртаниб,  
Арманий, озарий, қоши қийғочлар.  
Даврага тушади ҳиндий гўзаллар,  
Араб хушрўйларин мақоми бўлак.  
Куйга куй уланар, рақсга рақс,  
Хумор нигоҳларда ҳирс тўлқинлари.  
Ушбу базм аро Зайниддин ҳам бор.  
Бир четроқ, қовушмай бунча ҳашамга,  
Ғалат бир мамнунлик чулғаб дилини,  
Ўлтирар, кўнглида бўлак тўлқинлар.  
Овчидан қутулган бир оҳу каби,  
Тузоққа чап берган бир шаҳбоз мисол,  
Эртанинг умиди ёритиб қалбин,  
Бухоро, Зулфизар хаёлидан маст,  
Бетоқат, безовта ўйлар билан банд,  
Кутар бу маросим ниҳоясиши.  
Қаранг-а, нечоғлик буюк марҳамат,  
Саройда меҳмондир оддий бир наққош!

Юз минглаб ғариблар, йўқсил, муҳтожлар,  
Толон-торож мулклар елкаси узра  
Қад чеккан саройнинг бунча Ҳашами  
Наҳот Зайниддинлар шаънига эмас?!  
Базм авжда борар. Чўғ гиламларда  
Майин сирғалади нозли дилбарлар.  
Ўкинчли чеҳралар табассумида  
Совуқ урган гулнинг сўнгги балқиси...  
Баногоҳ янграйди Бухоро савти,  
Маънос садоларда бир дунё фиғон.  
Даврага киради гўзал раққоса,  
Бастига чирмалмиш оқ ҳарир либос,  
Сочларнинг паришон мавжлари аро  
Қуюқ тун зулмати қотгандир гўё.  
Қизнинг кўз қараши ниҳол қаддида  
Қаноти қайрилган шикаста қушнинг  
Дардли изтироби, унсиз фарёди.

Во ажаб! Ким бўлди бу дардли барно?  
Наҳот, ўша лаблар, ўша қошлар бу,  
Наҳот, ўшал кўзлар, ўшал ишорат?  
Зайниддин вужудин чақмоқдек тилиб,  
Бир мудҳиш иштибоҳ ўтар ларзакор.  
Ё тангрим, яратган оламинг ичра  
Яна қандоқ даҳшат ўйинларинг бор?!

Йўқ! Ортиқ шубҳага йўқ зарра ўрн,  
Туш эмас, ўнгдир бу. Хаёлмас — ҳаёт.  
Дафъатан жойидан даст қалқди наққош,  
Даврага отилиб чиқди дафъатан.  
Ажаб бу ғулудан танг қотмиш сарой.

### З а й н и д д и н

Зулфизар! Азизам! Сен қайдан бунда?  
Наҳотки, сенсан бу? Ва ёким тушим...



## Зулфизар

Туш эмас, азизим, сизга етказган  
Эгамга минг бора ташаккур бўлсин.

## Зайниддин

Нечук бу ҳолатга тушдинг, Зулфизар?

## Зулфизар

Ёвузлар банди дом этдилар мени.

## Зайниддин

Қайси гуноҳингга, не айбинг учун?  
Нечук йўл бердилар бу ишга устод?

## Зулфизар

Айбимни билмадим... Сизга ишқимни  
Қишандек урдилар оёқларимга.  
Билмаслар, севгига қафас чикора...  
Йиғлай-йиғлай куйиб, мўйсафид отам  
Кўпдан тарк этдилар сўқир дунёни.

## Зайниддин

Ё раббий, сени бу кўйга солган ким,  
Қанотинг синдирган қайси бир иблис?

## Зулфизар

Ул иблислар ана! Ана сайёдлар!  
Номус ўғрилари, зулматпешалар!  
Шоҳига бурканган кир вужудларнинг  
Маст-аласт тўдаси, мана, қаршимда!

Ғазабнок тўлганар ширакайф сарой,  
Ғижирлаб кетгандай бўлади тахт ҳам.  
Ажаб қайдан келди бу шаккок гадой,  
Эгасин қопармиш итни сийласанг.

Зайниддин кўз солар аҳли аёнга,  
Минг йиллар кекини жамлаган нигоҳ  
Бир-бир кесиб ўтар олмос тиг янглиғ  
Нопок сийналарни. Машъум Самандбек  
Зулфизар васлига бўлолмаи молик  
Палид бир тубанлик кемириб жисмин,  
Қизни сотган эди қонли саройга.  
Ана, унинг ўзи! Аёнлар аро,  
Заррин этикларнинг ўкчасин ўлиб,  
Қора илон янглиғ чирмалиб тахтга,  
Бунда рутба топган қўсқи бир виждон.

Қабиҳ ўч-аламнинг, фисқ-фасод ҳиссин  
Қурбони Зулфизар мраммар ҳайкалдек,  
Зайниддинга боқиб тош қотган эди.

## Зайниддин

Эй, менинг малагим, нозли фариштам,  
Юр, тезроқ кетайлик, жоним, бу ердан.

## З у л ф и з а р

Таассуфлар бўлсин, азиз Зайниддин.  
Сизга ёр бўлмоғим энди маҳолдир.

## З а й н и д д и н

Нега? Нима учун? Не деярсан?

## З у л ф и з а р

Мен номус, иффати, шаъни топталган  
Бечора кимсаман, ўлимга маҳқум.

## З а й н и д д и н

Қўй, ёмон ниятни, ҳар бир ҳолатда  
Сен менга тегишсан, менинг тақдирим!

## З у л ф и з а р

Мен заҳар ичганман. Оғу қудрати  
Ўзини мукаммал кўрсатди энди.  
Тонгла маҳшаргача алвидо, йигит!  
Етди жудоликнинг фурсати энди...

Гидамга қулади нозик навниҳол,  
Шарт кесилган гулдек, ё тез ўчган шам.  
Гўё бу оламни зулумот босиб,  
Йўқлик гирдобига шўнғиди олам.  
Зайниддин фарёди ўртаб жаҳонни,  
Қизнинг боши узра йиғларди зор-зор.  
Билинг, ёруғ олам — олам эмасдир,

Балки бошдан-оёқ қўрқинчли мозор...  
Вужудин тамоман этмишди карахт,  
Авжига минарак мудҳиш қаҳқаҳа —  
Ғолиб Самандбекнинг шум тантанаси.  
Чақмоқдан чарс куйди азим бир дарахт,  
Дарахтмас, кул бўлган наққош танаси.  
Шундай якун топди буюк муҳаббат,  
Бир лаҳза ярқ этиб, гўё йўқолди.

Лекин нақшлар аро қон-ла битик хат:  
«Амали Зайниддин» деган ном қолди.

Кўрар бу санъатни яқин-йироқлар,  
Бу санъат ҳам орзу, ҳам шикоятдир.  
Қуёшга кўкс урган мовий пештоқлар  
Аламли севгидан бир ҳикоятдир.

# МУНДАРИЖА

## Йиллар дафтарида

Тўнғич . . . . .	5
Тўртлар қиссаси . . . . .	7
Эрк ороли . . . . .	9
Бирлик . . . . .	11
Аёл қалби ҳақида шеърлар . . . . .	12
Водийларда кезади баҳор . . . . .	14
Фасллар . . . . .	16
Ирмоқ ва дарё . . . . .	18
Ойдин, фароғатли . . . . .	20
Гўзаллик ва ўқ . . . . .	21
Рассом . . . . .	23
Вулутлар тўп отар . . . . .	25
Зафар қўшиғи . . . . .	27
Калькуттада, Тагор . . . . .	28
Қор бу қиш . . . . .	29
Илм . . . . .	31
Ишчи сўзи . . . . .	33
Бепоен чўл бағрида . . . . .	37
Жимжит сокин кечада . . . . .	38
Исфайрам соҳилида . . . . .	39
Уқилмаган китоб . . . . .	40
Навбаҳор . . . . .	41
Уландан сўр . . . . .	43
Қурултой туйғуси . . . . .	45
Томчининг саргузашти . . . . .	48
Одамнинг одам бўлиб . . . . .	53
Эски ақида . . . . .	54
Бугун уйимизда иккита меҳмон . . . . .	55
Болаликка қайтиш . . . . .	57
Афғон қўшиқчи қизларига . . . . .	59
Ховлида ҳалиям қор уюмлари . . . . .	60
Қай миллат, қай элга бўлмасин мансуб . . . . .	61

Минг ёш . . . . .	62
Бир дафтар узатдим . . . . .	64
Тўртликлар . . . . .	65
1980 . . . . .	66
Икки бойлик бор инсонда . . . . .	68
Қирқ идишда қирқ дору . . . . .	69
Орзу . . . . .	71
Умрини гафлатда ўтказди . . . . .	73
Тўриқ отда, саман отда . . . . .	74
Бордир ҳар бир касбнинг . . . . .	75
Бесарамжон бу жаҳон ичра . . . . .	76
Минг китоб сўзлар керак . . . . .	78
Кўзингдан . . . . .	79
Чулдираб сайрайди . . . . .	80

### Достонлар

Иўлдаги ўйлар . . . . .	83
Қишлоқдаги ҳайкал . . . . .	105
Толимаржон достони . . . . .	118
Сашка (М. Ю. Лермонтовдан) . . . . .	137

### Пьесалар

Ўжарлар . . . . .	179
Тўйдан олдин томоша . . . . .	253
Йиллар ўтиб ёҳуд «Ўжарлар» тақдири . . . . .	317
Чўл чақмоғи . . . . .	365
Муҳаббат наққоши . . . . .	416

На узбекском языке

ДЖУМАНИЯЗ ДЖАББАРОВ

Избранные произведения в 2-х томах

ТОМ II

Стихотворения,

поэмы,

пьесы,

переводы

Редактор *Ж. Насриддинова*

Рассом *Ю. Габзалилов*

Расмлар редактори *Э. Бобров*

Техн. редактор *Э. Саидов*

Корректорлар *М. Абдусаломова, Ш. Сослова*

ИБ № 1575

Босмахонага берилди 17.02.81. Босишга рухсат этилди 05.06.81. Формати 70×108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Босмахона қоғози № 1. «Мактаб» гарнитура. Юқори босма. Шартли босма л. 19,60. Нашр. л. 17,43. Тиражи 10 000. Заказ № 1388. Баҳоси 2 с. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат Комитетининг Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмаси. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Жабборов, Жуманиёз.

Сайланма: 2 жилдлик.—Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти  
1981.— 2-жилд. Шеърлар. Достонлар. Пьесалар. 448 б.

Таниқли ўзбек совет шоири Жуманиёз Жабборов «Сайланма»синин ушбу иккинчи жилдига турли йилларда ёзилган шеърлар, достонла драматик асарлар ва таржималардан намуналар киритилди. Улар орасида «Йўлдаги ўйлар», «Қишлоқдаги ҳайкал», «Ўжарлар», «Тўйдан олди томоша» каби асарлар бор.

Джаббаров, Джуманияз. Избранные произведения. В 2-х  
Т. 2. Стихотворения. Поэмы. Пьесы:

Уз.